

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Бахтиёр ОМОНОВ

ЖАМИЯТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

Монография

ТОШКЕНТ
АЛОҚАШИ
2019

УЎК: 361.3

КБК: 60.5

О - 80

Омонов Б.А. Жамиятни модернизациялашнинг концептуал асослари. – Т.: “Aloqachi”, 2019. – 208 б.

Сиёсий фанлар номзоди Бахтиёр Омоновнинг “Жамиятни модернизациялашнинг концептуал асослари” монографияси “Сиёсий модернизациялаш моделлари ва Ўзбекистон тажрибаси” (2012) номли китобининг мантикий давоми. Муаллиф янги китобида Ғарб ва Шарқда сиёсий модернизациялашнинг асосий мезонлари, ишлаш механизмларини ёритади, бу жараёнда жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларида юзага келадиган инқирозлар, ички ва ташқи таҳдидларни кўриб чиқади.

Монографияда Европа, Лотин Америкаси, Марказий, Жануби-шарқий Осиё ва постсовет мамлакатларида кечаётган мураккаб модернизациялаш жараёнларининг сиёсий-фалсафий жиҳатлари таҳлил этилиб, бу борада илмий хулосалар чиқарилган.

Китоб олий ўқув юртлари талабалари, катта илмий ходимлар, тадқиқотчилар, профессор-ўқитувчилар ва сиёсий модернизациялаш масаласига қизиқувчи кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

УЎК: 361.3

КБК: 60.5

Масъул муҳаррир:

С.О.Отамуродов, ф. ф.д., профессор.

Такризчилар:

Н.Қ.Жўраев – с. ф. д., профессор;

Х.Ф. Ҳайдаров – ф. ф.д., профессор;

В.Ҳ.Қўчқоров – с. ф. д., профессор.

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Илмий-техник кенгашининг 2019 йил 30 майдаги баённомасига асосан, нашрга тавсия этилган.

ISBN 978 – 9943 – 5896 –7 – 4

© Б.А.Омонов, 2019.

© “Aloqachi” нашриёти, 2019.

КИРИШ

Ҳозирги даврда сиёсий-маънавий ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларда юз бераётган глобал ўзгаришлар жамиятнинг тараққиётига турли даражада ўз таъсирини кўрсатмоқда. Шунинг учун жамиятни модернизациялашни давлат сиёсати, иқтисоди, диний эътиқоди, маданияти, анъаналари, менталитети мамлакат стратегиясини таъминлашдаги ўрнини тизимлилик нуқтаи назаридан тадқиқ этиш долзарб муаммо ҳисобланади. Демократик давлат ва фуқаролик жамияти шаклланаётган, бозор муносабатларига ўтилаётган бир даврда, мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини ошириш, давлат бошқарувидаги иштирокини кучайтириш, жамоатчилик назорати тизимини ташкил этиш усуллари ишлаб чиқишга ва такомиллаштиришга бўлган эҳтиёж ва талаб ортиб боради.

Жаҳонда ижтимоий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда интеграллашув ва глобаллашув жараёни кучайган пайтда жамиятни модернизациялаш йўналишида тўпланган муаммоларни таҳлил этиш ва концептуал моделларини ишлаб чиқиш, демократик ривожланиш жараёнларини сиёсий-фалсафий таҳлиллаш ва уни бошқариш тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сиёсий модернизациялаш тизимини такомиллаштириш, глобаллашув жараёнида жамиятни ислоҳ этишнинг аниқ мезонларини белгилаш бўйича ривожланган давлатларда кўзга кўринарли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шу боисдан Президентимиз “Давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига баҳо беришда қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қандай ҳимоя қилинаётгани, уларга давлат хизматлари кўрсатишнинг сифати ва очиқлиги биз учун энг асосий мезон бўлиши шарт. Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак”¹, деди.

Бугунги кунда сиёсий ислохотлар жараёнини, жамиятни модернизациялаш муаммоларини аниқлаш ва концептуал моделларини ишлаб чиқиш, демократик ривожланиш жараёнларини сиёсий-фалсафий жиҳатдан қиёсий таҳлиллаш ва уни бошқариш тизимини такомиллаштириш муҳим масаладир.

¹ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этайлик. – Т.: Ўзбекистон, 2016. – Б. 21.

Илмий адабиётларда “модернизация” – замонавийлаштириш, янгилаш, замон талабига мос такомиллаштириш маъносида ишлатилади. Модернизациялаш масаласини ўрганишга бўлган қизиқиш хорижий мамлакатларда ва Ўзбекистонда йилдан йилга ортиб бормоқда. Глобал жаҳон муаммолари шароитида масалани сиёсатшунослик нуқтаи назаридан ўрганиш муҳим илмий-сиёсий аҳамиятга эга. Бугунги кунда жамиятни модернизациялашнинг назарияси ва амалиётини ўрганишда муайян муаммолар тўпланиб қолганлигини ҳам таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Ўзбекистонда жамиятни модернизациялаш тушунчаси моҳияти, концептуал асослари тўғрисидаги маълумотлар тизимлаштирилмаган, унинг долзарблиги, зарурияти илмий тадқиқ қилинмаган; жаҳондаги ривожланган давлатларнинг жамиятни модернизациялаш концепцияси ва замонавий моделлари ҳақида илмий тадқиқотлар олиб борилмаган. Шу билан бирга, эълон қилинган илмий ишларда модернизациялашнинг мамлакатлар иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётига ижобий ва салбий таъсири, унинг жамиятни янгилаш, ислоҳ этишдаги роли масаласида бири-бирига зид фикрлар илгари сурилмоқда. Кейинги йилларда Жануби-шарқий Осиё (“Осиё йўлбарслари”) давлатларида сиёсий модернизациялашнинг афзаллиги ёки салбий оқибатлари ҳақида маълум вақт ўтгандан кейин кечикиб хулосалар чиқарилмоқда. Ғарбона кадриятларни халқнинг тайёргарлигисиз ўзлаштириб, инқирозларни бошидан кечираётган баъзи Лотин Америкаси ва Араб мамлакатларида ички зиддиятли курашлар юзага келмоқда. Шу сабабларга кўра, ўзбек олимлари олдида мазкур долзарб муаммони махсус ўрганиш ва илмий хулосалар чиқариш кун тартибида турибди.

Модернизациялашнинг барча мамлакатлар учун ягона модели бўлмайди. У халқнинг менталитети, узок вақт давомида шаклланган миллий кадриятлари, урф-одатлари, дунёқарашларининг ўзига хослиги, айти пайтда, давлатнинг иқтисодий имкониятлари ва тараққиёт даражалари ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилади. Бу ишни барча мамлакатларда бир вақтда ва бир хил даражада амалга оширишнинг имкони мавжуд эмас. Чунки, бунинг учун соҳаларда даражалар турли-туман, ҳаттоки уларнинг айримларида баъзи йўналишларда зарур бўладиган имкониятларни модернизациялаш жараёнида излаб топишга тўғри келади. Бундай шароитда белгиланган ишлар занжиридаги **асосий халқани** топа

билиш талаб этилади. Мураккаб кечаётган глобаллашув шароитида шу халқани боғлаш миссияси ҳозирда маънавиятнинг зиммасида турибди.

Монографияда Европа ва Осиёдаги етакчи давлатлар – Буюк Британия, Англия, Франция, Германия, Туркия, Хитой, Япония, Ҳиндистон, Россиядаги кўп асрлик модернизациялаш жараёнлари қиёсий ўрганилган, жаҳон мамлакатларидаги сиёсий модернизация моделлари асосий хусусиятлари очиб берилган; Ўзбекистонда иқтисодий-сиёсий соҳадаги ислохотлар самарадорлигини таъминлашда модернизациянинг тутган ўрни асосланган. Энг муҳими, республикада сиёсий модернизациялаш масаласи тизимли шаклда сиёсий-фалсафий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Модернизация тўхтамайдиган цивилизацион жараён бўлиб, у сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маърифий соҳалардаги чуқур ўзгаришларни таъминлайди, яратувчанлик ғояларини ишлаб чиқишга замин ҳозирлайди, шунингдек, фуқароларни кенг фикрли, фаол, давлатни эса рақобатбардош бўлишга даъват қилади.

Жамиятни модернизациялаш асослари, унинг назарияси ва амалиёти ҳақида ёзилган мазкур китоб олимлар, сиёсатшунослар, амалиётчилар ҳамда кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотишига ишонамиз.

Тадқиқот натижаларидан сиёсий партиялар, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, ОАВ, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятини такомиллаштиришда, аҳолининг фаол иштирокини таъминлаш механизмлари, технологияларини ишлаб чиқишда, жамиятни ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий жиҳатдан модернизациялашда назарий манба сифатида фойдаланиш мумкин.

БИРИНЧИ БОБ. ЖАМИЯТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

1.1. Модернизация тушунчаси мазмун-моҳияти ва фуқаролик жамияти ривожига аҳамияти

“Модернизация” (фран. *moderisatio*, *modere* – энг янги) замонавий талабларга мувофиқ ўзгариш ва такомиллаштириш маъносини билдиради. Гап нафақат саноат-техника тараққиёти, балки инсоннинг дунёқараши, унинг методологик ёндошуви, тафаккур услублари, ҳатто турмуш тарзи ўзгариши билан белгиланади. Бу тамойилларнинг тубдан ўзгариши инсон томонидан қўлланилаётган тушунчалар, концепцияларнинг ўзгаришига олиб келади.

Бизга маълумки, ҳар қандай жамият ҳаётида сиёсий ривожланишни тадқиқ этиш учун турли хил назарий-методологик ёндашувлар танланади. Ҳозирги даврда модернизация парадигмаси орасида формацион, цивилизацион ёндашувлар алоҳида аҳамият касб этади. **Модернизация – ўта мураккаб сиёсий жараён.** Унда ўзгаришлар инсон ва жамият фаолиятининг барча соҳаларида рўй бериши натижасида янги тушунчалар, тамойиллар ва ёндашувлар ҳам янгидан шакллантириб борилади.

Ўзбекистонда модернизация тузилмасининг структуравий-функционал таркиби мустақил илмий тадқиқот мавзуси сифатида комплекс-тизимли ўрганилмагани бу соҳага қизиқишни кучайтиради. Баъзи илмий тадқиқотларда, дарслик ва ўқув қўлланмаларда модернизацияга муқобил қарашлар берилган бўлса-да, бугунги кунгача унинг ягона тузилмаси, жамиятни модернизациялаш тушунчасининг моҳияти ва мақомини белгиловчи мезонлар ишлаб чиқилмаган. Илмий адабиётларда ҳам унинг мазмуни турлича талқинда берилмоқда. Мисол учун “Фалсафа қомусий луғати”да тушунчага умуман таъриф берилмаган.

Модернизация нима, деган ҳақли савол туғилади. Бунинг илмий талқинлари жуда кўп. Ғарб ва Шарқ мамлакатларида унга муносабат ва қарашлар турлича. Шулардан келиб чиқиб, биз умумий таърифни келтирамиз: **“Модернизация деганда аграр**

(анъанавий) жамиятни индустрлаштириш, ижтимоий-иқтисодий тузумни трансформациялаш тушуниб, бу жараёнда давлат тараққиёти ижтимоий-иқтисодий концепциясини қайта кўриб чиқиш, инсон ҳуқуқ-эркинликларини янги норма, стандартлар асосида таъминлаш, шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатлар тизимини янгича, замонавий ёндашувлар асосида шакллантириш кўзда тутилади”.

Бу сиёсий жараён нима мақсадда амалга оширилади? Албатта, биринчи навбатда, унга катта эҳтиёж туғилади, тобора шиддатли тус олаётган глобаллашув ҳам унга туртки бериб, жараённи тезлаштириб юборади. Асли **модернизациялашдан кўзланган мақсад:** анъанавий турмуш тарзидан замонавий жамиятга ўтиш, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланишда юқорироқ босқичга эришишдан иборат.

Модернизациялашнинг янги тарихи XVIII асрда Европа мамлакатларида ихтироларнинг яратилиши, инсон фаолиятига илмий, муҳандислик билимларининг кириб келиши ва улардан фойдаланиш маҳсули сифатида дунёга келган. Бу атама асосан, XX асрнинг ўрталарида илмий таомилга киритилди. **Модернизация назарияси 1950-1960-йилларда АҚШ университет таълимида Т. Парсонс, Р. Мертон томонидан дастлаб илгари сурилган эди.** Унинг асосчилари таниқли америкалик мутахассислар С. Липсет, Ф. Ригге, Д. Энгер, Р. Уарт, С. Хантингтон бўлишган. XIX аср 80-йилларида модернизациялаш назарияси қайта кўриб чиқилиб, у ривожланишнинг шарти эмас, балки функцияси сифатида қаралди. Унда кўпроқ ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий тузилмаларни ўзгартириш устувор мақсад, деб қабул қилинди.

Фақат XX асрнинг 90-йилларига келиб, Хитой, Япония, Малайзия, Сингапур каби давлатларнинг жадаллашган моделлари олимлар томонидан эътироф этила бошланди. Мазкур жараёнга ўтишда “моддий ва маданий бойликлар тақсимоти”, “ўхшашлик”, “легитимлик” каби инқирозлар содир бўлиши тан олинди. Демак, инқирозларни енгиб ўтган халқ ва давлатгина бу жараёнда ютиб чиқади ва фаровонликка эришади...

Модернизациянинг “кувиб боровчи”, “жадаллашган”, “такрорланувчи” номли моделлари мавжуд. Биз китобнинг алоҳида бобида мазкур моделларнинг сиёсий-фалсафий моҳиятини бирма-бир ўрганиб чиққанмиз. Модернизация парадигмаси (андозаси)

доирасида кўпдан-кўп назарий-методологик ва хусусий фанларга асосланган ёндашувлар яратилган. Шарқ мамлакатлари янгича моделларни “кашф” этганидан кейин уларда Ғарб турмуш тарзини мажбурий қабул қилиш эмас, балки уйғунлашган жамиятни қуриш имкони вужудга келди.

Илмий манбаларда сиёсий тизимлар алмашинуви ва бир шаклдан иккинчи шаклга ўтиш даврида ривожланишнинг учта моделларидан бирини танлаш зарурлиги тилга олинади.

Биринчиси, классик йўл (модель) деганда, инсоният демократик тараққиёт йўлига ўтишнинг дастлабки шакли ва унинг дунёдаги кўпчилик мамлакатлар тараққиётида самара берганлиги асосидаги андоза тушунилади. Унинг характерли жиҳати шундаки, ташқи кучларнинг аралашувисиз, мамлакатнинг ички имкониятига таянган ҳолда, демократик жамиятга ўтилади. Бироқ, у узок тарихий босқични қамраб олади. Ўтиш даврида сиёсий тизимда бўҳронлар, инқирозлар рўй беради. Мисол учун Европада кўп асрлар муқаддам хусусий мулкчилик қарор топган эди. Иқтисодий соҳада хусусий мулкчиликнинг ривожланиши аҳоли аксарият қисмининг иш билан таъминланишига шароит туғдирди. “Аммо асосий моддий бойликнинг бир қисми одамлар қўлида тўпланиши, бошқаларнинг эса унга қарам бўлиб қолишлари мамлакат ички ҳаётида катта бўҳронлар, ҳатто фуқаролар урушини келтириб чиқариши мумкин, – деб ёзади профессор С. Отамуратов. –Бу жараён мулк эгаларининг аҳоли фаровонлигини таъминлаш томон қиладиган ҳаракатлари ўзининг самарасини бера бошлагунча давом этади”¹. Дарҳақиқат, замонавий корхоналар қурилиб, янги жойлари очилиши ва мулк эгаларининг моддий бойлиги кўпайиши сабабли ишлаб чиқариш ривожланади, аҳоли иш билан таъминланади. Мулк эгаларининг халққа қўл чўзиши туфайли фуқароларнинг фаровонлиги, демакки, мамлакатнинг иқтисодий юксалиши содир бўлади. Бу кетма-кетлик эса сиёсий ислохотларга йўл очиб беради. Аммо шуни таъкидлаш лозимки, хусусий мулкчилик кенгайган илк даврларда жамиятда табақалашув кузатилади. Аҳоли қуйи қатламнинг норозилиги кучаяди (“нотенглик”), демак, жамиятда демократик қадриятлар (плюрализм, тенг ҳуқуқлилик, толерантлик, эркинлик, очиқлик) кириб келгандан сўнг, турган гапки,

¹ Отамуратов С. Миллий ривожланиш фалсафаси. –Т.: Akademiya, 2005. – Б. 227.

фуқароларнинг сиёсий онги ва маданияти ўсиб боради, одамлар ҳақ-ҳуқуқларини талаб қила бошлайди. Демократик жараёнларнинг юзага келиши ва ўсиб бориши жараёни тезлашади. Лекин ушбу моделда муаммоларнинг кўпайиши, уларни ҳал қилишнинг мураккаблашуви, аҳолининг жараёнга мослашиши масалалари чўзилади.

Иккинчиси, демократик жамиятга ўтишнинг инқилобий йўли (усули). Бу йўлга ўтиш учун жамиятда хусусий мулк ҳуқуқи таъминланган, демократик кадриятлар шаклланган бўлмоғи лозим. Инқилобий ислоҳот эълон қилинганда, амалдаги ҳокимият тугатилиб, ўрнига демократик жараёнларни амалга оширишга қодир ҳокимият шакли инфратузилмаси яратилади. Иқтисодий ва сиёсий ҳаётда чуқур ислоҳотлар ўтказилиб, биринчи навбатда миллий валюта бекор қилиниши натижасида аҳолининг қўлидаги пул маблағлари ўз қийматини йўқотади. Сиёсий элита ва лидерлар жамиятни бошқарувчи куч бўлиб майдонга чиқиб, оммани ортидан эргаштиради. Халқ ҳокимиятдан кўра, уларга кўпроқ ишонади. Фуқаролар кузатувчи эмас, балки фаол, зийрак, курашчан шахсга айланади. Европанинг собиқ социализм тузумида яшаган Польша, Венгрия, Германия Демократик Республикаси, Болгария каби давлатлар ана шу йўлни танлашди.

Учинчиси, демократик жамиятга ўтишнинг эволюцион ёки босқичма-босқич йўли. Ушбу моделда янги лидер ҳокимият тепасига келиши билан эскилик қолдиқлари бир “зарба” билан тугатилмайди, балки босқичма-босқич тугатиб борилади, ҳатто уларнинг айримлари имкониятидан фойдаланилади. Янги муносабатлар тизими шаклланади. Ўзбекистонда 1991 йилда шу оқилона йўл танлангани сабабли, ўтиш даврида жуда кам талафотлар, инқирозлар кузатилганига гувоҳмиз.

Жамиятни модернизациялаш масаласини ўрганишда “**ўтиш даври**” **тушунчаси** муҳим ўринни эгаллайди. Ўтиш даврининг нимадан бошланиши ва қандай поёнига етиши масаласини сиёсат фалсафаси ўрганади. Бу ўта мураккаб босқич бўлиб, уни босиб ўтмай туриб, биронта мамлакат барқарор тараққиётга эриша олмаган, чунки айни шу босқичда барча соҳаларда барқарор тараққиёт учун зарур пойдевор яратилади. Аммо улар ўз-ўзидан юзага келмайди, балки мамлакатнинг тараққиёт даражаси, халқнинг менталитетидан келиб чиқиб, ўтишнинг мақбул назарий асослари ишлаб чиқилади.

Ўтиш даврининг барча мамлакатлар учун умумий андозаси бўлмайди. Ўтишнинг тайёр модели бўлмагани боис, у ёки бу давлат учун унинг самарали андозаси (модели)ни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш жараёни силлиқ амалга ошмайди, балки трансформациялашув жараёнида турли ички зиддиятлар ҳам юзага келади. Муаммолар ўз вақтида, тезкорлик билан ечилмаса, зиддиятларнинг олди олинмаса, аҳоли норозилиги кучайиб, фуқаролар уруши келиб чиқиши мумкин.

Бизга маълумки, **бозор муносабатлари – ўзини ўзи бошқарадиган тизим.** Бозор иқтисодиётини барпо этишдан кўзланган пировард мақсад инсоннинг меҳнат, ижодий ва маънавий имкониятларини рўёбга чиқаришни таъминловчи муносиб турмуш шароитини яратиб беришдан иборат.

Жаҳонда миллий ривожланиш жараёни модернизация парадигмаси доирасида турли хил нуқтаи назарлар асосида таҳлил қилинади. Сўнгги йилларда шаклланган ёндашувларда катъий детерминизмдан воз кечилиб, ғарб демократиясига чизиқли модел асосида эмас, кўп чизиқли модель – ривожланиш йўлида ўтиш имконияти илмий асосланди. Модернизация парадигмаларининг асосини ташкил қилган эволюционизм ва фундаментализм ёндашувларини чеклаш ҳисобидан макроижтимоий тизимлар таҳлилидан микроижтимоий жараёнларни тадқиқ қилиш имконияти илк марта эътироф этилмоқда. Бу назарияни Хитой, Сингапур, Малайзия давлатлари амалда исботлашди.

Илмий адабиётларда модернизация жараёнидаги ўзгаришлар ички ва ташқи (эндоген ва экзоген) таъсирлар натижасида пайдо бўлади, деган фикр ҳукм суради. Аслида ҳам шундай: миллат тақомилига таъсирлар ва таҳдидлар ҳам ички, ҳам ташқи тарафдан кузатилади. Булар эса реал борлиқнинг кенг қамровли ёндошувлар ёрдамида акс эттирилиши ва реалликка тадбиқ этиш доираси тобора кенгайганлигини билдиради.

Ўзбек олимлари мамлакатимизда модернизация жараёнларини ўрганишда “цивилизация”, “глобаллашув”, “миллий ривожланиш фалсафаси” каби тушунчаларни ишлатишади. Сиёсий модернизация ва жамият модернизацияси масаласи эса алоҳида мавзу ҳолида ҳозирга қадар тадқиқ қилинмаган.

Глобаллашув ва модернизациялаш бир-бирига яқин ва таъсир ўтказадиган тушунчалардир. Бугунги кунда глобаллашув ҳар бир мамлакатда фақат иқтисод соҳасини эмас, балки жамият

сиёсий тизими ва халқаро муносабатларни, ҳатто модернизациялаш тақдирини белгиловчи куч сифатида намоён бўлмоқда. Модернизациялаш–замонавийлашиш ва анъанавийликдан замонавий ҳаёт тарзига ўтиш жараёни. Глобаллашувнинг нуфузи ошганлиги аввало, Ғарбда илғор технологиялар, тадқиқот институтлари ва сиёсат билан белгиланади. Ахборот технологиялари, мобил тизимлари ривожланган сари глобаллашувнинг таъсир доираси янада кенгайиб бораверади.

“Модернизациялаш жамиятда ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий тузилмаларни ўзгартиришни кўзда тутди”, деган қарашлар мавжуд. Ғарб олимлари фикрича, у шахснинг ҳуқуқлари, эркинлиги ва маънавий эркинлигини, давлатнинг жамоатчилик назоратида бўлишини таъминлайди; шарқ олимлари назарида бошқарув шакллари узвийлиги, ҳокимиятни ташкил этишнинг асосий шакл ва тамойиллари сақланганлиги, жамиятда урф-одатлар, анъаналар ва жамоавий бирдамлик қадрланиши устувор бўлади. Демак, инсонга барибир танлаш имкони берилади. Дейлик, хитойлик тадбиркор АҚШ менежмент тизимидан унумли фойдаланади, аммо жамият ҳаётида, ҳатто миллий маҳсулотида хитой руҳини сингдиради. Япон, сингапур, малайзиялик фуқаро ҳам миллий рух, миллий гурурни юқори қўйгани боис, тараққиётда илгарилаб бормоқда...

XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI аср бошида модернизация тушунчаси моҳияти, мазмуни бўйича янги ёндашувлар пайдо бўлди. Ушбу долзарб масалани ўрганган Р. Дал, Г. Алмонд, Л. Пай бу жараёнда ўрта синфнинг пайдо бўлиши, таълим даражасининг ўсиши сиёсий ҳокимиятда жиддий ўзгаришлар ясашини, С. Хантингтон, К. Дойч, Х. Линдз қаттиққўл авторитар бошқарув, ҳукмрон партия бўлиши зарурлигини¹ илгари сурдилар. XX асрнинг 60-йилларида инглиз олими Ш. Эйзенштадт биринчи марта модернизациянинг содда таърифини топди: «Тарихий модернизация Ғарбий Европа ва Шимолий Америкада ўн еттинчи асрдан йигирманчи асргача ривожланган, кейинроқ барча Европа давлатларига тарқалган, ўн тўққизинчи ва йигирманчи асрларда Жанубий Америка, Осиё ва Африка қитъаларига кўчирилган ғоя

¹ Eisenstadt S.N. Modernization: Protest and Change. –Englewood Cliffs. – N.Y., 1966. –P.28.

бўлиб, у ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий тизимнинг жиддий ўзгаришига олиб келади»¹,–дейди у.

Д. Аптер, С. Блэк, С. Хантингтон, А. Турен, Ш. Эйзенштадт Лотин Америкаси, Осиё, Африкадаги сиёсий ривожланиш объектив қонуниятлари, мавжуд тенденцияларини ўрганиб, модернизациянинг катта истиқболи мавжудлигини исботлаб бердилар². Г. Спенсер, М. Хрох, Э. Хобсбаумларнинг тадқиқотларида³ шахс, давлат ва жамият муносабатлари ягона тизимга келтирилди.

Шарқ олимлари ва давлат арбоблари томонидан жамиятни янгилаш, ислоҳ этиш муаммоси махсус ўрганилган. Ўрта асрлардаги мусулмон Шарқдаги давлат арбобларидан бири **Низомулмулк (1018-1092)** “Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулк»” асарида (1091) шахс ва давлат тушунчасига эътиборни қаратади. “Жамиятда адолатни қарор топтириш ночор, иложсиз кишиларга молиявий кўмак бериш ва инсонларнинг ҳуқуқларига риоя қилишдир,–деб ёзади аллома.–Адолат арконлари орқали давлатда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилади. Шунинг учун давлат хизматчилари ҳар бир ишда оқсоқоллар, олимлар ва жамиятнинг мўътабар кишилари билан маслаҳатлашиб туриши лозим»⁴. Низомулмулкнинг қарашида адолатли давлат сиёсати жамиятнинг янгилинишига олиб келади, деган фикр ётади, бу эса европалик

¹ Қаранг.: Пугачев В., Соловьев А. Сиёсатшуносликка кириш. – Т.: Янги аср авлоди, 2004. – Б. 436-437.

²² Қаранг.: Apter D. The politics of modernization. –London, 1965; Black C.E. op.cit.; Huntington S.P. Political order in changing societies.–New haven, 1968; Huntington S.P., Nelson G.M No easy choice: political participation in developing countries. –Cambridge, 1976; Tourene A. Modernity and Cultural specificities // International Social Science Journal. November. 1998, № 18; Эйзенштадт Ш. Революции и преобразование обществ. Сравнительное изучение цивилизаций. –М.: 1999.

³Спенсер Г. Опыты научные, политические и философские. –М.: Современный литератор, 1998; Хрох М. От национальных движений к полностью сформировавшейся нации: процесс строительства наций в Европе // Нации и национализм. –М: Праксис, 2002. –С. 121-145; Хобсбаум Э. Принцип этнической принадлежности и национализм в современной Европе // Там же.–С. 332-346 .

⁴ Низомулмулк. Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулк. –Т.: Адолат, 1997. – Б. 256.

олимлар И. Кант ва Ж.-Ж. Руссоларнинг “жамият сулҳи” ғоясига ҳамоҳанг туради.

Машҳур немис файласуфи **И. Кант (1724-1804)** нинг шахс, жамият ва давлат тўғрисидаги қарашлари диққатга молик. Олимнинг фикрича, инсон эрки унинг эмпирик (тажриба) таъсирлардан холи ҳолда, ўз хоҳишига биноан йўл тутишини талаб этади¹. Унинг идеалида сиёсий эркинликнинг асосий шарты жамият аъзоларининг қонун олдидаги тенглиги. Кантчилик таълимотининг моҳиятида «кишиларнинг ахлоқий онгини ўстириш, ўз-ўзини тарбиялаш, шахсий ғурурни ўстириш, маданиятни такомиллаштириш ва шундай йўллар билан одамлар эътиборини сиёсий, иқтисодий, ижтимоий масалалардан маънавий-ахлоқий тикланишга, барча ижтимоий гуруҳларнинг ўзаро ахлоқий алоқаларини мустаҳкамлаш»² ғояси ётади.

XX асрнинг ўрталарига келиб, модернизация тушунчаси кенг тадқиқ этила бошланди. Масаланинг туб моҳияти, мазмунини илмий очиб беришда америкалик Ж. Хабермас, англиялик М. Хоркхаймер, Т. Адорно, Ж. Томсон, М. Шадсон, К. Кэлхаун, Д. Келлнер каби олимларнинг илмий-назарий қарашлари муҳим ўринни эгаллайди. Масалан, Ж. Хабермас ижтимоий фаровон жамиятни шакллантириш жараёнида ҳокимият тизими аралашувини чеклашни ёқлайди. Муаллифнинг нуқтаи назарига кўра, давлат ҳокимияти орқали жамиятни бошқариш фуқаролар сиёсий иштирокини сусайтиради, натижада индивид ва шахс, ҳокимият тизими ва эркин ҳаёт тарзи ўртасидаги ўзига хослик йўқолади³.

М. Хоркхаймер, К. Кэлхаун жамиятнинг сиёсий модернизацияси материалистик (ижтимоий таъминланганлик, молиявий барқарорлик) ва идеалистик (меҳр-оқибат, ҳурмат-эътибор, хайрихоҳлик) ўзаро ёндашуви асосида рўй беради, дейди. Д. Келлнер фикрича, бозор муносабатига мослашган жамиятда шахс, жамият, давлат каби фалсафий категориялар моҳиятан моддий қиймат билан ўлчанади, ижтимоий муносабатлар

¹ Кант И. Метафизические начала учения о праве // Сбор.соч. – М.: Мысль, 1966. Т. 4 (2). –С. 109-112.

²Фалсафа: қомусий луғат. – Т.: Шарқ, 2004. – Б.190.

³Habermas J. Postmetaphysical Thinking.–Cambridge: Polity, 1992.– pp. 127-132.

инсонийлик эмас, балки “бартер” хусусиятига эга бўлади¹. Бизнингча, бу ёндашувлар бирмунча баҳсли бўлиб, у фақат Ғарб мамлакатларига мос тушади.

XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI аср бошида кўплаб илмий ёндашувлар кузатилди. Сиёсатшунос С. Верба ва Л. Пай модернизациялашда жамият аъзолари психологиясини ўзгартириш ва янги кадриятлар (демократия) тизимини қабул қилишни², У. Мур³ ва Х. Экстайн⁴ мамлакатни индустрлаштиришни биринчи ўринга қўйдилар. Ғарчи бу фикрлар илмий асосланган бўлса-да, сиёсий жараёни ўтказишда ҳар бир мамлакатнинг шарт-шароити, иқтисодий имкониятлари инобатга олинмаган. Хусусан, У. Мур ва Х. Экстайн фикрини ҳар бир маконда қўллаб бўлмайди. Мисол учун Совет иттифоқи парчалангандан кейин ўз мустақил йўлини бошлаган ёш республикаларда иқтисодий асоснинг ўзи мавжуд бўлмаган. Иқтисодий пойдевор қурмасдан модернизация тузилмаларини яратиш ва индустрлаштиришни жадаллаштириб бўлмайди. Демак, бугунги кунда МДХ мамлакатларида жамиятни модернизациялаш учун олдин мустаҳкам иқтисодий заминни тайёрлаш масаласи кўндаланг турибди.

Сиёсий модернизациялаш – мураккаб комплекс жараён. Унда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-маданий тармоқлар ўзаро боғланиб, бир-бирига мазмун бағишлайди; агар улар орасида ажралиш юз берса, модернизация қисман амалга ошади, холос. Жамиятда ижтимоий гуруҳларнинг даромади кескин фарқланса, самарали иқтисодий ўсишга эришилмайди; маданий даражали етук шахс шаклланмаса, бозор тузилмалари шаклланмайди; фуқаролик жамияти институтлари ривожланмаса, демократик кадриятлар ривожланмайди. Ҳар бир талаб ва мезонлар бир-бирига боғланиб кетади ва улар тўла ҳисобга олинса,

¹Kellner D. Critical Theory, Marxism and Modernity.—Cambridge: Polity, 1989. — p. 64.

²Pye L.W., Verba S. Political Culture and Political Development.—Princeton, 1965.—p. 13.

³Moore J. Colonialism: The case of Mexican-Americans. in Social Problems, 1970, Nr.17. —p. 463-472; Capitalism over the Longue Duree: A Review Essay. In: Critical Sociology, 1997, Nr. 23 (3). — p. 103–116.

⁴ Eckstein H. The Idea of Political Development: From Dignity to Efficiency. in: World Politics, 1982, NY. 34. — p. 451-486.

жараён узоқ вақт ва босқичларни босиб ўтади. Ҳатто Европа давлатларида у икки юз йилга чўзилди...

Умуман олганда, модернизациялаш қуйидаги босқичлардан ташкил топади **(1-жадвал):**

Биринчи босқич	Ўрта синф шаклланади, анъанавий институтларнинг трансформация ходисаси юз беради.
Иккинчи босқич	Жамиятда коммуникация, урбанизация ва инновацияни тарқатиш жараёни тезлашади.
Учинчи босқич	Трансформацияни изчил давом эттириш натижасида “постмодернити” деган жамият вужудга келади

Аммо модернизация жараёнларини шакллантириш учун шарт-шароит туғдирадиган айрим омилларни ҳисобга олиш зарур бўлади. Булар қуйидагилар:

Ҳуқуқий омил: фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини тарбиялашга хизмат қилувчи тизим (оила, мактаб, олий ва ўрта махсус таълим) даражаси модернизациянинг самарадорлигига ижобий ёки салбий таъсир этади. Чунки ҳуқуқий масалаларни яхши билиш фуқаронинг фаоллашуви ва ижтимоийлашувига олиб келади. Модернизациялашда аҳолининг сиёсий онги, бозор иқтисоди, демократиянинг асосий тушунча ва тамойилларини қабул қилишга тайёргарлик даражаси ҳам муҳим роль ўйнайди.

Иқтисодий омил: XVII асрда Европадаги саноат инқилоби иқтисодиётни ривожлантириб, одамларнинг турмуш тарзини яхшилади. АҚШ, Европа мамлакатларидан техника ва технологияларнинг Осиё ва Африка давлатларига «экспорт» қилиниши ҳам аста-секинлик билан бу ўлкаларга ғарбона яшаш тарзини сингдира бошлади.

Маънавий-ахлоқий омил: сиёсий ҳокимият тизимида модернизациялаш ижобий ҳодиса ҳисобланади. Аммо маънавият бобида, барибир, у миллий кадриятлар, анъана ва урф-одатларнинг бузилишига олиб келишини биз айрим шарқ мамлакатлари мисолида кўрамиз.

Юқоридаги илмий назариялар ва қарашларни таҳлил қилиб, қуйидаги хулосага келинди:

биринчидан, модернизация тушунчаси тарихий воқеликдаги мавжуд ҳолатнинг замонавий ҳаёт тарзига мос келмай қолганлиги

сабабли унда комплекс сиёсий янгиланишларга кучли эҳтиёж туғилганини англатади;

иккинчидан, анъанавий жамиятда модернизациялашни амалга ошириш олдидан муайян жойнинг объектив шарт-шароитлари, иқтисодий ва сиёсий ресурслари ҳисобга олинади;

учинчидан, аграр жамиятдан замонавий жамиятга ўтишда шахс, жамият ва давлат ҳаётининг маълум бир соҳасигина эмас, балки жамиятнинг сиёсий ҳаёти тўлалигича янгиланади ва ислоҳ қилинади;

тўртинчидан, жараён тизимли, изчил давом этгудек бўлса, мамлакатнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий ва илмий-техникавий соҳаларида ижобий ўзгаришлар рўй беради, одамларнинг тафаккури ва дунёқараши ҳам ошади.

1.2. Жамият ҳаётини модернизациялаш концепцияларининг муҳим хусусиятлари

Ўтиш даври қонуниятлари ва зиддиятларини билмасдан туриб, модернизациялаш жараёнини таҳлил қилиб бўлмайди. Ўзбекистонда ўтиш даври мавзуси олимларимиз томонидан мустақил мавзу сифатида деярли кам ўрганилган. Чунки унинг аниқ мезони, бошланиш нуқтаси билан охириги босқичини белгилаш мураккабдир. Аслида, ўтиш даври барча мамлакатлар ривожига содир бўладиган оралиқ давр ҳисобланади. Давлатлар юксак тараққиёт даражасига бирдан кўтарила олмайди, балки аввало шаклланиб, маълум ривожланиш босқичини босиб ўтади. Мисол учун Лотин Америкаси мамлакатларида ўтиш даври бир асрдан бери чўзилиб келади. Осиё ва Европадаги баъзи мамлакатларда, жумладан Испания, Португалия, Грецияда у бир авлод умрига тенг (тахминан 65 йил) вақтни олгани сабаби шуки, ғарб сиёсий тизими тузилишига мос стандартлар ва кадриятларни баъзи мамлакатларда ўзлаштириш, кўчириб олиш ўзини оқламади.

Англиялик олим Л. Пай анъанавий жамиятларни модернизациялашда қуйидаги учта жиҳатга¹ кўпроқ эътибор қаратиш зарурлигини тақлиф қилади:

биринчиси, тизимли дифференциациялаш (табақалаш) даврида фуқароларнинг меҳнат фаолияти ва манфаатларига мос

¹Қаранг.: Pye L., Lucian W. Asian Power and Politics: The Cultural Dimension of Authority. –Cambridge, Mass: Harvard University Press, 1985.–pp. 20-22.

равишда жамият иқтисодий ривож билан биргаликда янги синфлар (гуруҳлар) шаклланади. Ижтимоий гуруҳлар ичида келишмовчилик ҳолатлари кечади. Шунда сиёсий ҳокимият янги талабларга тезда ўз муносабатини билдирмайди. Фақат демократик институтлар тарихий миссиясини тўлиқ бажарган тақдирда, бу ишда самарага эришилади;

иккинчиси, жамият аъзоларининг билимга, инновацияга қизиқиши кескин ошади. Давлат миллий тараққиётга эришиш мақсадида кўшимча молиявий ва инсоний ресурсларни ишга солади. Давлат ижтимоий соҳалар (мактаб, олий ўқув юртлари, диний идоралар, масжидлар)га етарли шарт-шароитни яратади. Фуқаролар ахборот коммуникация технологиялари ривож ҳисобига сиёсий қарашлари бирмунча шаклланиб, ҳукуматнинг ишончига кира бошлайди. Диний қадриятлар ва адолат тамойиллари қўллаб-қувватланади;

учинчиси, фуқароларга жамоат фаолиятида сиёсий, миллий чекловларни олиб ташлаш, уларга давлат бошқарувидаги ўринларни тенглик асосида эркин эгаллаш имконияти яратилади.

Фуқаролик жамиятини бошқаришда, сиёсий қарорларни қабул қилишда, хусусан, Европа давлатларида тенглик ва қонунийлик яхши ёрдам берди. Сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотларига ўзининг гуруҳлари, референдумлар, сайловлар эса жамиятнинг манфаатларига хизмат қила бошлади. Шарқ мамлакатларида давлат ва жамият ўртасидаги муносабатлар кишиларнинг объектив эҳтиёжлари, яшаш шароитларидан келиб чиққан ҳолда, босқичма босқич шакллантириб борилиб, узоқ асрлик анъаналар, урф-одатлар ва қадриятлар сақлаб қолинади.

Иқтисод фанлари доктори, ҳуқуқ назарияси бўйича етук мутахассис Л. Левитиннинг таърифича, **“замонавийлаштириш муайян якун топиб, мамлакат барқарор иқтисодий ривожланиш, сиёсий барқарорлик даражаларига эришгунгача бўлган давр ўтиш даври деб аталади”**¹. Замон нуқтаи назаридан қараганда, бу – тўғри таъриф. Лекин, маълумки, юқори ҳаёт даражасига фақат фуқаролик жамияти қурилганда эришиш мумкин. Шу сабабли, бундай жамиятни охирги манзил сифатида олиб бўлмайди, албатта.

¹Қаранг.: Левитин Л. Вопросы философии. – М.: 2001, № 3. – С. 53.

Ўтиш даври, глобаллашув жараёнлари ҳақида бир қатор китобларни ёзган устозимиз, фалсафа фанлари доктори, профессор С.Отамуратов ёзганидек: “Ўтиш даврини жамият ўзи эришган имкониятлар асосида ривожланишнинг тугаши, ўсиб келаётган эҳтиёжларни қондира олмай қолишидан бошлаб, ундан юқори имкониятларни юзага келишигача бўлган муҳлат, деб белгилаш мумкин. Бир ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тузумдан иккинчисига ўтиш учун зарур бўладиган “ўтиш даври” ёки аниқроғи “оралик” босқичининг муҳлати ана шу янги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тузум ўз имкониятларини тўла юзага чиқариб, барқарор тараққий қилиш жараёни юзага келиши билан тугайди”¹. Таъкидланганидек, ўтиш даврида моддий омилдан ташқари, сиёсий омилнинг ролини аниқлаб олиш зарур бўлади.

Ўтиш даври ҳар бир мамлакатда турлича кечади. Бу жараёнда ижобий ўзгаришлар билан бирга, баъзида орқага кетишлар, жиддий молиявий инқирозлар юзага келиши ҳам мумкин. Чунончи, ҳар бир мамлакатда беҳисоб имтиҳонлар, синовлар даври бўлади, илмий-техник тараққиётда талаб, эҳтиёж ва имкониятлар фарқланишига қараб, қарама-қаршиликлар вужудга келади, агар улар вақтида ечилмаса, вазият чуқурлашиб бораверади.

Қуйидаги **2-жадвалда** “анъанавий жамият” ва “замонавий жамият” тушунчаларига аниқлик киритилди.

Анъанавий жамият белгилари	Замонавий жамият белгилари
Ҳаётни ташкил этиш кўп ҳолларда диний тасаввурларга асосланади	Билим, инновациялар анъаналардан устунлик қилади
Ривожланиш босқичли кечади	Ижтимоий ҳаёт дунёвий характерга эга бўлади
Индивидуализм кўринишлари кузатилмайди	Индивидуализм ва инсонларнинг фаоллиги кузатилади.
Жамиятни авторитар ҳокимият бошқаради	Жамият давлат-жамоат ташкилотлари шериклиги асосида бошқарилади
Шахслар фаолиятсиз бўлади	Шахслар фаоллашади. Тадбиркорликка кенг йўл очилади

¹ Отамуратов С. Миллий ривожланиш фалсафаси (сиёсий-фалсафий қирралари). – Т.: Akademiya, 2005. –Б. 219.

Демак, замонавий жамиятнинг устуворлик жиҳатлари кўп. Энг муҳим натижа шундан иборатки, такомилга етган бундай жамиятнинг бир қатор соҳаларида ушбу сезиларли ўзгаришлар юз беради **(3-жадвал)**:

Иқтисодий соҳада	Чуқур иқтисодий ислохотлар амалга оширилади, меҳнат тақсимооти ўсади, технологиялар такомиллашади, эркин рақобат усули ва тадбиркорлик учун кенг имконият эшиклари очилади.
Ижтимоий соҳада	Индивидуализм, элита ва ўрта синфнинг шаклланиши юз беради. Таълимнинг кенг тарқалиши, касбий маҳорат (профессионализм) кучайиши, махсус интеллектуал касб институтлари, ўқув марказлари шаклланиши, оммавий коммуникациянинг ривожланиши, кенгайиб бораётган ижтимоий маконга мослашиб боровчи янги индивидуал одатлар, қизиқишлар жабҳасининг кенгайиши, фан ва техникага ишончнинг ошиши ва инсон кадр-қимматига муносабатнинг ўзгариши устуворлик касб этади.
Сиёсий соҳада	Сиёсий партиялар янада фаоллашади, парламент, сайлов ҳуқуқи, яширин овоз бериш каби демократик тамойиллар жамиятда қарор топади.
Иқтисодий соҳада	Бозор иқтисоди тамойиллари, хусусий мулкчилик шаклланиб, инновацион иқтисодиёт ривожланади.
Маънавий соҳада	Маданий табақаланиш, ижтимоий онгдаги секуляризация, саводхонлик ортиши, илм-фан ва техниканинг қадриятга айланиши жараёни рўй беради.

Модернизация жараёни таҳлилида **“трансформация”** тушунчаси етакчи ўринда туради. Трансформация – тизимнинг ўзини сақлаш, қайта ишлаб чиқариш жараёни. Унда беқарор тизим бошқа мегатизимга ўтади ёки ички тузилмасини ўзгартиради. Трансформация – ижтимоий тизимнинг имманент умумий сифат хусусияти бўлиб, тизим бир структуравий тузилмадан нисбатан ривожланган, барқарор тизимга алмашади. Тадқиқотларда у “тизимнинг бутун мазмун моҳиятидаги ўзгариш, шахс ва институтларнинг табиий ривожланиш қонуниятлари асосида мақсадга йўналтирилган фаолияти ўзгаришидир”¹, деб таърифланади.

¹Қаранг.: Данилов А.Н. Переходное общество: проблемы системной трансформации. Минск, 1998; Заславская Т.И. Социентальная трансформация российского общества: деятельностно-структурная

Трансформация жараёни кўп векторлик ва ўзгаришларнинг амалга ошиш суръатлари жадаллашганлиги бўлиб, бу ўзгаришларда субъектив омилларнинг таъсири юқори бўлади. Олимлар трансформацияни бир тизим иккинчисига алмашаётгандаги ҳолат, деб аташади. Буни биз жамиятнинг тараққиётини тўхтатувчи ўз ўтмишидаги салбий ҳолатлардан воз кечиши, янги мақсад ва ғоялар сари интилиши, деб атаймиз. Жамиятда янгилик ва эскилик ўртасида кураш мобайнида трансформация жараёнида ижтимоий тўқнашувларнинг кучайиши ва кескинлашуви кузатилади. Бу жараён ўзида деструктив ва конструктив имкониятларни жамлайди, деструктив ва конструктив йўналишларга эга бўлади. Конструктив трансформация жараёни натижасида жамиятда бутунлай ёки унинг айрим соҳаларининг прогрессив ривожланиши таъминланади.

Модернизациялаш жараёнида замонавийликни тушуниб етмаслик, янгиликка қарши туриш, ўта хурофотчилик, сусткашлик, турғунликлар билан кураш каби ҳолатлар кўпайиб боради. Бошқача айтганда, бюрократик аппарат янгилик ва янгича қарашларни ёқтирмайди. Фалсафа фанлари доктори А. Қодиров собиқ иттифокдан мерос қолган бюрократиянинг типик кўринишини чиройли изоҳлайди: “ўз раҳбарлик фаолиятининг ижтимоий-сиёсий ўрни ва аҳамиятига лоқайдлик; ишнинг мазмуни ва натижасига эмас, балки кўпроқ шаклига, миқдорида эътибор бериш; ўзидан пастки лавозимда ишловчи раҳбарларни қаттиқ назорат остида тутиш; таваккалчилик, ижодий ёндашувга, кўрсатмадан четга чиқишга ижозат бермаслик; ўзидан юқорида турувчи мансабдор шахсга ёқишга интилиш; мустақил қарор қилишдан қўрқиш кабилар бюрократик онгни юзага келтирувчи сабаблардир”¹. Ана шу салбий иллатлар бугунги кунда ўзбек жамиятининг эртаси кунига тўсқинлик қилаётгани сир бўлмай қолди.

Бюрократия – бирор бир ўзгариш ва янгиликларга мутлақо интилмайдиган синф. Бундай тоифага мансуб “аппаратчи”лар ашаддий консерватор бўлиб, “муқаддас ўтмиш”ни, анъанавий тартибларни асрашни хоҳлайди ва шунга интилади.

концепция. Москва, 2003; Ильин В.В., Ахиезер А.С. Российская государственность: истоки, традиции, перспективы. Москва, 1997; Игрицкий Ю.И. Общественная трансформация в СССР и России после 1985 г.: Взгляды и концепции. Минск, 1998.

¹Қодиров А. Сиёсат фалсафаси. – Т.: ТДЮИ, 2005. – Б. 115.

Бюрократлар кескин ижтимоий-иқтисодий ҳаракатлар, ислохотлар ўрнига барқарорлик ва турғунликни маъқул кўради. Шу маънода олганда, ёш тадқиқотчилар бюрократия ва модернизация масаласини алоҳида илмий тадқиқ қилиши мақсадга мувофиқ. Чунки “давлат доимо ўзгаришларнинг асосий етакчиси бўлса, уни амалга оширувчи институт сифатида бюрократия қолмоқда”, деган фикр жиддий ўрганилса, яхши бўларди. Аммо шу билан бирга, юқори идораларда бюрократиянинг айрим “ижобий” жиҳатлари ҳақида фикрлар юради...

Ўтиш даврида ҳар бир мамлакат сиёсий тизимида демократиянинг трансформациялашуви жараёни кечади. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам узок давом этадиган сиёсий жараёнлар жадал кечмоқда. Таҳлилимизга кўра, мазкур жараёнда бир-биридан кескин фарқланувчи назарий моделлар қўлланилади¹ **(4-жадвал):**

Чегарали (классик) моделда	Ҳукумат ҳуқуқларини босқичма-босқич чегаралаш, сайлов цензларини йўқотиш орқали шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини кенгайтириш кўзда тутилади
Даврий модель	Маълум бир давр ичида бошқарувнинг авторитар ва демократик кўринишлари алмашинуви содир бўлади.
Диалектик модель	Сиёсий тизимлар беқарор бўлади, аммо демократияга пишиб етилган шарт-шароит орқали ўтилади.
Кооператив модель	Демократиянинг кучли салоҳияти намоён бўлиши оқибатида сиёсий тизим эркинлаштирилади.
Рақобатли модель	Кескин эркинлашув, аввалги тизимнинг барбод бўлиши ва янги сиёсий институтларни жорий этишга уриниши билан тугайди.

Бундай мураккаб ўзгаришларга ҳар бир жамият ҳам бошида тайёр бўлмайди. Сиёсий фанлар доктори, профессор Р. Жумаев 1997 йилда “Ўзбекистон жамиятида халқнинг миллий анъаналарига

¹Қаранг.: Гидденс Э. Элементы теории структуризации // Современная социальная теория: Бурдьё, Гидденс, Хабермас. –Новосибирск, 1995. –С. 40-70; Инглегарт Р. Модернизация и постмодернизация // Новая постиндустриальная волна на Западе. –М.: Academia, 1999. –С. 267-268; Цапф В. Теория модернизации и различие путей общественного развития // Социс. 1998. № 8. –С. 16-17; Алексеев В.В., Побережников И.В. Модернизация и традиция // Модернизация в социокультурном контексте: традиции и трансформации. –Екатеринбург, 1998. –С. 8-32.

таянган ўзига хосликлари борки, бу жамият ҳаётини либераллаштиришнинг босқичма-босқич амалга оширилишини тақозо этади”¹, деб ёзганди Бунга сабаб собиқ иттифоқ даврида либерализм ғоялари жамият қатламларига сингдирилмаганида, деб биламиз. Сиёсий фанлар доктори У. Идиров мамлакатимизда “демократиялашув жараёнларини амалга оширишда ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш масаланинг энг самарали йўли сифатида қаралиши”²ни тилга олади. Асли, бу ўтиш даврига хос шаклланган ҳолат: жамият демократиялашганда, давлат ижтимоий масалани зиммасига олса, фуқароларда боқимандалик психологияси ва кайфияти узоқ вақтга чўзилади. Аммо сўнгги кузатишларимиз шундан далолат берадики, давлат фуқароларга қанчалик шарт-шароит яратганига қарамай, ундан ҳам кўпроқ имтиёзлар, преференциялар бўлишини талаб қила бошлайди. Бу, албатта, инсон табиати билан боғлиқ ҳодиса.

Ғарб олимлари Г. Алмонд, С. Верба, Л. Пай ва С. Хантингтон ўтиш даврида модернизациялашда Шарқ мамлакатларидаги демократик институтларнинг узоқ даврда шаклланиш жараёни ва шарқ халқларининг сиёсий онги даражасини ҳисобга олишмайди.

Биз аввало, модернизациялашда асосий жиҳат бўлган “анъанавий жамият” ва “замонавий жамият” тушунчасини социологик ва социал-фалсафий жиҳатдан аниқлаштириб олишимиз зарур бўлади. Россиялик файласуфлар, жумладан В.Г.Федотованинг фикрича, анъанавий жамиятларни замонавий жамиятга айлантириш модернизация ривожланишининг муҳим шакли ҳисобланади³. Анъанавий типдаги давлатларнинг асосида ўтмиш анъаналари ва тажрибаси ётади. Бундай жамиятнинг муҳим хусусияти жамоавийлик, авторитар раҳбарлик билан ажралиб туради. Замонавий жамиятда янгиликнинг анъанавийликдан устунлиги, умуминсоний қадриятлар мавжудлиги, ҳокимиятнинг демократик тизими, ишлаб чиқаришда янги технологиялар қўлланилиши устунлик қилади. “Анъанавий жамиятларда инсон

¹Жумаев Р. Сиёсий тизимни ислохлаштириш /Мустақиллик – бу ҳуқуқ. – Т.: Ўзбекистон, 1997.–Б.111-112.

²Идиров У. Ҳозирги замон демократиялашув жараёнларининг концептуал асослари ва мустақил Ўзбекистон тажрибаси. Сиё. фан док. дис. автореф. – Т.: 2006. – Б.41.

³Федотова В.Г. Типология модернизаций и способов их изучения // Вопросы философии, 2001, №4. –С.10.

улкан давлат – бюрократик машинанинг фақат кичик мурватига, объектига айланади. Замонавий жамиятда эса инсон тарихий жараёнининг субъекти ҳисобланади,—деб ёзади профессор А. Қодиров.— Анъанавий жамият тарихан инқирозга маҳкум, чунки у фуқароларни зўравонлик асосида бошқаради, фуқаролар ҳуқуқлардан маҳрум бўлади”¹. Олим жамиятни сиёсий ислоҳ этишни ёқлайди. Чунки глобаллашув даврида анъанавий жамиятлар ўз инертлиги ва жуда заиф томонлари билан ажралиб туради. Сўнгги йилларда дунёнинг айрим давлатларидаги ички ғалаёнлар, тўқнашувлар, ҳокимият учун курашлар фикримизнинг исботи. Шу боис, муаллиф бир жамиятдан иккинчисига ўтишда иккита омилга: биринчидан, мураккаб муаммоларни ечишда сиёсий етакчининг ўта уддабурролигига; иккинчидан, жамиятда анъанавий характерга эга жамоавий онгнинг шаклланишига эътибор берилишини хоҳлайди.

Рус олими В.О. Рукавишников², хитойлик мутахассис Ху Шен³ постсоциалистик жамиятларда модернизациялаш типик миллий хусусияти йўқолишига олиб келмаслиги ва халқ ўзлигини сақлаб қолиши тарафдори бўлишади. Бу фикрларга қўшиламиз, сабаби мураккаб глобаллашув ва ташқи таҳдидлар кучайган бугунги даврда жамият ўз миллий анъана ва қадриятларини йўқота боради. Ўзбек олими С. Отамуратовнинг таъкидича, “глобаллашув жараёнининг авж олиши миллат тараққиётига қанчалик хавф солмасин, унга қарши тура оладиган миллий омиллардан самарали тарзда фойдаланиш имкониятларини ишга солишнинг аҳамияти ошиб боради, бу, ўз навбатида, “миллат”нинг инсон гўзаллиги гултожи сифатида сақланиб қолишига ёрдам бериб бораверади”⁴.

Сиёсатшунос К. Гаджиевнинг фикрлари ҳам мантиқли. “Шарқ вестернизациялаш — модернизациялашнинг оддий пассив объекти эмас, балки кўплаб қитъалар цивилизациясининг энг муҳим ўлчамларини пухта эгаллаган фаол объектидир,—дейди у. — Модернизациялаш ва демократиялашнинг истиқболи халқ

¹Қодиров А. Анъанавий жамият ва уни модернизациялаштириш стратегияси.— Т.: ТДЮИ, 2006. — Б. 21.

²Рукавишников В.О. Социология переходного периода /Кравченко А.И. Социология. Хрестоматия. — Екатеринбург, 1998.—С.343.

³Ху Шен. Почему Китай не может идти по капиталистическому пути // Проблемы Дальнего Востока, 1987. №5. —С. 94-106.

⁴Отамуратов С. Глобаллашув ва миллат. — Т.: Янги аср авлоди, 2008. — Б. 250.

онгининг шаклланишига, уни бозор ва демократиянинг асосий принцип–нормаларини нечоғлик қабул қилиши, амалга оширишга тайёргарлик даражасига боғлиқ”¹. Олим ўз фикрининг биринчи қисмида Шарқни фаол объект деб қарайди, лекин сиёсий “тайёргарлик” даражасига шубҳа билан қарайди. Масалага ёндашувда икки хил қараш ҳукмронлик қилаётгандек туюлади.

Шарқ мамлакатларида 1990-йиллар ўрталарида модернизация истиқболини амалда кўрсатиб берувчи “ошиё феномени” вужудга келгани сиёсатшунослик илмида катта воқеага айланди, десак тўғри бўлади. Рус олими М. Титаренко Хитойда модернизациянинг ноанъанавий модели яратилиб, бунда **“сиёсат ва иқтисодиёт, демократия ва маънавий ўртасидаги ўзаро муносабатлар Ғарбнинг демократик тизимидан ўзгача мазмун касб этганлиги”**²ни асослайди. Буни «ошиёча модернизациялаш» ёки «модернизациянинг янги кўриниши», деб баҳолайди.

Модернизацияни ўрганганда **“цивилизация”** тушунчасига ҳам тўхталиб ўтишимизга тўғри келади. Лотинча «фуқаровий. ижтимоий» маъносини билдирган цивилизация талқини³ маҳаллий-тарихий ташкил топишига кўра, маданиятшунослик, ижтимоий, этнопсихологик, географик каби ёндашувлардан таркиб топган. Маданиятшунослик нуқтаи назаридан унинг асосини дин ташкил этса, ижтимоий-маданий ёндашувда (Ж. Уилкинс) ижтимоий-сиёсий алоқалар, механизмларнинг ўзаро ҳамкорлигига устуворлик берилади⁴. Этнопсихологик ёндашув (Л. Гумилев) цивилизация тушунчасини этник тарихнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлайди⁵. Россиялик олим Е.Черняк унга «ўзида тарихий жараённинг барча ижтимоий ва ижтимоий бўлмаган компонентларини мужассам этган, ўзи ривожланувчи ижтимоий тизим, инсоният яратган энг сўнгги моддий ва маънавий

¹Гаджиев К.С. Сравнительная политология // Вестник МГУ. Серия № 12. Политические науки. 1996, № 2. –С. 20-21.

²Титаренко М. Жизнестойкость и стабильность китайской цивилизации – условие развития Китая / Востоковедение и мировая культура. – М.: 1998. – С.59.

³Фалсафа: қомусий луғат. – Т.: Шарқ, 20014. –Б. 446.

⁴Қаранг.: Wilkins J.S. The Evolutionary Structure of Scientific theories. In: Bology and Philosophy, 1998, NY. 13. –р. 479 - 504.

⁵Гумилев Л.Н. Конец и вновь начало. –М.: Танаис, 1994. – С 448 - 520.

объектларнинг бутунлиги”¹, дея таъриф беради. Аслида, цивилизация жамият ривожланиши муҳим босқичи ва юксак савияга эга жамият ташкил топишининг бир тимсоли, дейиш мумкин.

Машҳур рус олими Питирим Сорокин цивилизациялар бири-биридан аввало интеграциянинг асосий белгиси ва ҳукмрон ғояси сифатида ажралиб туради, деган эди. Шунинг учун цивилизацион ёндашув ижтимоий интеграциянинг «асосий белгиси»ни аниқлашга йўналтирилган бўлмоғи лозим². Бу гаплардан цивилизацияни ўз бошидан ўтказган, юксак тараққий этган давлатларда модернизациялаш ортиқча қаршиликсиз, табиий ва силлиқ ўтади, деган фикр келиб чиқмайди. Мисол учун, милoddан олдинги даврларда гуллаб-яшнаган Юнонистон (Греция) давлати ҳозирда иқтисодий ва маънавий инқирозни бошидан кечираётгани кўп нарсадан далолат беради. Геосиёсий макон, сиёсий ва ижтимоий омиллар, уруш ва инқирозлар, сиёсий тизим ва бошқарувдаги хатоликлар турли инқирозларга олиб келади...

Мавзуни тўлақонли ёритишда америкалик олим Олвин Тоффлернинг «Учинчи тўлқин» асари яхши манба вазифасини бажаради. Олим Ғарб давлатларида модернизациялаш жараёни эволюцион тарихини ўрганиб, шундай хулосага келади: «ўзгаришларнинг биринчи тўлқини – қишлоқ хўжалиги инқилоби ўз имкониятларини намоён этиб битирмоғи учун минг йил (қарийб ўн минг йил – Б.О.), иккинчи тўлқин, яъни саноат цивилизациясига атиги уч юз йил керак бўлса, учинчи тўлқин тарих осмонида қуюндай елиб ўтиб, бир неча ўн йилликларда хотима топади. Оилавий ришталарнинг узилиши, иқтисодиётдаги тебранишлар, сиёсий тизимларнинг фалажланганлиги, кадриятларимизнинг емирилиши – буларнинг барига **Учинчи тўлқин** ўз таъсирини кўрсатади. Бу **янги цивилизация**дир, негаки у эскисига қарама-қарши туради, бюрократияни ағдариб ташлайди, миллий давлатнинг ролини пасайтиради, постимпериалистик дунёнинг ярим мустақил иқтисодиётларининг ўсишига ёрдам беради. Бу янги цивилизация аввалгиларидан кўра жўнроқ, самаралироқ ва

¹Черняк Е. М. Социология семьи. 3-е изд. – М.: Дашков и Ко, 2004. –С. 238.

²Қаранг.: Тириақьян Э.А. Питирим Сорокин: мой учитель и пророк современности // Журнал социологии и социальной антропологии, 1999, Т. II, вып. 1. –С. 56-62.

демократикроқ ҳукуматларни талаб қилади...Аммо ҳаммадан аввал Учинчи тўлқин цивилизацияси ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчи ўртасида тарихан шаклланган узилишни йўқота бошлайди, у эртанги куннинг алоҳида ўзига хос иқтисодиётини барпо этади»¹. Бугунги глобал даврга зўр таъриф, сўнгги 50 йилда ғарбда кечаётган маънавий-сиёсий ҳаётга холис, объектив баҳо!

Ўзбекистон ҳам “тўлқинлараро курашлар”нинг гирдобиди яшамокда, десак янглишмаймиз. О. Тоффлер тасвирлаган «индустриал дунё» (1980 йиллар –Б.О.) воқеалари асосан Шимолий Америка, Буюк Британия, Ғарбий ва Шарқий Европа, СССР, Япония, Тайвань, Гонконг, Сингапур, Австралия, Янги Зеландия каби мамлакатларда кечган бўлса-да, бу – глобаллашув шароитида тараққий қилган давлатлар билан минтақавий боғланган кичик халқлар, истиклолга эришган ёш давлатлар ташқи хавф-хатарлардан холи яшайди, деган маънони асло билдирмайди. 2000 йиллардан бошлаб оғир молиявий ва маънавий инқирозни бошидан кечираётган Европа ва Россия давлатлари ижтимоий ҳаётидан биз тўғри хулоса чиқариб олишимиз лозим.

Мазкур масалага оид тадқиқотларни таҳлил қилиш асосида модернизация эволюцияси тарихи юзасидан ушбу илмий хулосага келдик:

1.XIX аср охирларида Ғарб мамлакатларида марказлаштириш, ихтисослаштириш, стандартлаштириш, уйғунлаштириш ва концентрациялаш (аҳолининг бирон жойда зич жойлашиши – Б.О.) каби омилларнинг жамиятда устуворлик қила бошлаши натижасида анъанавий тизимлар бузила бошлаган;

2. Шаҳар аҳли, ҳукумат ва сиёсий ҳокимиятларнинг имконият доираси кенгайиб борган, қишлоқ аҳолиси эса баттар қашшоқлашган;

3. Индустрлаштириш (саноатлаштириш) авж олиши туфайли кўпайган пул оқими Европа сиёсий тизимлари марказлашувига олиб келди. XX аср бошида Париж, Лондон, Рим каби шаҳарларда қудратли бюрократик ташкилотлар сони кўпайди, бюрократик аппарат ва чиновниклар Ғарб давлатларининг йирик марказий идораларига мустаҳкам жойлашиб олди. Авлодлар алмашинуви

¹ Тоффлер О. Учинчи тўлқин // Жаҳон адабиёти, 2001, 1-сон. – Б.181.

даврида улар устакорлик билан ўринларига ўзларининг «одамлари»ни жойлаштирдилар.

Юқоридагилардан хулоса шуки, жамиятни модернизациялаш фақат сиёсий-иқтисодий масала саналмайди. Биз маънавий-маърифий, ижтимоий соҳалар, одамлар турмуш тарзи, ахлоқ-одобида вужудга келадиган ва кутилаётган инқирозларнинг илдизини жиддий тадқиқ қилишимиз керак. Ҳар бир давлатда жамиятнинг юқори элита қисми оммавий маданият, глобаллашув муаммоси ва асоратларига ечим излаганда ҳам миллат олдидаги вазифасини виждонан адо этган бўлади.

1.3. Модернизация жараёни зарурияти, инқирозлари ва ривожланиш тенденциялари

Модернизациялаш жараёнлари бошланган пайдан бошлаб, унинг барча босқичларида глобаллашув билан тўқнашувларни кўрамиз. Очиги, бугунги кунда глобаллашувнинг географик миқёси ва имконият даражаси ҳаддан зиёд ошиб кетган. Бу эса ёш давлатларда модернизациялаш жараёнига ҳам махсус тайёргарлик кўриш заруратини келтириб чиқаради.

Глобаллашув французча «global» – «умумбашарий», «умумий», деган маънони билдиради. Ҳозирги кунда у ўз кўлами, қамрови, хилма-хиллиги жиҳатидан бутун ер шарига, инсониятга даҳлдор муаммоларни ўрганиш асносида, ғарбона қонуниятларни тарғиб этиб келмоқда. Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви, яъни ғоявий таъсир ўтказиш имконияти кенгайиши оқибатида унга ер юзининг барча минтақалари тортилган. Дунёда мислсиз илмий кашфиётлар, улкан техникавий ресурслар, универсал технологиялар, ахборот тарқатишнинг интеграциялашуви ва шиддатли равишда тезлашуви бу жараённи тезлаштириб юборди. Интернет тизими орқали ахборот алмашинуви ва унинг ғоявий таъсир ўтказиш имконияти соат сари кенгаймоқда.

“Глобаллашув” тушунчасига турлича қарашлар бугунги кунгача давом этиб келади. Жумладан, иқтисодиёт бўйича Нобел мукофоти совриндори, Колумбия университетининг профессори (АҚШ) Жозеф Стиглиц, АҚШнинг таниқли файласуфи ва социологи Френсис Фукуяма, шу мамлакат собиқ президентининг ёрдамчиси, таниқли социолог, давлат арбоби ва жаҳонда кечиши мумкин бўлган жараёнларга ўзининг башоратлари (прогноزلари)ни илгари суришда ном қозонган Збигнев Бжезинский, жаҳон

иктисодиётини Бомбей, Кембридж, Оксфорд, Массачусет технология институтларида ўрганган, глобаллашув бўйича эксперт, дунёнинг етакчи иктисодчиларидан бири Жагдиш Бхагвати ва бошқа бир қатор иктисодчилар глобаллашувни жаҳон иктисодиётида содир бўлаётган жараён¹ сифатида қарайдилар.

Ҳа, ахборот соҳасидаги чуқур глобаллашув дунёнинг барча ҳудудларидаги одамларнинг ўзаро мулоқоти, илм-фан ва маданий бойликларни ўзлаштириш учун улкан имкониятларни яратмоқда. Бу ижобий ҳодиса одамларнинг тасаввур дунёси, сиёсий онги ва тафаккурига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Аммо шу билан бирга, у ёш авлоднинг маълум қисмида анъанавий қадриятлардан узоқлашиб кетиш ҳолатларини юзага келтирмоқда. XX асрнинг 90-йиллари охирида дунёда интернет тармоғи ривожланиши оқибатида глобаллашув минтакалараро боғланишни, давлат ва жамият ҳаётида мураккаб босқични бошлаб берди. Сўнгги таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, миллий давлатларга ҳар хил ташқи омиллар, «демократик», геосиёсий таъйиқлар таҳдид солаётган айти дамда, сиёсий танлаш учун иккита йўл қолган: биринчиси, глобаллашувнинг «тезюрар карвони»га қўшилиб олиш; иккинчиси, миллий суверенитет ҳимоясини таъминлаб, демократик асосларни яратишни бошлашдир. Учинчи йўл ҳозирча ўйлаб топилмаган.

Бугунги кунда ушбу масалага доир кўплаб илмий назариялар ишлаб чиқилган. Булардан Г. Моргентауннинг прагматизм ва сиёсий реализм, Р. Ароннинг уруш ва тинчлик, Ж. Лискининг мувозанат, И. Галтуннинг жаҳон тизимлари назарияларини кўрсатиб ўтиш мумкин². Сиёсат фалсафасида Г. Моргентауннинг назарияси катта илмий қимматга эга. У моделлаштириш, ўйинлар назарияси, тизимли таҳлиллар воситасида сиёсий жараёнларнинг келажакдаги оқибатларини башорат этишга қаратилган рационализм ғоясини илгари суради. Олим ўз назариясида йирик давлатларнинг жаҳон ҳамжамияти номидан туриб кичик ёки майда миллатларга ҳукмини ўтказишга йўл қўймаслик ғоясини олға суради³. Г.Моргентауннинг прагматизм ва сиёсий реализм назарияси жаҳондаги барча катта-кичик миллий давлатларга мос келади.

¹Отамуратов С. Глобаллашув: миллатни асраш масъулияти. – Т.: Ўзбекистон, 2018. –Б. 80-81.

²Қаранг.: Кукулка Ю. Проблемы теории международных отношений.– М.: 1998. –С. 103-112.

³Қаранг.: Қодиров А. Сиёсат фалсафаси. –Т.: ТДЮИ, 2005. – Б. 83.

Халқаро сиёсий муносабатларда барча давлатларни тенг ҳуқуқлилиқ асосида конструктив, реалистик ташқи сиёсат юритишини маъқуллаган ушбу назария жаҳон сиёсатшунослигида оммалашган.

Аслини олганда, глобаллашувни инсоният тараққиётининг янги босқичи, унинг ақл-заковатининг маҳсули, деб аташ мумкин. “Глобаллашув, бир томондан инсоният интеллектуал салоҳияти тараққиётининг янги босқичи бўлиши билан ижобий жараён бўлса, иккинчи томондан, ривожланаётган ва кам тараққий қилган миллатларнинг юксак тараққиётга эришган миллатларга боғланиб қолишига олиб келадиган салбий жараёндир”¹, деб ёзади профессор С. Отамуратов. Шу маънода ҳам уни объектив жараён сифатида қабул қилса бўлади. У инсоният ва мамлакатлар тараққиётига ўзининг таъсирини ўтказмоқда, жумладан, фан, техника ва технологиянинг ривожланиши, уларнинг жаҳонда кенг оммавийлашувига, инсон моддий фаровонлигининг ошишига ўзининг ижобий таъсирини ўтказувчи омилга айланмоқда. **Муаммо глобаллашувининг ўзида эмас, балки унинг бошида кимлар турганлигида ва ундан асосий манфаатларни кимлар кўраётганлигидадир.** Унинг бошида юксак тараққиётга эришган мамлакатлар турганлиги, уларнинг моддий ва интеллектуал имкониятлар билан шакллантирилаётганлиги, асосий манфаатни ҳам уларнинг ўзлари кўраётганликлари, тараққиёт йўлидан бораётган ва тараққиётдан орқада қолаётган мамлакатларнинг иқтисодий, техник ва технологик жиҳатдан уларга боғланиб қолаётганлиги глобаллашувнинг умуминсониятга хизмат қилиш функциясининг барбод бўлишига олиб келмоқда.

Бизга маълумки, жаҳонда АҚШни ҳукмрон давлат сифатида тан олиш сиёсати қўлланиб келинади. Исроиллик диссидент И. Шамир бир китобида: «глобализм, бу – америка гегемонлиги плюс кетма-кет келадиган чуқур неолиберализмдир»², деб эътироф этган экан. Бу фикр, албатта, жаҳон афкор оммасини, геосиёсат билан машғул бўлган олимлар ва сиёсатчиларни сергак торттирмоқда. Қайтанга, бу асар ёзилгандан кейин ўн беш йил ичида АҚШнинг дунёдаги гегемонлик сиёсати ва мавқеи анча ошиб

¹Отамуратов С. Глобаллашув: миллатни асраш масъулияти. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – Б. 73.

²Шамир И. Хозяева дискурса: американо-израильский терроризм. – М.: 2003. –С. 198.

кетди. Умуман олганда, глобаллашувнинг таъсир доираси билан боғлиқ муаммолар етакчи олим-мутахассисларнинг ҳануз диққат марказида бўлиб турибди¹.

Збигнев Бжезинский Рах (лотинча «дунё») Америка даври – АҚШнинг жаҳонда лидерлик устунлиги қарор топганлигини, олдинги Рахларнинг (римликлар, ҳиндлар, мўғуллар, турклар ва бошқалар) амал қилиш доираси ҳеч қачон бутун дунёни қамраб олмаганлигини очиқ айтган. Унинг қайд этишича, жамиятлар сиёсий ҳаётида ғарблаштириш сиёсати янада кучаяди, яъни демократиялаш ва модернизациялашнинг устуворлиги ошаверади. Бу фикрларнинг илмий асослари мавжуд. Негаки, Ғарб давлатларида ишлаб турган стратегик тадқиқот институтлари, махсус телерадиоканаллар, ўн минглаб ижтимоий сайтлар, мобил телефонлари глобал вазифалар учун хизмат қилаётир. Олимнинг фикрича, «АҚШнинг Евроосиёни «бошқариш» мақсади унинг бутун дунёдаги ҳозирги мавқеини сақлаб қолишнинг ҳал қилувчи омили»². Негаки, Евроосиёда ер куллари аҳолисининг 75 фоизи яшайди, дунё ялпи маҳсулотининг эса 60 фоизи ишлаб чиқарилади. Айни пайтда, бақувват бу ҳудудга АҚШ ҳам, Россия ҳам кўз тикиб турибди. Бу фикрларнинг таҳлили шундан далолат берадики, 2017 йилда АҚШга Дональд Трамп президент бўлиб келганидан кейин геосиёсий майдонда яна Россия, Хитой ва АҚШ давлатларининг манфаатлари тўқнаш келмоқда.

Ғарб – буюк ихтиролар юрти. Нобель мукофоти ғолиблари ҳам асосан ғарблик олимлар. Ғарб доимо ғоялар, концепцияларни илгари суришда давом этмоқда. Шу жиҳатдан, уларга қойил қолмай илож йўқ. Атоқли олим Фрэнсис Фукуяма 1990 йилда эълон қилинган тарихнинг тугаши тўғрисидаги концепциясида «инсоният

¹Қаранг.: Кинг А., Шнейдер Б. Первая глобальная революция. – М.: 1992.; У. Бек. Что такое глобализация? Ошибки глобализма – ответим на глобализацию. –М.: Прогресс-Традиция, 2001; Кувалдин В. Глобальность: новое измерение человеческого бытия.–М.: 2003; Горбачев М.С. и др. Грани глобализации: трудные вопросы современного развития. – М.: Альпина Паблишер, 2003; Giddens A. Runaway World: How Globalisation is. Reshaping Our Live.–New York: Routledge, 2000; Умарова Н. Глобаллашув шароитида ахборот хуружларига қарши кураш.– Т.: Akademiya, 2005; Отамуратов С. Глобаллашув ва миллат. – Т.: Янги аср авлоди, 2008; Отамуратов С. Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик.–Т.: Ўзбекистон, 2013.

²Brzezinski Z.The Grand chessboard American primacy and itsgeostrategic imperotives, BoticBooks.–NY, 1997. – p. 31.

эволюцион мафкуралари тугатилиб, охирги бошқарув шакли сифатида универсал либерал демократия ўрнатилади»¹, деганди. Бу ғоя ўша пайтдаёқ олимларнинг баҳс-мунозарасига сабаб бўлди. Сабаби, бир кутбли дунёда АҚШнинг етакчиликини даъво қилиши, «демократия» ғояларини Шарқ мамлакатларига жорий этишга уриниши гегемонлик аломати бўлиб, айрим давлатларга ёқмайди. Давлат арбоби Г. Киссенжер 1999 йил 12 октябрда Ирландиянинг Дублин шаҳридаги чиқишида “асосий таҳдид шундаки, «глобаллашув» деб аталувчи ҳодиса, аслини олганда, Қўшма Штатлар ҳукмронлик ролининг бошқача номидир», деганини ёддан чиқармайлик.

Ҳақиқатан ҳам, Совет иттифоқи парчалангандан сўнг, АҚШ жаҳонда гегемонлик ролини бажариб келмоқда. У турли мамлакатлардаги «рангли инқилоблар» ташкилотчиси ва молиявий пул оқимларининг марказига айланган. Гарчи экспертлар глобаллашув ҳодисасига ижобий баҳо беришса-да, шарқлик бир қатор олимлар унга салбий фикр билдиради. «Глобаллашув шундай жараёнки, у халқаро тизим негизларига кучли таъсир ўтказади, бошқариладиган ва бошқарилмайдиган ташқи кучлар таъсирини миллий давлатлар ҳаётига олиб киради, – дейди араб сиёсатчилари. – Тезкор ўзгаришлар замонавий давлатнинг ички сиёсатида ташқи омилларнинг аҳамиятини кучайтириб юборади...«Соё»да яшамайдиган глобаллашув «давлат» тушунчасига ҳам таъсир қилади»².

Ўзбек иқтисодчи олими С.Сафоев глобаллашув масаласига кенгроқ қарайди ва унинг моҳиятида тўртта зарур соҳани кўради:

- а) ғоялар ва маданият;
- б) ахборот ва коммуникация;
- в) геосиёсий;
- г) иқтисод.

Улар ичида ўта долзарб бўлган геосиёсий даражадаги глобаллашувга тўхталар экан, бугунги кунда «Янги шимол давлатлари» замонавий технологиялар бобида етакчилик қилиши билан бирга, жаҳон молиявий ресурслари тақсимотини ҳам назорат остига олган, деб ёзади. XX аср охирида йирик саноат тараққиёти

¹Фукуяма Ф. Конец истории // Вопросы философии. – 1990. №3. – С. 134-135.

²Қаранг.: Ўзбекистон: давлат ва унинг йўлбошчиси. Тўплам. Арабчадан таржима. Дор аш-Шуруқ, Қоҳира, 1999. –Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 64-65.

Шимолий Атлантикадан Тинч океани минтақасига – Осиёга кўчиб ўтиб, иккинчи саноат маркази “Янги Шарқ», деб номланганини тилга олади. Демак, Жануби-шарқий Осиё давлатлари иқтисодий мўъжизалари дунёда тан олинмоқда!

Дунё тизимининг янги модели тобора мураккаблашиб, тармоқланиб, айти вақтда, ўзаро боғланиб бориши ҳақида С. Сафоев шундай илмий хулоса чиқаради: «Янги Шимол ёки саноати ривожланган дунё, глобаллашув жараёнининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи, «менежери» бўлиб қолмоқда. Дунёнинг қолган ҳудудлари кўпинча ушбу жараён субъектлари сифатида намоён бўлаётир. Жаҳон аҳолисининг атиги 15 % яшайдиган саноати ривожланган мамлакатлар дунё ресурслари, ишлаб чиқариш, савдо ва истеъмолнинг 70 % ни назорат қилмоқдалар. Ғарбнинг 500 йirik корпорацияси дунё бўйича жами товар ва хизматларнинг тўртдан бирини ишлаб чиқармоқда»¹. Олимнинг фикрига кўра, Янги Шарқ – Хитой, Япония, Ҳиндистон каби давлатлар Ғарб таъсир доирасининг қисқаришини таъминлашга қодир кучлардир.

Бу ҳодисанинг объектив сабабларини ҳам кўрамыз. Яъни, Ғарб мамлакатларида 2008 йилда бошланган молиявий инқироз гегемонлик мувозанати кучларини Шарқ – Осиё томонга ўзгартириб юборди. Хусусан, япон ва хитой ривожланиш моделлари эътироф этилиб, иқтисодий юксалиши ва халқ турмуш даражасининг ошиши келгусида жаҳон сиёсий майдонида мувозанатнинг ўзгаришига олиб келмоқда.

Зб. Бжезинскийнинг посттоталитар давлатларда демократия ва янги ислохотлар жараёни ҳақидаги фикрлари ўрганишга молик. Олим дунё мамлакатларида келгусида сиёсий жараёнларнинг кечишини уч босқичга бўлиб ўрганади².

Биринчи босқич коммунистик тартиботнинг емирилишидан бошланиб, ҳокимият тузилмаларини янгилаш, иқтисодиётни тиклаш кучаяди ва сиёсий тизим жиддий ўзгаришларга дуч келади. Демократик институтлар ташкил этилади, оммавий ахборот воситалари партия назоратидан халос бўлади, давлатнинг ялпи назорати барҳам топади ва ниҳоят, демократик ўзгаришларни

¹ Сафоев С. Марказий Осиёдаги геосиёсат. – Т.: ЖИДУ, 2005. – Б. 54.

² Brzezinski Z. The Great Transformation. The National Interest. – NY. 33, Fall 1993. – p. 4-5.

ёқловчи сиёсий кучлар пайдо бўлади. Бу жараён 1 йилдан 5 йилгача чўзилади.

Иккинчи босқичда иқтисодий тизимда жиддий ўзгаришлар рўй бериб, сиёсий соҳада барқарорлик таъминланади, янги Конституция қабул қилинади, сайлов тизими қарор топтирилади, демократик сайловларга ўтилади, давлат бошқаруви тизимини номарказлаштириш амалга ошади, ҳудудларнинг ваколати кучайиб, демократик кучларнинг мавқеи кўтарилади. Мамлакатда чуқур иқтисодий ислоҳотлар ўтказилиб, кучли банк тизими шаклланади, хусусийлаштириш ўтказилади ва мулкдорларнинг қонуний ҳуқуқлари мустаҳкамланади. Мазкур жараён 3 йилдан 10 йилгача давом этади.

Учинчи босқичда демократик институтларнинг барқарор амал қилиши, жамият аъзолари сиёсий маданиятининг юксалиши, иқтисодиётнинг барқарор ўсиши кузатилади. Бу жараён ўртача 5-15 йилни ўз ичига олади.

Олим ҳар бир давлат олдида аниқ сиёсий мақсад ва вазифаларни кўяди. Лекин демократия субъекти ва асосий ижроچиси бўлган халқнинг сиёсий маданияти, тайёргарлик даражаси, ислоҳотларни бажаришга қобилиятини ҳисобга олмайди. Булардан ташқари, геосиёсий вазият ҳам демократик жараёнга бевосита таъсир этишини негадир соқит қилади. Масалан, биргина Афғонистон муаммоси Ўзбекистонда кўплаб сиёсий ислоҳотларни бемалол амалга оширишга халақит бермоқда-ку.

Бизнингча, модернизациялаш жараёнини ҳам ташқи тазйиқ ёки «юқори»дан кўрсатмалар бериш орқали бажариб бўлмайди, балки шарт-шароит яратилган тақдирда, халқнинг ўзи уни шакллантиради. Сиёсий фанлар номзоди Н. Умарова масалани тўғри баҳолайди: «Демократлашув жараёнларини сунъий тезлатишга ҳар қандай уриниш аслида табиий эволюцион ривожланишга революцион зулм ўтказишни англатади ва ясама, сохта демократиянинг шаклланишига олиб келади. «Рангли инқилоблар»ни ҳам ўзгача мантиқ билан тушунтириб бўлмайди. Устига устак, демократияни умуминсоний қадриятдан универсал қадриятга айлантиришга ҳавасманд кучлар ҳам йўқ эмас. Улар демократияни мавжуд барча муаммоларнинг давоси сифатида тортиқ қилиб, турли мамлакатлардаги демократик жараёнларни бир

андозага солишга уринмоқдалар»¹. Араб давлатлари (2011-2019) ва Украинадаги (2014-2019) халқ ғалаёнлари ва ҳокимиятнинг алмашинувини бунга мисол тариқасида кўрсатиш мумкин. Бундай вазиятда ҳокимият тепасига халқнинг истак-хоҳишига мос лидер эмас, балки Ғарбга (АҚШга) мойил «қўғирчоқ» раҳбарлар келиши сиёсий вазиятни янада мураккаблаштиради.

XX аср бошидан Осиё давлатларига демократлашув жараёнларининг «кўчиши» анъанавий жамиятлар олдида мураккаб муаммоларни кўндаланг қўймоқда. Ғарбона қадрият ва эркинликлар миллий чегараларни босиб ўтиб, мамлакат ичкарисида хавф-хатарларни кучайтирмоқда. Россиялик олим Э.Баталовнинг ёзишича, демократия салкам уч минг йиллик тарихида илк марта «глобал кризис»²ни бошдан кечирмоқда. Жаҳонда ва Ўзбекистонда демократлашув жараёнларининг илмий концептуал жиҳатларини тадқиқ этган сиёсий фанлар доктори У. Идиоров фикрга қўшилган ҳолда, «бу ҳолат нафақат амалиётда, балки назарияда ҳам бир қатор масалаларни қайта кўриб чиқишни тақозо қилади»³, деган хулосага келади. Бу илмий муаммони модернизацияга ҳам тегишли, деб ўйлаймиз.

Ҳа, модернизациялаш назарияси ва амалиётида олимлар бош қотирадиган муаммолар кўпайган. Сабаби, сиёсий тизимда содир бўладиган бир қатор жиддий инқирозлар борки, уларни синчиклаб ўрганиб, мавжуд камчиликларни имкон борича бартараф этиш модернизациянинг кафолати ҳисобланади:

Модернизациянинг ўхшашлик инқироzi. Унда «мамлакат ўз йўлини танлаш чоғида миллий ва ҳудудий манфаатларда ихтилоф пайдо бўлади, ижтимоий-синфий бўлиниш миллий жипслашишга таъсир қилади, этник ва субмиллий мансублик зиддиятлари кучаяди»⁴.

¹Умарова Н. Сиёсий бошқарув асослари. –Т.: Akademiya, 2007. – Б.41.

²Қаранг.: Баталов Э. Глобальный кризис демократии // Свободная мысль-XXI век. –М.: 2005, № 2. – С.13.

³Идиоров У. Ҳозирги замон демократиялашув жараёнларининг концептуал асослари ва мустақил Ўзбекистон тажрибаси. Сиё. фан. док. дис. автореф. – Т.: 2006. – Б.41.

⁴Золотухин И. Демократизация “по-филиппински”: обзор и анализ основных тенденций внутривполитического развития в период с 1998 по 2004 гг. // Ойкумена, 2007. Вып. 2. – С.27-35.

Модернизациянинг легитим инқирози. Сиёсий ҳокимият жамиятдаги гуруҳларга сиёсий қарорларни қабул қилишга рухсат бермайди, анъанавий институтлар таҳдидга учрайди, жамият билан ҳукумат ўртасида ҳамжиҳатлик йўқолади, фуқаролар қарорларни қабул қилиш жараёнида лоқайдликка ўтади, сиёсий ҳокимият учун курашда рақобат кучаяди, омманинг сиёсий пассивлиги, ҳукмрон элитанинг сиёсий салтанатни сақлаб қолишга қодир эмаслиги намоён бўлади¹.

Модернизациянинг шериклик инқирози. Сиёсий қарорларни қабул қилиш жараёнига рухсат олишга манфаатдор гуруҳларнинг сони ошади, шериклар сиёсий ҳокимият учун курашни кучайтиради, манфаатдор гуруҳларнинг жамиятда ўрнини тополмагани оқибатида, сиёсий тизимнинг ривожини сустлашади, муҳолифат гуруҳларнинг кескин радикаллашув жараёни юз беради, булар эса сиёсий беқарорликка олиб келади. Бундай вазиятда элитанинг сиёсий муҳолифатга муносабатини тартибга солувчи уч ҳолат кўриб чиқилади: биринчиси, куч ишлатиш йўли билан муҳолифатга оммавий босим ўтказиш (Пиночет даврида Чилидаги воқеалар)²; иккинчиси, муҳолифатни қонун доирасида эътироф этиш; учинчиси, нафақат муҳолифатни «де-юре» тарзида тан олиш, балки у билан биргаликда сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнида иштирок этиш³.

Модернизациянинг сингувчанлик инқирози. Давлат бошқаруви ресурсларининг пасайиб кетиши натижасида ижтимоий соҳага кўрсатмаларини сингдириши қийин кечади, жамиятнинг табақалашishi кучаяди.

Модернизациянинг тақсимот инқирози. Бошқарувчи элитанинг жамият моддий фаровонлигини ошириш ва ресурсларни тақсимлашга қодир эмаслиги аён бўлади. Масалан, Лотин Америкасида жамиятнинг маргиналлашуви⁴ кучли мулкӣ

¹Қаранг.: Фетисов А.С. Политическая власть: проблемы легитимности // Социально - политический журнал. – 1995. №3. – С.101-112; Краснов Б.И. Теория власти и властных отношений // Социально - политический журнал. – 1994. №3-6. – С.76-84.

²Қаранг.: Калишевский М. Аугусто Пиночет спас Чили на крови // Эксперт, 1998, № 13. –С. 21-22.

³Қаранг.: Философия власти. – М.:Изд-во МГУ,1993. –С. 110-143.

⁴Маргиналлашув лотинча “marginalis” – “чеккада”, “ораликда туриш” дегани.

табақалашувни келтириб чиқарди. Шунда Бразилия, Чилида камбағаллар сони ва улушининг қисқариши Мексика, Венесуэлада мулкдорларнинг ортиб бориши эвазига ёпилди.

Кўриниб турибдики, модернизациялаш жараёнида назария ва амалиёт уйғунлигига эришиш анча мураккаб кечмоқда. Кутилмаганда бошланган инқирозлар сиёсий жараёнларга ва миллий тараққиётга сезиларли равишда таъсир ўтказиши мумкин. Айниқса, мамлакат фуқароларининг сиёсий тайёргарлик даражаси, миллий онги, маданияти ҳисобга олинмасдан бошланган ислохотларда янги муаммолар, ижтимоий инқирозлар содир бўлади. Бу объектив ҳолатни 2005-2019 йилларда Араб давлатларида содир бўлган воқеалар мисолида яққол кўрамиз. Лотин Америкасида жамиятни модернизациялаш жараёни юз йилдан ошган бўлса-да, у кутилган самара келтирмади. Жамиятда ижтимоий табақалашув, бойлар ва камбағаллар ўртасида фарқлар нисбатининг кучайиши қийинчиликни туғдирди. Бу масалани Лотин Америкаси мисолида таҳлил қилган россиялик олим А. Подберезкин ёзганидек, “касаба уюшмалари позициясини бўшатиб берди, ўрта синф қисқарди. Йирик шаҳарларда ишсизлар сони кўпайиб, қора бизнес жинойтчилик зиналаридан изма-из таъқиб қилмоқда. Молиявий бозорни либераллаштириш «енгил» йўл билан топилган пулларнинг муомала кўламини кўпайтириб, коррупция ва қаллоблик учун кенг имконият яратиб берди. Ўлим, талончилик каби шахсга қарши жинойтчилик ошди»¹.

Айрим ривожланаётган давлатларда молиявий секторнинг етарли даражада ривожланмаганлиги, ортиқча жамғармаларнинг иқтисодиётдаги тақчилликни ёпишга сарфланганлиги янги инқирозларни вужудга келтирмоқда. Мисол учун АҚШ ва Европа Иттифоқида (ЕИ) 2001-2008 йилларда молиявий бозорни ва банк тизимини ўта либераллаштириш жаҳон миқёсида молиявий инқирозга сабаб бўлди. Лўнда қилиб айтганда, фуқаролар, ижтимоий гуруҳлар ва давлат ўртасида консенсусга эришилмагани тақсимот инқирозини вужудга келтирди. ЕИ бугунга қадар иқтисодий тақчилликдан қутула олмаяпти.

Яна бир ҳақиқат шуки, ҳар бир мамлакатда модернизация тақдирини қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг

¹Подберезкин А.И. Россия сегодня: реальный шанс // Обозреватель. Спец. вып., 1994. № 21-24. –С.538.

ўзаро алоқаси, бир-бирини тушуниши ва тутган объектив позициясига боғлиқ. Аввало, улар асосий функциялари ва ўз мақомларини билиб олишлари керак. Ғарб таҳлилчиларининг фикрича, урта тузилмада қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ўрни доимо юқори туради. Давлат ҳокимияти тақсимланиш моделига кўра, қонун чиқарувчи ҳокимият жамиятда мавжуд барча ижтимоий гуруҳларнинг вакиллик органларини таъминлаши, сиёсий қарорлар қабул қилишда сезиларли таъсир кўрсатиши лозим. Парламент «давлатнинг сиёсатини белгилайди» (Ж.Локк), «унинг фаолияти халқ томонидан назорат этилмайди» (Э.Берк)¹.

Президентлик-республика бошқарувида президент ҳам давлат, ҳам ижро ҳокимиятининг раҳбари ҳисобланади. Президентлик республикасида ҳокимият анча барқарор бўлиб, унда ҳокимиятнинг қонунчилик ва ижро тармоғи, уларнинг даражаси, эркинлигига нисбатан қатъий бўлиниш сақланади. Кўпгина сиёсатшунос олимлар бу шаклнинг сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва демократик имконияти кенглигини эътироф этишади². Франция давлати фикримизга жонли мисол бўла олади. Ўзбекистонда ҳам ана шу француз моделининг озгина уйғунлашган шакли қўлланиб келинмоқда.

Қонунчилик тармоғининг давлат ҳокимиятидаги фаол иштироки кўп жиҳатдан конституциявий асосларнинг яратилганлиги билан белгиланади. Давлат ҳокимияти тизимида биронта конституциявий ислоҳот парламентни четлаб ўтмаслиги лозим.

Ижроия ҳокимиятининг жамиятни модернизациялаш жараёнидаги иштироки масаласи ҳам кўплаб тадқиқотлар учун яхши мавзу бўлиши мумкин. Жамият ғоявий-сиёсий ҳаётида жонланиш кўп ҳолларда ҳокимият тизими қисман қулаганда юз беради. Таниқли олим **Э. Хейвуд ижро этувчи ҳокимиятни «бюрократик раҳбарият», деб атайти.** Улкан бюрократик, ҳам маъмурий аппаратдан иборат ижро этувчи ҳокимиятнинг ҳақиқий вазифаси сиёсий қарорларнинг амалга оширилишини назорат

¹Қаранг.: Политология. –Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси, 2002. – Б. 35.

²Қаранг.: Lipjhart A. Presidentialism and Majoritarian Democracy: Theoretical Observations, in The Failure of Presidential Democracy. Juan J. Linz and Arturo Valenzuela (eds.),1994. –p. 100; Ackerman B.The New Separation of Powers.– Harvard Law Review, 2000, NY. 113 Vol. 3. – p. 641.

қилиш бўлса-да, ҳукуматнинг давлат сиёсатида етарли даражада фаолият кўрсатмаслиги қуйидаги омиллар билан характерланади:

биринчидан, фаолияти кун сайин кенгайиб борадиган бюрократик аппаратни бошқаришга профессионализм етишмайди, чунки аппаратда бошқарув тажрибаси етарли бўлмаган ходимлар кўпроқ ишлайди;

иккинчидан, улар ўз моддий манфаатини ҳеч қачон унутмайди, сабаби, турли манфаатдор гуруҳлар ишини ўзидаги департаментлар назорат қилади”¹.

Иккинчи ҳолат жиддийроқ таҳлил қилинса, ҳукуматда эгоистик манфаатли кишилар бирлашгудек бўлса, коррупция хавфи туғилишини яққол кўрамиз. Ана шу муҳим омил нафақат миллий иқтисодиёт ривожига, ҳатто сиёсий ислохотларнинг тизимли давом этишига ҳам халақит беради.

Шу нуқтаи назардан караганда, 2016 йилдан бошлаб, Ўзбекистон ҳукумати аъзоларининг парламент олдида ҳисоб бериб туриши тажрибаси қўлланилиши тўғри ва мақбул қарор, деб ўйлаймиз. Қолаверса, 2017 йил 8 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “Маъмурий ислохотлар концепцияси”нинг қабул қилиниши тарихий воқеа ҳисобланади (бу ҳақда китобнинг 4-бобида фикр юритилади).

Биринчи бобга хулоса

Биринчидан, сиёсий модернизациялашнинг зарурияти шундаки, у давлат ва жамиятнинг бир поғона юксалишини таъминлаб беради. Пировард натижада, мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий соҳасида улкан қадамлар ва натижаларни кўринади.

Иккинчидан, модернизациялаш мураккаблигидан бу жараёни ўтиш давридаги комплекс муаммолар тугуни билан биргаликда ўрганиш лозим. Хусусан, сиёсий ҳокимиятни янгилаш, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга ошириш, жамият аъзоларининг сиёсий тафаккури, иқтисодий даражасини шакллантириш, халқ билан очиқ мулоқотга киришиш, давлат ҳокимияти органлари очиқлигини таъминлаш сиёсий раҳбар, лидердан катта жасорат ва масъулиятни талаб этади.

Учинчидан, бугунги кунда жамиятни модернизациялаш ҳар бир мамлакат учун объектив зарурият бўлиб, бу жараёни босиб

¹Қаранг.: Хейвуд Э. Политология (Politics). Учебник для вузов. – М.: ЮНИТИ, 2005. – С 245- 267.

ўтмасдан тараққиётга эришиб бўлмайди. Мисол учун Хитой, Япония давлатларида фақат модернизациялаш, ислоҳ этиш орқали жамият сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳаётида янгиланиш ва ислоҳотларни самарали амалга оширилди.

Тўртинчидан, Шарқ мамлакатларида миллий қадрият ва анъаналарни ҳисобга олмай туриб, ғарбона модернизация ва демократиялашни олиб кириш салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Бешинчидан, сиёсий модернизациянинг асосий мақсади ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро қилувчи ва суд ҳокимиятларини янгилашни қамраб олади. Модернизация илк босқичида ўрта синф, янги элитани шакллантириш ва анъанавий институтларнинг трансформацияси жараёни кечади.

ИККИНЧИ БОБ. ЖАМИЯТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА МЕЗОНЛАРИ

2.1. Жамиятни модернизациялашнинг генезиси ва тадрижий такомиллашувини белгиловчи омиллари

Антик давр мутафаккирлари Конфуций, Сукрот, Платон, Аристотель, Цицеронларнинг таълимотлари фуқаролик жамиятига доир илк тасаввурларни уйғотди. Уларнинг илмий мероси араб тилига таржима қилингандан кейин ислом фалсафаси ва аниқ фанлари ривожланиб кетди. Фақат X–XV асрларга келиб, Араб Андалузияси таржимонлик мактаби ёрдамида бу доно асарлардан Европа халқи баҳраманд бўла бошлади.

Таназзул даврини бошдан кечираётган Хитойда файласуф **Конфуций** (Кун-цзи, мил. ав. 551–479 йиллар) сиёсий тизимни мустаҳкамлашга хизмат қилган мукаммал ахлоқий қоидаларни ишлаб чиқди. У жамиятнинг юқори табақасига мос келадиган комил инсон тимсоли ғоясини илгари суриб, жамиятнинг барқарорлигини таъминлаш учун давлат бошқарувида маънавий ва ахлоқнинг ўрнини юқори поғонага кўтарди! “Агар жамият қонунлар ёрдамида бошқарилиб, жазолаш орқали тартибот таъминланса, одамлар жазоланишдан қочади ва ор-номусни ҳис қилмайди; дэ (маънавий-ахлоқий тизим) орқали бошқарилиб, қадриятлар орқали тартибот олиб борилса, ҳамма ор-номусни ҳис қилади, ҳалол ва софдил одамга айланади”¹, деган одил хулосага келади у. Мазкур тизим Хитойда бугунги кунга қадар жамият аъзолари ўртасида ҳам аҳиллик, ҳам фаровонликни таъминлаб келмоқда.

Конфуцийчилик халқнинг диний қадрияти, яшаш идеали даражасига кўтарилган. “Бунинг асосий сабаби шундаки, мутафаккирнинг ўғитлари, у қолдирган маънавий ва илмий меросга бўлган эҳтиёж абадий аҳамият касб этганлигидир,—деб ёзади сиёсий фанлар доктори М.Қирғизбоев.—Конфуцийчилик қайси мамлакат жамиятида бўлмасин, умуминсоний қадриятларнинг амал қилишини асраш, янада ривожлантириш омили ва манбаи сифатида

¹История политических и правовых учений. Древний мир. – М.: Наука, 1985. –С. 170.

ўз аҳамиятини йўқотмай келмоқда. Ҳозирги фуқаролик жамиятида фуқаро – жамият – давлат ўзаро муносабатларини мувозанатлаштириш, инсонийлаштириш ислохотларида Конфуций қолдирган меросни ўрганиш фойдадан холи эмас”¹.

Ўлмас таълимот хитойлар ва японларнинг миллат сифатида шаклланиши, давлат тизимини ривожлантириш ва халқнинг иқтисодий-ижтимоий юксалишини ҳануз таъминлаб келмоқда.

Мутафаккир **Платон** (мил. ав.427–347 йиллар)нинг давлат қурилишига доир қарашлари “Сиёсат”, “Критий”, “Давлат” каби асарларида яхши баён этилган. “Қонунлар” асарида таъкидланганидек, “Давлат” тепасида кўп поғонали сайловлар йўли билан сайланган 37 та идора этувчи туради. Давлат органларидан ташқари, давлатнинг устидан назорат этувчи “Тунги йиғин” деган махсус орган тузиш керак. У ўнта обрўли донишманд ва кекса арбоблардан иборат бўлади, уларга давлат тақдири ишониб топширилади»². Платон фикрича, қонунларга амал қилган давлат ва жамият барқарор бўлади, бундай жамиятда фаровонлик ва тинчликка эришилади.

Фуқаролик жамияти шаклланиши ҳақида **Аристотель** (мил. ав. 384–322 йиллар) кўп асарлар ёзиб қолдирган. Олимдан “Софист”, “Политик”, “Ғоялар ҳақида”, “Фаровонлик ҳақида”, “Жон ҳақида”, “Никомах ахлоқи”, “Ахлоқи кабир”, “Сиёсат”, “Поэтика”, “Риторика” каби асарлар мерос қолган. “Демократия биринчи кўринишининг характерли белгиси тенгликдир,—дейди у.— Тенглик демократиясининг асосий қонунига кўра, мулксизлар ҳам, мулкдорлар ҳам ҳеч нарсада бирон-бир имтиёзларга эга эмаслар; олий ҳокимият униси ёки бунисининг қўлида тўпланмаган: улар ҳам, бошқалар ҳам ўзаро тенгдирлар”³.

Сиёсий бошқарув – одамларнинг эмас, балки қонунларнинг бошқаруви эканлигини аниқ тушунтиради: “Кимки қонун ҳокимият юритсин, деб талаб қилса, бу гўёки, фақат тафаккур ва илоҳиёт бошқарувини сўрайди. Кимки инсон ҳокимият юритсин, деб талаб қилса, ўз талаби билан жамиятга ҳайвоний унсурни олиб киришга уринган бўлади. Инсоннинг ҳис-туйғуларга берилиши

¹Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба. –Т.: Янги аср авлоди, 2006.– Б. 15.

² Афлотун. Қонунлар. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. – Б. 439.

³Аристотель. Политика. Сочинения. в 4-х томах. Т. 4. – М.: Мысль, 1983. – С. 496.

хайвонийликдан ўзга нарса эмас, ҳукмдорларни ҳам ғазаб тўғри йўлдан оздиради. Қонун эса вазмин идрок демак”¹.

Ўтмиш тарихимизда ақл-идрок эмас, шахс ҳукмронлиги адолатсизлик ва мустабидликка олиб келгани А. Гитлер, И. Сталин, Мао Цзэдун ва бошқа тоталитар тузум раҳбарларининг бошқарув тажрибасидан яхши маълум.

“Фуқаролик жамияти” тушунчаси моҳияти илдизлари ҳам Аристотелга бориб тақалади. “Ўша жамиятни Аристотель “politike koinonia”, яъни, “сиёсий бирлик / ҳамжамият”, деб атайди,—дейди Л.Кози ва Э.Арато. — Унинг латин тилидаги ифодаси “societas civilis” (фуқаролик жамияти) қабилида қабул қилинди. Бу тушунча полисни аниқлаш учун хизмат қилиб, замирида “zoön politikon” — “сиёсий мавжудот” ҳақидаги инсон мақсади тушунилади. Аллома яшаган даврда “politike koinonia” — “фуқаролик жамияти” тушунчасини “сиёсий жамият” синоними сифатида ишлатишган. Қадим юнон ўлкасида оила, эътиқод, маърифат, маданият, санъат, умуман ҳаётнинг барча қирралари сиёсийлаштирилган эди”².

Қадимги Рим файласуфи, нотиғи, сиёсий арбоби **Цицерон** (мил.ав. 106–43 йиллар) давлат (respublica) халқнинг (res populi) бойлиги, “халқ қандайдир тарзда биргаликда тўпланган ҳар қандай одамларнинг бирлашмаси эмас, балки ҳуқуқ ва манфаатлар умумийлиги масалаларида ўзаро бир-бирлари билан келиша оладиган кўпчилик одамларнинг қўшилмасидир”³, деб кўрсатиб ўтган эди.

Умуман олганда, Конфуций, Сукрот, Платон, Аристотель, Цицерон каби мутафаккирларнинг давлат ва жамият қурилишини ислоҳ этишга доир фикрлари ўрта асрлардаги ислом фалсафаси ва илм-фанига муносиб улуш бўлиб қўшилди. Шарқ ва Ғарб илмий, адабий алоқаларини тадқиқ қилган таниқли шарқшунос олим, филология фанлари доктори Нажмиддин Комилов бу ҳақда шундай ёзади: “Шарқ Уйғониши улуғ алломалар, қомусий билим соҳиблари, тафаккур ва ижод паҳлавонларини майдонга келтирди. Бу улкан маданият умумбашарий цивилизацияга қўшилиб, унинг узлуксиз ривожига омил бўлди, турли алоқа воситалари орқали Ғарбга ўтиб, янги Европа тафаккури тараққиётига таъсир кўргазди.

¹Ўша жойда. —С. 481.

²Кози Л. Ж., Арато Э. Гражданское общество и политическая теория. — М.: Весь Мир, 2003. — С. 134.

³Цицерон. Диалоги о государстве, о законах. — М: 1966. —С. 39.

Етти аср давомида араб халифалиги кўл остида турган Испаниянинг Қурдоба, Шивилия, Ғиронада вилоятларида Шарқ илм-маърифати кенг қанот ёйди. Испан қироллари араб тилини мукаммал билар, ўз саройларида араб шоир ва олимларини сақлар, барча испан зиёлилари арабча таълим олиб, шарқона урф-одат руҳида тарбияланар эдилар¹. Устознинг таъкидлашича, Шарқ маданиятининг Европага кўчишида таржима, шубҳасиз, муҳим роль ўйнаган. XII асрлардан бошлаб араб тилида ёзилган илмий адабиётларни яна лотин тилига ағдариш авж олган, кейинчалик уларни испан, француз, кастил тилларига таржима қилиш кучайган, Толедо ва Болоня шаҳарлари ўша давр таржимачилигининг йирик марказларига айланган...

Адолатли жамият барпо этиш, фуқаролик жамияти унсурлари шаклланишига улкан ҳисса қўшган **Абу Наср Форобий** (873-950) мероси бебаҳо хазина. Аллома ўрта аср даври табиий-илмий ва ижтимоий-сиёсий билимларининг қарийб барча соҳаларини қамраб олувчи 160 дан ортиқ асар яратган. Ижтимоий-сиёсий ҳаёт, фозил жамият қуриш, давлатни бошқариш, ахлоқ ва маънавият масалаларига бағишланган «Бахт-саодатга эришиш йўллари ҳақида рисола», «Уруш ва тинч турмуш ҳақида», «Шаҳарни бошқариш», «Фозил шаҳар одамлари қарашлари», «Фазилатли хулқлар» каби асарлари маълум ва машҳур. Абу Наср Форобий Шарқда фозил жамоани вужудга келтиришга оид илмий изланишлар олиб борган дастлабки мутафаккир эди. Мукаммал жамиятда ҳар бир табақа, яхлит ижтимоий организмнинг ажралмас қисми сифатида, ўзининг муайян функцияларига эга бўлиб, гўёки шу вазифаларни бажариш учун ихтисослашган бўлади. Фозиллар жамиятида табақалар ўртасидаги тафовутларнинг сақланишида адолат ҳуқуқий категория вазифасини бажаради. Бу жиҳатлардан унинг адолат ғоясига нисбатан ишлатган таърифлари Платон (Афлотун) талқинларига жуда яқин туради.

Форобий «Фозил шаҳар одамлари қарашлари» асарида жамият («инсон жамоаси»)нинг келиб чиқиши ҳақида шундай ёзади: «Ҳар бир инсон ўз табиатига кўра шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга қўлга кирита олмайди, шу боис уларга эга бўлишга кишилиқ жамоасига эҳтиёж туғилади... Шу сабабли яшаш учун зарур бўлган нарсаларни бир-

¹Комилов Н. Тафаккур карвонлари. –Т.: Маънавият, 1999. – Б. 57.

бирига етказиб берувчи ва ўзаро кўмаклашувчи инсонларнинг бирлашувигина одамнинг табиатига кўра интилган етукликка эришишга имкон беради. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришмоқ учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шундан инсон кўпайди ва ернинг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнашди, натижада инсонлар жамоаси вужудга келди”¹.

Олим жамоани катта-кичиклигига кўра, уч турга бўлади:

- 1) буюк жамоа – дунёдаги барча халқларнинг бирлашуви;
- 2) ўрта жамоа – бир халқ ёки миллатни бирлаштирувчи жамоа;
- 3) кичик жамоа – алоҳида бир шаҳар-давлатни (полисни) бирлаштирувчи жамоа.

Бу ўринда ўрта жамоа бутун бир мамлакат миқёсидаги илк демократик жамиятнинг мазмуни ва кўламини англатадиган тушунча. Форобийнинг фикрича, инсоният фақатгина илм ва юксак ахлоқий юксакликлар асосида яхлит фозил жамоага бирлаша олиши мумкин.²

Абу Наср Форобий маърифат тан олинмаган, ҳукмдори халқпарвар, бошқаруви адолатли бўлмаган, маънавият эътироф этилмаган юрт манзарасини шундай тасвирлайди: “...баъзи шаҳар (ёки мамлакат)лар бўладикки, уларда бутун халқнинг фикр-зикри, ақл-идроки бойлик тўплаш, мол-дунё орттиришга қаратилган бўлади. Улардан чиққан раҳбарлар ҳам раҳбарликни мол-дунёни кўпайтиришда, деб билади. Шу боис, эртаю-кеч мол-дунё тўплаш ҳаракатида юрадилар. Бундай раҳбарларнинг қўли остида ишлаган шаҳар халқларида турли бузуқ одатлар, шаҳвоний нафс, бир-бирини кўролмаслик, талаш, душманлик, низо-жанжаллар пайдо бўлади. Ана шундай шаҳар халқларидан хислатлари, майллари турлича бўлган авлодлар туғилади”.³ Нақадар аниқ таъриф ва талаблар кўйилмоқда юрт ҳокимларига. Гўёки “Қутадғу билик” (Юсуф Хос Ҳожиб) асарида уқтирилганидек, “юрт бузилса, беклар тузатади, беклар бузилса, ким тузатади”, деган ҳаққоний савол келиб чиқади бу даъватдан.

Форобий X асрнинг бошидаёқ адолатли фуқаролик жамиятининг чиройли моделини ишлаб чиқади: “Маданий жамият

¹ Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шахри. – Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси, 1993. –Б. 186.

² Ўша жойда. –Б. 186.

³ Ўша жойда. – Б. 190-191.

ва маданий шаҳар (мамлакат) шундай бўладики, бу мамлакатнинг аҳолиси бўлган ҳар бир одам касб-ҳунарда озод, ҳамма баб-баробар бўлади, ҳар ким ўзи истаган ёки танлаган касб-ҳунар билан шуғулланади. Одамлар чин маъноси билан озоддирлар: бири иккинчисига ҳўжайин бўлолмайди. Одамларнинг тинчлик ва эркинликларига ҳалақит берувчи султон ёки подшоҳ бўлмайди. Улар орасида турли яхши одатлар, завқ-лаззатлар пайдо бўлади”.² Форобий илгари сурган “маданий жамият”нинг асосий белгиси – инсон эркинлиги. Шу билан бирга, “маданий жамият” ва “маданий шаҳар” ҳалқининг эркин равишда ўзлари хоҳлаган касб-ҳунар билан шуғулланиш ғояси ҳам фуқаролик жамиятининг энг муҳим белгиларидан биридир.

Абу Наср Форобий сиёсий-ҳуқуқий меросининг асосий қисмини унинг жамият ва давлат, бошқариш тизимлари, усуллари ва шакллари, шунингдек, мукаммал ижтимоий тузилмалар, уларни барпо этишнинг асосий тамойиллари ҳақидаги таълимоти ташкил этади. Бу ўша давр учун жуда бой манба вазифасини ўтаган эди. Давлат ва жамият қурилишини мустаҳкамлаш, бошқарув жиловини маҳкам тутиш, қонун устуворлигига эришиш сиёсий ва ижтимоий зарурат эканлигини Форобий бобомиз X асрдаёқ асослаган! Аллома маънавий ва маърифий камолотга эришиш шахсларнинг ўз-ўзига бўлган масъуллиги, инсоний интизомининг нечоғлик юксаклигига боғлиқлигига алоҳида урғу беради. Комил инсонликка эришиш йўлини ҳар бир киши ўзи учун муқаддас сулук, илоҳий қонун даражасида англамоғи зарур, дейди.

Шуни таъкидлаш жоизки, Форобий ижтимоий-сиёсий таълимотининг энг муҳим қисми жамиятнинг таркибий тузилиши, шаклланиши ва ривожланиши бош сабаблари, шарт-шароитлари ҳамда амал қилишининг сиёсий-ҳуқуқий меъёрларини тадқиқ қилишга бағишланган. Алломанинг адолатли фозил жамият қуриш ҳақидаги таълимоти унинг фалсафий ва сиёсий қарашлари билан узвий боғланган. Бу таълимотнинг ўзига хос жиҳати шундаки, у жамият, давлат ва инсон муносабатларидаги самарали ечимларни топишда ҳозирда ҳам қимматга молик ғоялардир.

Мутафаккир фозил жамият ва шаҳар (давлат) уюшмаси шаклланиши, қарор топишининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий ва иқтисодий жиҳатлари ҳақида фикр юритаётиб, бу

² Ўша жойда. – Б. 190.

борада объектив хулосага келиш учун ўша даврдаги жамият ва шаҳарларнинг ташкилий жиҳатлари, муаммоларини атрофлича тадқиқ қилади. Ушбу шаҳарлар ҳаётий фаолиятига, уларни бошқарув усулларига баҳо берар экан, Форобий “мукаммал жамият ва давлатнинг олий мақсади – инсонларни том маънода бахт-саодатга эришувидир”, деган хулосага келади. Ахир, бу ажойиб ғоялар бугунги кунда ҳам долзарб ва қимматли эмасми?!

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб, Абу Наср Форобийнинг фозил жамоага доир таълимотининг асосий йўналиши комил инсонни шакллантириш, уни маънавийли ва ахлоқли бўлишига йўналтирилганини кўриш мумкин.

Давлат ва жамият муносабати билан шуғулланган яна бир аллома **Абу Райхон Беруний** (973–1048) адолатли жамиятни барпо этиш учун аввало, унга жиддий тўғаноқ бўлган иллатларнинг илдизини қуритиш керак, дейди. “Ёвузликдан қутулиш учун инсон табиий куч – очкўзликка ҳирс ва ғазаб устидан ҳукмронлик қилиши даркор. Булар инсон учун энг кучли ва хавфли душман. Мана шу очкўзлик ва ғазаб устидан ақл ва тафаккур кучлари ғалаба қозониши керак. Шундагина инсон шайтоний нафслардан қутулиб, Худога яқинлашади; бу оламнинг ташвишларидан халос бўлиб, маънавий юксалишга интилади. Аммо инсон бу иллатлардан қутулиши учун уларни келтириб чиқарган сабабларни – бошқалардан устунликка, шон-шуҳратга ҳирс қўйиш ва интилиш иллатларини тарк этмоғи лозим”¹. Буюк аجدодимиз тилга олган **“шайтоний нафслар”** – баъзи раҳбарларнинг очкўзлиги, ахлоқсизлиги, шуҳратпарастлиги масаласи ҳанузга қадар ўз аҳамиятини йўқотмаганлиги, демак, булар инсон табиати, келиб чиқиши билан боғлиқ эканлигидан далолат беради, назаримизда. Хусусан, феодал жамият ҳукм сурган даврларда мазкур иллатлар яна гуркираб ўсди, ривожланди...

Олим 27 ёшида “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарини ёзиб тугатди. Китобда олим ҳаётий кузатувлари асосида юнонлар, римликлар, форслар, сўғдийлар, хоразмийлар, яҳудийлар, араблар ва бошқа халқларнинг йилнома (календарь) тизимларини таққослаб, уларнинг келиб чиқиш тарихини, Туронзамин халқларининг урф-одатлари ва маданиятини ҳар томонлама таҳлилдан ўтказди.

¹ Абу Райхон Беруний. Ҳиндистон. –Т.: Фан, 1965. –Б. 104.

Қомусий олим **Абу Али ибн Сино** (980–1037) адолатли жамиятда инсонлар ўртасидаги ахлоқий муносабатларни юқори қўяди. Чунки ахлоқий муносабатларнинг юксалиши жамиятнинг маънавий-ахлоқий соғломлиги ва собитлигини таъминловчи омил ҳисобланади.

Фуқаролик жамияти унсурлари шаклланишига ҳисса қўшган Шарқ мутафаккирларидан яна бири Абу Али Ҳасан ибн Али **Тусий-Низомулмулк** (1018-1092). У ўзининг “Сиёсатнома” асарида давлат ҳокимиятининг табиати ва мақомини очиб беради. Машхур асарида ҳукмдор ва унинг мансабдорлари қуйидаги умуминсоний фазилатлар соҳиба бўлиши лозимлигини уқтиради: подшоҳ адолат ўрнатишда собитқадам бўлиши, камбағал ва бева-бечораларга ёрдам бериши, муҳтожларга давлат хазинасидан нафақалар ажратиши, хайр-эҳсон қилиб туриши лозим. Мансабдорлар фуқаролар ҳуқуқларини сақлаб, ҳурмат этишлари жоиз. Низомулмулк шоҳ ва унинг мансабдорлари амалий ҳаёт тажрибасини орттирган, жаҳонгашта ва мўътабар оқсоқоллар, олиму фозил инсонлар билан кенгашган ва маслаҳат олган ҳолда халқни бошқариши зарурлигини алоҳида таъкидлайди. Унинг фикрича, мансабдорлардан зулм ва адолатсизлик кўрган ҳар бир фуқаро ҳокимдан то вазир ва шахсан шоҳга шикоят билан тўғридан-тўғри арз қилиш имкониятига эга бўлмоғи лозим: **“Подшоҳ ҳафтада икки кун зулм кўрганларни қабул қилиши, золимларнинг додини бериб, жазолаши ва раият сўзларини бевосита эшитиб бориши даркор.** Агар “худованд подшоҳ додхоҳларни чақириб, ҳафтада икки маротаба уларнинг сўзларини эшитади ва золимларнинг жазосини беради”, деган хабар мамлакатга тарқалса, унда мансабдорлар бунинг оқибатини ўйлаб, халқдан кўрқиб бедодлик қилмайдилар”

Низомулмулк адолатли жамият барпо этиш бобида илғор фикрлари билан ўз замондошларидан илгарилаб кетган эди. Мутафаккир “Сиёсатнома” асари иккинчи фаслида подшоларни раиятпарвар (халқпарвар) бўлишга ундайди. Ҳақиқатан ҳам, ўша даврда бундай ғояларни очиқ-ойдин айтиш анча хавфли эди. Низомулмулк ҳукмдорнинг қуйидаги асосий вазифаларини аниқ кўрсатиб ўтади: “Эзид таоло неъматлари қадрини подшоҳларнинг билишлари уларнинг халққа қиладиган хайру эҳсон ва адолатларидан маълум бўлади. Агарда халқ дуолари неклик билан қўшилса, мулк мустаҳкам бўлиб, кун сайин кучга тўлади, шу мулк

Ўз давлат ва тинчлигидан баҳраманд бўлади, бу оламда яхши ном ва у дунёда раҳм-шафқат насиб қилади. Дин улуғлари айтганларки, “Ал мулку ябқа маъал-куфру ва ло ябқа маъаз-зулми”. Маъноси шуки, “Мулк куфр ила мавжуд бўлиши мумкин, зулм билан эса барбодликка маҳкумдир”¹.

“Сиёсатнома” асари учинчи фаслида фуқароларни юқори давлат органлари томонидан қабул қилиш, халқ арз-додини эшитиш ва шу асосда жамиятда адолатсизлик, инсофсизлик, жабр-ситам ва зулмга барҳам беришга доир фикрлар келтирилади. ХІ асрдаёқ аллома томонидан юртда ижтимоий адолат, инсон қадри юксаклиги масаласи кўтариб чиқилиши, демак фуқаролик жамияти элементлари кўпчилиги дастлаб Шарқ мамлакатларида шаклланигандан дарак беради. Қизиғи шуки, Низомулмулк жамиятда адолатни таъминлашнинг шарти сифатида оддий фуқароларнинг ҳукмдор билан ўзаро мулоқотда бўлиши, бунинг натижасида ҳукмдор жамият ичидаги адолатсизликдан доимо огоҳ бўлиб туришини очик айтади. Аллома жамият барқарорлиги учун адолатли сиёсий бошқарув зарурлиги, подшоҳларнинг маслаҳат ва кенгашлар асосида сиёсат олиб боришига ҳам муҳим аҳамият берди: “Барча ишларни маслаҳат билан амалга ошириш кишининг мустаҳкам иродасидан, оқиллиги ва дунёқарашидан далолат беради!”. Давлат бошқаруви тўғрисидаги ушбу фикрлардан шундай хулоса чиқариш мумкин: сиёсат ва давлат бошқарувида фуқаро ҳаётидаги барча икир-чикирларни билиш ва улардаги ўзаро муносабатларни англаш жамият ривожини учун керак. Тажрибали, оқил, фозил кишилар билан кенгашиш ва маслаҳатлар асосида сиёсий ва бошқарув қарорлари қабул қилинса, жамият барқарорлигини таъминлаш ва адолатни ўрнатиш, фаровон ҳаёт куриш имкони ошади. Буюк давлат арбоби Амир Темур бошқарув бобида ислом қонун-қоидалари ва юқоридаги маслаҳатларга таянгани ул зотга зафар ва ғалабалар келтирганига тарихнинг ўзи шоҳиддир. Низомулмулк фикрича, “бирор ишни маслаҳатсиз амалга ошириш фикрнинг заифлигидан далолат беради, бундайларни ўзбилармон дейдилар. **Машварат ва кенгашсиз амалга оширилган ишнинг натижаси яхши бўлмайди**”¹. У бу ўринда ҳукмдорларни Пайғамбар салоллоҳу алайҳи вассалламдан

¹ Низомулмулк. Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулк. –Т.: Адолат, 1997. –Б. 16-19.

¹ Ўша жойда. –Б. 98.

ибрат олишга чақиради: у Яратганнинг набийси бўлса-да, оддий инсонлардан маслаҳат олиш, улар билан кенгаш ва машварат этиш асосида бошқаришни афзал кўрганлигини уқтиради. Бу билан аллома ҳар қандай ақлли ва доно ҳукмдорнинг машварат ва кенгашсиз мамлакатни бошқариши охири яхши бўлмаслигига ишора қилади. Ана шу маслаҳатлар ва қоидалар минг йиллардан буён ўз аҳамияти ва мавқеини йўқотмасдан, фуқаролик жамиятининг асосий унсурларидан бири сифатида яшаб келмоқда.

Улуғ ўзбек шоири **Алишер Навоий** (1441–1501) ўлмас асарлари ва амалий ишларида адолатли ҳукмдорларни улуғлайди, ижтимоий-сиёсий ҳаётда юз бераётган ноҳақлик ва адолатсизликларни эса қоралайди. Асли, бу ҳам сўз эркинлиги орқали жамиятни тарбиялаш ҳисобланади. Демократия ва сўз эркинлигини баъзида Ғарбнинг меваси, деб тақдим этишади. Холис ахборотнинг давлатни бошқаришдаги аҳамияти ҳақида **“Сен шоҳсен – агар огоҳсен, агар огоҳсен шоҳсен сен”**, деб бундан беш юз йил олдин хитоб қилган **Алишер Навоий чин маънода демократ эди**. Буюк шоирнинг фикрича, инсоннинг кадр-қиммати унинг мол-мулки билан эмас, балки маънавий қиёфаси, ахлоқий сифатлари билан ўлчанади. Навоий фалсафасида сиёсий назария (идеал давлат қуриш) ва ахлоқий назария (комил инсон таълимоти) узвий боғлиқликда ифодаланади. Ижтимоий-сиёсий масалада шоир гуманистик таълимотни яратди, яъни, шоҳни боғбонга, мамлакатни боғга қиёслади. Унга кўра, боғбон оқил, меҳнатсевар бўлса, боғи гуллаб яшнайди, подшоҳ маърифатли, билимдон ва адолатпарвар бўлса, ҳам халқини севса, мамлакати обод бўлади.

Навоий халқлар ўртасидаги буюк дўстликни асарларида кўп тараннум этади. Дарвоқе, шоир дostonларининг қаҳрамонлари турли халқларнинг вакиллари: Ширин – арман қиз, Фарҳод – хитой ўғлони, Шопур – эронлик, Маъсуд – ҳинд, Лайли ва Мажнун – араб, Искандар ва унинг маслаҳатчилари Арасту, Буқрот, Сукрот – юнонлик бўлишган.

Йирик давлат арбоби, буюк саркарда **Амир Темур** (1336–1405) жамият ва давлат асосларини шакллантиришга беқиёс ҳисса қўшди. Соҳибқирон салтанат ишларини қонун-қоидаларга (тўра, тузук), урф-одатларга асосланиб бошқаради. Бу ўринда “тузук” изоҳли луғатларда “тартиб ва интизом, лашкар ва мажлис ишлари йўриғи”, деган маънони англатади. “Темур тузуқлари”да, аввало, демократик асосдаги давлат тузилиши, унинг ижтимоий-сиёсий

аҳволи, давлат ва қўшин таркиби, давлатнинг қўшни мамлакатлар билан муносабатлари ҳақида кенг маълумотларни ўқиймиз. Тузукларда инсон манфаати қадрланади, инсон ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳуқуқий жиҳатдан таъминланади. **Қонун олдида бой ҳам, камбағал ҳам, оддий фуқаро ҳам тенг!** Амир Темур ўз фуқароси қайси миллат вакили бўлишидан қатъи назар, уни ҳимоя қилган! Ўз салтанатини “Куч – адолатдадир” деган шиор асосида бошқарган. Биргина шу далилнинг ўзиёқ биз “демократия” деб атаётган давлат ва жамиятни замонавий бошқаришнинг бир кўриниши эмасми?!

Мустақил Ўзбекистон Республикаси асосчиси ва **биринчи президенти Ислом Каримов** (1938-2016) ўз асарлари ва чиқишларида юртимизда яшаб ўтган алломаларнинг илғор ғояларини қўллаб-қувватлайди ва уларга алоҳида ҳурмат ва ифтихор билан қарайди. Жумладан, соҳибқирон бобомизнинг тарихий хизматлари ҳақида гапириб, “Амир Темур ўз давлатини ақл-заковат ва ҳуқуқий асос билан идора этган¹”лигини эътироф этади. Юртбошимизнинг ўзи ҳам мустақил Ўзбекистон давлати сиёсий, иқтисодий тизимини барпо этиш бобида кўп хизмат қилди. Хусусан, миллий тараққиёт йўлига асос бўлган “Ўзбек модели”нинг қабул қилиниши, “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” концептуал-сиёсий дастурнинг ҳаётга татбиқ этилиши, кучли ички ва ташқи сиёсат юргизиши мамлакатда тинчлик ва барқарорликни таъминлаб келмоқда.

Хулоса шуки, Ғарб ва Шарқ мутафаккирларининг жамиятни ислоҳ этишга доир сиёсий-фалсафий мероси миллий қарашларимизнинг тарихий-назарий илдизлари сифатида ҳануз ўқиб-ўрганилмоқда. Қолаверса, бу ғоялар, дастурлар мамлакатни модернизациялаш жараёнида юзага келадиган ички ва ташқи таҳдидларни аниқлаш ва уларни ўз вақтида бартараф этишга беназир хизмат қилмоқда.

2.2. Сиёсий модернизация таркибий тузилмалари, тамойиллари ва мезонлари

Модернизациялаш, замонавийлашиш назариялари, уни амалга ошириш йўллари дастлаб Ғарбда туғилди. Негаки, XIV-XV асрларга келиб, Европада аҳолининг индивидуализм ҳисси,

¹ Каримов И.А. Амир Темур – фахримиз, ғуруримиз // Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б.185.

шахсининг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинлиги таъминланган эди. Хусусий мулкка эгалик ҳуқуқи қўллаб-қувватланиши эса иқтисодий фаровонликка имкон туғдирди.

XVI-XVII асрларда “абсолютизм” оқими¹ кучайгани сабабли, жамиятда қонун устуворлиги ҳукм сура бошлади. Шу билан бирга, кутилмаган шарт-шароитлар пайдо бўлди: буюк ихтиролар (босма станок) кўпайиши, дунё харитасида янги давлатларнинг пайдо бўлиши (1492 йилда Х. Колумб Американи очди) бу қитъанинг тарихида юксалишни бошлаб берди. Яна мустамлакачилик сиёсатига чек қўйилиши – Голландия, Испания, Португалия, Англия, Франция давлатлари ўз колониал ўлкаларидаги муҳожирларнинг кўчиб келиши эвазига иқтисодий мавқеини тиклаб олишди...

Европа – илғор ғоялари билан машҳур. Масалан, либерализм, социализм, фашизм, анархизм, корпоратизм, марксизм, социал-демократия, христиан демократияси, консерватизм, национализм каби турли-туман ғоялар, мафкуралар шу маконда яратилган. Аммо шароит тақозосига кўра, уларнинг айримлари тарих саҳнасидан йўқолди. Нима қилиш керак? Дунё афкор оммасини ўз таъсир доирасига олишдан воз кечишадими? Унда олдинги мавқеи ва иқтисодий аҳволи орқага кетмайдими?

Узоқ ўйлаб, охири ғарб назариётчилари “вестернизация” (“ғарблаштириш”) ғоясини олдинга суришди. Яъни, жаҳон мамлакатлари улардан сиёсий андоза олсин, ўргансин ва ўзини тиклаб олсин... Улар бу ишни Жануби-шарқий Осиёда бошлашни режалаштиришди. Кейинчалик “вестернизация” сўзи “модернизация”, деб ўзгара бошлади. М. Вебер, Ф. Теннис, Э. Дюркгеймнинг ғоялари янги назариянинг ривожланишига кучли туртки берди. Модернизация ҳақидаги қарашларнинг ривожига ва тарғиб этилишида С. Липсетнинг “Сиёсий одам” (1960), Д. Аптернинг “Модернизация сиёсати” (1965), Г. Алмонд ва Д. Пауэллнинг “Қиёсий политология. Тараққиёт концепцияси нуқтаи назаридан ёндашув” (1966), Л. Пайнинг “Сиёсий тараққиёт аспектлари. Таҳлилий тадқиқот” (1966), Ш. Эйзенштадтнинг “Модернизациялашув: норозилик ва ўзгаришлар” (1966), Д. Ростоннинг “Миллатлар дунёси” (1967), С. Хантингтоннинг

¹Абсолютизм - лотинча “хар қандай муносабатлар, шартлардан озод” деган маънода келади.

“Ўзгараётган жамиятлардаги сиёсий тартибот” (1968) каби асарлари хизмат қилди, деб айтиш мумкин.

Модернизация назариялари ривожининг биринчи босқичида универсиализмга асосланган методологик ёндашувлар устуворлик қилган. Унга кўра, дунёдаги барча халқларнинг тараққиёти бир хил йўналишда рўй бериб, универсал босқичларни босиб ўтади ва бунда бир-бирига ўхшаш, мантиқан яқин бўлган қонуниятлар амал қилади. Ўша вақтларда жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида ижобий ўзгаришларни бошдан кечириши масаласи Шарқ мамлакатларида тинмай тарғиб этилди. Жумладан: модернизациялашда оддий ижтимоий тузилмадан мураккаб тизимга ўтилади; ижтимоий интеграциялашув иқтисодий моҳият касб этади; этатизмдан (давлат ролининг кучайиши – Б.О.) бозор муносабатларига ўтиш ҳодисаси рўй беради; инсон табиатининг бир бўлаги ҳолатидан ижодкор-кашфиётчи ҳолатига ўтилади; одамлар онгида плюралистик (ранг-баранглик) қарашлар юз беради; тоталитаризм ва авторитаризмдан демократияга ўтиш ҳодисаси кечади”¹. Аслида, бу назариянинг айрим жиҳатини бугунги амалиётда кўриб, гувоҳи бўлиб бормоқдамиз.

Турган гапки, тарғибот машинаси ўз ишини қойилмақом бажарди ва дунёда янги ғояга катта қизиқиш пайдо бўлди. Ўша пайтда йирик назарийчи Ш. Эйзенштадт жараённинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида шундай таърифни келтирган эди: **“Модернизация анъанавий аграр жамиятдан замонавий индустриал ва ундан кейин постиндустриал жамиятга ўтишдир”**².

Ш.Эйзенштадт, Д.Ростоу асарларида ижтимоий-иқтисодий модернизациянинг босқичлари ҳам бирма-бир очиб берилди. Булар: индустрлашув давригача бўлган модернизациялаш; дастлабки индустрлашув давридаги модернизациялаш; кейинги даврлардаги индустрлашувга хос модернизация; постиндустрлашув давридаги модернизация. Гўёки, ҳар бир мамлакатда сиёсий модернизация жараёни юқоридаги кетма-кетликда амалга оширилади. Бизнинг таҳлилимизча, бу аслида, мамлакат сиёсий тизимининг замон талаблари ва эҳтиёжларидан келиб чиқувчи

¹Қаранг.: Мухаев Р.Т. Политология. – М.: Проспект, 2011. –С. 492.

² Eisenstadt S.N. Modernization: Protest and Change. –Englewood Cliffs. – N.Y., 1966. –P.1.

вазиятга нисбатан лаёқати юксалиши ва давр муддаосига мослашуви бўлса керак. Зотан, **сиёсий модернизация аслида давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларни янги босқичга кўтариш, демократик ислохотларни жадаллаштириш ва фуқаролик жамияти ривожини учун мақбул сиёсий механизмларни вужудга келтириш мақсадларини илгари суради.**

Нихоят, XX аср иккинчи ярмида модернизациянинг консерватив ва либерал йўналишлари вужудга келди. Иқтисод учун асосий кўрсаткич ўсиш, ривожланиш, сиёсат учун барқарорлик, деган шиорни ўртага ташлаган консерваторлар беқарорликка йўл қўймайдиган легитим ҳукмрон партиёга суянишарди. Либераллар жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни изчил ўтказиш учун кучли ижроия ҳокимиятини ўрнатиш тарафдори бўлишди. Улар сафига қўшилган модернизация тарғиботчиси Самюэль Хантингтон модернизация жамиятдаги сиёсий институтлар ва ижтимоий тафаккурнинг демократлашувини тезлаштиради, деган қарорга келади.

Хўш, бу жараён нимадан бошланади? Илмий таҳлиллар ва назарий фикрларнинг фикрича, модернизациялаш сиёсий соҳадаги модернизациялашдан бошланади. С. Хантингтон тўғри таъкидлаганидек, “мамлакат ҳаётининг бошқа соҳаларида, ижтимоий, иқтисодий, фан, маданият, таълим йўналишларида бўладиган модернизация жараёнлари ҳам охир-оқибатда, жамиятнинг демократлашувига олиб келади”¹. Демак, сиёсий модернизация жараёнида тинчлик, барқарорлик муҳити керак бўлади: “Сиёсий барқарорликни сақлаб қолиш – жамиятда иқтисодий тараққиёт суръатига, даромадларнинг адолатли тақсимланишига, сиёсий имкониятлар захираси тугамаслигига ва сиёсий партиялар ишининг самарадорлигига яхши таъсир кўрсатади”², дейди у.

Р. Даль, Г. Алмонд модернизация моҳиятини очиқ демократик сиёсий тизимнинг шаклланишидан иборат жараёнга қиёслашади. Аслида ҳам у жараён ҳисобланади. Чунки мазкур жараёнда аҳолининг фаоллиги ва иштирокининг юксалганлиги сиёсий

¹Хантингтон С. Столкновение цивилизаций. Пер. с англ. –М.: АСТ, 2011. –С. 576-577.

²Хантингтон С. Будущее демократического процесса: от экспансии к консолидации // МЭиМО, 1995. № 6. –С. 90.

модернизациянинг ривожини таъминлайди. Р.Даль илгари сурган концепциясига мувофиқ, “сиёсий модернизация жараёнларида демократиянинг ўзига хос формаси бўлган полиархия – кенг халқ оммасининг сиёсий иштирокини юқори даражада таъминлай олувчи сиёсий тизим етакчи ўрин тутди”¹.

Энди **сиёсий модернизациянинг таркибий тузилмаси** ҳақида фикр юритамиз. Бизга маълумки, модернизациялаша бошлаган жамият бир-бирига боғланган турли комплекс жараёнлардан иборат бўлади. Қуйидаги жадвалда иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий модернизация алоҳида кўриб ўтилди (5-жадвал).

Иқтисодий модернизация тузилмаларида кечадиган жараёнлар	Ишлаб чиқариш, тақсимот, транспорт, коммуникация каби соҳаларда инсон кучлари самарали ишлатилади;
	Иқтисодиётда анъанавий моделлардан ривожланиш моделлари меҳнат қуролларидан замонавий мураккаб технологияларни қўллашга ўтилади;
	Саноат тармоқларида сон ва сифат жиҳатидан иккиламчи (саноат ва савдо) ва учламчи (хизмат) секторни ишга тушириб, бирламчи (қазиб олиш) сектори қисқариб боради;
	Иқтисодиёт соҳасидаги ишлаб чиқариш, истеъмол ва тақсимот йўналишида кластерга ихтисослашиш юз беради;
	Саноат индустрияси юксалади.
Сиёсий модернизация тузилмаларида кечадиган жараёнлар	Сиёсий тузилмалар дифференциялашуви рўй бериб, сиёсий институтларнинг роли кучаяди;
	Сиёсий тизимнинг эволюцияси замонавий суверен давлат қуришга йўналтирилади;
	Давлатнинг роли ниҳоятда ошади;
	Давлат ва фуқароларнинг ҳамкорлигига доир қонунчилик доираси кенгаяди;
	Сиёсий ҳуқуқини биладиган фуқаролар кўпаяди, ижтимоий гуруҳ ва индивидларнинг сиёсий ҳаётга жалб этилиши вужудга келади;
	Модернизацион элиталарнинг сони ошади.
	Бунинг натижасида ҳар бир мамлакатда модернизациялаш жараёнида иқтисодий институтларни ташкил этиш, трансмиллий бозорларни қидириш, илмий-техника тараққиётини қўллаш,

¹Даль Р. О демократии. – М.: Аспект-Пресс, 2000. –С. 163.

	замонавий бошқарув усуллари ва технологиялардан фойдаланишга кенг имкониятлар яратилади.
Ижтимоий модернизация тузилмаларида кечадиган жараёнлар	Очиқ ва юқори мобилли жамият тизими пайдо бўлади;
	Одамларнинг ўзини тутиши, ички маданияти ва ўзаро алоқаси юксалади;
	Давлат ва жамият мулоқотида мувофиқлашган тизим (ҳуқуқлар, қонунлар, низомлар, шартномалар бўйича ёзма мурожаат қилиш) яратилади;
	Бошқарув институтлари, ижтимоий ва ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилади;
	Секуляризация (диндан холи бўлиш) жараёни кечади.
Маданий модернизация тузилмаларида кечадиган жараёнлар	Маданият тизими асосий элементлари дифференциялашади;
	Саводхонлик ва замонавий таълим ривожланади;
	Фан ва технологияга ишонч кучаяди;
	Мураккаб, интеллектуал ва институционал тизимларнинг нуфузи ошади;
	Янги индивидуал кўникма, одатларнинг кенг ижтимоий мослашуви вужудга келади
	Одамларнинг фикрлаш тарзи ва қизиқиш дунёси кенгайиши содир бўлади;
	Шахснинг жамият муаммолари ва эҳтиёжларига доимо мослашиш имконияти юзага келади.

Кўриниб турибдики, модернизация жараёни давомида одамларнинг дунёқараши, тафаккур тарзи, жамият воқеа-ҳодисаларига муносабати ижобий томонга ўзгариб боради. Шахс эркинлаша бошлайди ва ҳақ-ҳуқуқини яхши танийдиган бўлади. Бу тарихий ҳолатда давлат ҳам, жамият ҳам ютади...

Умуман олганда, сиёсий модернизациянинг учта асосий тури кузатилади:

Эндоген турида жамиятнинг ижтимоий табиати, объектив имкониятидан келиб чиқиб жараён давом этади;

Эндоген-экзоген турида жамиятнинг иқтисодий асосларига суяниш билан бирга, ривожланган давлатлар тажрибасидан фойдаланилади;

Экзоген турида сиёсий модернизация жамиятнинг ўз сиёсий-ижтимоий асосларига қараб эмас, балки бошқаларнинг тажрибасига таянилган ҳолда ўтказилади¹.

Модернизация тарихига назар ташлайдиган бўлсак, бу сиёсий жараён турли қитъаларда турлича вазиятларда кечаётганини билиб оламиз. Бу борада узоқ асрлик демократик ҳаёт тарзи ва тўпланган бой тажриба муҳим роль ўйнайди, албатта.

«Органик» ёки «бирламчи» тип модернизация Англия, АҚШ, Канада, Европанинг айрим пешқадам мамлакатларида биринчи саноат инқилоби, анъанавий жамиятларнинг тугаши, тенг фуқаролик ҳуқуқлари тикланиши, демократлашнинг эълон қилиниши даврида ишлай бошлаган. У миллий-маданий анъаналар ва андозалар асосида эволюцион йўл орқали амалга оширилган;

«Ноорганик» ёки «иккиламчи» тип модернизация (Россия, Бразилия, Туркия ва бошқалар) ривожланишда **орқада қолган мамлакатларда** амалга оширилган. Улар ижтимоий-маданий тизимларга кўпроқ суянишган. Бу ўринда «иккиламчи» модернизация жамиятнинг баъзи элементлари «илдамлаб» кетиши, «илғор» мамлакатлардаги ривожланишга озгина мос келишини, бошқа элементлари эса ҳали етилмагани, ривожланишда орқада қолгани ёки умуман мавжуд эмаслиги маъносини билдиради.

Рус олими М. Ильин модернизациянинг уч босқичини ўз ичига олган идеал моделни тузиб, Ғарбий Европа мамлакатларидаги модернизация жараёни тажрибаси мисолида асослайди².

Илк модерн деганда, миллий суверен давлатнинг ташкил топиши, давлат ҳокимияти зўравонлигидан холи фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланишини қамраб олган сиёсий тараққиёт босқичига ўтиш тушунилади. “Биринчи авлод конституциялар”да давлат ва фуқаролик жамияти асосларининг мустақамланиши билан у якунига етади.

Ўрта модернда жамият ва давлат ичида табақаланиш содир бўлиб, у манфаатлар гуруҳлари, партияларнинг вужудга келиши ва

¹Ильин М.В. Идеальная модель политической модернизации и пределы ее применимости. –М.: 2000. –С. 146.

²Красильщиков В. А., Заборов Г. М., Рябов В. Л. Шанс на обновление России (Зарубежный опыт модернизации и российские перспективы) // Мир России. Социология. Этнология. Культурология. 2008. №1. –С. 108.

ҳокимиятларнинг тақсимланишида ўз аксини топади. Табақаланиш натижасида давлат ва фуқаролик жамияти муносабатларини ўзаро боғловчи сиёсий вакиллик тизими вужудга келади. Республика тузилишининг тамойилларини мустаҳкамловчи «иккинчи авлод конституциялар»нинг қабул қилиниши ана шу босқичга хос ҳолатдир.

Етук модерн сиёсий йўллар, йўналишларни алмаштириш, легитимлаштириш ва делигитимлаштириш вазифаларини ҳал қилиш билан характерланади. Унда барча мақсад-вазифалар демократлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш йўли орқали ҳал этилади. Демократик тортишув институтлари ва механизмлари (сайлов институти) мустаҳкамланади.

Олимлар тадқиқ қилган бошқа бир типологияга асосан, модернизация ижтимоий ҳодиса сифатида унинг негизида ишлаб чиқаришнинг қайси **технологик усулга ўтилишига қараб** тўрт асосий типга бўлинади.

Биринчи тип индустрлаштиришдан олдинги модернизация, деб аталади. У табиий ишлаб чиқариш кучларидан ижтимоий ишлаб чиқариш кучларига ўтиш билан боғланади. Бундай ўтиш натижасида мануфактура шаклланадиган ишлаб чиқаришнинг технологик усули яратилади.

Иккинчи тип илк индустриал модернизация бўлиб, технологик нуқтаи назардан, хунармандчилик ва мануфактура ишлаб чиқаришидан фабрика-завод ишлаб чиқаришига аста-секин ўтилади.

Учинчи тип тўлиқ индустриал модернизация жараёни бўлиб, фабрика-завод ишлаб чиқаришидан потокли-конвейер ишлаб чиқаришига ўтиш жиҳати билан ажралиб туради.

Тўртинчи тип постиндустриал модернизация ёки постмодернизация ҳозирги замон технологик инқилоби натижасида вужудга келган бўлиб, “постиндустриал жамият” босқичига ўтаётган мамлакатларда амалга оширилади.¹

Булардан хулоса шуки, мамлакат модернизация жараёнига тўлиқ тортилиши ва фаровон жамият қуриши учун камида учта босқич босиб ўтилиши керак. Аммо замон ўзгариши бараварида, модернизациялашга нисбатан илмий қарашлар, ёндашувлар ўзгараётганини ҳам ҳисобга олиш лозим. Айрим Жануби-шарқий

¹ Ўша манба. – С. 98.

Осиё давлатлари (“Осиё аждарлари”) назариядан кўра, амалиётни афзал билиб, анъанавий кадриятларни сақлаб қолган ҳолда, иқтисодий сакрашга эришмоқдалар (учинчи бобда бу ҳақда тўхталиб ўтилади – Б.О.).

Сиёсатшунос олимлар олдида назария қисмини қайта кўриб чиқиш масаласи ҳам кўндаланг турибди. Биз мазкур ишимизда масаланинг фақат назарий эмас, балки амалий жиҳатларини ҳам имкон қадар очиб берамиз. Чунки яқин қўшниларимизнинг амалий тажрибаси ва ютуқлари Ўзбекистон учун муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда Шарқий Европа, Хитой, постсовет ва Марказий Осиё давлатларида юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлар таҳлилдан ўтказилганда, улар ўртасидаги фарқларни кўриб, бу борада алоҳида-алоҳида ёндашув лозимлигини ҳаёт кўрсатмоқда.

Биринчи навбатда миллий ривожланишдаги қийинчилик, муаммо ва инқирозли ҳолатларга эътиборни қаратиш лозим. Шунинг учун масаланинг мураккаблигидан келиб чиқиб, сиёсат фанида “қисман модернизациялаш”, “боши берк модернизация”, “модернизациянинг инқирозли синдроми” каби концепциялар тилга олинмоқда. XX асрнинг 80-йиллари охирида «модернитини четлаб ўтиб модернизация қилиш», яъни ёт (ғарб) андозаларни механик ўзлаштирмасдан ижтимоий-маданий анъаналарни сақлашга асосланган сиёсий модернизация концепциясига эътибор анча кучайди (А. Абдул-Малик, А. Турен, С. Хантингтон, Ш. Эйзенштадт ва бошқалар). Мазкур концепцияда ижтимоий ва сиёсий ривожланишнинг универсаллиги инкор этилмайди, аммо универсализм принципи партикуляризм билан уйғунлашади. Ана шу концепция таҳлиллари оқибатида «аксилмодернизация» ва «антимодернизация» тушунчалари пайдо бўлди (А.Турен). Аксилмодернизация деганда модернизациянинг Ғарб андозаларига асосланмаган муқобил, айрича варианти тушунилади. Антимодернизация эса жамият сиёсий ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар жараёнига қаттиқ қаршилик кўрсатишдир. Бу функцияни кўпроқ эски тузумни хоҳловчи бюрократия синфи “чиройли” адо этади. А. Туреннинг фикрича, бу икки вариант XX

асрда ижтимоий-сиёсий ривожланишнинг асосий тенденциясини ташкил этади¹.

Демак, мустақил Ўзбекистон ҳам ғарб демократияси, турли эркин чақириқлари қай даражада жозибали кўринмасин, миллий хусусиятларни унутмаслиги, миллий ўзига хослигига таяниши керак. Зеро, миллий хусусиятлар ҳисобга олинмаган ҳар қандай модернизация ютқазади. Фикримизга Эрон ва Ироқ тажрибаси жонли мисол бўлади, деб ўйлаймиз.

С. Хантингтон “Цивилизациялар тўқнашуви” (1993) асарида демократияга асосланган кўплаб универсал ғояларни ёқлаб чиқади. Ана шу ғоялардан баъзилари сиёсий модернизация жараёнига ҳам мос тушади. Ўша асарида **С.Хантингтон Ғарб давлатлари жаҳонда ўз гегемонлигини сақлаб қолиши учун саккизта стратегик вазифаларни амалга оширажагини айтади:**

“1) сиёсий, иқтисодий, ҳарбий интеграцияга кўпроқ эришиш ва бошқа цивилизацияларга мансуб мамлакатлар билан Ғарб ўртасидаги келишмовчиликдан фойдаланишига йўл қўймаслик учун ўзаро келишиб сиёсат юритиш;

2) ЕИ ва НАТОга Марказий Европа ғарбида жойлашган давлатлар, хусусан, Вишеград гуруҳи (Польша, Венгрия, Чехия ва Словакия), Болтиқбўйи республикалари, Словения ва Хорватияни қабул қилиш;

3) Лотин Америкасини имкон қадар ғарблаштириш, у ердаги мамлакатларнинг Ғарб билан бир блокда бўлишига эришиш;

4) Ислонд ва Чин давлатларининг (Хитой, Тайвань, Гонконг, Сингапур) ҳарбий қудрати ўсишини тийиб туриш;

5) Япониянинг Ғарбдан Хитойга мослашув томон “силжиши” суръатини сусайтириш;

6) Россияни православ цивилизацияси ўзаги, йирик минтақавий давлат сифатида унинг жанубий чегаралари хавфсизлигини таъминлаш борасидаги манфаатларини тан олиш;

7) Ғарбнинг бошқа цивилизациялар устидан технологик ва ҳарбий устунлигини сақлаб қолиш;

8) энг муҳими, Ғарбнинг бошқа цивилизациялар ишига аралашishi, энг катта беқарорлик манбаи ва кўпцивилизацияли

¹Ильин М. В. Ритмы и масштабы перемен: о понятиях процесс, изменение и развитие в политологии // Полис, 1993. №2. –С. 23-29.

дунёда бўлғуси глобал ихтилофларнинг манбаи эканлигини тушуниб етиш”¹.

Юқоридаги “ёвуз” мақсадлар кўпчилик Шарқ давлатларининг миллий манфаати ва кадриятларига нисбатан ҳурматсизликдан бошқа нарса эмас. Бундай хавф-хатарнинг олди олинмаса, у сиёсат оламида ёмон оқибатларга олиб келарди, албатта. Буни олдиндан сезган Россия, Тожикистон, Хитой, Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон давлатлари Шанхай ҳамкорлик ташкилотини; Бразилия, Россия, Ҳиндистон, Хитой, Жанубий Африка давлатлари эса BRICS (БРИКС) ташкилотларини муқобил куч сифатида тузишга мажбур бўлдилар. Аммо барибир НАТО ҳарбий-сиёсий блоки Шарққа томон силжий бошлаб, Афғонистон, Ироқ, Миср, Ливия, Тунис, Яман, Суриянинг ички ишларига бевосита аралашганига дунё аҳли гувоҳ бўлди. Сиёсатшунос Фахриддин Низом сўнгги воқеаларни шундай шарҳлайди: “Ғарбда мусулмон оламига қарши бошланган ўзига хос салб юриши – халқаро терроризмга қарши кураш баҳонасида Ироқ ва Афғонистоннинг ишғол қилиниши, Европа мамлакатларида мусулмон муҳожирларига қарши ҳукуматлар томонидан қонун йўли билан босим ўтказиш, маҳаллий аҳоли ўртасида уларга нисбатан норозилик кайфиятининг пайдо бўлиши ва скинхедлик ҳаракати кучайиши, Муҳаммад пайғамбар карикатура қилиниб, мусулмонларнинг ҳиссиётлари таҳқирланиши, Туркиянинг Европа Иттифоқига аъзолигига қаршилик кўрсатилишида катта таъсир кучига эга бўлган С. Хантингтон сингари сиёсатшуносларнинг қўли йўқ, деб бўлмайти”².

Ф.Низомнинг фикрлари айти ҳақиқат. Улкан империя – СССРнинг қулаши АҚШ маъмурияти томонидан “глобал демократик инқилобнинг ғалабаси” сифатида қабул қилинди, назаримизда. Шундан кейин Яқин Шарқнинг бир қатор давлатлари ва постсовет республикаларида, жумладан: Грузияда “атиргул инқилоби”, Украинада “зарғалдоқ инқилоби”, Ироқда “қирмизи инқилоб”, Ливанда “кедр инқилоби”, Тунис, Миср, Ливия, Украинада эса давлат тўнтаришлари содир этилди. Бу ғарб сиёсатдонларининг катта ғалабаси эди...

¹ Хантингтон С. Столкновение цивилизаций. – М.: АСТ, 2003. – С. 514.

² Низом Ф. Манфаат ва холислик // Тафаккур, 2009, 3-сон. – Б. 24.

Сўнги таҳлилларга суяниб айтиш мумкинки, **модернизациялаш жараёнида геосиёсат ва глобаллашув етакчи мавқени эгаллайди.** Америкалик публицист ва олим Томас Фридман ХХІ асрнинг асосий геосиёсий жиҳати бу – либерализм ва глобаллашув, деб бекорга айтмаган. “Глобаллашув бозорлар, миллий давлатлар, технологияларнинг мисли кўрилмаган даражада интеграциялашуви”¹, дейди у. Аммо олимнинг “Шарқ давлатлари келгусида ривожланиши учун халқаро капитални жалб қилиши лозим”, деган гапига қўшилиб бўлмайди, чунки иқтисодий қарздорлик кичик давлатларни “катта оға”сига иқтисодий-сиёсий жиҳатдан қарам қилиб қўйиши мумкин.

Ўзбекистон сиёсий ҳаётида, аҳоли турмуш тарзида кечаётган демократик жараёнларда босқичма-босқичлик тамойилига таянилади. Бу сиёсатда ижобий ҳолатдир. Унинг салбий жиҳатини “демократия ороли” яратишни орзу қилган қўшнимиз Қирғизистон раҳбарияти мисолида кўрдик. Сиёсий ислохотларда шошма-шошарлик ва халқ билан ҳисоблашмаслик охир-оқибатда сиёсий тўнтаришлар ва парокандаликка олиб келди. Давлат раҳбарлари А.Акаев ва С.Бакиевлар эса мамлакатни тарк этишдан бошқа чораси қолмади...

Таниқли сиёсатшунос олим, профессор Н. Жўраевнинг ёзишича: “ҳар бир халқнинг фикрлаш даражаси воқеа-ҳодисаларга муносабати, уни баҳолаш тарзи, ўзининг тарихий келиб чиқиши, қадимий анъаналар асосида шаклланган турмуш тарзи ва табиати билан белгиланади. Ғарб демократиясида очикдан-очик муносабат, Шарқ демократиясида эса аксинча – андишалилик, Ғарбда ота-онасини сенсираш, Шарқда эса ўзидан катталарга, раҳбарга ҳурмат билан қараш, ақл билан иш тутиш анъаналари мавжуд. Демак, зарурат туғилганда Мағрибдаги воқеани Машрикқа кўчириш, Машрикдаги ҳолатни Мағрибда зўрлаб амалга ошириш мумкин эмас”². Ҳақ гап айтилган. Бу нозик масала ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ўзининг исботини топган. Муаллиф юқоридаги таҳлилида Ғарб ва Шарқ “демократия”сини шартли равишда ажратиб кўрсатган, албатта.

¹ Қаранг.: Сафоев С. Марказий Осиёдаги геосиёсат. – Т.: ЖИДУ. – Б. 131.

² Жўраев Н. Юксалиш: портретга чизгилар. – Т.: Ўзбекистон. 1995. – Б. 44-45.

Инглиз адиби ва шоири, Нобель мукофоти соҳиби Р. Киплинг “Шарқ ва Ғарб ҳақида баллада”сида бизни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб топади:

*О, Ғарб бу – Ғарбдир, Шарқ эса – Шарқ,
Жойидан қўзғалмас улар ҳеч замон.
Токи ер юзида қиёмат қўпиб,
Унга қулаб тушмагунча бу осмон¹.*

Бироқ масалани тадқиқ этишда иккала кутбни бир-бирига қарши қўйиб бўлмайди. Шу ўринда, яна С. Хантингтонга мурожаат қиламиз: “Модернизация дегани шаксиз ғарбийлаштириш дегани эмас,—дейди у. — Бу жараёнда ғарбий бўлмаган жамиятлар модернизация қаршисида қанча тўсиқлар қўймасинлар, улар ғарбийлаштириш қаршисида қўйилган тўсиқларга нисбатан ҳеч нарса эмас. Аксинча, модернизация ушбу маданиятларни кучайтиради ҳамда Ғарбнинг нисбий таъсирини пасайтиради. Фундаментал даражада дунё кўпроқ замонавийлашади ва камроқ ғарбийлашади”². Олим бу ўринда Туркия моделини назарда тутмоқда, чоғи. Лекин Эрон Ислом Республикасида, Араб давлатларида “ғарбларча эркинлаштириш” сиёсати мағлубиятга учради-ку. Демак, барча мамлакатларга Ғарбнинг ривожланиш моделини тадбиқ этиб бўлмас экан. Қолаверса, жамиятни модернизациялашда ғарбона кадриятларни бошқа давлатларга сингдиришга халқнинг турмуш тарзидан мустаҳкам ўрин олган қадимги анъаналари имкон бермайди. Бу борада немис олими Ф.Гегель ҳақ: “Ҳар бир давлат қурилиши маълум халқ миллий маънавий маҳсули, ўзлигини намоён этиш ва маънавий онглилик тарақиётининг пиллапоясидир. Бу тарақиёт зинани қадам-бақадам босиб, бир меъёрмадаги ҳаракатни, вақтдан ўзиб кетмасликни тақозо қилади”³.

Ўзбек сиёсатшунос олимлари ва адиблари демократлаштириш, модернизациялаш жараёнида **ахлоқ концепциясига** жиддий ёндашишади. “Сиёсатда ҳаёсизлик, бети қаттиқлик, охир-оқибат, тоталитаризм, якка ҳукмронлик

¹ Қаранг.: Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. — Т.: Ўзбекистон, 2001. — Б. 56.

² Хантингтон С. Столкновение цивилизаций. —М.: АСТ, 2003. — С. 112.

³ Гегель Ф. Философия права. — М.: Мысль, 1990. — С. 469.

империализм ва фашизмга олиб борди, –деб ёзади таниқли олим ва жамоат арбоби Иброҳим Ғафуров. – Аслида эса сиёсат энг юксак ахлоқий нормалар асосидагина инсониятни оғир фожиялар, олдимизда турган экологик драмалардан халос этади”¹.

Сиёсат ва маданият – демократиянинг мувозанатини ушлайдиган бош нукта. Антик даврдаёқ этикани сиёсатнинг таркибий қисми, деб билган Аристотель давлатнинг халқ фаровонлиги ва бахт-саодатини кўзламаган сиёсати – ахлоқсиз сиёсат, айна ахлоқсиз одамларнинг давлатни бошқариши адолатсизлик манбаи бўлади, деб башорат қилган эди. Ахлоқсизлик – шахс, жамият ва алал-оқибат, давлатнинг таназзулига олиб келувчи омил.

“Этика – ахлоқ муаммолари ҳақида гапиришдан аввал биз ахлоқ нималигини аниқлаб олишимиз керак. Гапнинг лўндасини айтсак, ахлоқ, бу – сиёсатнинг таркибий қисми ҳисобланади. Чиндан ҳам, муайян ахлоқий фазилатларга эга бўлмаган, яъни аслига муносиб бўлмаган одам ижтимоий фаолият кўрсатиши мумкин эмас...Этика, ахлоқ – сиёсатнинг таркибий қисми, унинг асосидир”², деган эди Аристотель. Бундан хулоса шуки, ҳозирги кунда Ғарб жамияти ҳам ахлоқ бобида мавжуд кўплаб нуқсонлари ва “айб”ларини бартараф этиши, камчиликларини эътироф этиши лозим.

Тарихдан маълумки, жамиятни модернизациялаш, ислоҳ этишда ахлоқ, маънавият масаласи ҳамиша устуворлик қилган. Шахснинг камолоти, дунёқараши шаклланиши ва жамият ҳаётидаги фаоллиги негизида билим ва тафаккур ётади. Билим ва тафаккур эса мактабда шаклланади. Таълим шахс, давлат ва жамиятнинг иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий эҳтиёжларини қондирадиган устувор ижтимоий соҳалардан биридир. Ҳозирги пайтда таълим ижтимоий институт сифатида цивилизациявий (иқтисодий, гуманитар, маданий) функцияни бажариши билан бирга, инсоният тўплаган илмий билим, малака, кўникмаларни ўзлаштириш ва ижодий шахсни тарбиялаш воситасига айланиб улгурган.

¹ Ғафуров И. Мангу латофат. – Т.: Шарқ, 2008. – Б. 348-349.

² Арасту. Ахлоқи кабир. М.Маҳмудов тарж // Тафаккур, 1997, 3-сон. – Б. 104.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида таълим тизими тубдан ўзгарди. Бугунги кунда ҳам жараён ислохотларга эҳтиёж сезмоқда. Негаки, глобаллашув шароитида инсон онги ва қалби учун кураш, мафкуравий таҳдидлар биринчи ўринга чиқмоқда. Шу жиҳатдан олганда, таълимни модернизация қилиш жамиятдаги интегратив механизм бўлиб, модернизация жараёнларини кучайтиришга олиб келади.

Кейинги йилларда жаҳонда таълимни ривожлантириш, уни тубдан қайта ўзгартиришда аниқ йўналишлар пайдо бўлди. Уларнинг биринчиси, таълимни тубдан демократлаштириш; иккинчиси, узлуксиз таълим ғояси, сўнг “таълим бир умрга” ғоясини “таълим бутун умр давомида” ғоясига алмаштириш; учинчиси, бу нафақат мутахассисларни тайёрлаш воситаси, балки жамиятга онгли, фидойи инсонларни етказиб бериш; тўртинчиси, таълимнинг глобаллашувига эришиш; бешинчиси, таълимни ахборотлаштиришни қамраб олади. Ҳа, таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик манбаи ҳисобланади. Шу сабабли, Ўзбекистонда ҳам фан, иқтисод, маданий тараққиётда жаҳон цивилизациясига интеграциялаш, ривожланган давлатлар қаторига қўшилиш масаласи илгари сурилмоқда. Шундай экан, таълимга эътибор давлат сиёсати, қолаверса, миллатни асраш масъулиятини зиммасига олган тизимдир. Бу борада Ўзбекистонда дадил қадамлар бошланган. Мисол учун 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб, мамлакатимизда Президент мактаблари очилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад таълим жараёнида илғор технологияларни қўллаш орқали иқтидорли болаларни аниқлаш ва ўқитиш тизимини шакллантириш, шунингдек, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, маънавий бой ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш кафолатларини таъминлашдан иборатдир. Республиканинг 14 регионидан биттадан очиладиган ушбу мактабга республика умумтаълим муассасаларининг тўртинчи синф битирувчилари орасидан қобилиятли ва иқтидорли болалар танлов асосида қабул қилинади. Президент мактабларига қабул Кембриж университети имтиҳон кенгаши (Буюк Британия) томонидан ўтказилади. Халқ таълими тизимидаги модернизациялашнинг мазмуни шундаки, сўнгги икки йилда жамиятда ўқитувчининг мақомини юксалтириш, мавқеини ошириш, ижтимоий таъминланганлик даражасини кўтариш,

ўқитувчини ўз хизмат вазифасидан ташқари ишлардан озод қилиш сингари соҳаларда ижобий ўзгаришлар сезилмоқда.

Дунё тажрибасини кўрадиган бўлсак, Америка, Ғарбий Европа ва Жануби-шарқий Осиёнинг ривожланган давлатлари ривожланишида фан ва ишлаб чиқаришнинг уйғунлиги, трансформация жараёнлари ўзаро боғлиқликда амалга оширилади.

Жамиятимизда модернизациялаш жараёнларининг концептуал асослари мустақил Ўзбекистоннинг биринчи президенти Ислом Каримовнинг асарларида ҳар томонлама асослаб берилган. Уларда жамиятни изчил модернизация қилишнинг манбалари, ёндашувлари, мақсадлари ва вазифалари чуқур илмий асосланган. Президентимиз таъкидлаганидек: “Бизнинг асосий узоқ муддатли ва стратегик вазифамиз аввалгича қолади – бу демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдир. Мамлакатимизни ривожлантириш стратегияси ҳақида гапирганда, шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, “бошқариладиган иқтисод” ёки “бошқариладиган демократия” деб аталмиш моделлар бизга мутлақо тўғри келмайди. Албатта, биз, аввалгидек, давлат ва жамиятни ислох этиш ҳамда модернизация қилишда “Ўзбек модели”нинг муҳим таркибий қисми бўлган босқичма-босқичлик тамойилига бундан буён ҳам қатъий амал қиламиз”¹.

Ўзбекистонда модернизация жараёнлари халқимиз учун озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни яратишнинг кафолатли йўналиши бўлган замонавий фуқаролик жамиятини қарор топтиришга қаратилган. Барча турдаги ислохотлар мазмунан янгиланиш ва замонавийлаштириш сиёсатининг манфаатига мослаштирилган. Бу ўринда таъкидлаш жоизки, Ватанимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларини демократлаштириш ва янгिलाш модернизация жараёнларининг асосий ўзагини ташкил этади.

Жамиятни модернизациялаш жараёнининг биринчи босқичида мамлакатимизда давлат бошқаруви тизимини замонавий

¹Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгिलाш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. –Т.: Ўзбекистон, 2005. –Б. 34.

демократия талаблари асосида ислоҳ қилиш ва унинг самарали ишлашини янада кучайтириш борасидаги муҳим сиёсий ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди. Жамиятимизда демократлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш учун институционал асосларни такомиллаштириш, сиёсий тузилмалар фаолиятини шунга мос мазмун ва моҳият билан тўлдириш масалаларига муҳим аҳамият берилди. Эски маъмурий буйруқбозлик тизимидан воз кечилди. Ҳокимиятларнинг тақсимланиши асосида миллий давлатчилик негизи қуришга киришилди.

Энг муҳими, давлатнинг ўзи Хитой моделида кўрилганидек, модернизация жараёнларининг бош ташаббускори, ташкилотчиси вазифасини бажармоқда.

2.3. Модернизация концепция ва моделларининг сиёсий-фалсафий таҳлили

Бизга маълумки, сиёсий модернизациянинг асосий концепциялари тўртта гуруҳни ташкил қилади:

Биринчиси, классик. Бу усул XX асрнинг иккинчи ярмида ривожланаётган давлатларга амалий ёрдам бериш дастури асосида туғилган. Аммо аграр жамиятни индустриал жамиятга трансформациялаш жараёнида тўпланиб қолган муаммолар кўплиги сабабли, у ижтимоий-фалсафий жиҳатдан қайта комплекс тадқиқ қилишни кутмоқда¹. Жумладан, С. Круук, Ж. Пакульски, М. Вотерс, В. Пантин, В. Лапкин, Н. Лапин ва В. Цапфлар классик концепциянинг ҳозирги ҳолатини танқидий таҳлил қилиб, бир қатор ечилмаган муаммоларни санаб ўтишади². Улар модернизациялашни глобаллашув шароитидаги тавсифларини тажриба (эмпирик) тарзида ўрганиш лозимлигини қайд этишади.

¹Қаранг.: Гидденс Э. Последствия модернити // Новая постиндустриальная волна на Западе. Антология. –М.: Academia, 1999. –С. 103 - 122.

²Қаранг.: Crook S., Pakulski J., Waters M. Postmodernization. Change in Advanced Society. –Newbury Park, CA: Sage, 1992. – р.347; Пантин В.И., Лапкин В.В. Волны политической модернизации в истории России. К обсуждению гипотезы // Полис, 1998. № 2. –С. 39-51., Лапин Н.И. Проблемы социокультурной трансформации // Вопросы философии, 2000. № 6. –С. 3-17., Цапф В. Теория модернизации и различие путей общественного развития // Социс. 1998. № 8. –С. 16-17.

Иккинчиси, замонавий. Мазкур концепция кўпроқ Европа давлатларига хос бўлиб, у билим, инновация ва технологияларга асосланади.

Учинчиси, ноанъанавий. Бунда умуминсоний қадриятлар билан анъанавий қадриятлар уйғунлашуви натижасида консенсус-келишувга эришилади. XX аср 80-йилларида Жануби–шарқий Осиё мамлакатлари ана шу йўлни танлаб, иқтисодий ривожланишга эришди.

Тўртинчиси, анъанавий. XX асрнинг 70-80-йилларида “учинчи дунё”нинг сиёсий элитаси ва диний лидерлари томонидан унга нисбатан танқид кучайди. Жумладан, И. Валлерстайн “жаҳон тизимлари таҳлили” методологияси¹, шунингдек, С. Амин, П. Вускович² каби олимларнинг либерализмни тарғибга қилишга доир асарларида бу концепция умрини яшаб ўтганини таъкидлашади.

XX асрнинг 90-йилларида социализмнинг инқирозга учраши, Жануби-шарқий Осиёда эркин бозор сиёсатида ижобий силжишлар кузатилгани модернизациялаш назарияларини такомиллаштиришни кун тартибига қўйди. Француз олими А. Турен³ фанга “контрмодернизациялаш” тушунчасини киритди. У олимлар томонидан масалага комплекс ёндашилмаганлигини ва собиқ СССР, Хитой ва Шарқий Европа давлатларининг “социалистик” модели назарий-фалсафий жиҳатдан тўлиқ ишланмаганлигини танқид қилади (**6-жадвалга қаранг**).

Социалистик моделнинг муҳим белгилари	Давлат жамиятнинг барча тармоқларини назорат қилади;
	Жамиятда жамоавий руҳ ҳукмрон бўлади;
	Жамоа мулки сақлаб қолинади, хусусий мулкка эгалик эса таъқиқланади;
	Шахс фикр-дунёси ижтимоий тизимнинг бир кичик мурвати сифатида шакллантирилади; маданий қадриятлар мажмуасидан иборат

¹Қаранг.: Валлерстайн И. Анализ мировых систем и ситуация в современном мире. /– СПб.: Университетская книга, 2001. – С.416.

²Амин С. Вирус либерализма: перманентная война и американизация мира. Перевод с англ. –М.: Европа, 2007. –С.168.; Вускович П. Чили: растет цена экономического чуда. // Меж.ный общ.-полит и аналит. журнал Альтернативы, 1993. Вып. 3. –С. 47- 53.

³Қаранг.: Турен А. Возвращение человека действующего. Очерк социологии. / Перевод с франц.–М.: Научный мир, 1998. – С. 205.

	марксистик мафкура жамиятга сингдирилади;
	Сиёсий ахлоқ ва сиёсий плюрализм, ўз фикрини эркин ифодалашга йўл кўйилмайди.

Юқоридаги ижтимоий-сиёсий омиллар социализм йўлини танлаган давлатларда шахс, жамият ва давлатнинг ривожланишига асосий тўсиқ бўлганди. Постсовет республикаларида марксистик доктринанинг барбод бўлиши ва катта империя негизида янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши жаҳондаги модернизациялаш концепцияларига қизиқишни кучайтирди¹. Шунингдек, олдмодернизация, контрмодернизация, антимодернизация каби янги концепциялар фанга кириб келди. Олдмодернизация варианты кўпроқ Россия Федерацияси ҳудудида қўлланган. Бу халқнинг мураккаб тарихида олдинма-кейин шошилиб амалга оширилган сиёсий ислохотлар контрмодернизация (бу ҳақда 3.3. параграфда тўхталганмиз) деб аталган.

Совет иттифоқи парчалангандан кейин 1990 йиллар ўрталарида тарихчилар, файласуфлар, сиёсатшунослар, маданиятшунослар томонидан модернизациялаш концепциялари кенг муҳокама қилина бошланди. Россия жамиятида эркинлашув, либерализм муаммоси кўрилганда, “культурологик” танқид кучайди. Улкан ҳудуддаги миллатларнинг тарихий келиб чиқиши хилма-хиллиги, халқларнинг дини, маданиятини ҳисобга олмаслик важдан ғарб концепциясини бутунлай рад этиш хавфи туғилди.

¹Қаранг.: Давронов З. Возможность и действительность. –Т.: Фан, 1990., Ҳайдаров Х. Ислохотлар қонунияти. –Т.: Ўзбекистон, 2010., Туленова К. Предвидение и реальность. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1998., Кравченко И.И. Модернизация и судьба современной России // Модернизация и национальная культура. –М.: Апрель-85, 1995., Мадаева Ш. Миллий менталитет ва демократик тафаккур. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2007., Старостин Б.С. Проблемы модернизации: история и современность // Модернизация и национальная культура.–М.: Апрель-85, 1995., Побережников И.В. Модернизация: определение понятия, параметры и критерии // Историческая наука и историческое образование на рубеже XX-XXI столетия.–Екатеринбург, 2000., Зарубина Н.Н. Самобытный вариант модернизации // Социс, 1995, № 3., Модернизация в России и конфликт ценностей. –М.: 1993., Российская модернизация: проблемы и перспективы (материалы “круглого стола”) // Вопросы философии, 1993, № 7., Федотова В.Г. Когда нет протестантской этики // Вопросы философии, 2001, №10.

МДХдаги олимлар концепция доирасида бозор иқтисодиёти муаммоларига ҳам тўхталиб, либерал модель Россиянинг иқтисодий моделига мос тушмаслигини ошкора айтдилар. Муаллифларнинг бир қисми “маданийлилик” сиёсатини ёқлади¹. Россияда маданият “макдонализация”си ҳақида ёзган Л. Станкевич модернизацияни вестернизация билан бир хил тушунча ҳисоблаб, унинг моҳиятини истеъмолчилар жамиятининг шаклланишига боғлаб қўйди. Макдонализация жамиятда “маданий эрозияга, ягона маданий фазонинг бузилишига, гуруҳлар табақалашувини йўқотишга олиб келади”², деган фикри тўғри чикди. Москвада ғарбона кафелар 2014 йилда вақтинча ёпилди. Масаланинг муҳимлиги шундаки, совет иттифоқи кулашидан сўнг иқтисодий инкирозга учраган жамиятга “оммавий маданият” ёки “ягона демократия” ёқмасди. Замонавий индустрлашган жамият мультимаданий жамият бўлгани учун модернизация жараёнида “толерантлик” муаммоси жиддий тарзда қўйилди. Фалсафа фанлари доктори М.Ҳажиева ёзганидек, “миллий онгда толерантликнинг шаклланиши нафақат миллатлар манфаатларини ҳисобга олиш ва уларнинг барқарор тараққий қилиши, ҳар бир миллатнинг ўзлигини намоён этиши ва миллий чегаралардан чиқиб, глобал кенгликда ҳаракат қилиши учун ҳам ўта муҳимдир”³.

Аммо ушбу концепцияларда жамиятнинг трансформациялашувида иқтисодий ва маданий соҳаларни уйғунлаштириш, бойитиш механизмлари асосланмаган. Уларда иқтисодий фаровонликка эришиш масаласи устунлик қилади, маънавият масаласи эса буткул оқсайди. Миллий қадриятлар ва дин ҳам иккинчи даражага тушиб қолади.

¹Красильщиков В.А. Модернизация и Россия на пороге XXI века // Вопросы философии, 1993. № 7. –С. 40-56; Магарил С.А. Социокультурный архетип и модернизация России.– М., 2004. № 6. –С. 26-45; Раматов Ж. Гипотеза и прогноз в социальном познании. –Т.: Узбекистон, 1991. –С. 81–89; Жўрабоев Ш. Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий маданият // Мулоқот, 1999, №. –Б. 21–23; Мусаев О. Миллатлараро тотувликни таъминлаш //Жамият ва бошқарув, 2007, №3.– Б. 42 – 43.

²Станкевич Л.Т. Модернизация политической культуры России // Модернизация России на рубеже веков. – СПб: 2001.–С. 63 - 65.

³Ҳажиева М. Миллий онгда толерантликни шакллантиришнинг ижтимоий-фалсафий таҳлили. – Фал. фан. док. автореф. –Т.: 2011. –Б. 4.

Тан олиш керакки, модернизация назариясининг илмий конструкцияси мантикий пухта ишланган, анъанавий жамиятдан замонавийга ўтишда трансформациялаш муаммолари ҳам аниқ тавсифланган. Фақат трансформациялашни комплекс тарзда сиёсий-фалсафий ўрганиш масаласи у қадар ечилмаган. Бизнингча, масалани қуйидаги аспектда тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, модернизациялаш анъанавийдан замонавийга эмас, балки аграр жамиятдан индустрлашган жамиятга ўтиш тарзида кўриб чиқилиши лозим. Ўшанда постмодернизмда қандай жамият замонавий бўлади, деган баҳсга ўрин қолмайди. Гап жамиятнинг агрардан индустрлашган жамиятга ўтиши ҳақида борар экан, илмий адабиётларда аниқ ишлаб чиқилган тушунчалар ва битта шаклдан бошқасига ўтишнинг тарихий босқичи тўғрисида гапириш тўғрироқ бўлади.

Иккинчидан, трансформациялаш ҳақидаги саволни айнан К. Поланьи айтганидек объектив қўйиш лозим, негаки дунё тарихида жамиятнинг бир шаклдан бошқа шаклга ўтиш бир марта эмас, камида икки босқичда ўтиши зарурлиги исботланади¹. Мисол учун, Ғарбий Европанинг аграр жамиятлари баъзи бир ички жараёнлар натижасида Европа ва Американинг индустрлашган жамиятига айланди, Япония ва Жануби-шарқий Осиё давлатлари шунга ўхшаш жараёнлар орқали олдин аграр жамиятдан индустрлашган жамиятга, кейин эса “янги индустрлашган мамлакат”га айландилар². Демак, постмодернити – фаровон жамиятга ўтиш учун иккита босқич босиб ўтилиши лозим.

Модернизация жараёни концепцияси ва замонавий ҳолатига доир танқидлар унинг фалсафий асосланишини талаб қилади. Бизнингча, умумий қонуниятларга асосланиб, масала ечими фалсафий жиҳатдан қўйилса, талаб қилинган асосларни топиш мумкин, негаки модернизация ижтимоий-фалсафий шарҳланадиган масаладир. Жамиятда бундай туб ўзгаришларнинг асл сабаблари тўғрисида тасаввур шаклланмагани учун ҳар доим ижтимоий волюнтаризм ва субъективизм томонга тойиб кетиш имкониятини

¹Қаранг.: Веселов Ю.В. Классики экономической социологии: Карл Поланьи // Социологические исследования. 1999. № 1. –С. 111-115; Поланьи К. Великая трансформация. Политические и экономические истоки нашего времени. –СПб.: Алетейя, 2002. – С.314.

²Евсеев А., Некрасовский К. О японских “сюданах” // Российский экономический журнал, 1995. № 12. – С. 75.

сақлайди. Шу маънода, модернизациялаш ўзи керакми, у “юқоридан” кимнингдир ғояси ёки ташқи тазйиқ туфайли зўрлаб киритилмаганми, деган ҳақли савол туғилади. Бу кўплаб илмий ишларда учрайдиган жиддий камчиликдир. Юқорида кўриб чиқилганидек, **модернизация тараққиётда мақсадли ижобий силжишни бошлаб беради ва турғунлик ҳолатига бутунлай чек қўяди. У фуқароларни қарахтликдан уйғотиб, сергак қилади, муҳими, янгича фикрлаш ва янгича яшашга ўргатади.** Демак, бу – жамият узоқ вақт кутган ижобий силжиш жараёни.

Россиялик олим В. Шевелев ислом жамиятларидаги сиёсий жараёнларни таҳлил қиларкан, “техноген даврининг қаттиқ сиқуви”¹ кучайганлигини тан олади. Аммо бизнингча, масалани “метафизик” тарзда қўйиш жамиятни трансформациялаш – ўзгартиришнинг ички сабабларини ўрганишни анча орқага суриб ташлайди. Сабаби, “техноген даврининг қаттиқ сиқуви” жамиятга ташқаридан келмайди, балки у ичкарида юзага келади. Жамиятнинг барча муаммолари ички шарт-шароитларнинг мураккаблиги, вақтида ечилмаган муаммолар орқасидан туғилади.

Россиялик олим В.А. Красильщиков трансформациялаш муаммосини ечишга яқинлашган, бироқ, у жараёнга табиий шароитлар таъсири: бирламчи (архаик) формациядан иккиламчи (иктисодий) ва учламчи (постиктисодий) формацияларга ўтиш ҳақида кўпроқ гапиради². Назаримизда, олимнинг тадқиқотида масаланинг макросоциал, тарихий ечими мавжуд, аммо сиёсий-фалсафий ечими топилмаган. Бу эса муаммонинг ечимини очиқ қолдириб, мавжуд концепцияни танқид қилиш учун асосларни беради. Бизнингча, у “табиат” ва “жамият” даражасидаги энг умумий категорияга чиқиб, тарихий, ижтимоий, макросоциал, сиёсий ёки маданий тарафдан эмас, балки сиёсий-фалсафий жиҳатдан комплекс ўрганилса, албатта, ижобий ечимини топади.

Юқоридаги таҳлилларни умумлаштириб, ушбу хулосага келинди:

¹Қаранг.: Шевелев В.Н. Модернизация исламских обществ: социально-философский анализ. Автореф. дис. док.филос. наук / Ростов. гос. ун-т. – Ростов на Дону, 1997. – С.45.

²Красильщиков В.А. Вдогонку за прошедшим веком: развитие России в XX веке с точки зрения мировых модернизаций. – М.: Российская политическая энциклопедия, 1998.– С.264.

1. Жамиятни модернизациялаш концепцияларининг анча кўламдорлиги, турли-туманлиги ёндашувларни ихчам ҳолда ёритишга имконият бермайди. Шу боисдан, тадқиқотда масаланинг асосан сиёсий-фалсафий жиҳатларига тўхталиб ўтилди.

2. Модернизациялаш концепциясининг илмий таҳлили трансформациялашни бошқача вариантда тадқиқ этиш имконсиз эканлигини кўрсатади. Негаки, барча мамлакатлардаги модернизациялаш жараёнларни бир хил қолипда шарҳлаб ва баҳолаб бўлмайди. Бундан ташқари, Шарқ мамлакатлари ва Россиядаги тарихий эволюциялар турли хиллиги концепцияни танқид қилиш учун етарли асосни бермайди.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, модернизация парадигмаси доирасида дунё олимлари томонидан турли хил назарий методологик моделлар таклиф қилинади. Жумладан, У. Росту, А. Органский, Д. Лернер, С. Блек каби мутахассислар томонидан модернизация жараёнларининг мазмунини изоҳлаш учун “линеар (ягона йўналишдаги модель) ғояси илгари сурилмоқда. Унда модернизацияга прогрессив ҳодиса сифатида ёндашилади. Мазкур модель моҳиятига кўра, модернизация инсон онги ва хулқ-атворининг барча жиҳатларида ижобий ўзгаришларга сабаб бўлади.

Ғарб олими М. Леви парциал (қисман) модернизациялашув моделини ҳам таклиф этмоқда. Унга кўра, бу жараён “нисбатан модернизация бўлмаган” жамиятдан нисбатан модернизация бўлган жамиятга узоқ давр давомида ўтишдан иборатдир.

П. Штомп, Р. Робертсон, У. Бек, К. Мюллер, В. Цапф, А. Турен, С. Хантингтон каби олимлар модернизациянинг “кўп йўналишли модели”ни асослаб берадилар. Модель муаллифлари модернизация жараёнларини фақатгина Ғарбга хос бўлган институтларга ва кадриятларга интилиш деб тушунмаслик керак, аксинча модернизациянинг ҳар бир жамиятга хос бўлган ўзига хос йўналишлари ҳам бўлиши мумкин”, деган фикрни илгари сурадилар”¹.

Юқоридаги моделлар моҳиятини ўрганиш ва амалиётга қўллашда миллий менталитетни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ.

Қуйидаги жадвалда модернизациялаш моделларига доир таҳлиллар ҳавола этилади:

7-жадвал. Жаҳондаги сиёсий модернизация моделлари

¹<http://studlib.com/content/view/153/7/>

Номи	Моҳияти
Классик	Бу модель Ғарбий Европа, Америка ва Австралияда кенг қўлланилган. Унинг эволюциясида мустамлакачилик даври эркин тадбиркорлиги, протестант этикаси, буржуазия инқилоблари ва диний урушлар ўз аксини топган бўлиб, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, сиёсий, маданий омилларнинг бир-бирига мос ҳолда етишиши асос қилиб олинган.
Анъанавий	Ҳозирги кунда ушбу моделга нисбатан танқидий ёндашув кучайган. Чунки модернизациялаш жараёнида эски анъаналарни сақлаб қолишга уриниш ва турғунлик ҳолати кўзга ташланади. Анъанавий моделда сиёсий ислохотлар секинлик билан давом этади.
Ноанъанавий	1980 йилда ноанъанавий моделга ўтган Хитой, 90-йилларда «Осиё йўлбарслари» номини олган Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари иқтисодий юксалишга эришдилар. Унда Ғарб ва Шарқ қадриятлари уйғунлашган, ғарб технологияларига ҳам кўпроқ ишонч билдирилган. Уларда модернизация жараёнига давлатнинг ўзи раҳбарлик қилади.
Илдамловчи (Скандинавия)	Унинг илдизида иқтисодий ва сиёсий ҳаётни биргаликда куриш орқали илдам ривожланиш ғояси ётади. Бироқ иқтисодий-сиёсий тузилмалар билан жамият тузилмалари функцияларини қўшиб олиб бориш бошқарувда қийинчилик туғдиради.
Кечикувчи (Ғарб)	Испания, Португалия, Бразилияда XVIII–XIX асрларда бошланган бу жараён бошида ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти институтлари, ривожланган бозор механизмлари яратилмаган эди. Шу сабабдан авторитар ҳокимият, яширин бюрократия сиёсий ислохотларни амалга оширишга ҳалақит бериб келади.
Кечикувчи (Шарқ)	Японияда модернизация жараёни бошлангунча иқтисодий ва технологик жиҳатдан оқсаган давлат эди. Мэндзи инқилоби даврида 1868 йилда «япон руҳияти ва ғарб техникаси» шиори асосида модернизациялаш бошлангандан кейин мамлакат тез орада иқтисодий юксалишга эришди.
Қувиб борувчи	Собиқ советлар иттифоқи, Ҳиндистон, Аргентина, Мексика Ғарбга етиб олиш ва уни ортда қолдириш учун ушбу моделни танлашди. Лекин техникани бошқарадиган етук кадрлар ва инновацион иқтисод тузилмалари ишламагани сабабли ижтимоий-сиёсий муаммоларнинг қуршовида қолдилар. Фақат Буюк Британия таъсирида “нафас олган”

	Ҳиндистон давлатигина ривожланишдан тўхтамади.
Жадаллашган	Жануби-шарқий Осиё давлатлари (Жанубий Корея, Сингапур, Таиланд, Малайзия ва б.к.), Форс кўрфази (Саудия Арабистони, Оман, Қатар, Баҳрайн, Бирлашган Араб Амирликлари) ва Жанубий Америка (Чили)да жадаллашган моделни қўллашди. Унинг фарқли жиҳати шундаки, иқтисодий ва сиёсий тизимдаги ислохотлардан манфаатдор бўлган давлат тинчлик, тартибни сақлаш ва жамиятдаги муаммоларни ҳал этишни ҳам тўлиқ ўз зиммасига олади.

Шу ўринда, дунёдаги машҳур моделлардан айримларига тўхталиб ўтамиз. Япония Ғарб билан илк мулоқотига қадар, яъни XIX асрнинг ўрталаригача рад этиш йўлини танлаган. 1854 йилда британиялик командор Перри томонидан мамлакат куч билан олиниб, 1868 йилда Мейдзи реставрацияси амалга оширилгандан кейин у Ғарбдан андоза олишга киришди. Аммо бошқа давлатлардан фарқли ўлароқ, Япония раҳбарияти сиёсий вазиятни тўғри баҳолади. Ҳокимият тепасига бой-бадавлат, кўзи тўқ, ташаббускор ва юртпарвар кишиларни олиб келишди.

Хитой ҳам ғарбийлаштиришдан ўзини чеклаб келган. Христиан миссионерлари 1701 йилда мамлакатга кирди, аммо 1722 йилда ҳудуддан батамом қувиб чиқарилди. Бироқ бу миллат ўзини бошқалардан устунроқ қўяр ва юқори маданиятига ишонарди. Британияликларнинг опиум урушлари пайтида (1839–1842) Япония ва Хитойнинг дунёдан яққаланиб яшаш тарзига бутунлай барҳам берилди. Икки миллат иқтисодий тараққиёт томон ижобий қадам ташлади...

Мустафо Камол Отатурк танлаган турк модели ҳам бошқаларникига ўхшамасди. Камол пошшо 1920 йилларда таназзул ёқасидаги Усмонли турк империяси харобасида замонавий Туркияни қуриб, модернизацияда ҳам, ғарбийлаштиришда ҳам жадал саъй-ҳаракатларни амалга оширди.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, модернизациялаш олдин ҳам бўлиб ўтган. Жумладан, Цинь сулоласи ҳукмронлиги сўнгги йилларида ҳукмдор “Ti-Yong – фундаментал тамойил учун хитой донолиги, амалиёт учун ғарб донолиги” деган сўзларни шиор қилган. Японияда “Wakon Yosei – япон руҳияти ва ғарб техникаси” сўзлари шиорга айланди. 1830 йилда Мисрда Муҳаммад Али “ўта маданий ғарбийлаштиришсиз техник модернизация”ни ўтказишга

уринди, лекин ислохотнинг кўп қисмидан британияликлар воз кечишга мажбур қилишгани боис, у амалга ошмади. Бу ҳолатни илмий таҳлил қилган араб олими Али Мазруий: “Японияга ўхшаб маданий ғарбийлаштиришсиз техник модернизация ҳам, Отатуркдек маданий ғарбийлаштириш орқали техник модернизацияни амалга ошириш ҳам мисрликларнинг тақдирига битилмади”¹, деб куйиниб ёзади. Мазруий ўз фикрини эҳтиросга берилиб ёзган, чунки ислом дини арконлари асосига қурилган давлатда индивидуализм ва демократия ғояларини олға суриш ўзини оқламаслиги барчага аён ҳақиқат.

Аммо ҳозирга қадар Ғарбда жамиятни модернизациялашга доир янги концепция ва моделларни тарғиб этиш сиёсати тўхтамаган. Америкалик олим Ф. Фукуяма 80-йиллар охирида “Тарих тугадими?” мақоласи ҳамда “Тарих интиҳоси ва охириги одам” номли китобида янги концепциясини илгари сурди. Китобида у СССРнинг парчаланиши демократиянинг ғалабаси бўлиб, тарихнинг тугашига олиб келди, дейди. Бу ерда олим фожиали якун эмас, балки инсон “мутлақ ҳақиқат”га эришиш ва уйғунлик замони келганини англатадиган гегелча талқиндаги “тарих интиҳоси” тўғрисида фикр юритмоқда. Унинг фикрича, либерал демократия сиёсий мукаммал модель бўлиб, ўз моҳиятига кўра, шахснинг асрий орзу-интилишларига ҳар жиҳатдан мос тушади. Бизнинг назаримизда, мазкур ғоя фақат Ғарб мамлакатлари турмуш тарзига тўғри келади.

Жануби-шарқий Осиё давлатлари моделлари ғарбникидан самаралироқ чиқди. Ҳақиқатан ҳам, Хитой, Япония, Сингапур, Тайвань, Таиланд, Малайзия каби Жануби-шарқий Осиё давлатлари моделининг афзаллиги масалага ёндашув ва қарашларни ўзгартириб юборди. Шундай ҳолат рўй беришини билган С. Хантингтон худди Фукуяма каби либерал демократиянинг мухлиси бўлишига қарамай, “бутун дунё америкача демократияга мафтун бўлмайди”, деган хулосага келади. Олимнинг таъкидича, Осиё давлатлари барибир ўз йўлини танлайди ва АҚШнинг дунёни ўз қолипига солишга интилишини рад этади. Шарқликлар либерал демократияга нисбатан оммавий ёндашувга қўшилиш ўрнига Ғарбга қарши бирлашадилар. Олим “Цивилизациялар тўқнашуви”

¹Ali Al-Amin Mazrui. Cultural Forces in World Politics. –London:James Currey, 1990. –pp. 4–5

асарида жаҳон миқёсида бўлиниш чизиғи асосий цивилизациялар ўртасида ўтиши мумкинлигини уқтиради. Мазкур китобни таҳлил қилган таниқли ўзбек олими С. Сафоев мавжуд тўрт блок – иудей-христиан, шарқий-ортодоксал, ислом ва конфуцийчилик жаҳонда етакчилик қилиш учун ўзаро кураш олиб бораётганини айтади. У Хантингтоннинг “келажакада бизни тарих интиҳоси эмас, балки цивилизациялар тўқнашуви кутмоқда”, деган фикрига қўшиларкан, “дунёнинг кичрайиши, жараёнларнинг тезлашиши бунга ўрганмаган одамларда ваҳима уйғотади,—дейди.—Таянч қидириб улар анъаналарга мурожаат этади ва бу диннинг тикланиши, илдизларга қайтишига олиб келади. Исломда ақидапарастлик, Жанубий-шарқий Осиёда “осиёча йўл”, Россияда “евроосиёчилик” – буларнинг барчаси сиёсат ва маданият ўртасидаги алоқани тиклашга уриниш натижаларидир”¹. Бу фикрлар ҳақиқатга яқин бўлиб, унда чуқур мантиқни кўрамиз.

Яқин келажакда жаҳонда “Евроосиё” сингари янги моделларнинг вужудга келиши ҳам кутилмоқда. Шу билан бирга, Хитойнинг конфуцийчилик ва ислом жамиятларининг бирлашиши эҳтимолини ҳам соқит қилмаслик керак.

Иккинчи бобга хулоса

Биринчидан, Европа жамияти инсон эркинлигига асосланган жамият даражасига эришганлиги сабабли, XVII асрга келиб, шахснинг тақомили ва индивидуал ҳуқуқи ҳимояси танланди.

Иккинчидан, Ғарбда социализм, фашизм, анархизм, корпоративизм, марксизм, социал-демократия, христиан демократияси, консерватизм, национализм каби мафкуралар тарих сахнасидан йўқолгандан кейин XVIII асрнинг охирида вестернизация сиёсати ўйлаб топилди. Бу, аслида, ғарблаштириш сиёсатининг бошқача кўриниши эди.

Учинчидан, жамиятни модернизациялаш жараёнида табиий қарама-қаршилиқлар, инқирозлар, албатта, юз беради. Аммо давлат ва жамиятнинг ижтимоий-сиёсий муносабатлари янада такомиллашиб, янги сифат босқичига кўтарилади.

Тўртинчидан, модернизациялашган жамиятлар аграр жамиятлардан уч масалада устунлик қилади:

¹Сафоев С. Марказий Осиёдаги геосиёсат. – Т.: ЖИДУ, 2005. –Б. 131.

а) ғоялар, фикрлар, таълимотлар, ихтироларни бир-бирига узатиш таъминланади;

б) аграр жамият қишлоқ хўжалигига, урф-одатларга, замонавий жамият индустрлашган давлат тизимига суянади;

в) асосан билимга, инновацияга, янги технологияларга асосланиш оқибатида ишлаб чиқариш тараққий этади;

г) кучли парламент тизими, ҳукуматда ижтимоий плюрализм, хурфикрлилик муносабатлари ривожланади.

Бешинчидан, Ғарб билан Шарқда демократлаштириш, индивидуализм, рационализм, эркин бозорнинг айрим мезонлари у қадар мос келмаганлиги сабабли олимлар жамиятни модернизациялаш концепциясига “маданий хилма-хиллик” компонентини қўшмоқдалар. Ушбу масалада сиёсат ва маданият, сиёсат ва ахлоқ уйғунлиги масаласига ечим топиш зарур бўлади.

Олтинчидан, бугунги кунда жаҳон сиёсат майдонида ривожланиш “Янги Шимол”дан “Янги Шарқ” давлатлари қўлига ўтганлиги туфайли модернизация концепция ва моделларини танқидий қайта кўриб чиқиш ва илмий хулосалар бериш вақти аллақачон етиб келди.

УЧИНЧИ БОБ.

МОДЕРНИЗАЦИЯ КОНЦЕПТУАЛ МОДЕЛЛАРИ ШАКЛЛАНИШИ СИЁСИЙ-ФАЛСАФИЙ ЖИҲАТЛАРИ

3.1. Европа жамиятларида модернизациялашнинг иқтисодий самаралари ва муаммолари

Ислом билан Европа маданиятининг ўзаро алоқалари олимлар томонидан кам тадқиқ қилинган. Аксар Ғарб олимлари ўзларининг бугунги маданиятини қадимги юнон маданиятининг давоми, деб даъво қилишади. Муаммони тадқиқ этган маърифатпарвар олим, жаидчилик ҳаракати асосчиси **Исмоил Гаспринский** (1851-1914)нинг фикрича, юнон маданияти олдин ислом дунёсига ёйилган ва бир неча аср мусулмонлар уни тараққий қилдириб, нуқсонларини озайтириб, Европага етказишган. Америкалик олим А. Драбер “Европа ақлий тараққиёти тарихи” китобида Сукрот, Платон, Аристотель каби антик олимларнинг асарларини мусулмонлар танитганлигини гапириб, “Европанинг бугунги улуғ зиёси мусулмонлар ёққан шам ва чироқларнинг ёғдусидан майдонга келган”¹, деб ёзади.

Бизга маълумки, **юнонлар илм-фани мусулмонлар ҳаётига VIII асрда Аббосий халифа Абу Жаъфар Абдуллоҳ Ал-Мансур замонида кириб келди.** Билимдон халифа ҳиндлардан илми нужумни, юнонлардан фанларнинг асосларини ўрганишни орзу қилади. Дунёвий қарашлари туфайли Эфес ибодатхонасида сазойи қилиниб, ўзга юртларга бадарға этилган патриарх Нестор издошлари 431 йили Эрон, Ўрта Осиё, Арабистон шаҳарларига келиб қолишади. Бунинг дарагини эшитган Абу Жаъфар уларни саройга чақириб, таржима ишларини бошлаб юборади. Тезда антик даврнинг нодир асарлари араб тилига ўгирилиб, Бағдод, Шом, Хоразмнинг кутубхоналарига юборилади. Бу борада Хорун ар-Рашид, Маъмун, Абу Жаъфар каби халифалар ҳомийлик кўрсатишади. Ўша даврда Испания – Европа илм-фани марказига айланади. Чунки Араблар Андалузияси пойтахти Қуртабо халифалиги китоб хазинаси жамики Европа юртлари кўшилганда ҳам кўпроқни ташкил этади. И. Гаспринский “Дорул–роҳат

¹ Қаранг.: Қосимов Б. Миллий уйғониш. –Т.: Маънавият, 2002. – Б.181.

мусулмонлари” асарида ёзишча, “1852 йилда Қуртабо кутубхонасида 600 мингта китоб бўлган, бутун ўлкада эса 70 улкан кутубхона ишлаган. Европаликлар Андалузия мактаб-мадрасаларига келиб ўқиган. Улар Қуртабо мадрасаларидан андоза олиб, ўз университетларини қуришган...Хуллас, XII-XIII асрларда Андалузияда – мусулмонлар Испаниясида инсоният тараққиётини янги босқичга кўтарган Европа илм-фанининг тамал тоши қўйилган. Бироқ ҳар нарсанинг ўз кушандаси бўлганидек, мутаассиблик деган офат жуда қисқа муддатда бу ўлкадаги юксак ислом маданиятини йўқ қилиб ташлади. Қирол Фердинанд (1452–1505) Андалузияни мусулмонлар қўлидан қайтариб олгач, ўлкани жоҳилона бир суръатда мусулмонликдан “тозалаш” бошланади”¹.

Европанинг сиёсий тарихи асосан IX асрлардан бошланади. Нормандия қироли Вилгельм Фотих 1066 йилда Англияни забт этганидан кейин марказлашган давлатни яратиш ҳаракатига тушади. XII асрда қирол ҳокимияти янада кучаяди. 1689 йилда қабул қилинган “Ҳуқуқлар тўғрисида билль” номли ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами Англия сиёсий тизимининг шаклланиши ва такомиллашувида ҳал қилувчи омил бўлиб, ҳозирга қадар Конституция ролини ўйнаб келади. Мазкур ҳужжатнинг тарихий илдизлари асосида АҚШнинг Конституцияси яратилади...

Германия сиёсий тизимининг шаклланиши даври ҳам ўзига хос тарзда кечди. “Германияда 1356 йилда император Карл IV даврида Олтин Булла қабул қилинди. “Булла” сўзининг мазмуни кенг, у биринчидан, “юмалоқ муҳр”ни назарда тутса, иккинчидан, “қонунлар тўплами” деган маънони билдирар эди, – деб ёзишади Р.Фармонов, Қ.Жўраев. –1356 йилда қабул қилинган Олтин Буллада императорни сайлаш қоидалари илк бор белгилаб қўйилган эди. Ана шу ҳужжатларга кўра, немис курфюрстлари, яъни князь ёки беклари “Муқаддас немис миллати империяси”нинг императорини сайлаш ҳуқуқига эга бўлганлар. Расман бу қоида то 1806 йилга қадар, яъни Наполеон I тажовузигача давом этган бўлиб, ушбу тарқоқ “империя” Муқаддас Рим империяси номи билан юритилган”².

¹Қаранг.: Қосимов Б. Миллий уйғониш. – Б.193-194.

² Фармонов Р., Жўраев Қ. Қиёсий сиёсий тизимлар ва кўппартиявийлик. – Т.: ЖИДУ, 2000. –Б. 9-10.

Олимларнинг фикрига асосланадиган бўлсак, бу қитъада Уйғонишнинг илк босқичи (XIV-аср), етуклик босқичи (XV-аср) ва охирлаб қолган сўнгги босқичи (XVI-аср) босиб ўтилган¹. Унинг илдизлари қадимги Италия ва Юнонистонга (XI-XII аср) бориб тақалади. Дарҳақиқат, Шарқдан етиб келган янги маданият ҳудудда дин ва илм-фанни ривожлантирди. Бундан ташқари, инқилобий ихтиролар ҳам катта роль ўйнаган. Мисол учун 1440 йилда Иоганн Гутенберг томонидан босма станок кашф қилиниб, китоб чиқаришнинг йўлга қўйилгани, Христофор Колумбнинг Американи очгани (1492), Васко да Гама Африкани айланиб ўтиб, Ҳиндистонга борадиган денгиз йўлини очгани (1498), Ф. Магеллан ўзининг узоқ давом этган саёҳатига асосланиб (1519–1522), Ер куррасининг шарсимонлигини исботлагани, шунингдек, география, геодезия фан сифатида эътироф этилгани, химия ва астрономияда йирик ютуқларга эришилгани – булар ҳаммаси Ғарб оламининг энг катта ютуғи сифатида тарих китобларига кирди.

XVI аср биринчи ярмида шаклланишга улгурган реформация² ҳаракати даврида протестантизмга асос солиниши ҳам инқилобга тенг эди. Христианликнинг православие ва католикликдан кейинги учинчи кўриниши протестантизм³ – дворянлар синфининг ҳукмрон Рим папасига қарши ҳаракати аввал Германияда, сўнгра Англия, Шотландия, Дания, Швеция, Финляндия, Норвегия, Голландия, Чехия, Венгрия, Швейцарияда христианларнинг католик тизимидан ажралиб кетишига сабаб бўлди.

Протестантизм таълимотининг тарихий хизмати шундан иборатки, у руҳоний ҳокимиятнинг дунёвий ҳокимиятдан устунлигига, католик черкови, хусусан Рим папасининг пешволик ролига путур етказди, шахсий эътиқодни диндорликдан юқори қўйди, инсонни феодал иллатлардан озод қилиб, хусусий мулк ҳиссини уйғотди. Протестантизм секуляризация⁴ жараёнини тезлаштирди, бу эса кишилар дунёқарашида диннинг таъсирини пасайтирди. Ватанпарвар дворянлар амалга оширган сиёсий ислохотлар туфайли, христиан дини мафкуравий ҳукмронлик

¹ Қаранг.: Фалсафа: қомусий луғат. – Т.: Шарқ, 2004. – Б. 346.

² Реформация – лот. “reformare” – “шаклини ўзгартирмоқ”, “тузатмоқ” дегани.

³ Протестантизм – лот. “protestants” – “норозилик билдирувчи”, “ошкора исбот қилувчи”.

⁴ Секуляризация – дин, черков таъсиридан холи бўлиш.

мавқеини йўқотди. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида дин ва черковнинг зўравонлик таъсири барҳам топди. Бунинг натижасида одамларнинг фикрлаш тарзида ижобий ўзгаришлар рўй бериб, гуманистик қарашлар устуворлик қила бошлади.

Сиёсий жараён ривожланишдан тўхтамади. Инглиз олими **Жон Локк** (1632–1704) 1688-1689 йилларда сиёсий компромисс тўғрисидаги таълимотини яратди. У хусусий мулкка эгалик қилиш инсон оиласининг яшаши учун зарур эҳтиёжни таъминлаб, инсон зарур нарсаларга эга бўлган тақдирда индивидуал ривожланишга алоҳида эътибор беради, деган хулосага келади. Чунки хусусий мулкка эгалик индивидуалнинг шаклланишига кўмак беради. Локк давлат жамиятга, жамият шахсга бўйсунishi лозим, давлат шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида фаолият олиб боради, у шахсдан кучлироқ бўлиши мумкин эмас, сабаби шахс жамиятни, жамият эса давлатни ташкил этади¹, деган ғояни илгари суради.

XVII асрга келиб, сиёсий назариядан амалий ишларга ўтилди: Голландия ва Англия давлатлари саноатни ривожлантириб, индустрлаштириш даврига тамал тошини қўйишди. Индустрлаштириш модернизациянинг биринчи талаби эди. Кўп ўтмай, Франция, кейин герман давлатлари Пруссия, Австро-Венгрия анъанавийдан замонавий жамиятга ўта бошладилар. Модернизация ҳақидаги қарашлар жамиятда у қадар шаклланмагани боис, илғорлар тажрибасидан “нусха кўчириш” масаласи кўндаланг турарди. Бу борада француз маърифатчиларининг ташаббуси ҳар қанча ўрганишга арзийди. Улар иқтисодий, сиёсий соҳада пешқадам бўлган Англия ва Голландиядаги “ноёб” модернизация намуналарини ўрганишга оид кўплаб хужжатли асарларни йиғишдан эринишмади.

Файласуф ва адиб **Ф. Вольтер** (1694–1778) 1722 йилда иккинчи марта Голландияга борганида, қуйидагиларни ёзиб қолдирди: “Дунёнинг йирик савдо портлари жойлашган шаҳарни ҳурмат ила кўздан кечирдим. Портда мингдан ошиқ кемалар турибди. Амстердамнинг беш юз минг аҳолиси ичида бирорта бекорчи, камбағал, олифта ёки калондимоғ одамни кўрмадим. Биз пиёда, хизматкор ёрдамсиз, оддий халқ орасида юрган пенсионерий (шундай лавозимли киши –*Б.О.*)ларни учратдик... Бу

¹Қаранг.: Политология. –Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси, 2002. – Б. 35.

ерда ўтиб кетаётган шахзодани деворга чиқиб пойлашмайди. Мамлакатда меҳнат ва камтаринлик ҳукмронлик қилади”.

Англия сиёсий тузуми билан танишишга борган Ф. Вольтер 1726 йилги сафарида машҳур “Фалсафий мактублар” ёки “Инглиз миллати ҳақида мактублар” асарини битади. Бу гал адиб миллий иқтисод қайси йўлдан бораётганига эътибор беради: “Англия шаҳар аҳлини бой қилган савдо уларни озод қилишга ҳам имкон берди, озодлик, ўз навбатида, савдони кенгайтирди; шунинг ўзи давлатни улуғвор қилди: айна савдо ёрдамида англияликлар аста-секин денгиз кучларини ўз амрига бўйсундирдилар”¹.

Файласуф олим **Шарль луи Монтескьё** (1689–1755) ҳам Европанинг ўтмиши ва ҳозирги ҳаётини махсус тадқиқ қилган эди. “Қонунлар руҳи ҳақида” асарида у “инглизлар дунёнинг бошқа халқларига қараганда, учта элементдан унумлироқ фойдаланади, яъни буюк аҳамиятга молик дин, савдо-сотиқ ва озодликни асрайди”², деб ёзади. Олим илғор ғояларга доир тадқиқотига манба тўплаш мақсадида бутун Европани кезиб чиқади. Англия парламентида қарийб 12 соатга чўзилган йиғилишда ҳукумат билан муҳолифат гуруҳлари ўртасидаги мунозаранинг гувоҳи бўлади. Сафар Монтескьёда ҳокимиятнинг бўлиниши ҳақидаги назариянинг шаклланишига тўртки берди. Француз маърифатпарвари ҳокимиятнинг бўлиниши назариясини “аралаш идора этиш” ғоясининг давоми, деб белгилаб, қонун устуворлигини ҳимоя қилади. Монтескьё қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимиятлари фақат қонун асосидагина ҳокимиятни сақлаб туриши мумкин, деган хулосага келган илк назарийётчи бўлди!

“Европа модернизацияси” номли китобда банкир Неккернинг ватанпарварлик ташаббуси ҳақида ҳам сўз юритилади. Эсселари Франция академияси мукофотига сазовор бўлган истеъдодли Неккер мамлакатни инқироздан сақлаб қолиш мақсадида 1775 йилда махсус рисола ёзади. Китобида у қироллик хазинасини тўлдириш учун бадавлат одамларни мажбурий заёмларни сотиб олишга чақиради. Неккернинг биргина ташаббуси давлат хазинасини тўлдириб юборади³.

¹Қаранг.: Травин Д., Маргания О. Европейская модернизация: В 2 кн. Кн. 1 / . –М.: АСТ, 2004. – С. 151.

²Ўша жойда.

³Ўша жойда. – С.198.

Сиёсий фикрлар ривожини Ж. Руссо (1712–1778), Э.Берк (1729–1797), Ж.Мэдисон (1751–1836) каби олимлар ҳам янги-янги назариялари билан бойитишган. Шу тариқа, бир аср давомида кенг кулоч ёйган маърифатчилик ҳаракати фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини демократик тартиботлар асосида қуришга ишонтирди.

Аммо Европада модернизацияни бошлаш учун етарли шарт-шароит етилмаган эди. Бунинг асосий сабаби:

биринчидан, давлатларда сиёсий моделлар (конституцион монархия, президентлик, парламент республикаси) турли-туманлиги;

иккинчидан, парламент сайловини ўтказишнинг мажоритар, пропорционал, аралаш механизмлари мавжудлиги;

учинчидан, давлат бирлигини таъминлашга оид ёндашувлар (унитар давлат, федерация)нинг турли эканлигида эди.

Европа халқлари ягона ғояга катта эҳтиёж сезарди. Ана шу ғояни немис олими **Макс Вебер** (1864–1920) ўртага ташлади. У замонавий ахлоқий ўзгаришларни чуқур таҳлил қилган ҳолда, протестант этикаси руҳига асосланган капитализм ривожланиши концепциясини ишлаб чиқди. Протестантизм қондасига кўра, инсон вазифасини ҳалол, виждонан бажарса, фаровонликка эришиб, Худо олдида юзи ёруғ бўлади. Бойлик инсон учун шахсий қониқиш ва орзулар ушалишининг воситаси эмас, балки руҳий таскин топиш йўли ҳисобланади. М. Вебернинг талқинича, юксак қадриятлар тизимига эга бўлган протестант дини модернизациянинг асосий манбаи бўлишга қодир куч бўла олади. Олим “Протестантча этика ва капитализмнинг руҳи” (1905) асарида “капитализм даставвал Ғарбда ривожланиши мумкин”, деган илмий хулосага келади. Ўша пайтда бойлик орттиришни хушламайдиган христиан дини мазҳаблари Европанинг иқтисодий тараққиётига тўсиқ бўлишарди. **Вебер дин саноат капитализми ривожини ва ижтимоий тараққиётга ғов бўлишини дастлаб англаб етган йирик олим эди.** Унинг талқинида протестантлик дини адолатсизликни пассив кузатиш эмас, балки уни бартараф қилиш учун фаол курашиш йўли орқали ижтимоий тараққиётга эришиш! Хитойлик Конфуцийнинг ғояларига ўхшаш бу ғарбона этика капитализм ривожига асос бўлди...

Инглиз олими **Арнольд Тойнби** (1889–1975) 12 жилдлик “Тарихни билиш” асарида жаҳондаги сиёсий эволюцион жараёнлар

тарихи, Шарқ ва Ғарбнинг бир-бирини бойитган умумий жиҳатларини яхши очиб беради. “Бу монументал асарда Тойнби кўп фактик материаллар асосида 26 жамият ва 21 цивилизациянинг вужудга келиши, равнақ топиши ва емирилиши жараёнини тадқиқ қилди”¹. Улар орасида Ўрта Осиёга ҳам ўрин ажратилган. Тойнби цивилизация ва модернизациялаш жараёнларини таққослайди. Цивилизациянинг синишига жамиятдаги ички портлаш сабаб бўлади, дейди у. Бу тарихий эпопеяда Габсбургск монархияси даврида император Иосиф II нинг қайта қуриш, XIX аср бошида пруссларнинг иқтисодий ислохотлари, Россияда крепостнойлик ҳуқуқи бекор қилиниши, Японияда Мэйдзи инқилоби, Эрондаги “Оқ инқилоб” тарихи ҳақида ажойиб таҳлилий кузатишлар ўрин олган.

Европадаги модернизациялаш жараёнлари бўйича ушбу хулосаларга келинди:

модернизация биринчи тўлқини XVIII аср иккинчи ярмида “маърифатпарварлик абсолютизми”дан бошланди. Француз маърифатчилари мамлакат ривожига инсон ақли ва онгининг ролига юксак баҳо беришди;

модернизация иккинчи тўлқини XIX асрнинг иккинчи чорагида ҳукумат конституционализми ислохотлари даврида Бавария, Саксония, камроқ Пруссияда кенг ривожланди;

модернизация учинчи тўлқини “патернализм”² қарашлари билан боғлиқ ҳолда кечди. Италияда қўлланган атама каттанинг кичикка, қариндошнинг қариндошга, устознинг шогирдга ва яқинларига нисбатан ғамхўрлигига суяниб ишлашнинг ғаройиб кўринишига айланди;

модернизация тўртинчи тўлқини XX аср ўрталарида ягона умумий бозорни шакллантириш ва эркин савдога қайтиш ғояси атрофида бирлашди. Бу даврда ахдлашувчи давлатлар ўртасида божлар қисқарди, суверенитет бир қисми парламентга сайланувчи вакилларга топширилди. Минтақада ўзаро интеграциялашув жараёни кучайиб кетди.

Шундай қилиб, Европа модернизациялашнинг катта йўлига чиқиб олди. Бу ижобий ўзгаришларни кузатиб турган АҚШ корчалонлари жаҳон либераллашувида “Рах Americana”ни амалга

¹Сафоев С. Марказий Осиёдаги геосиёсат. – Т. ЖИДУ, 2005. –Б. 129.

²Патернализм – лотинча “отага қарашли” дегани.

оширишга кулай фурсат етиб келганини англашди. Шу мақсадда **1944 йилда Нью-Гэмпшир штати Бреттон-Вуд шаҳридаги конференцияда халқаро валюта-молия институтларига асос солинди.** Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки тузилди. Тариф ва савдо тўғрисидаги (1947) Бош келишувга эришилди¹. Жиддий таҳлил қилинса, бу Ғарбнинг олис давр сиёсатини олдиндан башорат қилиши ва ўз қудратини оширишнинг чексиз имкониятини таъминлаб берганди. Конференция **Жон Мейнард Кейнс** (1883–1946) иқтисодий доктринасининг триумфи² билан бошланди. Лондон қироллик жамияти, Британия лордлар Палатаси парламентининг аъзоси бўлган Кейнс Давлатлараро халқаро молиявий бошқариш институтларини тузиш ва жаҳонда халқаро молия тизимини қайта ташкил қилиш ғоясини илгари сурган йирик арбоб эди. **Ана шу халқаро ташкилотлар Ғарб давлатлари молиявий устунлигини таъминлашга пойдевор тайёрлаб берди!** Бу мустаҳкам пойдевор ўз миссиясини ҳозиргача бажариб келади. Ҳа, Ж. Кейнс кучли стратег ва туғма иқтисодчи эди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин унинг издошлари иқтисодий ўсишни узлуксиз тўлиқ иш билан таъминлаш, ижтимоий адолатлилик фойдасига даромадларни эмиссион ва солиқ сиёсати усуллари орқали қайта тақсимлашга эришдилар. Ана шу принципларнинг амалиётда қўлланиши Европада нафақат иқтисодий ривожланишни, ҳатто сиёсий модернизациялаш жараёнларини ҳам тезлаштириб юборди.

XX асрнинг буюк ислохотчиси Жон Кейнснинг яна бир хизмати шуки, у иқтисодиёт билан маънавият ўзаро уйғун бўлгандагина мамлакат тараққий қилишини қўллаб-қувватлади. “Кейнс бу алоқадорликни англабгина қолмай, ўзининг фандаги асосий хизмати “Асосий руҳият қонуни” аталган қонунни кашф этишда, деб билганди, – деб ёзади профессор А.Бегматов. – Унга кўра, даромадларнинг ўсиши, бойлик ортиши натижасида истеъмолга бўлган майл пасаяди. Одамларда ҳисоб-китоб билан истеъмол қилиш, эҳтиёткорлик, бахиллик каби хусусият ва мотивлар пайдо бўладиги, улар энди талабнинг пасайишига, шу

¹ Қаранг.: Давлиева В.И. Европейский экономический и валютный союз. // Сб. аспирантских научных работ. –Казанский госуниверситет, 2005. – С.188-194.

² Триумф – қадимги Римда урушдан ғалаба билан қайтган лашкарбошини тантана билан кутиб олиш маросими шундай номланган.

орқали ишлаб чиқариш суръатлари секинлашишига олиб келади”¹. Иқтисодий-сиёсий ривожланишнинг кейнсча дастурлари ҳисоблаш техникаси тараққиёти ва янги илмий фан – эконометрия билан боғлиқ янги иқтисодий-статистик методларга асосланган. Бунда Стокгольмнинг сиёсий иқтисодиёт мактаби (Б.Улин, Э.Лундберг, Г.Мюрдаль, Э.Линдаль) муҳим роль ўйнаб, ўша ғоя асосида Швецияда 1930 йилларнинг ўрталарида ҳукмрон социал-демократик партия ўзининг “Барчага баравар фаровон ҳаёт давлати”ни қуришни асос қилиб олди². Шундай қилиб, Ғарбий Европада давлат тизимини иқтисодий модернизациялаш қонуниятларини ёқлаш орқали фаровонликка эришиш йўллари асослаб берилди.

XIX аср иккинчи ярмида Ғарб давлатларининг кўп асрлик колониал сиёсати инқирозга юз тутди. Бу воқеалар модернизациялаш жараёнларига таъсир кўрсатди. Бироқ мустамлакачилик тузумининг емирилиши Европанинг заифлашишига эмас, балки иқтисодий юксалишига кўмаклашди. Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш, Жазоирдан эндиликда Англия, Франция, Голландия, Бельгия ва Скандинавия мамлакатларига муҳожирларнинг тўхтовсиз нолегал оқими кела бошлади. Бу Европага иқтисодий жиҳатдан қўл келди: мигрантлардан миллий манфаати йўлида фойдаланди. Собиқ колонияларнинг хомашё ресурсларини эксплуатация қилиш, қазиб олиш саноатини миллийлаштириш туфайли нархлар ошди. Муҳожирларнинг арзон меҳнати эвазига табиий ресурсларини ўзлаштириш тезлашди, қишлоқ хўжалиги ҳам илдам ривожлана бошлади.

Тадқиқотда Европадаги айрим давлатларнинг модернизация йўли кўздан кечирилди. Масалан, Германияда иқтисодиёт вазири, профессор **Людвиг Эрхард** (1897-1977) миллий иқтисодиётни тиклаш дастурини ишлаб чиққан буюк ислохотчи эди. Бу концепция давлат фаоллиги, шахсий ташаббус ва демократия эркин намоён бўлишини кафолатловчи ордолиберализм (“эркинлик тузumi”) моделини таклиф қилган Фрайбург мактаби

¹Бегматов А. Маънавият фалсафаси ёхуд Ислом Каримов асарларида янги фалсафий тизимнинг яратилиши. –Т.: Шарқ, 2000. – Б. 86.

²Bermann A. Taking Subsidiarity seriously: Federalism in the European Community and in the United States. In: The Columbia Law Review, March, 1994. № 2. –р. 386-389.

иқтисодчилари назариясига мос тушади¹. ГФР ҳукумати “капитални демократлаштириш”: концернларни майдалаштириш, корхоналарни бошқаришда ишчиларнинг иштирокини таъминлашга киришди. Мамлакатга 40 фоиз пўлат чиқарган “Ферайн Стальверке” концерни 13 та металлургия ва 9 та тоғ-кон саноати компаниясига тақсимлаб юборилди. “Фольксваген” автомобиль компанияси денационализация² қилиниб, “халқ акциялари” энг кам иш ҳақи оладиган ишчиларга арзон нархларда сотилди. 1963 йилгача иқтисодиёт вазири бўлган Л. Эрхард ислохотлари Ғарбий Германиянинг иқтисодий ўсишини юқори чўққига кўтариб, истеъмол бозорида фаровонликни таъминлади³.

Францияда модернизациялаш немисларнинг ордолиберализм моделидан фарқли кечди. **Шарль де Голль** (1890–1970) иккинчи жаҳон урушида издан чиққан сиёсий-иқтисодий тизимни тиклаш, сиёсий инқирознинг олдини олиш учун президентликнинг “кучли ва қаттиққўл давлат ҳокимияти” ғоясини илгари сурди. Бундай усул макроиқтисодий барқарорликка эришиш, бозор муносабатларини шакллантириш ва хорижий сармояларни миллий иқтисодиётга жалб қилишда қўл келди.

Генерал Шарль де Голль бошчилигидаги Қаршилик Ҳаракати етакчилари 1944 йилда ҳокимиятга келгач, энергоресурслар, суғурта компаниялари, банклар ва йирик фирмалар давлат назоратига ўтказилди. Иқтисодий ўсишни барқарорлаштириш учун давлат томонидан индикатив (тавсияли) режалаштириш сиёсатига ўтилди. Иқтисодиёт бўйича маслаҳатчиси Жон Моннэ 1946 йилда модернизация лойиҳасини ишга туширди. Моннэ давлатнинг раҳбарлик ролини ошириш ғоялари билан танилган эди. Урушдан кейин “Маршалл плани” доирасида Францияга юборилаётган АҚШ ёрдамини тақсимлаш чоғида мазкур ғоя туғилди. Жон Моннэ бозор муносабатига асосланган институтда “дирижизм” тизимини – давлатнинг раҳбарлик ролини кучайтиришнинг тарафдори эди⁴.

¹Шайхутдинова Г.Р. Возникновение принципа гибкости в Европейском Союзе // Вестник ТИСБИ. – 2007. № 2. – С. 103-109.

² Денационализация – давлат мулкига айлантирилган хусусий мулкларни эгаларига қайтариш.

³Қаранг.: Ежов В. Людвиг Эрхард и “немецкое чудо” //Обозреватель, № 3 (122), 2000.

⁴Кумехов К.Р. Французская модель // Российские вести. 16 фев., 1994 г.

Тўртинчи республика йилларида (1946–1958) модернизациянинг улкан режалари амалга ошди. Де Голлнинг иккинчи марта ҳокимиятга келишида француз иқтисодиётини модернизациялаш мазмуни ва йўналишини ўзгартирди. 1958 йили бош вазирликка ўтганида янги Конституция қабул қилиниб, Бешинчи республиканинг Парламент ваколатини чекловчи президентлик тизими ўрнатилди. “Бу гал у ўзининг иқтисодий маслаҳатчиси этиб либерал иқтисодиётчи Ж. Рюэффни тайинлаб, бош режанинг ижросини “ҳар бир француз учун оташин бурч” деб эълон қилди¹”.

Президентнинг моҳирона бошқаруви натижасида халқаро саноат-молиявий гуруҳларни йириклаштириш; регионларни текис ривожлантириш; синфий тотувликни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий кескинликни юмшатишга эришилди². Кўп ўтмай, у бошлаган “Катта лойиҳалар” иқтисодий мевасини берди: “Ариан” ракетаси, товушдан тез учувчи “Конкорд” самолёти, аэробуслар, тезюарар поездлар, электрон ҳисоблаш техникалари, алоқа воситалари ишлаб чиқарила бошланди. Французлар тез орада АҚШ ва Японияга етиб олишди...

“Катта лойиҳалар”га биноан, регионлардаги университет марказларида (Гренобль, Нант) “илмий-техник ривожланиш кутблари” тузилди, миллий магистраллардан то муниципал шосселаргача бўлган автомобиль йўллари инфраструктураси барпо этилди, хусусий инвестицияларни киритишнинг рағбатлантирилиши чекка ўлкаларни ҳам барқарор ривожлантирди.

Модернизациялаш сиёсати аграр соҳани ҳам қамраб олганди. Импорт кўпайиши ҳисобига маҳаллий анъанавий экинларни экилмай қолишига барҳам берилди ва универсал-озуқали экинлар сақлаб қолинди. 50-йиллар ўрталаридан 60-йиллар охиригача қишлоқ хўжалигидаги банд ерлар 27 фоиздан 15 фоизгача қисқартирилган бўлса-да, маҳсулотлар экспорти бўйича АҚШдан сўнг иккинчи ўринга чиқиб олди³.

¹Ардан Ф. Франция: государственная система. –М.: 1994. –С. 154

²Қаранг.: Керимов А.Д. О своеобразии государственной системы современной Франции // Государство и право, №1, 2001.–С. 71-74.

³Қаранг.: Черников Г.П. Экономика Франции: традиции и новейшие тенденции. – М.: 2002. – С. 204; Островская Е. Франция // Мировая экономика и международные отношения. – №8, 2001. – С. 89-97.

1962–1968 йилларда Бош вазир ва 1969–1974 йилларда президент бўлган Жорж Помпиду ҳам президентнинг сиёсатини давом эттирди. 1970-йилларнинг бошида таркибий қайта қуриш, технологик модернизациялаш, ташкилий-хўжалик ислохотлар олиб борилиб, ишлаб чиқариш самарадорлиги ошди.

Ҳа, Шарль де Голль даврида бутун француз жамияти жипслашди, мамлакатнинг барқарор тартиботини таъминловчи давлат институтлари шаклланиб улгурди.

Европанинг Италия, Буюк Британия, Бельгия, Швейцария каби давлатларида ҳам сиёсий ва иқтисодий ҳаёт Франциядаги сиёсий ислохотлар ҳамда индустриалаштириш шарт-шароитларига яқин эди. Биз улар ҳақида алоҳида тўхталишни лозим топмадик. Аммо, шу ўринда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда давлатнинг бош ислохотчилиги, президентнинг етакчилик роли тамойили Франциянинг “дирижизм” сиёсатига кўп жихатдан ўхшаб кетади.

Европа Иттифоқи (ЕИ) тизимининг шаклланиши ҳам модернизациялашда ўзига хос босқич бўлди. 1992 йилда 28 та давлатни бирлашди ва ЕИ аҳолиси 503 миллионни, ер майдони 4.384.782 кв. км.ни ташкил этадиган бўлди. Аҳоли сони жихатидан у Хитой ва Ҳиндистондан кейин учинчи, ер майдони бўйича дунёда еттинчи ўринни эгаллайди.

Европанинг **ўзини ўзи бошқариш тизими** ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак. Икки аср муқаддам кенг ҳудудда эркин коммуна ва уюшмаларга бирлашиш компанияси яна уйғониб, ижтимоий муаммоларни ҳал этишга киришган эди. Фақат XX асрга келиб, фуқароларнинг талаб-эҳтиёжлари ҳисобга олинган ҳолда, Халқаро жамоалар иттифоқи (Гаага), Европа жамоалар иттифоқи (Париж), Шаҳарлар ва вилоятларни бошқариш халқаро ассоциацияси, Европа маҳаллий ва минтақавий ҳокимиятлар конгресси каби ўнлаб жамоат ташкилотлари тузилди. 1985 йилда “Европа маҳаллий ўзини ўзи бошқариш хартияси” қабул қилинди. Ҳозирги кунда у иттифоққа кирган 28 мамлакатда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизимини ривожлантириш йўллари белгилаб беради. “Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш фуқароларга кундалик ҳаётда ҳам, умумдавлат ишларида ҳам қарорларни қабул қилишда қатнашиш имконини бериш билан бирга, фуқаролик ҳуқуқлари амалга оширилишини кафолатлайди,—дейилади Хартияда.— Бу аҳолида фуқаролик масъулияти ҳиссини тарбиялайди. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фуқаро билан давлат ўртасида воситачилик

вазифасини бажаради”¹. Хартия маҳаллий уюшмаларнинг сиёсий, маъмурий, молиявий мустақиллигини сақлаш ва мустаҳкамлаш мажбуриятини ҳам адо этади.

Таҳлилларга кўра, жаҳонда маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг Шимолий Америка, Жанубий Европа (Франция, Италия) ва Шимолий Европа ёки Скандинавия (Дания, Швеция, Финляндия, Норвегия, Англия) моделлари ишлайди. Масалан, Шимолий Америка муниципалитети фаолият доираси тор бўлиб, кўпроқ бизнес манфаатига хизмат қилади, унча фаол бўлмаган Жанубий Европа моделида миллий сиёсатга кам ўрин ажратилади. Шимолий Европа моделида марказ билан ҳудудлар, давлат ҳокимияти билан маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасида вазифалар тенг тақсимланиб, анъанавий демократик институт шаклини олган². Ялпи миллий маҳсулотни истеъмол қилиш ва аҳоли бандлигини ҳал этишда муниципалитетларнинг ҳиссаси ошиб бормоқда. Европа хартияси уч моделдан энг мақбули – шаҳар жамоалари фуқароларини ҳимоя этувчи Шимолий Европа моделини қабул қилган.

Ҳозирги вақтда ЕИга аъзо мамлакатларнинг ўзаро савдолари кўшилганда жаҳон импорти 22%ини, экспортини (АҚШ – мос равишда 18 ва 16, Япония –9 ва 12, Канада –4 ва 5% ни, қолган давлатлар –47% ни) 20% ини ташкил қилади. ЕИ нинг улушига жаҳон импортининг тахминан 8% ва шунча озиқ-овқат экспорти, 7 ва 12% хомашё, 13 ва 2% электр энергияси, 7 ва 13 % кимёвий материаллар, 30 ва 41% машиналар, 35 ва 34% қолган саноат маҳсулоти тўғри келади.

Аммо бугунги кунда Европа ижтимоий-иқтисодий ҳаётида иқтисодий қийинчилик туғилган. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ЕИни оғир аҳволга солиб қўйди. 1999 йилда ягона пул бирлигига ўтилгач, Германия, Франция, Англияда иқтисодиёт нисбатан ривожланишига қарамасдан, 2008 йилда молиявий-иқтисодий инқироз содир бўлди ва 2010 йилда биринчи рецессияни бошдан кечирди. Таҳлилчиларнинг фикрича, иқтисодиётда қайта тикланиш ва ўсиш 2020 йилнинг охиригача кузатилмайди. Бугунги

¹Frieder A. Partizipative Demokratie (Erfahrungen mit der Modernisierung kommunaler Verwaltungen)- Demokratie am Wendepunkt. Siedler Verlag. – Berlin, 1996. –p. 294-307.

²Қаранг.: Lane Son-Erik.Constitutions and political theori.– Manchester and NY. 1996. –p. 243-245.

кунда Еврокомиссия ягона ЕИ иқтисодий ҳудудни ривожлантириш эмас, балки барқарорликни сақлаб қолишга доир янги стратегияни ишлаб чиқмоқда. Еврокомиссиянинг Молиявий рағбатлар пакети жаҳондаги молиявий-иқтисодий инқироздан сезиларли зарар кўрган давлатларнинг рақобатбардошлиги ва омон сақлаб қолинишига йўналтирилган. Айниқса, Греция, Португалия, Испания ва Италияда инқироз кучайган. Таъкидлаш жоизки, евро пул бирлигига ўтилиши даврида барча давлатларда истеъмолчилик қиймати ва кредит олиш имкони ниҳоятда ўсган эди. Таҳлилларга кўра, бутун ҳудудда баҳонинг еврога мажбурий текисланиши кўп ҳолларда савдогарларнинг фойдасига ишлади, давлат эса бу борада ютқазди.

Айни пайтда, ишсизликнинг чидаб бўлмас даражада ошиши, аҳолининг кексайиши, туғилишнинг камайиши, аъзо давлатларнинг иқтисодий-иҷтимоий сиёсати балансини мувофиқлаштириш, инқироз таъсирини имкон борича пасайтириш каби муаммолар тўпланиб қолган. Хусусан, Шарқий Европа давлатлари жиддий демографик инқирозни бошидан кечирмоқда: туғилиш сони камайган, аҳолининг узок умр кўриш кўрсаткичи ошган. Бундай вазиятда аҳолининг кексайиши, меҳнатга лаёқатли аҳоли етишмаслиги, муҳожирлар оқимининг назорат қилиб бўлмас даражада кучайиши юз бермоқда. Давлат раҳбарлари ҳолатни ўнглаш учун аниқ чора-тадбирлар кўрмаса, умумий аҳоли сони ҳар 25-30 йилда тахминан ярмига қадар камайиб кетиши мумкин. Бола туғилиши камайиши ҳудудда баланс ўзгариши ва катта ёшлилар сонининг кўпайишига олиб келмоқда. “Олдин ҳеч қачон 65 ёшлилар ва ундан катта ёшдагиларнинг сони (60 миллион атрофида) бунчалар ошиб кетмаган эди, – дейди рус олимаси О. Осколова. – “Бэби-бума” кўп сонли авлодининг қариши жараёни 2010–2030 йилларда кескин оширади. Фақатгина 2040 йилларга келгач, кекса авлод ўлими сонининг кўпайиши ҳисобига 65 ёш ва ундан ошганларнинг сони қисқаради”¹. Туғилиш сонининг камайиши, кексайиш кўрсаткичининг ортиб бориши аҳволни янада мураккаблаштирмоқда.

Молиявий ва демографик инқироз кучайиши эса янги муаммоларни келтириб чиқармоқда.

¹Осколова О. Старение населения в странах ЕС // Мировая экономика и международные отношения. 2007. №10. –С. 74.

Ҳозирги кунда Россияда ҳам айна шунга ўхшаган ҳолат кузатилмоқда.

3.2. Марказий ва Жануби-шарқий Осиё давлатларида модернизация шарқона моделининг намоён бўлиши

Кейинги йилларда модернизацияда янги йўналиш – Шарқий Осиё “иқтисодий мўъжизалари”га доир тадқиқотлар кўпайди. Олимлар жаҳон модернизация моделида одатий тушунчамизга сиғмаган феномен пайдо бўлганини эътироф этишди. Осиё иқтисодий стратегиясида ҳукумат интервенцияси (“кўринувчи кўл”) ва бозор кучлари (“кўринмас кўл”) уйғунлиги ҳақида янги тадқиқотлар яратилмоқда. Қуйида баъзи мамлакатлар ҳақидаги илмий таҳлилларимизни тақдим этамиз.

Япония жамиятида диний ва жамоавий бирдамлик тамойили устунлик қилади. Сўнгги юз йилда жамият ҳаётининг иқтисодиёт, сиёсат, маданият соҳалари модернизацияси билан боғлиқ объектив тарихий тенденцияни акс эттирувчи глобаллашув жараёни кечмоқда. Анъанавий элемент ва ғарбий инновацияни ўзида бирлаштирган янги мамлакат қиёфаси аллақачон шаклланди. Аҳолининг янгича шароитга мослашиш қобилияти: бошқа цивилизациялар унсурларини яхши ўзлаштириши, уларни ўз миллий қадриятларининг таркибий қисмига киритиши кузатилади. Бу жамиятда нима ўзиники ва нима ўзлаштирилганини ажратиб олиш қийин, чунки ҳамма нарса қоришиб кетган. Бундай қоришманинг юзага келиши халқнинг дунёни идрок этиш даражаси билан боғлиқ бўлиб, унинг асосида жамиятдаги узок асрлик анъаналар ётади. “Японлар учун анъаналар трансформациясининг эволюцион жараёни хос. Одатда, янги элементлар эски тузилмага уни бузмаган ҳолда келиб қўшилади, кўп ҳолларда у билан бирга яшайди, баъзида эса унга сингиб кетади. Аста-секин эски тузилмага мослашиб борган сайин ўз қиёфасини ҳам ўзгартира борган ушбу элементлар бутун тузилманинг қайтадан қурилишини келтириб чиқаради”¹. Баъзида жараён шу қадар жўшқин кечадики, улар ўз анъаналарини бузаётгандек тасаввурни уйғотади. Бироқ, япон жамиятидаги қайта ўзгаришлар, ҳатто энг жиддийлари ҳам,

¹Хидзия-Киршнерайт И. Военная вина, послевоенная память: преодоление прошлого в Японии. – М.: Новое литературное обозрение, 2005.– С. 491.

талафотли ижтимоий портлашсиз, инқилобсиз амалга ошгани уларнинг ютуғи ҳисобланади.

Япон прагматизмининг бошқалардан фарқли жиҳати шундаки, анъанавий миллий кадриятларини сақлайди, эҳтимолий ҳалокатларни эҳтиёткорлик билан четлаб ўтган ҳолда, янгиликларни қабул қилаверади. Ю. Мисиманинг таъкидича, “японлар учун биронта маданият, ҳатто қудратли маданиятлар ҳам, тақлид учун универсал намуна бўлолмайди”¹.

Мамлакатда император **Муцухито** (1868–1912) ҳукмронлигидаги Мэйдзи реставрацияси даврида биринчи марта сиёсий ислохотлар ўтказилган. Ҳукумат тепасига сиёсий заиф буржуазия эмас, балки феодал зодагон вакиллари, савдо-судхўр капитали вакиллари олиб келинди, бу эса капитализм ривожини белгилаб берди.

Японияда модернизациялаш жараёни бошидаёқ “япон руҳияти – ғарб техникаси” (вакон-ёсай) шиори остида кечди. Бунда “вакон” анъанавий маданият, маънавий кадриятга боғланиб дунёни идрок этиш, “ёсай” – замонавий маданият, цивилизация маъносини билдиради². Бундан олдин, император Токугава (XVII-XVIII аср) даврида ҳам бошқарув тизимини модернизациялаш олиб борилган, ўшанда миллий маданият хитой анъаналарининг узок давом этган ассимиляция (аралаштириб юбориш–Б.О.)жараёнидан маълум вақт ўтгач, ўзининг классик ҳолатига қайтганди.

Японлар диний онги негизида турли эътиқодлар, ибодатлар, маросим ва ахлоқий нормаларнинг мажмуи, яъни ибтидоий жамоа даврида пайдо бўлган синтоизм (японча “синто”– “худолар йўли”) мафкураси ётади. 1868 йилда синтоизм расман давлат дини, деб қабул қилиниб, 1945 йилгача яшади. 1964 йилда дин давлатдан ажралди. Унга кўра, император (микода) сулоласининг узлуксизлигини табиий қабул қилиш японлар онгини шакллантиради. Император сиёсий ҳокимиятдан четлатилса ҳам, синтавийликнинг олий руҳонийси сифатида жамият табақавий пиллапоясида ўз ўрнини сақлаб қолади. Ҳукмрон элита буддавийликда марказлашган давлатнинг ғоявий таянчини кўрди, чунки маҳаллий культлар уларда мавжуд бўлмаган бир қатор

¹Қаранг.: Мисима Ю. Голоса духов героев. – М.: Летний сад, 2002. – С. 202.

²Беляков А. Акио Морита. Душа компании//Интеррос, № 1, 2001.–С. 53-58.

ахлоқий тушунчалар билан бойитилган. Буддавийлик мамлакатда диний урушларсиз илдиз отиб, синтавий-буддавий синкретизмининг пайдо бўлишига олиб келганди¹. Иккала дин ҳам бир-бирига таянди: буддавийлик бу ерда моддий кўмакка, синтавийлик ҳукмрон элитанинг хайрихоҳлигига эҳтиёж сезд.

Хулқ-атвор, нормалар ва маросимларнинг мураккаб намунасини олиб келган мукаммал ахлоқ мажмуи – конфуцийчилик ҳам мамлакатда баравар илдиз ота бошлади. Тарихан шундай бўлдики, буддавийликка қўшимча сифатида ишлаган Конфуций таълимоти руҳоний ва зодагонларга ёқди. Токугава даврида конфуцийчилик расмий давлат мафкураси мақомига эришиб, бирмунча такомиллашди. А.Куланов ёзганидек, “ота-она, оилага ҳурмат ва садоқатда хитой конфуцийчилиги устун эди. Япон конфуцийчилигида оила манфаатлари зарарига бўлса ҳамки, хожаси – сёгунга шаксиз садоқат шаклланган. Қадимдан японларга хос ўзини қурбон қилиш, чексиз садоқат анъаналари конфуцийлик ғоялари таъсири остида умумқабул қилинган хулқ-атвор кодексига ва бусидо (жангчи йўли) самурай виждони кодексига ўзининг ёрқин ифодасини топган ахлоқий тизимга айлантирилди²”.

Япония модернизацияси шаклланишида олимлар **С.Судзуки** (1579–1655) ва **Б. Исида** (1685–1744)нинг хизматлари бекиёс. Собик самурай ва ҳукумат амалдори бўлган С. Судзукининг дзен-буддавийликка асосланган ижтимоий этикасида барча жамиятлар учун кишиларнинг маънавий, диний-иқтисодий эҳтиёжини қондирадиган японча ахлоқ устуворлик қилади. Феодал жамиятда савдога “зарурий ёвузлик” деб қаралса, бу таълимотда халққа эркинлик олиб келадиган “диёнатли ҳаракат”ни кўрамиз. “Савдогар даромад олиш учун савдо билан шуғулланса, муваффақият қозонмайди. Агар харидор ва давлат эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, фаолият олиб бормаса, иқбол кулиб бокмайди ва у Будданинг ғазабига учрайди”³, деган эди у. **“Меҳнат – сабр-тоқат, қаноатга тенг, моҳиятига кўра, художўйлик даражасида, меҳнат қилиш – ҳақиқий иймон-этиқоднинг йўли бўлиши керак”**. Олимнинг таълимоти Нақшбандийнинг доимо меҳнат билан банд

¹Абдулаев Э.Н., Мендрин В.М. История сегуната в Японии. Т.1. – М.: СПб. В 2 –х т. 1999. –С. 54-60.

²Куланов А. Обратная сторона Японии. –М.: АСТ, 2008. – С. 250.

³Қаранг.: Симхович В. Истоки современной японской системы управления //Проблемы теории и практики управления, 2002. № 6. –С. 70-81.

бўлиш, Вебернинг протестантча этика ғояларига жуда ўхшаб кетади. Асосий фарқ шуки, Вебер ва Судзуки таълимоти Европа ва Япония ижтимоий ҳаётини юқори поғонага кўтариб қўйди, ўлкамизда эса у четга суриб қўйилди...

Б. Исида меҳнатсевар, садоқатли ишчилар орасида меҳнатни дин даражасига кўтарди. Меҳнат – мақсадга интилишда диний фанатизмни намоён этадиган фалсафий таълимот эди. Унга кўра, хулқ-атвори, кундалик ахлоқий норма учун масъуллик инсоннинг ўзида мужассам бўлиб, характери унга йўлбошчи бўлади. Одамлар тартиб-қоидага вазминлик билан риоя қилган, виждонли бўлганда, жамиятда барқарорлик яратилади, шундагина осмон билан уйғунлик ҳолатига ўтилади. Харидор билан хушмуомала, самимий, тежамкор тадбиркорнинг даромади ҳалол, адолатли бўлади. Жамиятда ижтимоий битим – консенсус тизими ишлаши лозим. Битим ижтимоий нормага мос келмаса, ҳуқуқий кучга эга эмас. **Японларда батафсил расмий битим кам учрайди, битим учун берилган сўз – лафзнинг ўзи кифоя қилади.**

Исида этикасига кўра, ишчилар ва тадбиркорлар сиёсатдан узоқда юриб, давлатнинг сиёсий ишларига аралашмайди. Корхоналарда консенсус ва (уйғунлик) тушунчаси етакчи аҳамият касб этади. В.Ерёмин “Япония тарихи” китобида ёзганидек, “ўз самарадорлигини исботлаган бу концепция япон менежментининг барча жабҳалари учун асос бўлиб хизмат қилади¹”. Машҳур “Мацусита дэнки” компанияси асосчиси К. Мацусита ушбу моделнинг чуқур билимдони эди. Савдо агентлари, агрессив реклама, компания вазифалари, умр бўйи ишга ёлланиб ишлаш тизимларини жорий этиш (бошқарув тизими тамойили – *Б.О.*) каби бизнес ғояларнинг муаллифи Мацуситани японлар “менежмент худоси”, деб билишарди.

Мамлакатнинг бошқарув тизими ва иқтисоди 1950–60-йилларда янада такомиллашиб борди. Жумладан, давлат, бизнес тузилма ва касаба уюшмалари муносабати юқори поғонага кўтарилди. “Джапан Инкорпорейтид” каби миллий корпорациялар сони кўпайди; кучли тақлидчи бўлган японлар Ғарбдаги ихтироларни ўз саноатида қўллай бошлади; давлат протекционизми кучайди. Айниқса, **АҚШ андозаси асосида ишловчи “аниқ ва ўз**

¹Қаранг.: Ерёмин В.Н. История Японии. Учебное пособие. Т.2. 1868-1998. – М.: ИВ РАН, 1998. –С. 301-344.

вақтида” (“точно вовремя”) номли тезкор усул йирик заводларга шон-шуҳрат келтирди. Ҳозирда ушбу иқтисодий усул Асакадаги автомобиль заводида (Ўзбекистон) ҳам қўлланмоқда. Унинг афзаллиги шундаки, маҳсулотни конвейердан чиққунгача бўлган жараёнларини бош муҳандис, цех бошлиғи ё уста эмас, балки ишчининг ўзи беҳато бажаради.

Ўрганилган манбалар ва илмий таҳлилларга таянган ҳолда, Япония модернизациясига оид қуйидаги хулосага келинди:

1) таълим ва тарбия, фан ва ишлаб чиқаришнинг уйғунлиги амалда таъминланган;

2) япон халқи тез ўзгарувчан табиий тўфонлар, оғир ҳаёт шароитига мослаша олади;

3) халқ иқтисодий фаровонликка ҳамиша интилади;

4) жамиятда диний бирдамлик ва жамоавий руҳ тўла сақланган;

5) корхоналарда самарадорлик ва маҳсулотнинг сифатига эътибор устунлик қилади;

6) меҳнатни бошқариш тизими юқори даражага кўтарилган.

Юқоридаги сабабларга кўра, Япония 2000 йилларга келиб, иқтисодда Европа мамлакатларини ортида қолдириб, айрим тармоқларда АҚШ билан рақобатлашадиган супердаватга айланди. Мамлакатнинг чет эллардаги капитал қуйилмаси 1 трлн. доллардан ошади. Жаҳоннинг 100 та энг йирик банкидан 29 таси японларники ва фақат 9 таси американики ҳисобланади.

Бугунги кунда “Осиё йўлбарслари” ўзининг кимлиги ва нималарга қодирлигини исботлади. Аввало, халқнинг ўзи, менталитети ва кадриятларга содиқлигини тўла намоён қила бошлаши модернизациянинг самарали кечишига олиб келди. Бизнингча, эндиликда Осиё мамлакатларига модернизация масаласида кўмак бериш керак эмас, балки Ғарбий Европа модернизацияси билан боғлиқ зиддиятларни ечиш асосий муаммога айланди. Бу – иродали Шарқ жамиятининг улкан ютуғидир. Сингапурлик олим К. Маҳбубоний фикрига биноан, “XXI асрда биз Атлантика импульси билан Тинч океан импульси ўртасида ўзаро курашнинг гувоҳи бўламиз. Сўнгги асрларда Атлантика импульси жаҳон тарихи йўналишини белгилаб келарди. Аҳвол

ўзгарди: энди евромарказ таҳлилчилари тарихий жараёни англаб, концепциясини қайта кўриб чиқиши лозим”¹.

Милоддан аввалги учинчи минг йилликда **Хитойда** кишилар ўртасидаги муносабатлар “ли” нормалари асосида бошқарилган. **“Ли” – хулқ-атвор нормаларининг тизими** бўлиб, ахлоқий муносабатлар одамларнинг жинси, қариндошлик даражаси, авлоди, ёши, ижтимоий мақомига қараб белгиланади. Анъанавий жамиятда табақавий бўлинишдан ташқари, қариндош-уруғчилик муносабатлари тенгсизлиги ҳукм сураб, сўнгги хитой сулоласи кодексида қариндош-уруғчиликнинг қирқ битта тури кўрсатиб ўтилган эди². Қариндош-уруғчилик тизими қадимги хитой давлатчилиги шаклланишидан олдин юзага келган. Аммо бошқа халқлардан фарқли ўлароқ, хитойликлар феодализм иллатларидан бутунлай қутулди. Бу – жамият модернизациясида кам кузатиладиган тарихий ҳолат эди. Миллий тараққиётга тўсик бўлгучи эски тузум иллатларидан қутулишни истаган давлат, жумладан, Ўзбекистон ҳам Хитойдан, албатта, ўқиб-ўрганиши лозим. Бунинг яхши йўли эса энг мукамал этик қоидаларни ишлаб чиқишдан иборат. Токи жамиятда ҳукм сураётган “феодал” иллатлар бартараф этилмас экан, анъанавий ва замонавий жамият ўртасидаги зиддият кучайиб боради. Мисол учун Нақшбандий таълимоти жамиятда катта қизиқиш уйғотган эди...

Буюк файласуф Конфуцийнинг хизмати шундаки, у **ли** қоидаларини давлат бошқаруви соҳасига олиб кирди, шу тариқа ижтимоий мақомнинг табақаланиши асослари яратилди³. III–VIII асрларда ҳуқуқ тизими конфуцияланиши туфайли ли ахлоқий қоидалари ҳуқуқий нормаларга кўчиб, уларни бузувчилар жиноий жавобгарликка тортилди. Қонун нормалари ва диний тасаввурлар уйғунлашган ахлоқий-сиёсий мафкура эса халқнинг менталитетига сингдириб борилди. Сингапурдаги ислохотлар асосчиси Ли Куан Ю бу жиҳатларни таҳлил қилиб: “хитойликлар олдин қайта қуришни амалга оширди, сўнг ошкоралик келди,—дейди.—Улар буни ажойиб тарзда, кетма-кетликда амалга оширдилар. Руслар ана шу масалада хатога йўл қўйишди”⁴. Кўпчиликка маълумки, 80-йилларда собиқ

¹Қаранг.: Гаджиев К. Введение в геополитику. – М.: 2003. – С. 308-309.

²Қаранг.: Крадин Н. Империя Хунну. – М.: Логос, 2002. – С. 203-212.

³Қаранг.: Переломов Л.С. Конфуций: "Лунь юй". – М.: Восточная литература РАН, 1998. –С. 74-75.

⁴Ли Куан Ю. Интервью газете “Spiegel” // “Spiegel”, №32. 08.08.2005.

иттифоқ раҳбари М.С.Горбачев ташаббуси билан бошланган “қайта куриш” компанияси мамлакатда эгасизлик ва бошбошдоқликни бошлаб берди. Чунки бу демократик ислохотларга халқ ҳам иқтисодий, ҳам психологик жиҳатдан тайёр эмас эди.

Хитой модернизацияси тарихини ўргансак, кўплаб эволюцион сиёсий ўзгаришларнинг гувоҳи бўламиз. Дастлаб инқилобчи-демократ **Сунь Ятсен** (1866–1925) XIX аср бошида авторитар сиёсий тизимни демократик тизимга ўзгартиришни хоҳлади, лекин бунга оралиқ босқичларда ўтмоқчи бўлганида, ислохотлар тўхтаб қолди.

Хитой Халқ Республикасининг асосчиси **Мао Цзэдун** (1893–1976) ташаббуси билан 1960–70-йилларда амалга оширилган “Катта сакраш” ва “Маданий инқилоб” кампаниялари юрт бошига кулфатлар ёғдирди. “Йўқсиллар отаси”нинг 33 йиллик раҳбарлик фаолиятидаги (1943–76) муҳим хизмати шу бўлдики, оғир даврда Ғарб империяларининг ҳамласига чап бериб, мамлакат яхлитлигини сақлаб қолди.

“Буюк доҳий” вафотидан кейин мамлакат тепасига ишнинг кўзини биладиган арбоб **Дэн Сяопин** (1904–1997) келгач, ҳақиқий ислохотлар бошланиб кетди. Қизил шиорлар, баландпарвоз чақириқлар билан халқни тўйдириб бўлмаслигини англаган етакчи иқтисодиётни бирмунча эркинлаштириб, жамиятга капиталистик бозор муносабатлари элементларини дадил олиб кирди. Хусусий мулк давлат ва жамоат мулкидек дахлсиз деб эълон қилинди, хориж сармоядорларига бир талай имтиёзлар берилди. Дэн Сяопин бошлаб берган “очиқ эшиклар” сиёсатини унинг ворислари муносиб давом эттиришди.

Дэн Сяопин раҳбарлиги даврида олиб борилган туб ислохотлар ижобий натижаларга олиб келди. Раҳбариятнинг бош мақсади “социализмни ағдариш эмас, балки уни такомиллаштириш ва янгилаш бўлди”¹. У тоталитар тизимни мукаммал демократик тизимга алмаштиришни хоҳламади. Аммо жамият модернизациясини моҳирлик билан амалга ошира олди. Сяопин Коммунистик партия Бош қотиби, ХХР Давлат кенгаши раиси ўринбосари (1956–1966), КП Ҳарбий кенгаши раиси лавозимларида узоқ йиллар ишлаб, катта обрў-эътибор қозонган

¹Ли Фэнминь. О специфике реформ в КНР // Новая и новейшая история, 1996, №6. – С. 4.

арбоб эди. Дастлаб 1956 йил сентябрда, Хитой КП VIII съездида сўзлаган тарихий нутқида у “жамиятни демократлаштириш, партия органлари ва ҳокимиятнинг маъмурий органлари ваколатларини тақсимлаш, “бошқарувчилар – бошқарилувчилар” тизимини бузиш, “доҳийлик” касалидан кутулиш ташаббуслари билан чиқди. Бироқ унинг фикрлари инобатга олинмади ва 50-йилларда кутилган ислоҳот 20 йилга кечикди – Дэн Сяопин ва хитой халқи тақдирида у “аччиқ “ йигирма йилга айланди”¹. 1966–1969 йиллардаги “маданий инқилоб” пайтида Дэн ва унинг маслакдошлари катагон курбонига айланишди. Дэн 1973 йилда оқланди, 1976 йилда эса барча ҳокимиятни яна қўлига қайтаришга эришди.

Дэн Сяопин давлат ва жамият чинакам фаровонликка эришишини истарди. У ислоҳотни қишлоқ хўжалигидан, маоча “халқ коммуна”лари тизимини бекор қилишдан бошлади. Капитализм йўлини танлади ва иқтисодиётга бозор ислоҳотини қўллади – шунда хорижий инвестициялар оқими кириб кела бошлади. 1978 йил 13 декабрда эса “пролетар демократик принциплар”ни жорий этишга астойил киришганини эълон қилди.

Давлат раҳбарининг “Тяньаньмэн қушхонаси” номини олган машҳур фикрлари ушбулар эди: “Халқимизга ўз фикрини айтишга рухсат беришимиз керак. Агар мавжуд тартиботдан норози одамлар демократиядан фойдаланиб, тартибсизликни келтириб чиқармоқчи бўлса, бу унчалик кўрқинчли эмас. Биз уларга қарши зарур чораларни қўллаб, омманинг аксар қисмини эгри билан тўғрининг фарқига боришга ишонтирамиз”².

Сяопин яна бир ғояни илгари сурди: демократияда марказлаштириш, қонун устуворлиги, қаттиқ тартиб-интизом, партия раҳбарлиги тамойилидан четга чиқмаслик каби тамойилга амал қилишга ҳаммани чақирди. Кимки бу масалада хатога йўл қўйса, демократиянинг бекорчи сафсаталарига, ультрадемократизм тарқалишига, жамиятда анархияга, сиёсий барқарорлик бузилишига, мустаҳкам бирликнинг барбод бўлишига зарар етказган бўлади, деди.

Хитой раҳбари 1978 йилги Конституциядан “ўз фикрини кенг доирада айтиш, мунозараларда дунёқарашини тўлиқ ифодалаш”,

¹Век XX: Политика. Люди. Судьбы. – Т.: Шарк, 2007. – С. 112.

²Дэн Сяопин. Строительство социализма с китайской спецификой. –М.: 1997. – С.36.

деган сўзларни чиқариб ташлади ва бунга қуйидагича изох берди: “Социалистик демократияни ривожлантириш учун булар зарур бўлса-да, барқарорликни сақлаш ва демократияни ривожлантиришга ёрдам бермайди, балки кўп йиллик тажриба ва иш услубимизга ишончсизликни уйғотади”¹. 1980 йил августдаги “Давлат ва партия тизимида бошқарувни қайта қуриш” номли нутқида эса сиёсий ислохотларнинг асосий тамойилларини аниқлаштирди.

Сяопин раҳбарлиги даврини ўрганган олим С. Сафоев мамлакатда ўша пайтда модернизациянинг “уч босқичли” стратегияси ишлаб чиқилганини таъкидлайди: **“Биринчи босқичда** ЯИМни 1980 йилга нисбатан икки баравар кўпайтириш, аҳолини озиқ-овқат ва энг зарур маҳсулотлар билан таъминлаш масаласини ҳал қилиш режалаштирилди. **Иккинчи босқичда** 2000 йилгача ЯИМни яна икки баравар ошириш ва турмуш даражасини “кичик фаровонликлар”² даражасига етказиш мўлжалланди. Ниҳоят, **учинчи босқичда** XXI аср ўрталаригача модернизацияни якунлаш, “кичик фаровонлик” жамиятидан (2020 йил) модернизация қилинган жамиятга ўтиш кўзда тутилди”³.

Хитойнинг сиёсат бобида бошқа давлатлардан фарқи шундаки, мамлакатда таълим-тарбия мафкурага тўлиқ бўйсундирилган. Мафкурага оид дарслар мактабларда тўлиқ ўтилади. **Ҳар бир хитойлик учун “бешта нарсани севаман”:** “мамлакатни севаман”, “халқни севаман”, “меҳнатни севаман”, “илмни севаман”, “социализмни севаман” шиорлари мунтазам равишда ишлайди”⁴.

Ислохотлар аҳолининг 80 фоизи яшайдиган қишлоқда оила пудрати тизимини оммавий жорий этишдан бошланди. Янги тизимга биноан, деҳқон хўжаликларига жамоа ери 15 йилга ижарага берилди, кейинроқ бу 30 йилга узайди. Маҳсулоти бир қисмини бозор нархида сотиш ҳуқуқини қўлга киритган деҳқонларнинг даромадлари кескин кўпайди. Хитой ғаллани четдан

¹Ўша жойда. – С. 112.

²Кичик фаровонликлар – соф хитойча тушунча бўлиб, бой бўлмаса ҳам ҳар қалай, ўзига тўқ яшаш имконини берадиган тўқчилик даражасини англатади.

³Сафоев С. Марказий Осиёдаги геосиёсат. – Т.: ЖИДУ, 2005. – Б. 113.

⁴Қаранг.: Marianne Bastid. Education, Youth and Social perspectives in the early 1980s / China in the 1980 – and beyond. Studies in Asian topics. №. 9. – Copenhagen, 1986. – С. 15-17.

сотиб олувчидан экспорт қилувчи давлатга айланди. Танланган йўлнинг тўғрилигига ишонган раҳбарият тажрибани шаҳар иқтисодий тизимида қўлаб кўрди. 1984 йили саноатда бозор иқтисоди тамойилларини жорий этишга киришилди. Шу кунга қадар ҳам марказий ҳукумат, ҳам маҳаллий маъмуриятга қараган давлат корхоналарига ишлаб чиқаришни кенгайтириш, бозор конъюктурасига мослашиш учун эркинлик берилди. Маҳаллий ҳокимиятнинг назорати камайди, давлат сектори улуши пасайди ва унинг ўрнини хусусий сектор эгаллади.

Сяопиннинг сиёсий ва иқтисодий тизимни модернизациялаш сиёсати жамият ҳаётида ижобий силжишларга олиб келди. Шунинг айтиш керакки, ривожланган давлатлар Хитойга демократик чақириқлар билан босим ўтказа бошлаган эди. Бироқ даъват этувчи бундай “талаб”лар жамиятда норозиликни кучайтириб юборди ва 1986 йилда “буржуа либерализми”ни танқид қилиш бўйича компания авж олди. Сентябрь ойида ХКП МК нинг 12-чақириқ олтинчи пленумида Сяопин: “Чет эллик буржуазия олимлари биздан эркинлаштиришни кутиш бараварида инсон ҳуқуқлари бузилаётган эмиш, деб жар солишмоқда. Улар миллий қадриятларимизга Ғарб ғояларини қарши қўйиб, жамиятимизни тубдан ўзгартирмоқчи бўладилар. Бизлар эса буларга қараб турмаймиз: объектив вазиятдан келиб чиқиб, муаммоларни ўзимиз ечишда давом этамиз”¹. Дарҳақиқат, Хитой ўз менталитети ва қадимий анъаналарига мос бўлган ислохотлар йўлини танлади. Таҳлилчиларнинг маълум қилишича, “либерализм масаласида Сяопин эҳтиёткорлик позициясини тутган, демократик ислохотларни эса унинг сафдош дўстлари Ху Яобан ва Чжао Цзянлар амалга оширган экан”².

Халқаро валюта жамғармаси маълумотига кўра, 2011-14 йиллари Хитойда иқтисодий ўсиш 24 фоизни ташкил этди. Жаҳон банки 2014 йилда муҳим макроиқтисодий кўрсаткич – ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) бўйича бу мамлакат АҚШни ортида қолдириб, пешқадамга айланганини айтди: Хитой – 17,6 триллион, АҚШ – 17,4 триллион доллар. Хитой жамиятида фикрий уйғониш, интеллектуал юксалиш ҳам изчил давом этмоқда. Мамлакат

¹Дэн Сяопин. Строительство социализма с китайской спецификой. –М.: 1997. – С.285.

² Қаранг.: Век XX: Политика. Люди. Судьбы. – Т.: Шарк, 2007. – С. 113.

ихтироларга берилган патентлар сони бўйича жаҳонда биринчи ўринга чиқди. Айни пайтда, ғарб мамлакатларида уч юз мингдан зиёд хитойлик талаба таҳсил олмоқда. Бундай тажрибани Ўзбекистонда ҳам қўллаш зарурга ўхшайди.

Дэн Сяопиннинг сиёсий модернизациялаш модели мазмун-моҳияти ҳақида хорижда ва Ўзбекистонда кўплаб тадқиқотлар эълон қилинди¹. Жумладан, араб публицисти Абдулла бин Абд ал-Мухсин ал-Фараж “Al Riyadh” газетасининг 2009 йил 24 ноябрдаги сонидagi мақоласида “Осиё йўлбарслари” давлатлари ютуқларига холис баҳо берди. “Бу гуруҳ анъанавий жамиятдан замонавий жамиятга тезликда ўтиш; келажакка мустаҳкам замин тайёрлаш; арзон ишчи кучидан фойдаланиш, трансмиллий корпорациялар мақсад-интилишини максимум фойда олишга сарфлаш каби омиллар воситасида юксак иқтисодий ўсишга эришди, –деб ёзади журналист. – Аммо Хитой, Малайзия, Корея, Сингапур каби “Осиё йўлбарслари” иқтисоднинг мустаҳкам асосини яратиш, келгуси авлодларнинг бу шарт-шароитдан баҳраманд бўлиши учун 40 йил мобайнида кеча-ю кундуз ухламай ишлашди²”. Инқилобий ислохотдан мақсад: давлатни ҳам, халқни ҳам бой қилиш бўлди.

Хитой модернизациясининг яна бир хусусияти шундаки, сиёсий жараёнларни хусусий сектор эмас, балки давлатнинг ўзи бошқариб боради. Шу ўринда, америкаликларнинг модели хусусида. 1991 йилда СССР парчалангандан кейин АҚШ “Вашингтон консенсуси” деган моделни олға суради. Ушбу моделнинг асосий талаби:

- а) иқтисодиётни ҳаддан зиёд либераллаштириш;
- б) саноатни хусусийлаштириш;

¹Қаранг.: Ким В.С. Политическая идеология Китая XX века: генезис, эволюция и современность. Автореф. дис. док. полит. наук.–Т.:1995.,Титаренко М.Л. Жизнестойкость и стабильность китайской цивилизации –условие развития Китая. Востоковедение и мировая культура. –М.: 1998., Кондратьева Ю. Л. Позиция Дэн Сяопина в отношении политической модернизации китайского общества в 80-е годы.<http://humanities.edu.ru/db> 14.01.2007., Тўхтабоев Б. Янги индустриалашган давлатлар тараққиётининг сиёсий омиллари ва муаммолари. Сиё. фан. ном. дис. автореф. –Т.: ЖИДУ, 1999.,Виноградов А. Китайская модель модернизации: социально-политические и социокультурные аспекты. Автореф. дис. док. полит. наук. – М.: 2006.

²Қаранг.: “Китайская модель” может повергнуть “Вашингтонский консенсус” в прах. <http://www.inosmi.ru>

в) бозор эркинлигига давлат аралашувини чеклаш эди.

“Вашингтон консенсуси” модели жаҳонда молиявий инқироз кучайган 2008 йилгача дунёнинг кўплаб мамлакатларида қўлланди. Халқаро экспертлар бундай моделга фақат Хитой модели рақобатбардош бўлишини таъкидлашди. Бунинг сабаби шундаки, “Шарқий Европада молия, пул тизими, ташқи савдодаги ислохот макродаражада, Хитойда нархлар сиёсати, корхоналарни ислоҳ этиш, нодавлат секторини ривожлантириш микродаражада амалга оширилади”¹. Бундай модель кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб берилаётган Ўзбекистонга ҳам жуда қўл келмоқда.

Рус олими Д. Травин “Европа модернизацияси” китобида Жануби-шарқий Осиёдаги монархия ёки авторитар тизимларнинг “амалда юксак иқтисодий ўсиш”га эришгани далили олдида”² Ғарб иқтисодчилари хайратда қолишаётгани ҳақида ёзади. Ваҳоланки, назариётчилар Осиёнинг авторитар тизими яратган бозор иқтисоди механизми ёрдамида юқори иқтисодий-ижтимоий кўрсаткичларга эришиш мумкинлигини ҳаёлига келтиришмаган эди. Хулоса шуки, ғарбликлар томонидан олдин танқидга учраган Жануби-шарқий Осиё ва Яқин Шарқ давлатлари (Хитой, Япония, Малайзия, Жанубий Корея, Сингапур, Тайвань, Таиланд, Индонезия, Бирлашган Амир Амирликлари, Кувайт) модернизацияси дунё олдида энг кучли шарқона тарафларини намоён эта бошлади.

Таҳлилларга кўра, Хитой модернизациясига доир ушбу хулосага келинди **(8-жадвал)**:

Хитой модернизацияси муваффақияти асосий жиҳатлари	Модернизациялаш учун барқарорлик яратилган;
	Сиёсий ислохотларни ўтказишда миллий қадриятлар, урф-одатлар ва хусусиятлар ҳисобга олинган;
	Хитой халқи феноменал даражада меҳнаткаш;
	Ишчи кучи ниҳоятда арзон;
	Хитойликларнинг социализм йўлидан “оғиши” Ғарбда яхши кутиб олинган ва ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланган;
	Хорижда ишлаётган 70 миллион муҳожирлар (Гонконг ва Тайвандан ташқари) йилига тахминан 700 миллиард доллар маблағни юртига юборади.

¹Сафоев С. Марказий Осиёдаги геосиёсат. – Т.: ЖИДУ, 2005. – Б. 113.

²Травин Д. Европейская модернизация: в 2 кн. Кн. 1. – М.: СПб., 2004. – С. 72.

Осиёда жойлашган бир қатор давлатларнинг сиёсий модернизация тарихида **Ҳиндистон** алоҳида ажралиб туради. “Ҳиндистонда ишлаб чиқариш ижтимоий гуруҳлари жамиятдаги мавқеига қараб касталарга табақаланган,—деб ёзади рус олими Г. Купряшихин.—Жумладан, “олий бўғин”—жамиятда ҳукмронликни эгаллаган гуруҳлар; “брахманлар”— олий бўғинни қўллаб-қувватловчи диний хизматчилар; “хизматкор бўғин”—“олий бўғин”га хизмат этувчилар; “шудралар” — ўз иерархиясига эга аҳолининг муҳим қисми. Бундай табақалашув шароитида мавжуд инқирозларни енгиб ўтиш учун марказ билан регионлар ўртасида консенсусга эришилди”¹.

Йирик ислохотчи Мохандас Ганди томонидан амалга оширилган сиёсий инқилобдан кейин мамлакат ҳаётида янги давр бошланди. 1950-йиллар бошида социалистик тузумлар таъсири остида Ғарбни “қувиб боровчи” модели танланди. Аммо 80-йилларда давлатнинг режалаш сиёсати ва хусусий мулкчилик ҳуқуқининг рад қилиниши миллий тараққиётнинг йўлини тўсаетгани ошкор айтилди. Шунда Ҳиндистон капиталистик бозор усулига дадил ўтди. СССР раҳбарияти эса ғарб йўлини рад этиб, хато, чорасиз йўлдан юришни ўзига афзал билди...

90-йиллар ўрталарида Ҳиндистон **“ғарб технологияси ва ҳинд жамияти”** номли моделни танлагандан кейин модернизациялаш жараёни анча тезлашди. Чунки XVII-XIX асрларда Англия мустамлакаси йилларида давлат ва жамият қурилиши тизимида ғарб кадриятлари ҳам яхши сингдирилган эди. Ҳиндларда демократик кадриятларни қабул қилиш ва ғарб технологияларини ўзлаштириш учун сиёсий ирода ва миллий онг етилган эди. Шу сабабли, бу улкан мамлакатда ислохотлар ислом жамиятларига қараганда, анча илдам кечди. 2005 йилларда Ҳиндистон дунёдаги иқтисодий оёққа турган йирик давлатлардан бирига айланди.

Эрон Ислом Республикасида диний мафкура кучли йўлга қўйилган. Миллий кадриятлардан воз кечилмагани, демократия қарши олинмаганлиги учун халқаро майдонда танқидга учради. 1979 йилда “Оқ инқилоб” содир бўлганида ғарбликлар “исломга таҳдид юзага келади, анъанавий кадриятлар йўқолади”, деб тахмин қилишганди. Бироқ бу масалага нотўғри ёндашув эди, аслида.

¹Купряшихин Г.Л. Политическая модернизация. —М.: 1991. —С. 278–280.

Эронда ғарбона модернизация модели бутунлай яроқсиз деб топилиб, абсолют ислом ҳокимиятини ўрнатиш зарурлиги тарғиб этилди¹. Бу сиёсий ҳолат исломни “сиёсийлаштириш” феноменига айланиб, демократик институтларнинг ёпилишига олиб келди.

Аммо модернизациянинг илк назарияларида маданий омилга баҳо берилмаган эди. Асли, айнан маданий омил тараққиётнинг мустақил ҳаракатлантирувчи кучларидан бири ҳисобланади. Модернизация – вестернизациянинг ҳалокатига 1963-1979 йилларда Эрондаги “оқ инқилоб” – шоҳ Муҳаммад Ризо Паҳлавийнинг ислохотларни амалга оширишга уриниши мисол бўла олади. Диний анъаналар дунёвий инновациялардан кучли чиқиши оқибатида 1979 йилда ислом инқилоби рўй бериб, Ҳумайний раҳбарлигидаги теократик тузум ўрнатилди. Эрондаги сиёсий воқеалар: ғарб тажрибасини кўр-кўрона ўзлаштиришга асосланган тезкор модернизация **диний омил**нинг кучини оммага кўрсатиб қўйди...

Сўнгги таҳлиллар Эронда ўзига хос “модернизация” ўтказилгандан кейин мамлакат ғарбий демократия тилида “сўзлашиб келаётгани”дан далолат бермоқда. Давлат бошқарувида қонуннинг устуворлик тамойили кучайди. Конституцияга “Миллий бирликни таъминлаш қонунларга қатъий риоя қилинишини ҳисобга олган ҳолда, диний демократия ислом тузуми принципиал чегараларида белгилаб берилган қонунни бузишга йўл қўймайди. Диний демократияда ҳеч ким ва ҳеч нарса қонундан юқори турмайди”; 107-моддада “мамлакат йўлбошчиси бошқа фуқаролар катори қонун олдида тенгдир”², деб ёзиб қўйилди. 1979 йилдаги инқилобнинг аксилғарбий характериға қарамай, адлия-ҳуқуқ тизимида Ғарб мамлакатларидан андоза олинмоқда. Судьялар оилавий-маиший масалаларда фикҳ, шариат қоидалари билан фуқаролик кодексини қиёслаб, ўрта йўлни топишга интилмоқда. Луғатларда “инқилоб”, “парламент”, “республика”, “сайлов”, “конституция”, “ҳокимиятлар тақсимооти” каби тушунчалар пайдо бўлди.

Афғонистонда 1978 йил апрелидаги Савр инқилоби мамлакат ҳаётида сиёсий ислохотларни ўтказишни кўзлаган эди. Аммо бир

¹Қаранг.: Федорова А.С. Идеология и практика современного исламского государства // Двадцать пять лет исламской революции в Иране. – М.: 2005. – С. 61.

²Мехди И. Либерал-демократическая проблематика и опыт религиозной демократии // Двадцать пять лет исламской революции в Иране. – С. 17.

йилдан сўнг советлар интервенцияси бунга бутунлай барҳам берди. Афғонистон халқ демократик партияси (АХДП) бошлаган кенг ислохотлар жамоатчилик олдида “совет модернизацияси” номини олганидан кейин қаршилик ҳаракати кучайди. Собик иттифок ижтимоий соҳада қўллаган модернизациялаш анъанавий жамият тузилмаларини бузишга қаратилди. Урушдан олдин анъанавий жамият ва замонавий жамият ўртасида кураш борар, яъни, хон ва маликлар (қабила бошлиқлари, кучли ер эгалари) ғарбийлаштирилган Кобул, Мозори Шариф элиталари томонидан таҳдидлар ва хавф-хатарни сезарди. Тўғридан тўғри хориж инвестицияларининг кириб келиши саноат тузилмаларини ривожлантиришга имкон берарди...

Миллий кучлар совет аскарларига қарши уруш эълон қилганидан кейин минглаб мактаблар ва маъмурий бинолар бузиб ташланди, юзлаб афғон ўқитувчилари ўлдирилди. Қирқ йиллик уруш 1978 йилгача мавжуд бўлган афғон жамияти ички кучлари балансини бузди ва ягона афғон давлатини қайта тиклаш масаласини орқага суриб ташлади.

Инқилобга қадар афғон жамиятида пуштунлар етакчи мавқени эгаллаган, ҳокимият учун курашни асосан ўнг пуштун элитаси олиб борарди, бошқа майда уюшмалар унга қўшилмасди. Янги Афғонистоннинг етакчилари: охирги амир Зоҳиршоҳ, 1978 йил апрель инқилобида ағдарилган президент Довуд, 1979 йилги фитнада ўлдирилган Халқ демократик партияси лидери Таракий, ўша йили совет махсус десантчиларининг президент саройига уюштирган қаттиқ ҳужумида ўлдирилган Амин, 1986 йилда ҳокимиятдан туширилган Кармал, ниҳоят, 1996 йил кузида Кобул толиблар томонидан олинганда осиб ўлдирилган советларнинг сўнгги “қўғирчоқ” раҳбари Нажибулло ва афғон мужоҳидларининг кўплаб лидерлари анъанавий пуштун элитасининг вакиллари бўлган эдилар¹. Нажибулло тузумининг кулаши билан Афғонистонда фуқаролар урушининг биринчи босқичи тугади.

Афғон элита қисмининг “советларча жадал модернизация”си натижасида мамлакат қолоқликдан чиқиб кетолмади, балки кичик мақсадлар учун курашувчи майда қарам ўлкаларга бўлиниб кетди.

¹Қаранг.: Ввод советских войск в Афганистан. Нарушение геополитического равновесия. <http://www.continent.kz/library> 15.04.2007.

Кобулдаги коммунистик режим устидан мужоҳидларнинг ғалабаси афғон жамиятининг сиёсий жараёнга қодир эмаслигидан далолат берарди. Шу билан бирга, 2003 йилда терроризмга қарши курашиш баҳонасида юртда мустаҳкам ўрнашган АҚШ ва НАТО ҳарбийлари сиёсий-иқтисодий аҳволни издан чиқариб, халқнинг бойликларини ташидилар.

Афғонистонда узоқ йиллик сиёсий курашлар таҳлили ушбу манзарани юзага келтирди **(9-жадвал)**.

Афғонистондаги уруш оқибатида юзага келган сиёсий инқироз	Чет эл интервенцияси ва фуқаролар уруши ягона афғон давлатининг потенциалини емирди;
	Таълим, саноат, давлат бошқаруви тизими деярли издан чиқди;
	Анъанавий афғон жамияти элитаси обрўсига жиддий путур етказилди;
	Мамлакат қолоқлик чегарасини ҳатлаб ўтолмади ва тарихий имкониятни қўлдан бой берди.

Бунинг натижасида Ҳинд океанига чиқадиган геосиёсий ва геостратегик нуқтадаги Афғонистон АҚШ, Россия, Хитой каби йирик давлатларнинг манфаатлари кесишадиган бир маконга айланди.

Туркия танлаган модель бошқалар билан қиёслаганда, ноёб сиёсий ҳодиса бўлди, дейиш мумкин. XVIII асрга келиб, Усмонли империяси тарихий куч-қудрати пасайган, салтанатни сақлаб қолиш мақсадида бошқарувнинг ҳарбий-маъмурий тизимини янгилашга эҳтиёж сезарди. Бунинг устига, жамиятни модернизациялаш **лойиха муаллифлари асосан ғарбликлар** бўлиб, “уларни 1710 йилда В. Понятовский (Карл XII нинг яқин кишиси), 1717 йилда франциялик Рошфор, 1725–1727 йилларда князь Ференц II Ракоци, Иброҳим Мутафаррика; 1732–1747 йилларда австралиялик Александр Бонневаль ишлаб чиқди. Шу билан бирга, империя сиёсий ҳаётида бир қатор ижобий ўзгаришлар, жумладан Салим III, Маҳмуд II, Абдул Ҳамид II даврида ҳарбий ислохотлар, ер эгаллиги, сипоҳий-яничар кўшини тарқатилиши, Миср, Грециянинг мустақилликни қўлга киритиши юз берди. 1907–1908 йилларда вазият пишиб етилди, шекилли, “Иттиҳод ва тараққий” жамияти йўлбошчилари миллий манфаатларни юқори даражада намоён қила бошлашди. Ташқи

сиёсатга амалдаги ҳарбий вазир Анвар Пошо бошчилик қилган йилларда (1909–1918) катта ўзгаришлар кўзга ташланди”¹.

Ҳақиқатан ҳам, XVIII асрда қудратли Усмонли империяси замон билан ҳисоблашмай қўйгани, ички ихтилофлар кучайганлиги туфайли тараққиётда орқада қолаётган эди. Салтанатда нотинчликлар кўпайиб, ҳудудлар бирин-кетин қўлдан кетарди. Европа билан яқинлашиш зарурлигини англаган ҳокимият қўшни давлатларда элчихоналарни очди ва ҳамкорлик алоқаларини кучайтирди. **1839 йилда Туркияда европалашиш дастури эълон қилинди.** Шу мақсадда аввало таълим соҳасига эътибор кучайтирилиб, дастлабки 150 талаба Европага ўқишга юборилди. Бу саъй-ҳаракатнинг натижаси қарийб саксон йилга чўзилди ва фақат **Мустафо Камол Отатурк (1881-1938)** раҳбарлиги даврида унга тўлиқ эришилди.

Туркияда 1922 йилда султонлик, 1923 йил мартда халифалик тизими барҳам топди. 1924 йилнинг 29 октябрида Туркия республика, деб эълон қилинди ва Мустафо Камол-пошо унинг биринчи президенти этиб сайланди (1927, 1931, 1935 йилда қайта сайланди). Шу билан бирга, Олий бош қўмондонликни умрининг охиригача сақлади. Отатурк Константинополдаги ҳарбий билим юртини битириб, Италия-Туркия (1911–1912) ва иккинчи Болқон (1913) урушларида иштирок этганди. 1916 йили Галиполи ярим оролини босиб олиш учун инглиз-француз иттифоқи десантчилари ташланди. 16-армия корпуси қўмондони Отатурк қарийб 300 кунлик қақшатқич жангларда зафар кучганида, Истамбулда халоскор киши сифатида қарши олинди. Буюк хизматлари учун унга генерал-майор унвони ва пошо номи берилди. 1920–1922 йиллардаги грек-турк урушида Антанта қўшинларини мамлакат ичкарисидан ҳайдаб чиқариб, адолатли Лозанна битимига (1923) эришганидан сўнг маршал ва фахрий ғозий (ғолиб) бўлди.

Отатурк сиёсий модернизациялаш жараёнини 1925 йилда амалга оширишга киришди. Асосан, ушбу ислохотларда аёллар эмансипацияси, тенг ҳуқуқлилиги тикланиб, паранжини ташлашди ва муниципалитет, парламентга сайланишга эришди; давлатнинг Фуқаролик, Маъмурий, Жиноят ва бошқа кодексларига умуминсоний қадриятлар тўлиқ киритилди; 1929 йил 1 январдан

¹Розалиев Ю. Мустафа Кемаль Ататюрк. Очерк жизни и деятельности. – М.: Восточная литература, 1995. – С.31-32.

араб алифбоси ўрнига янги турк-лотин алифбоси жорий этилди, 1933 йилда оилавий исм-шарифлар ғарб намунасига кўчди; иқтисодиётда миллийлаштириш сиёсати ўтказилди ва миллий капиталга асос солинди¹. Шундай қилиб, **Туркия ўз дини, тарихий мероси, урф-одатлари, тузилмаси жиҳатидан мусулмон, аммо Европа билан бирлашишни хоҳлаган, элита бошқарадиган жамиятга айланди.** Ғарбийлашиш қабул қилинмаса, жамият глобаллашган дунёдан орқада қолишини турк элитаси эрта тушунди. Камолизм ҳаракати асрлар давомида яшаб келган маданиятни йўқ қилиб, бошқа цивилизациядан олиб кирилган янги маданиятни киритишдек ғоят қийин, оғриқли вазифани ўз зиммасига олди. Уларнинг ютуғи шуки, анъанавий ҳаёт тарзидан замонавий модернизациялашга ўтилиши оқибатида Туркия иқтисодий-сиёсий жиҳатдан илдам ривожланди.

Аммо шунга қарамасдан, туркларнинг модернизацияси ҳақида турли-туман фикрлар билдирилмоқда. Ўзбек публицисти Фахриддин Низомнинг фикрича: “Айрим ҳолларни истисно қилганда, на модернизация, на ғарблаштириш сиёсати ҳеч қаерда кучоқ очиб кутиб олингани йўқ. С. Хантингтон Туркия ўзининг президенти Мустафо Камол Отатуркнинг ғарблаштириш сиёсатини олқишлаб кутиб олганини ёзади (“Цивилизациялар тўқнашуви” асари –Б.О.). Гарчи дунёвий йўлдан кетаётган бўлса-да, турк жамиятини модернизация қилишнинг биринчи президент номи билан аталган “камолизм” феномени бугун ҳам эъзозда дейиш қийин. 80-йилларнинг бошида қабул қилинган янги Конституцияга кўра, мамлакатда фуқаролик бошқаруви йўлга қўйилгандан сўнг орадан 20 йил ўтиб, ҳокимият тепасига мўътадил исломчилар келгани фикримиз далилидир”². Бу фикрларга қўшилмай илож йўқ. 2010 йилда ҳокимият тепасига келган Ражаб Тайип Эрдоған ислом партиясининг лидеридир.

Жаҳонда иқтисодий мўъжизалар яратган Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари (Индонезия, Малайзия, Сингапур, Таиланд, Жанубий Корея)нинг ноанъанавий модели ҳам тадқиқотимиз объекти ҳисобланади. “Осиё йўлбарслари» ривожланиш йўлини Япония тажрибасига яқин «юмшоқ авторитаризм» модели, деса

¹Қаранг.: Век XX: Политика.Люди.Судьбы. – Т.: Шарк, 2007. – С. 29-31.

² Низом Ф. Манфаат ва холислик // Тафаккур, 2009, 3-сон. – Б. 19.

бўлади. Унинг ажойиб хусусияти шундаки, бозор механизми рули “қаттиқ сиёсий қўллар” – давлатнинг қўлида ушлаб турилади.

Биз таҳлилларга суяниб, бу моделга қизиқишнинг сабабини куйидагиларда, деб биламиз:

- давлат иқтисодиёт соҳаларга раҳбарлик қилади;
- иқтисодиётнинг устувор тармоқларига юксак технологияларни қўллаш учун имтиёзли кредитлар, солиқ преференциялари бериб турилади;
- минтақадаги ҳукуматлар (Гонконг ва Сингапурдан ташқари) импортга тўсиқ қўйиб, протекционизмни қўллайди (**10-жадвалга қаранг**).

Осиё кадриятларининг муҳим хусусиятлари	Осиёликлар жамият ҳуқуқини инсон ҳуқуқларидан устун қўяди;
	Оиланинг мустақамлигига кўпроқ ишонади;
	Жамиятга ахлоқий қоидаларни жорий этилишига ҳукумат рухсат беради;
	Демократик “ғоя”ларга у қадар ишонмайди;
	Қаттиққўл ота-она бўлишади;
	Капитализм талабларига осон мослашади;
	Ҳукуматдан ижтимоий таъминот, фаровонликни кутмасдан, ўзлари ҳаракат қилади;
	Таълимни юксак кадрлайди;
	Тежамкорликни ёқтиради.

1981-2003 йилларда Малайзиянинг бош вазири лавозимида ишлаган **Махатхир Муҳаммад** колок аграр иқтисодиётли мамлакатни “Осиё йўлбарслари” даражасига етказган кучли арбоб эди. У ғарбий кадриятларга зид ўлароқ, “осиёча кадриятлар”нинг ташвиқотчиси, халқаро қўшилмаслик ҳаракатини раҳбари ҳисобланган. “Ҳукуматнинг асосий вазифаси аввал бошданок, қонунлар ижросини таъминлаш ва тартибни сақлашдан иборат бўлди. Кишиларнинг тўкин ва фаровонлиги асосан уларнинг ташаббускорлигига боғлиқдир,—дейди у. —Давлат бизнес билан дўстона муносабатлар ўрнатиш учун уларнинг даромадини ошириш йўлида янада олға босди. Давлат тарафидан яратилган мана шундай енгилликлар ва эътибор туфайли, маҳаллий ва хорижий инвесторлар ўзларини қайта ишлаш саноатини барпо этишга уринди”. М. Муҳаммаднинг фикрича, юрт раҳбари модернизациялашда етакчи ролни ўйнайди. Унинг мамлакат

тараққиётини белгилай олиш қобилияти ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Етакчи бу ишга жон-жаҳди билан берилган бўлиши, ўз тараққиёт йўлини ҳаётга татбиқ этиш ишига шахсан раҳбарлик қилиши, бошқарувда, сиёсатда, молия ва савдо соҳаларида юқори малакага эга бўлмоғи керак. Шунингдек, ўзи танлаган тараққиёт жараёни ҳақида ҳам етарлича билимларга эга бўлиши лозим. Раҳбар ишни шахсан ўзи бевосита кузатиб бориши, қийинчилик ва тўсиқларни бартараф этишга интилиши, лойиҳанинг тўғри амалга оширилаётганига шахсан ишонч ҳосил қилиши шарт. Собиқ бош вазир Хитой тажрибасини ҳам тилга олади. “Мао ажойиб ҳарбий кўмондон эди, бироқ мамлакатни бошқариш уруш олиб боришдан фарқ қилади. У олға сурган коммунистик мафкура ҳам тараққиётга йўналтирилган эмас эди. Натижа шу бўлдики, Хитой ривожланишда ортда қола бошлади. Маонинг вориси Дэн Сяопин бутунлай бошқа одам эди. У ҳам коммунист, аммо прагматик бўлиб, Хитойни ривожлантиришга интилар, **“ҳамонки мушук сичқонларни овлар экан, унинг қора ёки оқлиги муҳим эмас”** деб ҳисоблар эди. Натижа – бугунги биз кўриб турган Хитой бўлди. Йигирма йил муқаддам у учинчи дунё мамлакати эди. Бугунги кунда эса Хитой – жаҳоннинг иккинчи иқтисодиётидир¹.

Кейинги вақтларда “демографик дарча” ибораси илмий адабиётларда кенг қўлланиладиган бўлди. Демографик жараёнлар динамикасининг иқтисодий ўсиш суръатлари тезлашишига ва конкрет оилаларнинг турмуш фаровонлиги ошишига ижобий таъсир кўрсатиши муҳим омил саналади. Жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари, жумладан “Осиё йўлбарслари” (Малайзия, Сингапур) бундай имкониятдан самарали фойдаланди. Бу, айниқса, мазкур мамлакатларда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатлари тезлашганлиги, аҳоли турмуш даражаси ошганлиги ва камбағаллик даражасининг пасайганлигида яққол намоён бўлди.² Иқтисодчиларнинг ҳисоб-китобларига кўра, шу даврда “иқтисодий мўъжиза” яратган Жануби-шарқий Осиё мамлакатларида

¹Махатхир М. “Малайзия мўъжизаси” муаллифи ўз сирларини очди. www.info-press.uz 2013 йил 19 июнь.

² Народонаселение мира в 2014 году. ЮНФПА, 2004, с.16-18

“демографик дивидендлар” аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар ўсиш кўрсаткичининг учдан бирини таъминлаган¹.

“Осиё феномени”да диний эътиқод, миллий урф-одатлар ва анъаналар етакчилик қилади. Экспертларнинг таъкидлашича, “давлат – жамият – инсон” конструкциясида “осиёча концепция” Ғарб мамлакатлари тушунчаларига унчалик мос тушмайди. Масалан, осиеликлар “инсон ҳуқуқлари, бу – жамоавийлик” деб билади ва жамият манфаатлари ҳимоясини устун қўяди. Жамоавийлик жадал иқтисодий ривожланишга эришиш, жиноятчилик ва ишсизликни паст даражада ушлаб туриш имконини беради. Шу жиҳатдан олганда, ушбу ҳудудда қўлланаётган “конфуцийча капитализм ёки конфуцийча иқтисодиёт” усуллари яқин қўшни давлатларга тавсия этилса, айтим муддао бўларди, деган фикрдамиз.

Жануби-шарқий Осиё халқларининг муваффақияти тарихий-маданий, тарихий-этнологик тажрибасида яққол кўринади. Бу борада изланиш олиб борган ёш ўзбек олими Б. Тўхтабоевнинг Гонконг, Корея Республикаси, Сингапур, Тайвань давлатлари тараққиётига оид тадқиқот ишида² янги индустрлашган давлатлар (ЯИМ) ислохотлари илк босқичида иқтисодий-ижтимоий дастурларни амалга оширишда авторитар бошқарув, ўтиш жараёнини мувофиқлаштириш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда давлатнинг роли масаласи таҳлил этилади. Бизнингча, “осиёча модел”нинг ички моҳияти, мақсад ва вазибаларини жиддийроқ ўрганиш вақти етиб келди.

Бу масалада ўзбек олимлари ўрганадиган жиҳатлар жуда кўп. Мисол учун Малайзия ҳукумати қошидаги Миллий комитетга ёшларни “оммавий маданият”нинг ҳалокатли таъсиридан ҳимоя этишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш юклатилган. Сингапурда пора олишдан бош тортган чиновникларга мукофотлар тарқатилади. Япония давлат сектори ходимларининг виждонлилиги баҳолаб борилади. Биз ўзига хос бундай ислохотлар тағаминидаги ички ва ташқи омилларни тадқиқ этишимиз зарур. Булардан ташқари, “конфуцийча капитализм”, суҳарточа сиёсат,

¹Quelles relations entre economie et demographie? //Problems econ. – p.2003. N2811.-p. 29-30. М., «Экономика», №2, 2004, с.147-150. Реферирование – С.Н. Куликова.

²Қаранг.: Тўхтабоев Б. Янги индустрлашган давлатлар тараққиётининг сиёсий омиллари ва муаммолари.Сиё. фан. ном. дис. автореф.–Т.:1999. – 26 б.

Махатхира (руху нигара) ғояларининг мазмун-моҳияти ҳам деярли ўрганилмаган. Малайзия давлатига хос бўлган “интеллектуал мия хужуми”– инсон ички қувватини очиб берадиган тадқиқотлар навбат кутиб ётибди.

3.3. Постсовет республикаларида демократик қадриятлар шаклланишининг ўзига хос йўли

Постсовет республикаларидаги трансформация жараёнлари сиёсатшунос олимларда қизиқиш уйғотмоқда. Бунинг сабаби шуки, Евроосиё аталмиш улкан ер ости ва ер усти бойликларига эга маконда йирик давлатларнинг манфаатлари бирлашади.

Улкан ҳудудда кечаётган ислохотлар жараёнига объектив баҳо бериш учун аввало **Россия Федерацияси**даги сиёсий ва иқтисодий аҳволни илмий таҳлил этишга тўғри келади. Тарихдан биламизки, Россиянинг сиёсий ривожланиш йўли мураккаблиги билан ажралиб туради. 988 йилда христианликнинг қабул қилиниши қадимги Русни христиан дунёси билан бирлаштириб, христиан цивилизацияси таркибига киргизди. Шундан кейин “рус Ғарб цивилизациясининг диний, ахлоқий қадриятлари, табиий-илмий билимлари билан танишиш ва уни ўрганиш имкониятига эга бўлди”¹. Ҳудудга христианлик юнон цивилизацияси меросхўри Византиядан кириб келди, Ғарбий Европа эса билимларни Римдан олди. Христианликнинг вариантларида фарқлар бор: иккаласи ҳам антик цивилизация (юнон ва рим) макони бўлса-да, Римда қонун устуворлиги тан олинади.

Христианлик рим-католик ва православга бўлинганидан кейин Византиянинг диний меросхўрига айланган Россия Ғарбий Европадан орқада қола бошлади. Нодавлат ташкилот мақомида Рим папасининг кўмагида сиёсий кучга эга католик черкови совет ҳокимиятига муҳолиф вазифасини ўтади. Аммо православ черкови ижтимоий институт сифатида сиёсий анъаналарини бойитишга, антик давр маданиятини оммалаштиришга кўмаклашди. Биринчи навбатда, одамларни маънавий тарбиялаш билан шуғулланиб, миллий бирликни сақлади. Православ мазҳаби ўз халқини илк марта антик Византиянинг бетакрор санъати, пешқадам илм-фани

¹Қаранг.: Фомина А.С. История модернизации в России. – М.: 2003. – С. 13-14.

ва маданияти билан таништирди. Илоҳиёт (теология), сиёсий фикр, фалсафа, адабиёт ва санъатда юқори чўққилар эгалланди. Икки маданиятнинг қўшиливи Л.Толстой, А.Пушкин, М.Ломоносов, М.Достоевский каби буюк шахсларни етиштириб берди. Лекин хусусий мулкка эгалик, индивидуализм бобида анча ортга чекинганлиги сабабли, иқтисодий ва сиёсий ривожланиш у қадар кузатилмади.

Ғарбий Европадаги саноат инқилоби (XVIII аср) Россиянинг императорлик куч-қудратига чақириқ бўлиб, ислохотчилик услубини ўзгартиришга даъват қилишарди. Бироқ, бу чақириққа узоқ вақт жавоб берилмади. Фақат 1900 йилларга келиб, Англия ва Франция тарафидан модернизация шамоллари Россияга етиб келгач, ривожланишда орқада қолаётганлигини эътироф этган ҳокимият чора излашга уринди. Бироқ якка ҳокимиятчиликка асосланган сиёсий тизим бунга йўл қўймади. 1917 йилги Октябрь инқилобидан кейин ҳокимият тепасига келган большевиклар сиёсий ислохотларни қарийб бир асрга суриб ташладилар.

Россияда жамиятни модернизациялаш жараёни вақт жиҳатидан узоқ чўзилганлиги билан бошқалардан ажралиб туради. Рус олимлари А. Зиновьев, Л. Ивашов, В.Пантин, В. Лапкин, Б. Пашков, А.Фомина, Ф. Бурлацкийларнинг фикрига кўра, анъанавий жамиятни модернизациялашнинг бошланғич фазаси XVII асрнинг охирида юз берган. Л. Поляковнинг ёзишича¹, модернизация Александр I подшолигидан бошланди, имтиёзга эга қатлам пайдо бўлди, дворянлар мажбурий ҳарбий хизматдан, солиқ тўлашдан озод қилинди ва давлат сиёсий тизим, имтиёзларни монополлаштириб, хусусий мулкчилик манфаатларини ҳимоя қилишга ўтди.

Россияда жамиятни модернизациялаш босқичлари олтита циклдан иборат:

Биринчи цикл Александр I подшоҳлиги бошланғич йилларидаги либерал ислохот ҳамда М.Сперанскийнинг сиёсий тизимни такомиллаштиришга оид давлат қурилиши лойиҳасидан бошланиб, Николай I нинг контрмодернизацияси билан ортга қайтарилди.

¹Қаранг.: Поляков Л.В. Пять парадоксов российского консерватизма // Отечественные записки, 2004. № 2. –С. 35-51.

Иккинчи цикл Александр II даврида (1860-йиллар) деҳқонларни озод қилишни ўз ичига олган “буюк модернизация”¹, ҳокимиятларнинг тақсимланиши (суд, шаҳар, умумдават ислохотлари) дифференциаллашган политикаси билан бошланиб, Александр III нинг контрмодернизацияси² билан ниҳоясига етди. Контрмодернизация босқичида давлат ислохотлари тўхтатиб қўйилди, жамоат ташкилотлари мутлақ ҳокимлиги, деҳқон жамоаларининг бўлинишига барҳам берилди, саноат-молия тармоғи ва тадбиркорлар устидан давлат назорати кучайтирилди.

Учинчи цикл 1905 йилда С.Витте–П.Столипин ислохотидан бошланиб, ҳокимият тақсимланиши, кўп партиявийлик, ҳуқуқий давлат қуришнинг ажойиб варианты юзага келди, обшчина бўлиниб кетиши тезлашди. Лекин “ҳарбий коммунизм” кўринишини олган контрмодернизация ва фуқаролар уруши даврида эркинликлар олиб ташланди.

Тўртинчи цикл 1922 йилда янги иқтисодий сиёсат (“НЭП”) ислохотлари билан бир вақтда бошланди. Большевиклар партияси яккаҳокимлиги пайтида табақалашув кучайди. Ҳокимиятларнинг тақсимланиши ва ваколатлари тугатилиб, иқтисодий-ижтимоий тизим ҳам ягона партия қўлида бирлашди.

Бешинчи цикл 1956 йилларда Н. Хрущёв партия-давлат бошқарув тизимини марказлаштирмаслик ва устувор соҳаларга саноатни олиб киришга уринди. Деҳқонлар крепостнойликдан қисман озод қилинди. Аммо Л. Брежнев даврида сиёсат ва мафкурада қаттиққўллик сиёсати кучайиб, вазирлик ва идораларни марказлаштириш билан якунланди³.

Олтинчи цикл 1985 йилда бошланган “қайта қуриш” даврида кўп партиявийлик ва демократик сайлов тизимига ўтилди, ҳокимиятлар қайтадан тақсимланди. Жамиятда ошкоралик, демократик жараёнлар оддий халқ учун оғир кечди, халқнинг тайёргарлигисиз бошланган бозор иқтисоди ислохотлари ўзини

¹ Великие реформы в России (1856-1874). Сборник статей. – М.: 1992. – С.189-212.

²Дьяков В.А. Славянский вопрос в общественной жизни России. – М.: 1993. –С. 170-186.

³Медведев Р. Личность и эпоха: Политический портрет Л.И. Брежнева. В 2-х кн. – М.: 1991. –С. 78-107.

оқламади. 80-йиллар охирида контрмодернизация ҳаракати¹ кучайиши қудратли империянинг парчаланишига олиб келди.

Юқоридагилардан маълум бўлишича, Россияда уч юз йилдан бери тинимсиз модернизациялаш жараёни давом этмоқда. Ҳукумат “инқилобий” усул ва дастурлар орқали камчиликларини “юқори”дан тўғрилашга ҳаракат қилади. **Жамият куч-қудратини йўқотганда, давлатнинг ислохотчилик қобилияти намоён бўлади.** Бунда контрмодернизация – орқага кетиш эмас, балки жамиятдаги қарама-қаршиликлар, инқирозли ҳолатларни тезда ечиш усулига айланади. Россиялик олим В. Согрин таъкидлаганидек, “тизимга эга бўлмаган, халқнинг тайёргарлигисиз бошланган эркинлаштириш Россия жамиятини даволамайди, балки уни ногирон қилиб қўяди, навбатдаги контрмодернизацияга йўл очиб, эришилган ютуқларни ҳам бузиб ташлайди”².

Россиядаги модернизация тарихи³ қуйида жадвал ҳолида берилган.

11-жадвал. Россияда модернизациялаш тарихи эволюцияси

Тартиб рақами	Йиллар	Номи	Йиллар	Номи
I цикл	1801–1811 1855–1859	Модернизация	1811–1825 1825–1855	Контр-модернизация
II цикл	1859–1874 1894–1905	Модернизация	1874–1881 1881–1894	Контр-модернизация
III цикл	1905–1911 1921–1922	Модернизация	1911–1917 1917–1921	Контр-модернизация
IV цикл	1922–1927 1953–1956	Модернизация	1927–1929 1929–1953	Контр-модернизация
V цикл	1956–1968 1982–1985	Модернизация	1968–1971 1971–1982	Контр-модернизация
VI цикл	1985 йилдан ҳозирги вақтгача	Модернизация		Контр-модернизация

¹Нарочницкая Н.А. Россия и русские в мировой истории. – М.: 2004. –С. 515-520.

²Согрин В.Б. Политическая история современной России: от Горбачева до Путина. – М.: Весь Мир, 2001. – С.177-198.

³Қаранг.: Пантин В.И., Лапкин В.В. Волны политической модернизации в истории России. К обсуждению гипотезы // Полис, 1998. № 2. –С. 39-51.

Шу билан бирга, Россия модернизациясининг асосий хусусиятларини ҳам айтиб ўтмоқчимиз:

биринчиси, ҳукмдорлар Иван Грозний, Пётр I, Александр I, Александр II, Николай II, бош вазирлар С.Ю. Витте, П.А. Столипин, собиқ шўролар партияси раҳбарлари Н.С. Хрущёвнинг “Америка билан мусобақалаштириш”, М.С. Горбачёвларнинг “ошкоралик”, “жадаллаштириш” бўйича амалга оширган ислохотларида “европача модель” кўринишлари кўзга ташланди;

иккинчиси, давлат раҳбарлари халқнинг ижтимоий онги, имконият даражасини ҳисобга олишмади, ҳар бир янги ислохотга уринишда олдингиси билан ворисийлик, ўзаро боғлиқлик бўлмагани натижасида ҳар бир уриниш қисман ёки бутунлай “орқага кетиш” билан якунланди;

учинчиси, Россия жамиятида “сафарбарлик модели”дан инновацион моделга ўтиш масаласи ҳозирга қадар амалга ошмади¹. Бизнингча, бунга беҳисоб урушлар, мажбуран “ушлаб” турилган бепоён маконни бошқаришнинг мураккаблиги, ресурслар тақчиллиги, ноқулай иқлим шароитини рўқач қилиш мумкин. XXI асрда сафарбарлик моделига зарурат қолмаган, ривожланган мамлакатларга ўхшаб инновацион моделга ўтиш учун янги тузилмалар эса яратилмаган.

Жамият сиёсий ҳаётидаги орқага кетишлар ва йўқотишларга совет даври модернизациясидаги хатоликлар ҳам сабаб бўлди, назаримизда. Профессор Л. Левитин “Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида” асарининг “Модернизация балоси” бобида 1868 йилги Мэйдзи-иси (“маърифатли бошқарув”) модернизациясини японлар тарихининг бурилиш нуқтаси бўлган, дейди. Ҳа, Япония ғарбликлардан иқтисодиёт, технология, бой тажрибани чуқур ўрганиш, ҳатто нусха кўчириш ҳисобига етакчи давлатга айланди. СССР раҳбарияти “ислохотлар”да бошқача ечимга келганди. “Модернизация большевиклар учун уларнинг ҳокимиятини сақлаб қолиш, жаҳон революциясини амалга ошириш воситаси, Ўзбекистон ҳақида гапириладиган бўлса, коммунистик Шарқ учун кураш воситаси эди...Ўзбекистондаги совет модернизацияси мамлакатни техникавий тараққиётга, машина

¹Қаранг.: Ивашов Л.Г. Хоронить не спешите Россию. – М.: 2003.–С. 174-180.

меҳнатига анча тез жалб қилди. Айни маҳалда, республика ўзига хос табиий тадрижий йўлдан, ички шароит ва қонуниятлар орқали ривожланиш имкониятига эга бўлмади. Моделлар, дастурлар, муддатлар ўзбек жамияти ривожланишида юзага келган анъаналар, табиий тамойилларга зид равишда ташқаридан зўрлаб киритилди. Ўзбекистонда модернизациялаш цивилизациялар, уларнинг унсурлари тўқнашувини билдирар, бир маданият вакили бўлган кишилар бошқа маданият кишиларига ўз иродасини ўтказишга уринарди”¹. Бу давр сиёсати ҳақида гапирар эканмиз, ўзбек халқи бошидан кечирган мустамлакачилик йиллари, беихтиёр, кўз олдимизга келади. Мисол учун **1917 йилги Октябрь инқилобидан кейин беш марта контрмодернизация (1917-1921, 1927-1929, 1929-1953, 1968-1971, 1971-1982) жараёни содир бўлган.**

Тадқиқотда мавзу доирасидан келиб чиқиб, совет даври модернизациясининг энг муҳим нуқталарига ҳам тўхталиб ўтилди. Бу мураккаб тарих бугун Ўзбекистонда кечаётган жадал ислохотлар вақтида хатоларни аниқлаш, хулосалар чиқариш ва истиқболни тўғри белгилаш учун асқотади, деб ҳисоблаймиз.

И.В.Сталин (1879-1953) ҳокимиятга келган 1929 йилда мафкура биринчи ўринга олиб чиқилди. Ўшанда Ғарбнинг ёт анъанавий маданиятига қарши ўлароқ, улардан орқада қолмайдиган техникавий-иқтисодий базани яратиш модели ишга туширилди. “Қувиб борувчи” бу модель гарчи муваффақият келтирмаган бўлса-да, кейинроқ Мексика, Аргентина, Ҳиндистон мамлакатларида ҳам қўллана бошланди.

СССРда модернизациянинг “қувиб борувчи” модели биринчи босқичида индустрлаштириш компанияси амалга оширилди; иккинчи босқичида техника ва технологияни бошқарувчи етакчи инженер кадрлар масаласи ечилмай қолгани сабабли иқтисодни бошқаришга тизимнинг қудрати етмади. Бунинг устига, катағон йилларида (1932-1938, 1950-1953 йиллар) иқтидорли, етук мутахассисларнинг жисмонан йўқ қилиниши ривожланишга салбий таъсирини ўтказди.

Н.С.Хрушчев (1894-1971) раҳбарлиги даврида Ғарбга тақлид қилиниб, илмий-техник инқилоб компанияси кучайтирилди, постиндустриал модернизация (жамиятнинг истеъмол товарларига

¹Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. –Т.: Ўзбекистон, 2001.–Б. 135-136.

тўйинганлиги, мўл-кўлчилиги) тугаб, постиндустриал жамиятни тиклаш тенденцияси вужудга келди. Н. Хрущевнинг “қайта қуриши” йилларида жамиятнинг ижтимоий-маданий тизимида ижобий силжишлар кузатилди. Масалан, оммавий уй-жой қурилиши компанияси авж олиши муаммони тўлиқ ҳал қилмаса-да, одамларнинг ижтимоий турмушини ўзгартириб юборди. Аҳолининг маиший ҳаётида илк марта индустрлаштириш бошланиб, хонадонларга телевизор, холодильник, кир ювиш машинаси, газ плиталари кириб келди, ателье ва магазинлар, кулинария ва химчисткалар тармоғи кенгайди.

Совет жамияти илк марта эркинлаша бошлади. Фуқароларнинг Шарқий Европа ҳаёти ва одамлари билан бемалол танишуви расман тарғиб этилди. Халқаро саёҳат тизими ривожланиб, касаба уюшмаси йўлланмалари ҳисобига ҳатто ярим дунёни кезиб чиқиш имкони яратилди. Нафақалар ошиши, иш ҳафтаси қисқариши, фан ва таълим харажати кўпайиши, турган гапки, фуқароларнинг ҳаётида мўл-кўлчиликка олиб келди. Ишчилар синфида ҳаётга нисбатан янгича куч-рағбат уйғонди. Ислохотлар юздан зиёд миллат ва элатларнинг жипслашувига, ижтимоий онгда жамоавийлик руҳи уйғонишига (Япония модернизациясидаги, “япон руҳи ва ғарб техникаси” шиорига ўхшаб кетганди – Б.О.), индивидуализмнинг ошишига ва инсон эркинлигига янги-янги имкониятларни очиб берди.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, Н.С.Хрущевнинг бошқаруви даврида сиёсий модернизациялаш учун зарур шарт-шароит, қулай ижтимоий-психологик муҳит яратилган, одамларнинг ўз кучига ишончи (комсомол ёшлар иштиёқ билан БАМ қурилишларига, кўриқ ерларни ўзлаштиришга отланиш ва ҳ.к.) ниҳоятда ошган эди¹. Энг муҳими шуки, жамият ҳаёти эркинлашди, Сталиндан мерос қолган оммавий кўрқув ва террор ҳисси буткул йўқолди.

Аммо бу даврда нохуш ҳолатлар ҳам рўй берганди: “ишчиларнинг ўққа тутилиши (1963 йил, Новочеркасск ва б.), зиёлиларга нисбатан бедодлик, бошқа давлатлар ишига аралашув (1956 йилда Венгрияга қуроли бостириб кириш), Ғарб билан қарама-қаршилиқнинг кучайиши (1961 йил Берлиндаги ва 1962 йил Кариб ҳавзасидаги инқироз), шунингдек, сиёсий хомхаёллик

¹Қаранг.: Фомина А.С. История модернизации в России. – М.: 2003. – С. 26.

(“Америкага етамиз ва ундан ўзиб кетамиз!” ва б.), 1980 йилга келиб коммунизм қуриш ҳақидаги ваъдалар Хрушчев ҳукуматини беқарор, волюнтаристик сиёсатга айлантириб қўйди. Унинг барча хатолари, кўпинча эса бемаъни қарорлари яна кўп йиллар жазосиз қолиши мумкин эди. Бироқ айёр, ниятини олдиндан билиб ва бошқариб бўлмайдиган Хрушчев ўзи учун оғир оқибатлар келтирган хатога йўл қўйди: у партия – давлат тизимини модернизациялаш, партия аппарати имтиёзларини чеклаш чораларини кўра бошлади. Аппарат бунинг учун уни кечира олмади. Сафдошлари Хрушчевни йиқитишди”¹.

Демак, давлат ва халқ ўртасида бирлик, яқдиллик, келишув (консенсус) йўқолгани охир-оқибат сиёсий йўқотиш, таназзулни бошлаб берди. Энг ачинарлиси, аввал бошдан тикланган демократик кадриятлар, жамиятдаги ижтимоий-психологик муҳит аста-секин йўққа чиқарилди. Россияга хос бўлган бундай қарама-қаршилик ёки контрмодернизациялаш концепциясидан айрим давлатлар сабоқ чиқариши керак.

1964 йилда ҳокимият тепасига келган **Л. И. Брежнев** (1907-1982) консерватив йўлни танлаб, ғарбдан нусха кўчириш, “қувиб ўтиш” моделини истамади. Қишлоқ хўжалиги вакили бўлган бу раҳбар хўжалик фаолияти тузилмасини қайта ўзгартиришни танлади. Бу ривожланишда орқага кетиш, анъанавий модель эди.

Давлат раҳбари беш йиллик режалар тузди, лекин уларда давомийлик, изчиллик етишмади. Автоматлаштириш, илмий методлар, ғарбона менежмент ҳаётга кириб келган бўлса-да, корхоналарнинг йирик монополиялар қўлида сақланиб қолганлиги рақобатга йўл бермасди, режаларда бозорни ҳисобга олмаган маҳсулотнинг сотилиш ҳажми, яъни қиймат кўрсаткичи биринчи ўринга қўйилди. Иқтисодиётда қиймат ва материал сарфи ўртасида тафовут пайдо бўлгани сабабли халқ хўжалигида бошқариш суръатлари пасайиб кетди.

Модернизациянинг эскича усулларини қўллаш марказлашган тизимда вазифаларни қайта тақсимлашга, қуйи звеноларда субъективликка олиб келди. Масалан, республикалардаги вазирлик ва ташкилотларда режаларни бажариш учун ишчилар сонини сунъий кўпайтириш, режаларни

¹Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. – Т.: Ўзбекистон, 2001.– Б. 132.

уддалаш баҳонасида “арзон” ассортиментдаги “қиммат” маҳсулотни чиқариш тенденцияси кучайди. 70-йиллардаги ислохотлар меҳнат жамоаларини янги техникани жорий этишга қизиқтирмай қўйди. Корхоналарда фойдадан моддий рағбатлантириш фондларига маҳсулотнинг сотилиши ҳажми ва рентабелликни ошириш даражасига қараб ажратмалар тақсимланди. Бундай шароитда корхоналар техник реконструкциялашни хоҳламади, чунки у ишлаб чиқариш цикли бузилишига, йиллик якунларнинг пасайишига ва моддий рағбатлантириш фондларига ажратмаларнинг камайишига сабаб бўларди.

Н.С. Хрущевнинг 1950-60-йиллардаги яхши модернизация модели: иқтисодиёт тузилмасини ўзгартириш, фан, таълим ва юқори технологияли ишлаб чиқаришни баравар ривожлантириш, халқ хўжалигини бошқаришни технократ мутахассисларга топшириш, ижтимоий сиёсатда интеллектуаллар, етук мутахассислар ва “янги ишчи синфи”га суяниш сингари сиёсий мақсадлар янги давлат раҳбари Леонид Брежнев томонидан танқидга учраб, бутунлай тўхтатиб қўйилди. Бу юқорида таҳлил этилган давлатнинг навбатдаги контрмодернизацияси эди.

Шу билан бирга, тадқиқотчилар 1960-1970 йилларда Осиё, Лотин Америкаси, Яқин Шарқ ва Африка давлатларида кенг қўлланган **социалистик моделнинг айрим ютуқларини** тилга олишади:

1) индустрлаштириш, оммавий таълим, илм-фанни ривожлантириш, урбанизация ва бошқалар;

2) жамоавий руҳнинг кучлилиги, бозор иқтисодига ёт қараш, коммунистик мафкурага содиқлик;

3) таълим, фан, маданиятни ривожлантириш орқали юксак ахлоқли, юртга садоқатли шахс идеалини яратиш¹.

Илмий таҳлилларга суянган ҳолда, қуйида собиқ тузум инқирозининг асосий сабаблари очиб берилган (**12-жадвал**).

¹Федотова В.Г. Типология модернизаций и способов их изучения // Вопросы философии, 2001, № 4. – С.17.

Собиқ иттифок инқирозига сабаб бўлган омиллар	Л. Брежневнинг ҳокимиятида чуқур ўйланган модернизация модели бўлмаган;
	Совет индустриал тизимида чуқур инқироз ҳолатлари аллақачон вужудга келган;
	Давлат режалаштириш тизими парчаланган, маҳкама-корпоратив, саноат империялари, монополистик тармоқлар, бюрократик гуруҳлар ўртасида ресурслар, кредитлар, давлат инвестицияларини олиш учун кураш кучайган, бу масалалар фақат уларнинг КПСС МК, Министрлар Кенгаши, Давлат режа ва Давлат таъминотидаги “ўз одамлари” кўмагида ечилган;
	70-йиллар ўрталарида иқтисодиёт структураси ёмонлашгани натижасида фан, таълим муассасалари таъминоти ва янгиларининг қурилишига маблағ камайиб кетган;
	Мудофаа саноатига ажратилган маблағлар ҳаддан зиёд кўпайган. Натижада давлат капитали билан жамият бир-бирдан узоқлашган, ўзаро қувватлаш ва меҳнатни олдингидай рағбатлантириш тизими йўқолган, унинг ўрнига ҳаммага тенг ҳақ тўлаш тизими қўлланилган.

Хулоса шуки, социалистик моделнинг инқироzi 1970-йилларда дунёнинг барча мамлакатларини эгаллаган жаҳон индустриал тизими инқирозига уланиб кетган эди.

Л. И. Брежневнинг раҳбарлик қилган йилларда ҳам модернизациялашга тўсиқ бўладиган сиёсий хатоликларга йўл қўйилди. Жумладан, Чехословакияга бостириб киришга ҳаракат қилинди (1968), Афғонистонга қўшин олиб кирилди (1979). Айниқса, “афғон муаммоси” энг мудҳиш хато бўлганди, десак янглишмаймиз. Биргина сиёсий хато глобал муаммога айланди. Ўрта Осиёдаги геосиёсий вазият бутунлай ўзгариб, бу муаммо Ўзбекистон сиёсий ва иқтисодий ҳаётига ҳам хавф сола бошлади. Ҳозирга қадар минтақамизда ташқи хатар ва таҳдидлар тугамаган...

Совет модернизациянинг асосий камчилиги, бу – миллий сиёсатга нотўғри ёндашувда ҳам эди. Мафкурага суянган сиёсат, тизимнинг стратегик манфаатлари устувор бўлиб, миллий республикаларнинг эҳтиёж ва манфаатлари ҳисобга олинмас эди. Деҳқонларга қарши ялпи уруш (1930–1940); пахта экспансияси (1930–1990); миллий маданият арбобларига қарши қилинган зулм

ва қатағонлар (1937–1938, 1951–1953); ислом динига таъқиқ (1920–1985); сохта “пахта иши” (1986–1988) компаниялари фикримизга жонли мисол. Ана шу сиёсий компаниялар ўзбек халқининг онги ва психологиясида ёмон асоратлар қолдирди.

2000 йил январида Россияда ҳокимият тепасига **Владимир Путин (1954)** келгандан кейин либерал сиёсатга эҳтиёткорона ёндашилди, жамият ҳаётида қаттиққўллик ва маъмурий чоралар қўллашга киришилди. Собиқ раҳбар Борис Ельцин даврида авж олган жиноятчилик ва тартибсизликка чек қўйилди, бошқарув аппарати ва иқтисодиёт тузилмаларида, хусусан, барча регионларда кадрлар таркиби алмашди, саноат, банк-молия тизимида сезиларли ўзгаришлар юз берди. Модернизациялаш жараёни ҳозирги кунда ҳам жадал давом этмоқда. Аммо бизнинг назаримизда, Россия–АҚШ муносабатлари сиёсий таранглиги, Қримнинг Россияга қўшиб олиниши билан боғлиқ можаролар, Сурия –АҚШ – Россия, АҚШ – Эрон, АҚШ – Шимолий Корея муносабатларидаги жиддий келишмовчиликлар мамлакат модернизацияси силлиқ кетишига халақит бермоқда.

Мамлакат модернизациясида давлат раҳбари В.В.Путиннинг Федерал Кенгашга йиллик Мурожаати ўрганишга молик сиёсий ходиса ҳисобланади. **Бу тажриба дастлаб 2008 йилнинг 5 ноябрида илк марта амалга оширилди.** 2019 йил 20 февраль куни навбатдаги 12-чи Мурожаати тингланди. Жаҳоннинг 100 дан зиёд телевидениелари орқали етказилган депутатлар ва халқ билан тўғридан тўғри мулоқотда давлатнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш йўллари, ички ва ташқи сиёсатга оид россиялик ҳамда хорижлик журналистларнинг 1 мингдан зиёд саволларига жавоблар қайтарилди. **“Одамларни алдаб бўлмайди,—деди президент. —** Алдаш, ўзига ҳурматсизлик ва ҳар қандай ноҳақликни улар чуқур англайди. Бюрократик сансалорлик, қоғозбозлик фуқароларни кам қизиқтиради. Ҳақиқатда нима ишлар қилинаётгани, ҳаёти ва оиласи ҳаётида нима ўзгаргани фуқаро учун муҳимдир. Олдинги ишлар эмас, айни кунларда амалга оширилаётган ўзгаришларни билишни хоҳлайди. Биз ўтган ўнйилликлар хатоларини такрорламаслигимиз ва “коммунизм келиши”ни кутмаслигимиз керак. Ҳозирнинг ўзидаёқ вазиятни ўнглаш йўлини қидириш лозим”¹. Президент

¹ Послание Президента Федеральному Собранию Президента России // Сайт Президента России. 20 февраля 2019 г. www.kremlin.ru

мураккаб демографик ҳолатни яхшилаш, инсон умр кечиришини узайтириш ва ўлим даражасини камайтириш камбағалликни йўқотиш билан боғлиқ муаммолар эканлигини таъкидлади.

Бизнинг таҳлилимизча, 1990-йилларда Россияда модернизация лойиҳалари амалга ошмаганлиги сабаби қуйидагилар билан характерланади:

биринчиси, Ғарб мамлакатларида модернизациялаш органик усулда жорий қилинади, унда ичкаридаги сиёсий, иқтисодий, маданий омилларга таяниб иш кўрилади. Собиқ иттифок, жумладан, Россияда ноорганик усуллар қўлланиб, ташқи омиллар: четнинг босими, Америка, Европани иқтисодий, ҳарбий жихатдан “қувиб ўтиш”, ҳатто “ўзиб кетиш” моделларининг ишга тушиши миллий хавфсизликка зарар етказди;

иккинчиси, Ғарб мамлакатларида модернизация комплекс характерли бўлиб, жамиятнинг барча жабҳаларини камраб олади, Россияда у иқтисод, саноат, ҳарбий соҳаларда қисман амалга ошса-да, маданият ва ижтимоий соҳалар четлаб ўтилди. Сиёсат, ишлаб чиқариш, фан ва техникадаги янги элементлар маданий қадриятларга унчалик мос тушмади, шунинг учун халқ инновацияни рад қилди;

учинчиси, модернизацияга бошқа бир тўсиқ шуки, Россия халқи менталитети ва характерида Шарқ қадриятлари сақланиб қолган;

тўртинчиси, Россияда цивилизацияларни боғлайдиган савдо-пул алоқаси ривожланмаган, инновация заиф тарқалган, маданий плюрализм ва ижодга муносабат тизими шаклланмаган;

бешинчиси, ислохотлар кўпинча юқоридан, халқ ёрдамисиз амалга оширилади, халқ эса унга етарли даражада тайёргарлик кўрмайди.

Шунингдек, тадқиқотда постсовет республикаларидаги модернизациялаш жараёнлари ҳам имкон қадар таҳлил этилди.

“Евроосиё тарихи ва маданияти” институти директори Ерлан Саировнинг тадқиқотида **Қозоғистондаги модернизация** жараёнига доир ўзига хос ёндашувни кўрамиз. “Қозоқларда асрлар мобайнида кучли фуқаролик жамияти кузатилган. Ўша даврларда бийлар хонлардан кўпроқ ваколатга эга бўлгани ва бийлар кенгаши исталган хонни қувиб чиқаргани чўл демократиясининг таянч нуқтаси. Бундан хулоса шуки, мамлакатимиз ўз аجدодлари йўлидан бориб, парламент ваколатини кенгайтириши керак”,–дейди

Е.Саиров. Унинг таҳлилича, қозоқ элитаси молиявий ва маъмурий механизмлари ёрдамида сиёсий таъсир доирасини кенгайтириб, халқдан ажралиб қолган. Ислохотларнинг “юқори”дан туриб ўтказилиши, фуқаролик жамияти асослари шаклланмагани, бюрократия синфининг мутлақ ҳокимиятга эга бўлиши ижтимоий-сиёсий тизимда норозилик кайфиятини уйғотмоқда. Халқнинг қўлида уларга кучли таъсир кўрсатишга қодир инструмент йўқ. Ҳокимият тепасида турган бадавлат амалдорлар билан оддий аҳоли ўртасида жарлик чуқурлашган. Муаммо ечимини топиш мақсадида маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тизимини ривожлантиришга оид “Қозоғистон Ассамблеяси тўғрисида”ги, “Миллий автономиялар тўғрисида”ги қонунларни қабул қилиш; парламентга сайлов тизимини қайта кўриб чиқиш лозим. Чекланмаган ҳокимият ваколатига эга вилоят раҳбарлари подшо хонадонига қарашли ерларга хўжайинлик қилувчи князликка ўхшайди. Кўпинча, улар марказнинг хоҳишига қарши бориб, ўзининг одамларини парламентга сайламоқда. Бундай тоифадаги ҳокимларнинг сиёсий тафаккури ва интеллект етишмайди, шу зайлда маҳаллий ҳокимият кўмагида парламентга ўртачадан ҳам пастроқ савиядаги депутатлар ўтиб қолмоқда. Натижада парламентни нуфузигина эмас, қабул қилинадиган қонунларнинг сифати ҳам тушиб кетмоқда. “Шу сабабдан, бугунги сиёсий модернизациядан давлат бошлиғи ҳам шахсан манфатдор,—дейди олим.—Ишонаманки, у мамлакатни кучли, адолатли, рақобатбардош давлат сифатида кўришни хоҳлайди. Бироқ, бу жараёнга унинг атрофида йиғилган баъзи мансабдорлар халақит беришмоқда. Айни шу салбий кучларга фақат сиёсий модернизация ёрдамида қарши курашиш мумкин”¹.

Муаллифнинг илмий таҳлили ва мантикий хулосаси жуда ўринли. Бизнингча, республикада сиёсий ҳокимият билан жамият қатламлари ўртасида ижтимоий шериклик муносабатлари бузилган. “Казмунайгаз” компаниясининг Манғистов вилояти Жонаузун посёлкасидаги нефть қазиб олиш қонида бўлиб ўтган воқеалар фикримизни исботлайди. 2011 йил 16 декабрь куни, мустақилликнинг 20 йиллиги арафасида ҳуқуқ-тартибот органлари

¹Қаранг.: Элита Алтын Орды не показала свою способность к политической модернизации общества (история). <http://www.centrasia.ru/news> 08.02.2007.

билан намоёишчилар ўртасида содир бўлган тўқнашувда аҳолига қарата қурол-яроғ ишлатилди. Қонли тўқнашувда қурбон ва ярадорлар сони 100 тадан ошиб кетди. Сиёсий жараёнлар таҳлили, Е. Саиров таъкидлаганидек, юқори ҳокимиятнинг халқ билан умуман ҳисоблашмай қўйганлигидан дарак беради.

2010 йилларда Қозоғистон ҳукумати ўз молиявий секторини “миллий иқтисодиётнинг локомотиви”, иқтисодий асоси мустаҳкам, модернизациялаш суръати юқори, деб эълон қилганди. Об’ектив аҳвол аслида бошқача бўлиб, жамият ҳаётида ушбу омиллар устунлик қиларди:

биринчи омил: Хитой Гонконги тажрибаси каби йирик банкирлар сохта иқтисодий операцияларни чет элда амалга ошириб, хорижий валютани ўз юртида сотишмоқда;

иккинчи омил: халқ менталитети ва психологияси анча ўзгарган, яъни топилган миллиардлаб хорижий валюталар қимматбаҳо ҳашаматли уй-жойлар қуриш, офисларни ижарага олиш, хорижий мулкларни сотиб олишга сарфланмоқда;

учинчи омил: профессионал банкирлар, кучли тадбиркорлар давлат томонидан қувғинга учраб, мамлакатдан чиқариб юборилган;

тўртинчи омил: 2001–2010 йилларда йигирмадан зиёд нефть-газ компаниясининг катта миқдордаги акция пакетлари хорижий мулкдорларга арзонгаровга сотиб юборилган;

бешинчи омил: Қозоғистоннинг чет давлатларга умумий қарзи ялпи ички маҳсулотининг қарийб 40 фоизига қадар етиб борган;

олтинчи омил: 2010 йиллардан бошлаб пул-кредит тизими бузилиб, у ҳар жиҳатдан назоратсиз қолдирилган.

Илмий хулосаларга биргина далил: “2007 йил июнь ойининг охири, яъни жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi арафасида Қозоғистон миллий банкининг маълумотларига кўра, банклар томонидан берилган жами 6,5 триллион тенге кредитнинг атиги 695 миллиард тенгегга тенг қисми ёки 11 фоизи саноатни ривожлантириш ва модернизация қилишга ажратилган. Қолган 89 фоиз кредит қисмининг тақдири масаласи ҳанузга қадар номаълумлигича қолмоқда¹”.

¹ Альянс Банк: находясь на берегу, плавать не научишься // Казахстанская правда, 19 апрель 2007.

Сўнгги йилларда давлат раҳбари Н.А.Назарбоев томонидан сезиларли модернизацион ўзгаришлар амалга оширилди. 2012 йилда “2050-йил стратегияси” ишлаб чиқилди. Эзгу мақсад сари дадил қадамлар ташланиб, 2050 йилда Қозоғистон дунёнинг энг кучли ривожланган 30 та давлатлари қаторига қўшилиши вазифаси қўйилди. “Бу йўлнинг муҳим устувор вазифаси – сиёсий модернизация. Умуман олганда, Қозоғистонга мамлакат сиёсий тизимини, унинг элементлари ва механизмларини комплекс қамраб оладиган модернизация керак”¹, деди Н.Назарбоев. Шу мақсадда парламент ваколатлари кенгайтирилди, ҳукуматнинг масъулияти оширилди, сайлов жараёнлари такомиллашди, ҳокимиятнинг номарказлашуви ва айрим ваколатларнинг регионларга ўтказилиши, кўппартиявийликнинг самарали тизимига ўтилиши, мустақил ОАВ ва суд тизими ривожланиши, коррупцияга қарши кескин чоралар кўрилиши каби сиёсий ислохотлар бошланди. Давлат раҳбарининг стратегияси – “2050 дастури” илмий жамоатчилик томонидан модернизациянинг янги босқичи сифатида эътироф этилди².

Президент Н.А.Назарбоев 2018 йилнинг 10 январида Қозоғистон халқига яна мурожаат билан чиқди. Бу чиқишида давлат раҳбари “Миллат режаси – 100 конкрет қадам”, “Қозоғистон учинчи модернизацияси” (2017), “Индустрлаштириш дастури”, “Рақамли Қозоғистон” каби концепцияларнинг натижалари ҳақида гапириб, дунёда 4-саноат инқилобига, технологик, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда чуқур, шиддатли ўзгаришлар даврига қадам қўйилгани, бу технологик талабларга қозоқ миллати тайёр бўлиши зарурлигини уқтирди³.

Муҳим жиҳат шуки, бу давлатда ҳам модернизациялаш Ўзбекистондаги каби босқичма-босқич равишда олиб борилмоқда.

¹Послание Президента Н.А.Назарбаева народу Казахстана “Социально-экономическая модернизация – главный вектор развития Казахстана” // Казахстанская правда, 10 января, 2012.

² Урынғалиев А.К. Политическая модернизация Казахстана в контексте теории модернизации // Вестник ЕНУ им. Л.Н.Гумилева, №1 (68), 2009. Астана; Калетаев Д.К. Модернизация в Казахстане // ZONAkz, №12, 2011. Астана.

³ Послание Президента Республики Казахстан Н.Назарбаева народу Казахстана // Официальный сайт Президента Республики Казахстан. 10 января 2018. www.akorda.kz

Хусусан, 30 йиллик бошқарувдан сўнг, Н.А.Назарбоевнинг 2019 йил 20 мартдан ўз хоҳишига биноан, ҳокимиятни топшириши ва июнь ойида сайлов натижасида Қ.Токаевнинг президент этиб сайланиши муҳим сиёсий қадам бўлди...

Беларусь Республикасида фуқаролик жамияти институтлари яхши шакллантирилган. 2019 йил 1 январь ҳолатида мамлакатда 15 сиёсий партия, 28 қасаба уюшмаси, 2923 жамоат бирлашмалари рўйхатга олинган¹. Мамлакат етакчиси А.Лукашенконинг таъкидича, кучли иқтисод – давлат ютуқларининг асоси ҳисобланади. Беларусда мустақиллик йилларида ялпи ички маҳсулот жон бошига 5 баравар, саноат ишлаб чиқариши ҳажми 2,5 бараварга ўсди, аҳолининг ойлик иш ҳақи 500 долларга етди. Демак, бу мамлакатда “давлат – халқ учун” асосий шиор бўлиб қолмоқда...²

Кейинги йилларда ЕИ Беларусда аҳоли турмуш даражасини пасайтирмасдан сиёсий модернизациялашни ўтказиш тарафдори бўлиб чиқмоқда. Постсовет республикаси ўз миллий йўлини ҳимоя қилмоқда. Раҳбарият қаттиққўллик сиёсатни олиб боришига қарамасдан, мамлакатда кучли муҳолифат фаоллашган. Хусусан, “Объединенная Гражданская Партия” вакиллари мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнига салбий муносабатни билдириб келади: “Демократик модернизациядан воз кечиш ҳам ижтимоий-иқтисодий инқирозни, ҳам ҳокимият инқирозини кучайишига сабаб бўлмоқда,–дейди партия фаоллари.–Бундай шароитда, ҳокимиятнинг қонунийлиги долзарблашиб, воқеалар номенклатуравий кескин ўзгариш ёки аҳолининг бошқариб бўлмайдиган оммавий норозилиги кучаймоқда. Иккала вариант ҳам мавжуд тизимнинг ағдарилиши ва турмуш шароити тушиб кетишига олиб келади, шундан кейин иқтисодиёт ва демократиянинг қайта тикланиш даври бошланса ажаб эмас³”. Бу фикрлар муҳолифатнинг субъектив муносабати.

¹Официальный интернет-портал Президента Республики Беларусь. www.president.gov.by

²Послание белорусскому народу и Национальному собранию. 19 апреля 2019 г. www.president.gov.by

³Қаранг.: Проект стратегии Объединенных демократических сил на период до первых свободных выборов. <http://www.ucpb.org> 27.04.2007 г.

Беларусь Республикаси президенти Александр Лукашенконинг сиёсати либералчиларга ёқмайди, оддий фуқароларга ва ўрта синфга эса анча қўл келади. Таҳлилларимизга кўра, ижтимоий ҳимоя тизими самарали ишлаётганлиги барқарорликнинг асосий кафолати бўлиб турибди. Бироқ, Россия ва Қозоғистон ташаббусига қўшилган ҳолда, Беларуснинг 2014 йилдан бўлажак Евроосиё Иттифоқига “тортилиши” миллий суверенитетига хавф солиши мумкин.

Арманистон мустақилликка эришгандан кейин бир қатор муаммоларнинг қуршовида қолди. Мамлакатда модернизациянинг миллий модели ишлаб чиқилмади. Улар Ғарб моделидан мезон сифатида фойдаланишни ишташмади. Айниқса, иқтисодий-сиёсий ва этник муаммолар миллий ривожланишга тўсиқ бўлмоқда. Арманистон МФА Фалсафа, социология ва ҳуқуқ институти директори, социология фанлари доктори Геворк Погосян ёзганидек, “Сўнгги ўн йилликларда модернизацияни танқидий кўз билан таҳлил қилиш зарурати туғилди. Муаммони назарий тафтиш қилиш оқибатида “постиндустриал” тараққиёт йўлига ўтиб қолган ёш давлатларда модернизациянинг универсал модели мавжуд эмаслиги маълум бўлди. Жумладан, ижтимоий модернизация жараёнига тортилган постсоциалистик мамлакатлар ўз ривожига жиддий қийинчиликларга, ҳатто орқага “қайтиш”, қисман деиндустриаллаштириш ва иқтисодиёт айрим тармоқларини архаиклаштириш ҳолатларини бошдан кечирмоқда. Аслини олганда, постсовет ҳудуди жамиятларида механик равишда қўлланиб келинаётган Ғарб модернизациясининг классик модели “ишлаб кетмади”. Бунда муаммо этномаданий модернизация моделининг ишлаб чиқилмаганида, деб ўйлаймиз”¹. Ҳақиқатан ҳам, бу республикада йигирма йил ичида миллий моделнинг ишга туширилмагани барча соҳадаги ислохотларнинг ривожига халақит бермоқда.

Олим бошқа тадқиқотида мамлакатда сиёсий тизимнинг илдизлари бузилаётганлигини, “ўтиш даври” чўзилиб, якуний натижаси ва муддати ислохот ташаббускорларига маълум эмаслигини ачиниш билан тилга олади. “Ислохот жараёнини бошқаришда йўқотишнинг биринчи сабаби “жамият”да бир

¹Қаранг.: Социальные трансформации в Армении.<http://socis.isras.ru> 26.08.2006.

шаклдан бошқа шаклга ўтиш ресурслари тўғри ҳисобга олинмади, иккинчи сабаб аҳоли фаол қисмининг иқтисодий-сиёсий миграцияси бошланиши муаммоси кўриб чиқилмади. Анъанавий шаклдан замонавий жамиятга ўтиш ресурслари етарли даражада ишлатилмади ва ҳатто кучсизланди. Бундан ташқари, сиёсий модернизациялаш кенг ижтимоий қатлам томонидан қўллаб-қувватланмади. Шу кетишда арманлар расмий давлатчилиги қолипига сиғмаган ўз-ўзини англашнинг бошқача босқичига келиб қолиши мумкин. Хуллас, глобаллашув шамоллари ўзининг қайсидир салбий жиҳатини миллатимизга сингдирмоқда”¹.

Юқорида кўрилганидек, ўтиш даврида халқнинг урф-одатлари, анъаналарини ҳисобга олиш омили кучайиб бораверади. Таҳлилларга кўра, мураккаб глобаллашув ва ички муаммоларидан чиқиб кетолмаган Арманистон Евроосиё иттифоқига қўшилишга розилик билдирди.

Озарбайжонда модернизация жараёнлари бирмунча қийинроқ кечди. Бу ҳақида матбуотда бир қатор тадқиқотлар эълон қилинди. “Оммавий инқироз, миллий сиёсатдаги муаммолар жамият модернизацияси шаклланишига халақит бермоқда, – деб ёзади фалсафа фанлари доктори Рамиз Мехтиев. – Шу боис, демократик жамиятга ўтишда Озарбайжон дуч келган энг мураккаб муаммо, бу – давлат раҳбарлари А.Везиров ва А.Муталибов идора усулидаги нотўғри сиёсат ҳамда жамиятнинг бу ўзгаришларга қарши норозилиги билан боғлиқ. Фақат 1993 йил ўрталарида Ҳайдар Алиев ҳокимиятга қайтиб келганидан кейин мамлакатда бозор иқтисодиётига асосланган ҳақиқий демократик янгилаш даври бошланди. Либерализм ва неоконсерватизм синтези мамлакат учун муваффақиятли конструкция бўлиб, демократик ва социалистик унсурларнинг бир бутунлигини ташкил қилади. Ҳайдар Алиевнинг тарихий хизмати шундаки, Озарбайжон сиёсий маданиятига бутунлай янги тенденция ва “ўйин” коидаси – сиёсий консенсусни қўшди ва давлатнинг бирлаштирувчилик функциясини кучайтирди”. Олим фикрини давом эттириб, 2003 йил 12 декабрда Алиевнинг ўлиmidан сўнг ҳокимият ўғли И. Алиев қўлига ўтганлигини таъкидлаб, бирмунча ёшроқ давлат раҳбари сиёсатида либерализм тамойили кучайганлигини қайд этади.

¹Погосян Г. Глобальные тенденции мирового развития и перспективы Кавказа //Общество и экономика. –М.: 1999, № 10-11. – С. 226-230.

Илҳом Алиев қадриятлар тизими –“кучли давлатчилик” ва “давлат модернизацияси” ғоясида намоён бўлади. У давлат позициясини кучайтириш тарафдори. Бунинг учун иқтисодий ислохотлар жараёнида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш орқали демократлаштириш ғояларига кучли пойдевор яратишни хоҳлайди. “Кўп йиллар муқаддам Хитой модернизацияси асосчиси Дэн Сяопин: **“Дарёни кечиб ўтишда оёқ тагидаги тошларни ҳам пайпаслаб кўриш керак”**, деб ёзган эди. “Шу сабабдан, Озарбайжондаги сиёсий элита ҳам, “контрэлита” ҳам (1990-йиллардаги сиёсий курашлар вақтида шаклланган–Б.О.) пайпаслаб кўрилиб, конституцион йўл билан ҳокимиятни қўлга киритган президентни демократик жамият ва сиёсий консенсусни шакллантиришга қодир шахс сифатида самимий қабул қилиши ва уни қўллаб-қувватлаши масаласи муҳимлигича турибди”,¹ дейди олим. Шу боис, давлатнинг бош ислохотчилик вазифасига умид билдирилмоқда.

Озарбайжон Республикаси ён қўшнилари Арманистон ва Грузиядан фарқли равишда, хориж инвестициялари учун “очиқ эшиклар” сиёсатини юритиб келмоқда. Бугунги кунда мамлакатда 63 давлатга қарашли чет эл капиталидаги 192 та корхона ишламоқда. Яна бир ижобий ҳолат: коррупцияга қарши қонунчилик базаси 2005 йилда шакллантирилган: “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги (2004 йил 13 январь), “Давлат мансабдорлари молиявий маблағларини декларация қилиш процедураси тўғрисида”ги (2005) қонунлар ва дастурлар ишлаб чиқилган. “ASAN” давлат хизматлари маркази тажрибасини эса чет элларда ўрганишади.

Тожикистондаги модернизация жараёнларида анъанавий жамият таъсири яхши сақланиб қолган. Хусусан, мустақилликнинг илк йилларида бошланган фуқаролар уруши муҳолифат мавқеини кучайтириши билан бирга, сиёсий-иқтисодий ўзгаришларни ўтказишга ҳалал берди. Ўша вақтда мамлакатда юз берган воқеаларга давлат ҳокимияти ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмаларнинг заифлашуви асосий сабаб бўлганди. Тожикистон компартияси МК биринчи котиби Қ. Маҳкамов юмшоқ ва кўнгилчан одам бўлиб, тожик сиёсий элитасида обрў-эътибори йўқ

¹Қаранг.: Мир и национальная идея. <http://www.postman.ru> 13.04.2007.

эди. 1991 йил сентябрида ҳокимият тепасига келган Р. Набиевнинг ҳам катта ташкилотчилик ва ташаббускорлик қобилияти бўлмагани туфайли орадан бир йил ўтиб, истеъфо берди. Ўша заҳоти, тожик муҳолифати тазйиқи остида фуқаролар уруши бошланди. Урушнинг шарт-шароитлари заминида аксар аҳоли қашшоқлиги, умидсизлиги, жиноятчилик авж олиши, уруғ-аймоқчиликнинг кучайиши ҳамда диний даъволар ётарди. Ғарблик тадқиқотчиларнинг фикрича, “тожик синдроми” деб аталган нарсанафақат диний экстремизмнинг намоён бўлиши, ҳатто “субмиллий тузилмаларнинг қонли рақобатбардошлиги” ҳамдир”¹.

Қўшни Тожикистонда олимлар томонидан давлатчиликни тиклаш, жамиятни ислоҳ этиш, демократлаштириш муаммолари бўйича бир қатор ишлар, жумладан С. Олимова, М. Олимов, А. Имомов, А. Мамадазимов, Р. Шукуров, С. Шариповларнинг тадқиқотларида сиёсий жараёнлар илмий ёритилган². Аммо бу ишларда ўтиш даврининг “тожикча” тактикаси, яъни индустрлаштириш даврида феодал жамиятнинг қайта тикланишига муносабат масаласи тадқиқ қилинмай қолиб кетмоқда. Ана шу омилда республикани ўрта асрлар ҳаётига қайтариш ва жамиятни турғунликка олиб келиш хавфига ишоратлар бор. Тожикистонда миллий модернизациялаш моделининг яратилмаганлиги сиёсий ва иқтисодий ривожланишга тўсқинлик қилмоқда. Шу боис, раҳбарият олдида ягона йўл – Евроосиё иттифоқида қўшилиш масаласи кўндаланг турибди.

Қирғизистонда 1990 йилда, 2005 йилда, охириги 2010 йил апрель-июнь ойларида рўй берган этник тўқнашувлар давлат раҳбари билан халқ ўртасида катта жарлик пайдо бўлганини, раҳбариятнинг коррупциялашгани оқибатида жарликнинг катталашиб, сиёсий вазиятнинг издан чиқиб кетишига олиб келганини кенг жамоатчилик яхши билади. Тарихдан биламизки,

¹Левитин Л., Карлайл Д. Ислон Каримов – янги Ўзбекистон президенти. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 95.

²Қаранг.: Олимова С., Олимов М. Таджикистан на пороге перемен. – М.1999; Имомов А. Межтаджикский конфликт: общественное согласие и согласительные документы //Центральная Азия,1998, №2(14);Мамадазимов А. Новый Таджикистан–вопросы становления суверенитета. –Д.: 1996; Шукуров Р. Смогут ли новые власти решить противостояние с югом //Новое время,1993,№38; Шарипов С.И. Взаимодействие политических партий и власти //Бюллетень НАПТ, 1998, №6.

қирғиз қабилаларида кўхна ижтимоий тузилма хос, яъни уларда ягона давлат ҳукмдорлари ва марказлашган давлат ҳокимияти бўлмаган.

Мамлакатдаги сўнгги сиёсий ислохотлар жараёнини таҳлил қилиб, ушбу хулосага келинди:

биринчидан, президент Алмазбек Атамбаев жамиятнинг модернизациялашуви шароитида катта ирода, жасорат, сиёсий уддабуролик билан бақувват давлат тузилмаларини барпо этиши;

иккинчидан, А.Акаев ва Қ.Бакиевнинг раҳбарлиги даврида ҳокимият тепасига келган демократик кучларнинг яна бош кўтармаслиги чорасини кўриши, давлатнинг қаттиққўллик сиёсатини қўллаши;

учинчидан, аҳолининг этник таркибини ҳисобга олиши, хусусан этник курашлар пайтида қаттиқ жабр кўрган жанубдаги ўзбек жамияти ижтимоий ҳимоясини таъминлаши;

тўртинчидан, партия лидерлари, юқори мартабали раҳбарларнинг вилоятлардаги кланларини ҳокимиятга таъсирини юмшатиши, зарурат туғилса, уларнинг ўзаро алоқаларини кесиб ташлаши лозим.

Таҳлилларга кўра, А.Атамбаев 2009-2017 йиллардаги раҳбарлиги даврида ўз олдига қўйган сиёсий вазифаларни тўлиқ адо этолмади. 2018 йилда ҳокимиятга келган С. Жээнбеков ҳам жамиятдаги муаммоларни ечишга куч-қудрат топа олмаяпти.

Туркменистонда президент Г. Бердимухамедов собиқ давлат раҳбари С. Ниёзовнинг миллий сиёсатини изчил давом эттирмоқда. Туркманларда азалдан кўчманчилик ҳаёти ва турмуш тарзи устунлик қилади, аммо Ўрта Осиёдаги асосий ҳудуддан ажралиб қолган ерда жойлашгани ҳам унга алоҳида мақом ва геосиёсий қулайликлар яратади. Мамлакат бой нефть захирасига эга бўлганлиги ва иқтисодий ривожланганлиги боис, аҳолига кўплаб ижтимоий имтиёзлар берилган. Шу сабабларга кўра, жамиятда тинчлик ва осойишталик ҳукмрон. “Кичик” модернизациялаш жараёнларида анъанавийлик устуворлик қилади. Булардан ташқари, Туркменистон бетарафлик сиёсатини олиб боради ва МДҲ мамлакатлари ичида Тожикистон билан бирга, Эронга чегаравий ва иқтисодий яқинлиги кўзга ташланади. Республика иқтисодий ва ижтимоий соҳада ривожланаётган бўлса-да, сиёсий модернизациялашнинг тақдири аввало минтақадаги геосиёсий вазиятга боғлиқ кечади, деган фикрдамиз.

Украинада 2014 йил февралда содир бўлган сиёсий тўнтариш, президент В. Януковичнинг ҳокимиятдан четлатилиши ва П. Порошенко бошчилигидаги миллатчи радикал гуруҳларнинг ҳокимият тепасига келиши, **Қрим** Республикасида 16 мартда бўлиб ўтган халқ референдуми қарорига мувофиқ, ҳудуднинг Россия Федерацияси таркибига қўшиб олиниши, жанубий-шарқий регионларда халқнинг сиёсий кўтарилиши – булар замирида Ғарб йирик давлатларининг сиёсий манфаати ётибди. Чунки, Евроосиё иқтисодий иттифоқи байроғи остида учта славян – рус, белорус, украинларнинг қайта бирлашиши Ғарб раҳбарлари ва сиёсатдонларига ёқмасди. Европага яқин бу йирик давлатда этник тўқнашув, низо ва зиддиятлар алангасининг ҳамон тўхтамагани МДХ ҳудудида сиёсий модернизациялаш жараёнини иккинчи марта (2008 ва 2014 йиллар) тўхтатиб қўйилганини унутмаслик керак. Эндиликда 2019 йил май ойида сиёсатдан узоқ **В.Зеленский**нинг президентлик сайловида ғалаба қозониб, ҳокимиятга тепасига келиши Украинадаги сиёсий-иқтисодий жараёнларга таъсир кўрсатиб, навбатдаги фуқаролар урушини келтириб чиқаришини сиёсатшунос олимлар башорат қилишмоқда. Бизнингча, кейинги сиёсий воқеалар (Югославия, Араб дунёси, МДХдаги инқилобий ҳаракатлар ва халқнинг Ғарб тарғиботи таъсирида оломонга айланиши–Б.О.) ўтиш даврида мамлакатда қаттиққўл ҳокимиятга эҳтиёж ниҳоятда зарурлигини исботламоқда.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, Россияда амалга ошаётган ислохотлар МДХдаги сиёсий жараёнларга бевосита ва билвосита таъсир қилади. Бугунги кунда постсовет республикаларида ягона интеграциялашган сиёсий моделнинг йўқлиги улкан маконда ўзаро фойдали, самарали ҳамкорлик алоқаларини давом эттиришга имкон бермайди. Постсовет ҳудудида сиёсий тизимлар хилма-хил, сиёсий маданият ва сиёсий онг даражаси ҳам турлича эканлиги ҳам сиёсий вазиятга жиддий таъсир кўрсатиши мумкин.

Янги Евроосиё иттифоқи тақдири масаласида ҳам шундай саволларни қўйишга ҳақлимиз. Бизнингча, ушбу иттифокни фақат Россиянинг молиявий кўмагида ушлаб туриш имконияти мавжуд. Россия Федерацияси бўлса, кейинги йилларда Ғарбнинг иқтисодий ва ҳарбий босими остида яшамоқда.

Учинчи бобга хулоса

Биринчидан, Европада модернизациянинг биринчи тўлқини XVIII асрнинг иккинчи ярмида “маърифатпарварлик абсолютизми”, иккинчи тўлқини XIX асрнинг иккинчи чорагида “ҳукумат конституционализми” номи билан ўтганидан кейин халқнинг сиёсий ва иқтисодий имкониятлари ошиб кетди.

Иккинчидан, мамлакат иқтисодий оёққа турганда сиёсий модернизациялашга киришиш мумкин. Германия, Франция, Англиянинг сўнгги юз йилликда қишлоқ хўжалиги, кейин ягона бозор шаклланди, сўнг эркин савдога ўтилиб, божлар қисқарди. Жамиятда иқтисодий замин яратилгандан сўнг, инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинлиги кенгайди.

Учинчидан, ҳар бир давлатнинг юксалиши ва таназзул даври бўлади. Қадимги Рим, Византия, Усмонли империяларининг таракқиётда орқага кетишида шаҳарлаштириш, марказлаштириш, миграция, ўта эркинлаштириш янги муаммоларни келтириб чиқарди. Мисол учун 2008 йилдаги молиявий-иқтисодий инқироз ЕИ ҳудудини бутунлай қамраб олди. Булар ўз навбатида, жамият олдида ижтимоий-сиёсий соҳадаги модернизация тизимини ўзгартириш ва қайта кўриб чиқишни кўндаланг қўймоқда.

Тўртинчидан, XX аср охирида пайдо бўлган Жануби–шарқий Осиё феномени, Туркия, Эрон давлатларидаги замонавийлашиш (Отатурк, Ҳотамий) билан бирга, ислом дини тамойили кучайди. Шу сабабларга кўра, мамлакатда халқнинг менталитети ва анъаналарини ҳисобга олган ҳолда, модернизациялашни кетма-кетликда ўтказилиши мақсадга мувофиқ.

Бешинчидан, Россиядаги уч асрлик модернизация даврида европача моделга ўтишга кўп маротаба уриниб кўрилди. Бироқ Америка билан мусобақалашиш ва “қайта қуриш” компанияси даврида давлат ҳокимияти билан жамиятнинг имкониятлари бири-бирига мос тушмагани сабабли мағлубиятга учради. Ҳозирги кунда Россия фақат инновацион иқтисодга ўтиш ва жадаллашган модель ҳисобига Ғарб мамлакатларига яқинлашиши мумкин.

Олтинчидан, 1868 йилгача ёпиқ жамиятда яшаган Япония Ғарб технологик ғоялари ва халқнинг ички руҳияти ҳисобига ривожланган индустриал давлат даражасига етишди. Модернизация жараёнида анъаналар тўла сақлаб қолинди, халқнинг жамоавий бирдамлиги бузилмади, шахснинг ота-онага, жамоага,

давлатга ҳурмати юксалди, ҳатто меҳнат қилиш дин даражасига кўтарилди.

Еттинчидан, Хитой халқи турмуш тарзида Конфуций ахлоқ қоидаларининг устуворлик қилиши, конфессиявий бирдамлик, феноменал меҳнаткашлик, ирода ва чидамлилиқнинг жамият ҳаётида чуқур илдиз отиши омиллари иқтисодий ва сиёсий модернизация ривожланишига асос бўлиб хизмат қилди.

ТЎРТИНЧИ БОБ.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАМИЯТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ: БАРҚАРОРЛИК ВА ИЖТИМОЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ БОШ ОМИЛИ

4.1. Ўзбекистонда сиёсий модернизация жараёнининг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари

Ўзбек жамиятини модернизациялаш анъаналари шаклланиши тарихи ўрта асрларга бориб тақалади. Професор А. Қодиров жамиятни янгилаш, диний ғояларни ҳаётий яратувчилик ғоялари билан уйғунлаштириш ҳақида фикр юритаётиб, “Баҳоуддин Нақшбандийнинг меҳнат, яратувчанлик этикасини христианликдаги протестант меҳнат этикаси (М.Лютер, А.Кальвин) билан қиёслаш мумкин. Шарқ Уйғониш даври илмлари орқали оёққа турган Ғарб цивилизацияси айнан протестант меҳнат этикаси туфайли тараққиётда Шарқдан илгарилаб кетди”¹, деб ёзади. Олим Ўрта Осиёнинг ривожланишда орқада қолиши сабабини Ғарбда денгиз йўлларининг очилиши натижасида Буюк Ипак йўлига эҳтиёжнинг камайиши, географик кашфиётларнинг кўпайиши (Х.Колумб томонидан Американинг очилиши ва б.қ.–Б.О.); фан ва техникада орқада қолишимизда ислом динининг ортодоксал, сўфизмнинг реакцион қанотлари таълимотларининг салбий таъсири кўпроқ бўлганида, деб ҳисоблайди.

Буюк ватандошимиз **Баҳоуддин Нақшбанд** (1318–1389) томонидан асосланган таълимот Марказий Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ халқларининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий онги ўсишида катта роль ўйнади. Нақшбандий илгари сурган “дил ба ёр-у, даст ба кор” –“кўнглинг доимо Аллоҳда бўлсин, кўлинг эса ишда”, деган ғоя Афғонистон орқали Ҳиндистонга ва бошқа ислом юртларига тарқалди. “Бу таълимот бошқалар меҳнати билан кун кечиришни, текинхўрликни, ижтимоий зулм-истибдодни қоралайди. Таълимот тарафдорлари аскетизмга (таркидунёчиликка), бой-зодагонларнинг зулм-истибдодига қарши бўлганлар, фақат кўл кучи, пешона тери билан ҳалол меҳнат қилиб кун ўтказишга чақирганлар. Нақшбандийлар савдо-сотик, деҳқончилик, ҳунармандчилик, бадий адабиёт, мусиқа, илм-маърифат,

¹Қодиров А. Анъанавий жамият ва уни модернизациялаштириш стратегияси. –Т.: 2006. – Б. 5.

хаттотлик, наққошлик, миниатюрачилик, курувчилик каби фойдали ҳамда хайрли юмушлар билан шуғулланишга даъват этганлар”¹. Илм-маърифат, адабиётнинг йирик намояндалари Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Хожа Ахрор, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Хушҳолхон Хаттак, Аҳмад Шох Дурроний, Маҳтумқули уни қўллаб-қувватлашди. Бизнингча, илғор ғоянинг Осиё ўлкаларида оммалашувида соддалиги, мантикийлиги ва мақсади етакчи ўрин тутган. Бизнингча, **умрбоқий бу таълимотнинг Конфуций қоидаларидек жамият ҳаётига сингиб кетмагани халқимиз маънавий ва иқтисодий ҳаётидаги улкан йўқотиш ҳисобланади.** Шу маънода, Конфуций ва Нақшбандий, Вебер ва Нақшбандий таълимотлари моҳиятини қиёсий-назарий ўрганишга оид янги тадқиқотлар яратишни ёш олимлардан кутиб қоламиз.

Ўзбекистонда жамият модернизацияси ғоясини таълим ислохотлари орқали жаҳид боболаримиз бошлаб бердилар. XIX аср охири – XX аср бошида Марказий Осиё, Қрим, Кавказ, Волга бўйи ҳудудларида шаклланган ижтимоий-маърифий ҳаракатнинг мақсади Туркистон халқларини ўрта асрчилик турмушидан қутқариш ва маънан уйғотиш эди. Жаҳидчилик моҳиятида Миллат ва Ватаннинг ҳаёт-мамоти, миллий уйғониши, миллий мустақиллик учун кураши масаласи ётарди. Жаҳидлар миллатнинг тараққий топтоғи учун, биринчи навбатда, озод ва мустақил бўлмоқни англаб етдилар.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида Францияда ва бутун Европада модернизацияни бошлаб берган “маърифатпарварлик абсолютизми” шамоллари икки асрдан кейин Туркистонга етиб келганди. Аммо чор Россияси мустамлакачилари жаҳидчиликни ҳаётга тадбиқ этишга қаттиқ қаршилиқ кўрсатишди. Шунинг билан олиш лозимки, маърифатли халқ бўлиш ғояси Европада яхши қарши олинди, Туркистонда эса таъқибга ва қатағонга учради. Халқнинг маърифатли бўлиши ёқмади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин демократик жамиятни барпо этиш билан боғлиқ муаммоларни ечиш мақсадида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Ўз навбатида, модернизациялашнинг генезиси, такомиллаштириш усуллари,

¹Қаранг.: Буюк сиймолар, алломалар. К.1. –Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси, 1995. – Б. 91-92.

концепцияси ва моделларини ишлаб чиқишга доир бир қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди.

Жамият ҳаётида бир ижтимоий-иқтисодий тараққиёт босқичидан иккинчисига ўтиш осон кечадиган жараён эмас. Бу босқичда барча соҳаларда барқарор тараққиёт учун зарур замин вужудга келтирилиши лозим. Улар эса, ўз-ўзидан юзага келмайди: аввало, мамлакат тараққиёти даражалари, халқнинг ўзига хос турмуш тарзи, менталитетидан келиб чиқиб,, ўтиш даврининг стратегик моделини ишлаб чиқиш ва реал ҳаётга татбиқ қилиш талаб этилади.

Ўтиш даврининг барча мамлакатлар учун умумий бўлган андозаси бўлмайди. Ўзбекистон биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, “Аниқ-равшан воситалар ва усуллар қайси мамлакат учун мўлжалланган бўлса, ўша мамлакатнинг ўзига хос шароитидагина ижобий натижа беради”¹. 1992 йилга келиб, ана шу ривожланиш моделимиз ишлаб чиқилди. Мустақил Ўзбекистон асосчиси, биринчи президентимиз Ислом Каримовнинг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”, “Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли”, “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида” ва бошқа асарларида ўзбек моделининг моҳияти ва вазифалари кўрсатиб берилган. Уларга таянган ҳолда, “Ўзбек модели”га қуйидагича таъриф бериш мумкин. “Ўзбек модели” деганда, ўзбек миллатининг ўзига хос менталитети, урф-одатлари, анъаналари, қадриятлари унинг демократик жараёнлари, аҳолининг миллий таркиби, Ўзбекистоннинг қулай геостратегик ҳолати, унинг мавжуд сиёсий, иқтисодий потенциали ва шаклланган ижтимоий онги каби омилларни ҳисобга олишга асосланган демократик бозор муносабатларига ўтишнинг илмий асосланган ва бир тизимни ўзида мужассамлаштирган шакли тушунилади”². Бу таъриф кўринишидан содда бўлса ҳам, энг асосийси, унда ишлаб чиқилган “Ўзбек модели”нинг ўзига хос жиҳатлари умумлаштирилган.

“Ўзбек модели”да республиканинг ўзига хос хусусиятлари, шарт-шароитлари, миллий-тарихий турмуш ва тафаккур тарзи, халқ анъаналари ва урф-одатлари ҳисобга олинган. Масалан, қадим

¹Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: Ўзбекистон, 1998. –Б. 10.

² Отамуратов С. Миллий ривожланиш фалсафаси. –Т.: Akademiya, 2005. – Б.241.

илдизи ўтмишдаги анъанавий жамоа турмуш тарзига бориб тақаладиган жамоавийлик асослари: катталарни ҳурмат қилиш, оилага, фарзандларга ғамхўрлик қилиш, турли миллат вакилларига хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш, ўзгалар кулфатига ҳамдард бўлиш туйғуси таомиллари ҳам кўрсатилган.

Жаҳон мамлакатларида тараққиётнинг турли моделлари мавжуд. Жумладан, “америка модели”да эркин бозор муносабатлари, “япон модели” ва “француз модели”да давлатнинг кучли иштироки, “немис модели” ва “швед модели”да ижтимоий йўналиш устуворлик қилади. Лотин Америкаси ва Африка мамлакатлари моделларида асосий эътибор иқтисодий тартиб-ҳисобни барқарорлаштиришга қаратилади. “Польша модели”ни танлаган Шарқий Европа давлатлари жамиятни эркинлаштириш, “фалаж терапия” (шок ҳолати) орқали бозор сари боришмоқда. Жануби-шарқий Осиёнинг Сингапур, Жанубий Корея, Тайван, Гонконг каби давлатлари импорт молларни олиш ўрнига ўзлари рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариб, ички ва ташқи эҳтиёжни таъминлашга ҳаракат қилишмоқда.

Шу ўринда бир масалани кўздан қочирмаслик керакки, бирон бир моделдан кўр-кўрона нусха кўчириш номақбул усулдир. Шуниси аниқ-равшанки, муайян воситалар ва усуллар қайси мамлакат учун мўлжалланган бўлса, улар ўша мамлакатга хос бўлган алоҳида шароитда ижобий самара беради. Лекин бегона, ёт моделлар сунъий равишда тикиштирилган жойларда иқтисодий ва сиёсий ислохотлар муқаррар равишда барбод бўлиши мумкин. Эрон ва Араб давлатларидаги сиёсий ислохотлар фикримизга ёрқин мисолдир. Демак, жаҳон тажрибасини рад этмаган ҳолда, ўзимизнинг ижтимоий-иқтисодий моделимизни танлаб олганимиз ўзини тўла оқлади. Бу – ўтган йиллар якунларини идрок этиш, янгиланган жамият иқтисодий пойдеворини барпо этиш тажрибаларини таҳлил қилиш натижасидир.

Совет тузумидан “мерос” қолган иқтисодий вазият, аҳоли кўпчилик қисмининг турмуш даражасидан келиб чиққан ҳолда, “фалаж қилиб даволаш” усули бизда қўлланса, мавжуд барча тузилмалар, нормалар, алоқалар тезда барбод бўларди. “Янги уйни қурмай туриб, эскисини бузманг – бошпанасиз қоласиз” деган шиорда халқимизнинг руҳияти тўла акс этган эди. Шуларни ҳисобга олиб, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич йўл билан ўтиш тамойили асос қилиб олинди. Бозор иқтисодиётига

инкилобий ўзгартиришлар йўли билан эмас, балки босқичма-босқич борилади. Бозорга ўтиш йўлининг ўзига хослиги шундаки, бир босқични тугаллаб, зарур шарт-шароитни яратиб, сўнг янги босқичга ўтилади.

Айни вақтда, ўзбек модели мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш ва бозор муносабатларига ўтишни изчил давом эттириш имконини бермоқда.

Ўзбек моделидаги бешта тамойил Ўзбекистон давлат қурилиши ва иқтисодиётини ислоҳ қилиш дастурининг ўзаги ҳисобланади **(13-жадвал)**.

Ўзбек моделининг асосий тамойиллари ва уларнинг муҳим жиҳатлари	Иқтисоднинг сиёсатдан устунлиги тамойилининг маъноси шуки, иқтисодиёт ҳеч бир сиёсий мафкурага хизмат қилмаслиги лозим. Чунки бозор иқтисоди шароитида иқтисодий ривожланиш мафкуравий қобиклардан холи бўлиши ва унинг ривожланиши учун андозалар хилма-хиллиги, иқтисодиёт субъектлари ўртасидаги муносабатлар тенг ҳуқуқлилиқка асосланиши устуворлик қилади.
	Давлат — бош ислохотчи тамойилининг мазмуни шундаки, Ўзбекистон мустабид тузум унсурларидан холи бўлиб, янгича ҳаёт тарзига ўтаркан, унда кучли давлатчилиқни, барқарор жамиятни барпо этишга эҳтиёж борлиги туфайли шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатлар демократик қадриятларга таянади. Шахс ва жамият давлат кўмагисиз ўзгартириш (трансформация) жараёнини самарали ўткази олмайдди. Жамият янги турмуш тарзига трансформация бўларкан, унда кечадиган ҳодисаларни ҳамда индивидларнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳуқуқ ва манфаатларини тартибга солиш, мувозанатга келтиришда давлат ҳокимияти мувофиқлаштирувчи куч сифатида намоён бўлади. Ҳолбуки, ҳокимиятнинг уч тармоғи, яъни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органлари шаклланишида халқимиз бевосита иштирок этади.
	Қонун устуворлиги тамойилига кўра, жамиятда бўладиган ҳар бир ўзгариш қонун билан тартибга солиниши лозим. Мисол учун, фуқаролик жамияти институтларининг барпо этилиши, Олий Мажлиснинг халқ вакиллик органи сифатида фаолият олиб бориши, давлат мансабдор шахсларининг ҳисобот бериши кабилар айнан қонун йўли билан тартибга солинади. Бунда ҳар бир мафкуравий қараш қонундан юқори турмайди.

	Кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тамойилининг моҳияти шундаки, бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш жараёнида кам таъминланган аҳоли давлат ва жамиятнинг моддий-маънавий кўмагига муҳтожлик сезади. Шу сабабли, кучли ижтимоий сиёсатсиз аҳоли ўртасида адолат мезонларига мос келмайдиган табақаланишнинг олдини олиб бўлмайди.
	Бозор иқтисодиётига эволюцион йўл билан ўтиш тамойили вазифаси шуки, жамият барча йўналишидаги ислохотлар босқичма-босқич олиб борилади. Ўтиш даврида иқтисодиётда давлат бошқарувидан воз кечиш, хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорлар мустақиллигини кенгайтириш, мулкчиликнинг турли кўринишларини шакллантириш узок йиллар давом этади.

Ўзбек моделининг бошқа моделлардан асосий фарқи унинг босқичма-босқичликка асослангани билан тавсифланади. Мустақил Ўзбекистон биринчи президенти Ислом Каримов жаҳон мамлакатларининг бозор муносабатига ўтишига оид тажрибасини чуқур таҳлил этиб, тартибга солинадиган бозор иқтисодиётига ўтишда уч хил ёндашувни кўрди: биринчиси, бозор муносабатларини чуқурлаштириш, аралаш иқтисодиётни шакллантириш; иккинчиси, ривожланаётган мамлакатларнинг энг оддий ва бозор патриархал-феодал муносабатлари кўринишларига эга бўлган анъанавий иқтисодиётини замонавий бозор муносабатига айлантириш; учинчиси, собиқ социалистик мамлакатларнинг яккаҳокимлик тартиби, маъмурий-буйруқбозлик бошқаруви ва марказлаштирилган раҳбарлик усулидаги режалаштиришдан воз кечиб, бозор муносабатларига ва демократик жамият қуришга ўтишдир. Аммо тартибга солинадиган бозор иқтисодиётига ўтиш моделлари (андозалари) хилма-хил. Энг аввало, улар шундай бозор иқтисодиёти вужудга келтириლაётган ва амал қилиб турган мамлакатнинг миллий хусусиятлари ва анъаналари жиҳатидан бир-биридан фарқланади. Масалан, Германия, Туркия, Польша, Франция моделлари мақсади ва вазифалари турлича. Бозор иқтисодиёти ва ислохотларнинг негизини ташкил қилувчи моделларнинг хилма-хиллиги эркин бозор рақобатчилиги иқтисодиётнинг давлат томонидан тартибга солиниши билан қай даражада қўшиб олиб борилиши, уларнинг

ижтимоий йўналиши, ҳал қилинаётган катта иқтисодий муаммоларининг устуворлиги билан боғлиқ ҳолда кечади.

Бозор муносабатлари – ўзини ўзи бошқарадиган тизим. Бозор иқтисодиётини барпо этишдан, демократик, иқтисодий, сиёсий ислохотлардан кўзланган пировард мақсад, инсоннинг меҳнат, ижодий ва маънавий имкониятларини рўёбга чиқаришни таъминлайдиган муносиб турмуш шароитини яратишдир.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда жамиятнинг устувор соҳаларида қуйидаги соҳаларда модернизациялаш жараёнлари амалга оширилди:

сиёсий соҳада – эски давлат ҳокимияти ва бошқарув тизими тугатилди, янги жамиятнинг сиёсий-ҳуқуқий асослари яратилди, давлат ҳокимияти ва бошқарув тизими шакллантирилди;

иқтисодий соҳада – давлат мулкига асосланган эски иқтисодий тизим барҳам топди, хусусий мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи берилди, бозор муносабатларига ўтишнинг ҳуқуқий асослари яратилди;

маънавий-мафкуравий соҳада – инсон онги ва қалбига мажбуран киритилган ягона мафкура – дунёқарашдан қутулиб, янги демократик жамиятнинг элементлари вужудга келтирилди.

1991 йилда мустақилликка эришилгач, жамият ва давлат ҳаётининг конституциявий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш йўлидан борилиб, Конституция қабул қилинди, унинг асосида миллий қонунчилик тизими шаклланди. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Асосий Қонуниimiz тараққиётимизнинг демократик йўналиши учун ҳуқуқий кафолат вазифасини бажармоқда. “1992 йил Конституцияси шунчаки Каримовнинг кучли Президентлик ҳокимиятини устун қўйишини қонунлаштирмади ва унинг бошқарув моделини акс эттирмади,—деб ёзади ғарблик олимлар.— Чет эл жамоатчилиги Конституция яратувчиларининг фикризикрини бир зум бўлса-да, тарк этмаган. Ўзбекистон Президенти вакиллик демократиясининг ўзбекона моделини тарқатиш йўли билан Қўшма Штатлар ва БМТ кўзи олдида ўз қонуний ҳокимиятини кучайтиришга мухтож эди”¹. Мазкур фикрларнинг ўзи Ислom Каримовнинг сиёсатда анча узоқни кўра билганлигидан далолат беради.

¹Левитин Л., Карлайл Д. Ислom Каримов – янги Ўзбекистон президенти. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 90.

Конституция ва қонунларда давлат ва жамият қурилишини демократлаштиришнинг ҳуқуқий асослари акс этди. Давлат органларини шакллантириш ва фаолият юритиши соҳасига ҳокимиятлар тақсимланиши принципи жорий этилди: ҳокимият тузилмаларининг ваколатлари самарали конституциявий механизм асосида мутаносиб ҳолга келтирилиб, уларнинг фаолияти инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга йўналтирилди. Жамиятни модернизациялаш соҳасидаги изчил ислоҳотлар натижасида рационал давлат бошқаруви тизими шаклланди, ҳокимият тузилмалари ўртасида ваколатларнинг мутаносиб тақсимланишига эришилди.

Жамиятни модернизациялаш йўналишида энг муҳим масала – миллий ғоя асосий тушунча ва тамойилларининг ишлаб чиқилгани бўлди. “Миллий ғоямиз шу юртда яшаётган барча одамларнинг олижаноб ниятларини, ҳаётий манфаатларини мужассам этадиган юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги деган юксак тушунчаларни ўз ичига олади”¹, деган эди биринчи президентимиз Ислом Каримов.

Миллий ғоя – миллат тафаккурининг маҳсули бўлса, миллий мафкура – моҳиятан миллий ғояга етиш йўли. “Мафкура бўлмаса, одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар. Ҳар қандай мафкура ушбу мақсадларни кўзда тутди: муайян ғояга ишонтириш; уюштириш; сафарбар этиш; маънавий-руҳий рағбатлантириш; ғоявий тарбиялаш; ғоявий иммунитетни шакллантириш; ҳаракат дастури бўлиш”². Модернизациялаш жараёнида миллий мафкура етакчи мавқени эгаллайди. Ҳақиқатан ҳам, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган юксак маънавияти, анъана ва удумлари, улуғ бобокалонларимизнинг ўлмас меросидан озиқланган мафкура фуқароларнинг мустақил дунёқараши, эркин тафаккурини шакллантириш, халқимизга хос бўлган иймон-эътиқод, инсоф-диёнат, саховат, ҳалоллик, меҳр-оқибат, шарм-хаё каби фазилатларни янада юксалтиришга беназир хизмат қилмоқда. Мураккаб глобаллашув шароитида у ёшларимизни ички ва ташқи хавф-хатар, турли таҳдидлардан асраб-авайлаш кафолати ҳам бўлмоқда, дейишга ҳақлимиз.

¹Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2011. – Б. 72.

² Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – Б. 20-21.

Модернизациялаш узоқ асрлик миллий қадриятлар ва халқ менталитетига қараб, босқичма-босқич ўтадиган табиий жараён. Шуниси қувонарлики, у Ўзбекистонда Ғарб олимлари тасвирлаган “тўғри чизиқли тараққиёт” ёки “қувиб борувчи модернизация” кўринишини олмади, Е.Т. Гайдар ҳукумати (Россия) қўллаган “шок терапияси” ҳам юз бермади, баъзи Ғарб давлатлари тажрибасидан кўчиришга ҳаракатлар ҳам бўлмади. Ислом Каримов жамиятни либераллаштириш масаласида шарқона эҳтиёткорликни қўллаб, “ўзбек модели”даги босқичма-босқичлик тамойилини ёқлаб чиқди. “Ҳақиқатан ҳам демократия – фақат назария ёки сиёсий жараёнгина бўлиб қолмай, шу билан бирга, халқнинг турмуш тарзи ва унинг бутун руҳияти, анъаналари, маданияти, психологиясининг хусусиятлари ҳамдир,—деган эди у. — Демократия ғояларини баён қилиш мумкин. Сиёсатда демократияни юқоридан “тушириш” мумкин. Лекин бу билан демократия сизу бизнинг амалий ҳаётимизга сингмайди. Демократия жамиятнинг қадриятига, ҳар бир инсоннинг бойлигига айланмоғи керак. Бу эса бир зумда бўладиган иш эмас. Халқнинг маданиятидан жой ололмаган демократия турмуш тарзининг таркибий қисми бўла олмайди. Бу тайёргарлик кўриш ва демократия тамойилларини ўзлаштиришдан иборат анча узоқ муддатли жараёндир. Баъзи давлатларда бунга эришгунча кўплаб авлодлар яшаб ўтган”¹. Ушбу фикрлар айрим Шарқ мамлакатларининг (Эрон, Тожикистон, Қирғизистон ва бошқалар) сиёсий ҳаётидаги аччиқ тажрибалар таҳлили асосида билдириб ўтилди.

Ўзбекистонда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси йўналишида салмоқли ислохотлар ўтказилди. Биринчи навбатда, бу жараёнда марказий ижро этувчи ҳокимиятнинг бошқарув тузилмалари ва маъмурий органларнинг вазифаларини ўзгартиришга, уларнинг бошқариш, тартибга солиш ва тақсимлаш борасидаги ваколатларини, ҳўжалик тузилмалари фаолиятига бевосита аралашувини кескин қисқартиришга кўпроқ эътибор берилди. Масалан, жамият ва давлат қурилиши соҳасида парламент

¹Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. —Т.: Ўзбекистон, 1997. — Б. 185.

тизимини ривожлантириш, кучли ижро ҳокимияти, мустақил судни шакллантириш, кўппартиявийликни вужудга келтириш, мустақил фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларини такомиллаштириш ҳамда улар фаолиятининг кафолатларини кучайтириш борасида туб демократик ўзгаришлар кечди.

Аммо ҳозирги глобаллашув даврида давлат бошқарувини замонавий жамият эҳтиёжларига мос равишда модернизациялаш ўта долзарб масалага айланган. Энг муҳим сиёсий ҳужжат: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонида замонавий давлатчилик асосларини такомиллаштириш ва модернизацияни янада жадаллаштириш вазифалари аниқ белгилаб қўйилди.

Маълумки, давлат бошқаруви тизими унинг сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий ва маъмурий маданиятининг узвий қисми. Бошқарув маданияти бир қатор тарихий, миллий, географик, маънавий ва бошқа омиллар таъсирида шаклланади. У давлат бошқаруви тузилмаларига нисбатан бирмунча барқарор ва турғун бўлиб, юртимизда сиёсий (давлат) бошқарув маданиятини тарихан қисқа вақт ичида ўзгартириш Ўзбекистонда мураккаб кечмоқда. Масалан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини қонунчилик ислоҳоти воситасида тарихан қисқа муддатда ўзгартириш (янгилаш) мумкин, аммо бошқарувга боғлиқ мафкурани, менталитетни, сиёсий онг, маданиятни, фуқароларнинг тафаккурини дарҳол ўзгартиришнинг имкони бўлмайди. Бу борада сиёсий модернизациялаш жараёнида давлатнинг бош ислоҳотчилик ролини таъкидлаб ўтишимиз зарур бўлади. Давлат – жамиятни ислоҳ этиш, янгिलाш йўналтирувчиси, ислоҳот ташаббускори, ижтимоий ҳаётдаги янги ғояларнинг амалга оширувчиси! Тадқиқотда биз буни қисқагина: “давлат модерни-зацияси”, деб атаганмиз. Ушбу тажриба Сингапур давлатида синовдан муваффақиятли ўтганини йирик ислоҳотчи Ли Куан Ю амалда асослаб беради. Ғарб ва Шарқ ривожланиш моделлари моҳиятини яхши ўрганган тайванлик амалиётчи Давид Чен қуйидаги мантиқли хулосани чиқаради: “Демократия, шубҳасиз, болалар кийим ва пойабзал билан таъминланган, уй-жой ва таълим олиш имконияти бўлганида, жамияти жаҳри савдоси учун очиқ бўлган ҳамда одамлар бутун дунё бўйлаб юра оладиган, улар тирикчилик учун пул ишлаб топиш имконига эга бўлган вақтдагина келади.

Капитализмга ўтиш учун кучли раҳбарлик керак! Модернизациянинг биринчи босқичида демократия ортиқча ҳашамдир”¹. Иккинчи жаҳон урушидан кейин ўзига хос иқтисодий йўлни танлаган Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари катта “сакраш”га эришди.

Таҳлилларимизни хорижий эксперт Леонид Левитин ушбу фикрлари билан тасдиқлайди: “Аравани отнинг олдида қўйиш, яъни биринчи ўринга сиёсий ислохотларни, кейин эса иқтисодий ислохотларни қўйиш кулфатларга олиб борадиган йўлдир,—дейди у.— Буни урушлар, инқилоблар ва касалликлар ичида қолган бошқа кўпгина ривожланаётган мамлакатлар мисолида кўриш мумкин. Ўз халқини боқишга қодир бўлмаган мамлакат ҳокимият ваколатларини тақсимлашдек нозик масалалар билан шуғуллана олмайди”².

Шарқ давлатлари жамият иқтисодий оёққа тургандан кейин модернизацияга қўл уришади. Ҳар бир мамлакат нафақат ўзининг тузилиши, иқтисодий тараққиёт даражалари, имкониятлари, интеллектуал имкониятлари, балки ўз халқининг менталитети, турмуш тарзи, урф-одат ва қадриятлари билан ҳам фарқ қилади. Ўтиш даврида давлатнинг муҳим вазифаси жамиятда тўпланиб қолган ижтимоий зиддиятларнинг кескинлигини камайтиришдир. Ўзбекистонда давлат ва жамият ўртасида ижтимоий консенсус ўрнатилгани сабабли, тинчлик ва барқарорлик ҳукм сурмоқда. Сиёсий фанлар доктори Ш.Пахрутдинов таъкидлаганидек, Ўзбекистонда “демократия ва сиёсий тартибот ўртасидаги табиий уйғунлик мавжудлиги” муваффақиятларимиз омилига айланмоқда³.

Кейинги йилларда “Ўзбек модели” ҳақида турли фикрлар, ҳатто мухолифларимиз томонидан унинг самара бермаслигини асослашга уринишлар бўлмоқда. Жумладан, “модел”даги “давлатнинг бош ислохотчи”лиги демократияга зид, у эркинликни бўғади, демократия бўлмаган жойда иқтисодий ислохотларни олиб бориш мумкин эмас”, деган фикрлар ўртага ташланмоқда. Бир ёқлама айтилган фикрларга унчалик қўшилмаймиз. Мисол учун Жануби-шарқий Осиёда барча ислохотлар бошида давлат туради.

¹ Vital Speeches of the Day, July 15, 1993. —Р. 603-608.

² Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. — Т.: Ўзбекистон, 2001. —Б. 201-202.

³ Пахрутдинов Ш. Таҳдид — ҳалокатли куч. — Т.: Академия, 2001. —Б. 155.

Улар ялпи ички маҳсулот ўсиши, техника ва технология ривож, аҳолининг турмуш тарзи бўйича дунё аҳлига ўрнатилган бўлишмоқда.

Ғарб модернизациясидан фарқли равишда, маънавий кадрият, урф-одат ва анъаналарга суянган иқтисодий тараққиёт йўли аҳолининг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётига сезиларли таъсир кўрсатади. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҳар бир давлатнинг ривожланишида шахс ва ҳукуматнинг “бегона”лигини бартараф этиш, ҳукуматнинг демократлашганлиги ва очиқлиги асосида давлатни жамиятнинг ижтимоий жавобгар воситасига айлантириш, барча аҳоли қатламлари эҳтиёжини қондирувчи изчил сиёсатни олиб бориш, ижтимоий адолат ўрнатиш, тарафлар ўртасида келишув (консенсус) ва ўзаро фойдали ҳамкорликка эришиш муҳим тамойиллар ҳисобланади. Ушбу хусусиятларни амалда шакллантириш учун давлат ва жамият ўртасида доимий мулоқот бўлиши лозим. Демократик бошқарувда очиқлик жараёнисиз самарага эришиб бўлмайди.

Давлат ва жамиятнинг ўзаро алоқасини мустаҳкамлаш, халқнинг интилиши ва эҳтиёжини таъминлаш учун ахборот коммуникация технологиялари (АКТ) тизимини ривожлантириш зарур. Бизнингча, жамият билан давлат муносабатида бу истиқболли соҳа етакчи роль ўйнаши амалда исботини топмоқда. Бугунги кунда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари турли алоқа ва ахборот хизматлари, оммавий ахборот воситалари (телевидение, радио, интернет, газета, журнал ва бошқалар) орқали ўз фаолияти ҳақидаги ҳаққоний маълумотларни тарқатмоқда. Давлат бошқарув органлари ва маҳаллий ҳокимиятларнинг жамият билан ўзаро муносабатларида «икки томонлама симметрик» хизмат моделидан фойдаланиш жамият учун ўзаро мақбул қарорларни қабул қилишга ёрдам бермоқда.

Давлат хизматининг жамият билан ўзаро мулоқоти қуйидаги қоидаларга асосланади: жамиятни давлат сиёсати ҳақида хабардор қилиб борилиши, маълумотларни ҳар бир фуқарога етиб бориши; жамият билан муносабатлар жараёнидаги тадбирларнинг ранг-баранг бўлиши; маълумотларни тўғри ва тўлиқ етказилиши; жамият учун йўналтирилган маълумот содда ва тушунарли шаклда бўлиши; мулоқот юқори этика даражасида ташкил этилиши. Тан олиш керакки, аҳолининг электрон ҳукумат тизими ёрдамида маҳаллий бошқарув фаолиятида иштирок этиши ҳукуматни бир гуруҳ кишилар қўлида бўлиб қолиш ва

коррупциялашиш имкониятини йўққа чиқаради ва бошқарув ходимларини юкланган вазифаларни масъулият билан бажаришга ундайди. Фуқаролар ўз гоё, фикрларини бошқа фуқароларга зарар етказмаган, миллий хавфсизликка ёки жамоат тартибига хавф туғдирмаган ҳолда, оммавий тарзда ифода қилиш ҳуқуқларига эга бўлади. Эндиликда ахборот асрида ижтимоий бошқариш жараёнларида ахборотнинг аҳамияти янада ошади. Бу эса давлат органларидан очиқлик, жамоатчилик билан узвий мулоқотда бўлишни талаб этади. Масаланинг бу тарзда қўйилиши ахборотлашган жамиятни қуриш жараёнида ўта долзарблик касб этиб, «Электрон ҳукумат» тизимининг шаклланиши муҳимлигидан далолат беради.

“Электрон ҳукумат” деганда давлат ҳукумати органлари олдида турган вазифаларни ечиш усуллари ўзгартириш учун яратилаётган ахборот тузилмаси тушунилади. Агар аввал давлат секторлари ахборот технологияларини алоҳида департамент ва ташкилотларда ички фойдаланиш учун қўллаган бўлса, эндиликда ахборот технологиялари катта қимматга эга бўлиб, «тезкор, яхши, арзон, мурожаат этиш мумкин бўлган» тамойилларига асосланган ҳолда фаолият юритмоқда.

Давлат ва жамият тизимида модернизациялаш электрон ҳукуматга кўп томонлама боғлиқ жараён бўлиб, давлат органлари фаолиятида аҳоли учун АКТни жорий этиш орқали давлат бошқарувининг янги имкониятлари яратилади. Электрон ҳукуматнинг икки муҳим вазифасидан биринчиси, ҳукумат ва жамият ўртасидаги муносабатлар; иккинчиси, турли даражадаги давлат ташкилотлари (марказий, ҳудудий, маҳаллий) ва турли соҳалардаги (қонунчилик, ижро, суд ҳокимияти) идоралар ўртасидаги ички муносабатларни мустаҳкамлайди.

Электрон ҳукумат шаклланган давлат хизматлари турлари ҳақидаги маълумот ва хизматларни аҳолига, банк, бизнес ва давлат органлари шаҳобчаларига, идора ва ташкилот раҳбарларига етказди, ахборот технологияларидан юқори даражада фойдаланиб, буюртмачи ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар масофасини мумкин қадар қисқартиради.

Давлат бошқарувида электрон ҳужжат айланиши тизими бўлган Электрон ҳукумат мамлакат миқёсида барча бошқарув жараёнларини автоматлаштиришга асосланади. У давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш мақсадида жамият аъзолари

учун ижтимоий коммуникация тармоқларини ташкил этади, жамият бошқарувининг умумдават тармоқланган ҳужжатларни бошқариш ва қайта ишлаш жараёнларига боғлиқ бир қатор масалалар мажмуасини шакллантиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонининг давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган биринчи йўналишида демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатимизни модернизация қилишда «Электрон ҳукумат» тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш вазифаси ҳам кўрсатиб ўтилган. 2017-2021 йилларда электрон ҳукумат тизими янада долзарблик касб этмоқда. Тизимни йўлга қўйишдан мақсад: аҳоли ва тижоратга ҳукумат томонидан кўрсатилаётган хизматларни оптималлаштириш; барча сайловчиларнинг давлатни бошқариш ва раҳбарлик жараёнидаги иштироки даражасини ошириш; фуқароларнинг ўз-ўзига хизмат кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш; фуқароларнинг технологик таъминланганлигини кўтариш; давлат бошқарувида сарф харажатларни камайтириш, сиёсий тизимнинг самарадорлигини ошириш ва рақобатбардошликни таъминлашдан иборат. Ушбу масалаларнинг ечилиши эса давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари самарадорлигини ошириб, уларга боғлиқ сарф-харажатларни камайтирибгина қолмасдан, жамият билан ҳукумат ўртасидаги ўзаро муносабатларни тубдан яхшилайдди. Бу, ўз навбатида, жамиятни модернизациялашуви ва давлатнинг халқ олдидаги масъулиятини юқори поғонага кўтариш демакдир. Таҳлиллар шундан далолат бермоқдаки, **электрон ҳукумат тизими шаклланиши натижасида** давлат ва жамият муносабатларини мувофиқлаштириш, ўзаро электрон мулоқот ва келишувлар туфайли сиёсий қарама-қаршиликларни барҳам топтириш, ҳукуматга бўлган халқ норозилигини камайтириш имконияти вужудга келади.

Ўзбекистонда давлат ва жамият органлари фаолиятида электрон ҳукуматнинг жорий этилиши жараёни уч босқични ўз ичига олади:

Биринчи босқичда АКТ воситаси давлат органлари ахборотларига ташкилот, корхона ва фуқароларнинг мурожаатини

кўришни тезлаштиради ва аниқ манзилини белгилайди. Уни амалга ошириш учун давлат органлари ўз веб-сайтларини яратади, уларга қонунчилик ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларнинг керакли шакллари, статистик ва иқтисодий маълумотлар киритиб борилади. Бу босқичнинг асосий элементи маълумотларнинг тез янгиланиши ҳамда барча давлат ахборот ресурсларини жамлаб, “Ягона дарча” орқали мурожаатни таъминловчи давлат веб-порталининг мавжудлиги.

Иккинчи босқичда давлат хизматлари (кўчмас мулк ва ер майдонларини рўйхатга олиш, солиқ декларацияларини тўлдириш, рухсатнома олиш учун аризалар бериш ва бошқалар) онлайн режимида тақдим этилади. Мазкур босқичга ўтиш бюрократик тўсиқларга барҳам беради, мураккаб жараёнлар соддалашади, ташкилот раҳбарлари билан бевосита мулоқотлар пайдо бўлади. Бу босқичда ҳукумат органларига электрон шаклда (e-services) “Ягона ойна” орқали ҳафтанинг 7 кун ва куннинг 24 соати мобайнида хизмат кўрсатилади.

Учинчи босқичда давлат бошқарувининг барча босқичларида, давлат сиёсатини ишлаб чиқишнинг жамики жараёнларида оддий фуқаролар ва фирмалар раҳбарларининг сиёсатчилар ва раҳбарлар билан интерактив муносабатлари таъминланади. Бу ишлар асосан веб-форумлар орқали амалга оширилиб, қонунчилик далолатномалари ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари, таклиф ва тавсиялар жамланиб, қизгин муҳокама этилади.

Олимлар ва соҳа мутахассислари¹ электрон ҳукуматни икки маънода талқин қилишади: биринчиси, янги ахборот технологиялари асосида давлат бошқарув фаолиятини такомиллаштириш ва аҳолига самарали хизмат кўрсатишни таъминлаш; иккинчиси, идоралар, ташкилотлараро муносабатлар усулини модернизациялаш (замонавийлаштириш), давлат бошқарувининг жамият билан ўзаро муносабатларини тўлиқ йўлга қўйиш. Шу тариқа, давлат ва ҳукумат электрон воситалар ёрдамида аҳолига, бизнес-ташкилотларига самарали хизмат кўрсатади,

¹Зайнидинов Х., Якубов М., Қорабоев Ж. Электрон ҳукумат. Тўлдирилган 2- нашри.—Т.: Академия, 2014. — Б. 173-178.

вазирлик ва идоралар ўртасидаги муносабатларни такомиллаштиради.

Бизнингча, электрон ҳукумат тизими жамият модернизациялашувини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Жумладан, аҳолига ва тадбиркорларга қулай, тезкор хизмат кўрсатиш; фуқароларнинг ўз-ўзига хизмат кўрсатиш жараёنлари изчиллигини ошириш; уларнинг технологик саводхонлик даражасини кўтариш; сайловчилар фаоллиги ва ижтимоийлашувини таъминлаш; фуқаролар географик жойлашуви таъсирини камайтириш; ҳудудлар аҳолиси сиёсий маданиятидаги фарқларни камайтириш каби қўшимча имкониятларни яратиб бермоқда.

Ўзбекистонда жорий қилина бошланган Электрон ҳукумат тизими ҳақидаги таҳлил **14-жадвалда** берилмоқда.

Модернизациялаш жараёнида электрон ҳукумат тизимининг хизмати қуйидагича бўлди:	Маъмурий бошқарув сарф-харажати камайди ва ижро ҳокимияти самарадорлиги кўзга ташланди;
	Жамият ва ҳукумат ўртасидаги ўзаро муносабатлар моҳияти ва шакли ижобий томонга ўзгарди;
	Демократияни такомиллаштиришга имкониятлар яратилди ва халқ олдида давлатнинг масъулияти, жавобгарлиги ошди.

Бизнинг назаримизда электрон ҳукумат тизимида қуйидаги муаммолар ҳанузга қадар ўз ечимини топмаган: ҳукумат ахборот тизимлари ўзаро мувофиқлигини, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг компьютер тармоғига кенг доирада кира олишини таъминлаш; давлат ахборот тизимлари интеграциясига эришиш; маълумотларга мурожаатларнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини яратиш; ахборот-маълумот тизимини ривожлантириш ва давлат хизматларини тақдим этиш жараёнида электрон коммуникацияни жорий этиш; олинган натижалар асосида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш.

4.2. Модернизациялаш ва миллий ўзликни англашда фуқаролик жамияти институтларининг тутган ўрни

Жамиятни модернизациялашда миллий ўзликни англаш мезони муҳим аҳамиятга эга. Фуқароларнинг жамиятдаги бошқарув

жараёнларида иштирок этиш даражаси, кўп жиҳатдан уларнинг амалга оширилаётган сиёсий жараёнлар, давлат стратегияси мақсадлари ва унинг асосий йўналишларини қандай даражада аниқ тасаввур этишларига бевосита боғлиқ бўлади. Шунда уларнинг фаолияти давлат ва умуммиллат манфаатлари билан уйғун ҳолда намоён бўлади, ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқ ва эркинликларини мамлакат озодлиги, унинг истиқболи билан боғлаган ҳолда уйғун кўради. Фуқаронинг бурчи билан эркинлиги ўзаро уйғунлашади. Улар ўз хоҳишлари асосида бировнинг таъзйиқида эмас, балки онгли равишда демократик жараёнларда иштирок этади.

Демократик институтлар фаолият кўрсатаётган ҳозирги шароитда фуқароларнинг жамиятни бошқаришда иштирок этиши турли йўналишларда: а) меҳнат жамоаларида (мулкчилик шаклидан қатъи назар); б) ноишлаб чиқариш соҳаларида; в) таълим-тарбия масканларида; г) маҳаллаларда; д) маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идораларига сайланиш ва унинг кенгашлари; е) турли ижтимоий гуруҳлар, сиёсий партиялар ёки ҳаракатларда; ё) жамиятда мавжуд бошқа турли хил носиёсий институтлари фаолиятида намоён бўлади. Шу тариқа, фуқаролар умумдавлат, вилоят, туман ёки қишлоқ даражасида жамиятнинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида турли инсонлар, ижтимоий-сиёсий гуруҳлар фаолияти билан боғланиб, бошқаришда у ёки бу даражада иштирок этадилар. Бунда улар ўз шахсий ҳуқуқларини бошқа шахслар ҳуқуқ ва эркинликлари билан уйғун ҳолда кўриш имкониятига эга бўладилар, уни англаб этадилар. Шахслар жамиятни бошқаришда иштирок этар экан, ўз ҳуқуқларини бошқа шахслар ҳуқуқларига зид ҳолда эмас, аксинча консенсус ҳолатида бўлиш муҳим эканлигини бу жамиятни бошқаришнинг демократик тамойиллар билан мос тушишини тўла ҳисобга олишга қаратилган сиёсий маданиятга эга бўлиб боради. Бу умумдемократик ривожланиш қонунлари билан мос тушади. Фуқароларнинг демократик жараёнларда иштироки қотиб қолган, ўзгармайдиган бир ҳолат эмас. У доимо ривожланишга мойил ва барча фуқаролар орасида ўзаро ҳамкорлик, келишув ва ўзаро ихтилофли ҳолатлар содир бўлганда сабр-қаноатли бўлишни, маърифийликни талаб этади.

Жамиятни бошқаришда фуқароларнинг иштироки улардан юқори даражада фуқаролик маданияти бўлишини тақозо этади. Фуқаролик маданияти қанча юқори бўлса, жамиятда демократик жараёнлар шунча ривож топиб боради. Шунинг учун ҳуқуқий

демократик жамиятни куришни мақсад қилиб қўйган Ўзбекистон фуқароларнинг сиёсий онг ва маданиятини оширишни демократик жамият курилишининг муҳим омили сифатида қарайди.

Мамлакатда амалга оширилган ислохотлар натижасида фуқароларнинг давлат ҳокимиятида иштироки жараён сифатида янгича мазмун билан бойиб бормоқда. Бу жамиятда вужудга келган хилма-хил демократик институтлар фаоллиги билан бевосита боғлиқ. Шу нуқтаи назардан ёндашганда, бугунга келиб, жамият ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий ҳаётида давлат ҳокимиятидан фуқаролик институтларининг вазифалари кенгайиб бораётганлигини кузатамиз. Агар 1991 йилда республикада 95 та ННТ қайд этилган бўлса, 2000 йилга келиб уларнинг сони 2585 тага етди. Бугунги кунда уларнинг сони 9 мингдан ошди.

Демократик тамойилларга амал қилиб, фуқаролик жамиятини куришни мақсад қилган жамиятда фуқароларнинг давлат ва жамиятни бошқаришда кенг жалб этиш, фаол иштирокини таъминлаш асосий сиёсий мақсад ҳисобланади. Бу, демократик институтларнинг ривожини характерловчи муҳим мезон. Шу маънода, “Демократия, – деб ёзади биринчи Президентимиз Ислам Каримов, – инсон, жамият, давлат деган уч субъект ўзаро бир-бирини тўлдирадиган, бир-бирини бойитиб, керак бўлса, назорат қилиб турадиган тизим демакдир. Бу ҳар қайси инсоннинг жамият билан, жамиятнинг эса давлат билан муносабатини, улар ўртасидаги мувозанатни англатади”¹.

Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб Ўзбекистонда халқни давлат ҳокимиятини бошқаришда иштирок этишини таъминлашнинг сиёсий-ҳуқуқий асослари яратилди. Ўзбекистонда янги демократик жамият асосларига ўтиш, тоталитаризмдан мерос бўлиб қолган давлат ва фуқаро муносабатларига барҳам бериш сиёсатнинг устувор йўналишига айланди. Қисқа вақт ичида “фуқаро – жамият – давлат” тизими қонуний асосга қўйилди. Бу – сиёсий жиҳатдан кенг ва атрофлича таҳлилга эга бўлган жараён. Чунки, унинг моҳияти жамиятда демократик жараёнларни амалга оширишни назарда тутди, энг муҳими, фуқаро манфаати билан давлат ҳокимиятини бошқариш ўзаро мувофиқлаштирилади. Бу жамиятда, инсоннинг барча ҳуқуқлари: давлат ишларида қатнашиш; эътикод эркинлиги;

¹Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш—энг олий саодатдир. —Т.: Ўзбекистон. 2015. —Б. 17.

йиғилишлар; уюшмалар эркинлигини амалда таъминлаш сиёсий воқеликка айланади. “Фуқаро” ва “давлат” муносабатларидаги мавжуд бегоналашиш жараёнларига барҳам берилиб, уларни давлат ҳокимиятини бошқаришга бўлган масъуллиги ҳамда давлатнинг фуқаролар олдидаги жавобгарлиги вужудга келади.

Фуқаролик жамияти институтлари жамият ҳаётида демократик тамойилларни қарор топишга хизмат қиладиган ташкилотлар ва тузилмалар мажмуаси бўлиб, анъанавий ижтимоий-сиёсий институтлар (давлат, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, ОАВ) ва демократик жамият шароитида фаолият юритувчи махсус институтларга, масалан, инсон ҳуқуқларига амал қилинишини таъминловчи турли нодавлат тузилмаларга ажратилади¹. Бу сиёсий институтлар мамлакатда фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Кучли фуқаролик жамиятининг ўзига хос жиҳатлари шундан иборатки, демократик тамойиллар ривожда фуқаролик институтлари фаолиятига кенг ўрин берилади, улар жамиятда жамоатчилик назоратини амалга оширади, давлатнинг эътиборидан четда қолган муаммоларни белгилаш ва бартараф этишда давлат институтлари билан ҳамкорлик қиладди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган 200 дан ортиқ қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинган. Булар жумласига “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида” (1991), “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” (1991), “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида” (1992), “Сиёсий партиялар тўғрисида” (1996), “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида” (1997), “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида” (1999), “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида” (1999), “Жамоат фондлари тўғрисида” (2003), “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида” (2004), “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида” (2007), “Жамоатчилик назорати тўғрисида” (2014), “Ижтимоий шерикчилик тўғрисида” (2014) Ўзбекистон Республикаси қонунларини келтириб ўтиш мумкин.

¹Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010. –Б. 19.

Модернизация жараёнида **ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳалла)**нинг ўрни бекиёс. Биринчи президентимиз Ислон Каримов таъкидлаганидек, “...ўзини ўзи бошқариш органлари – бизнинг келажагимиз. Фуқаролик жамиятини қурмоқчи эканмиз, унинг асосларини ташкил этувчи пойдевор мана шу органлар бўлади. Биз бугун ана шу асосларни қуришни бошладик”¹. Кўпчилик мамлакатлардан фарқли ўлароқ, маҳалла институти юртимизда минг йиллар давомида синалган ва чуқур илдиз отган, аҳолини бирлаштириб турадиган ижтимоий ҳодиса сифатида ривожланиб келмоқда. Хусусан, унинг ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида халқимизнинг урф-одатлари, анъаналари ва қадриятларини сақлаб қолиш, уларни жипслаштириш кафолати сифатида майдонга чиқаётганлигини яққол кўриб турибмиз.

Маҳалла ўзбекларнинг тарихан шаклланган жамият тараққиётини юксалтириш учун ягона мақсад билан яшаб, фаолият кўрсатиш маконига айланган. У ўзбек халқининг турмуш тарзи, руҳияти, ижтимоий ҳаётининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи, миллий анъаналарини, урф-одатларини, ахлоқий-маънавий қадриятларини авлоддан-авлодга етказувчи муқаддас маскан бўлиб келган. Маҳалла инсонларнинг миллати, ёши, жинси, дини, ирқи, тили, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, уларни эзгулик йўлида жипслаштирувчи ва бирлаштирувчи муқаддас оила.

Маҳалла шарқона анъаналар, урф-одатлар ва маросимларни жамоада амалга ошириб, авлоддан-авлодга етказадиган макон. Маҳалла фаоллари анъанавий, оилавий тўйлар, байрамлар, мотам маросимларини ўтказиш билан боғлиқ ташкилий ишларни амалга оширишда бош-қош бўлишади. Чунки маҳалланинг барча аъзоси ягона, тенг ҳуқуқли ва мустақкам битта оиладир. Маҳаллада келажак авлодимиз тарбия топади. Бу ерда ўсаётган ҳар бир йигит-қизнинг ахлоқ-одоби учун бутун маҳалла аҳли масъул. Шунинг учун ҳам “Бир болага етти қўшни ота-она”, “Бир бола тарбияси учун етти маҳалла ота-она” каби нақллар бежиз пайдо бўлмаган. Ёшларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати барчанинг диққат-марказида бўлади. Маҳалладошларнинг ҳар бир ёш тақдирига жавобгарлиги,

¹Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулдирмиз. –Т. 9. Т.: Ўзбекистон. –Б. 317-318.

уларни назорат қилиши – баркамол инсонни тарбиялаб етиштиришнинг негизидир.

Тарихдан маълумки, маҳалла тузилмаси ва функцияси вазиятга қараб ўзгариб турган, аммо у ўзини ўзи бошқариш тамойилини сақлаган, ўз ҳудудида истиқомат қилувчи кишилар ўртасида ижтимоий-иқтисодий муносабатларни мувофиқлаштириб турган. Мустақиллик йилларида маҳаллалар жамиятнинг моддий-маънавий асосларини яратиш таянчига айланиб, ижтимоий-иқтисодий ва маданий-сиёсий масалаларни ҳал этиш, фуқаролар йиғинида демократия тамойилларини шакллантириш ҳамда инсон омилини кадрлаш макони сифатида тикланмоқда.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролик жамиятидаги роли уларнинг муайян ҳудуддаги аҳолини бирлаштириши, уни ягона жамоага айланиши ва фаолият кўрсатишига хизмат қилиши билан характерланади. Бугунги кундаги замонавий тадқиқотларда муниципал тузилманинг аҳолиси – “ҳудудий оммавий жамоа”, “ҳудудий жамоа”, “маҳаллий ҳамжамят” тушунчалари ишлатилади. В.Е. Чиркиннинг таърифича, ҳудудий оммавий жамоа – аҳолини ҳудудий мансублик белгиси бўйича ташкил этишнинг махсус шакли, одамларнинг фуқаролиги ва ёшидан қатъи назар, махсус уюшмасидир. Ҳудудий оммавий жамоа сифатида у давлатни ташкил этган жамиятлар, уларнинг ичида тузилиши мумкин бўлган ва ташкил этилаётган бошқа ҳудудий оммавий жамоалар: федерация субъектлари, сиёсий автономиялар, муниципал тузилмаларнинг аҳолиси (халқи)ни ажратади¹.

Ҳудудий жамоа аъзоларининг ўзаро алоқалари мураккаб коммуникациялар тизимидан иборат. Николас Луманнинг фикрича, коммуникация бутунлай онгга боғлиқ бўлиб, яъни коммуникациянинг ўзи эмас, балки онгнинг ахборотни қабул қилиш функциясини бажаради². Ушбу ҳолат ўзини ўзи бошқаришда алоҳида инсоннинг иштироки, унинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратишни тақозо қилади. Ўзбекистон Республикасида “Жамиятда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш Миллий

¹Чиркин В.Е. Публичная власть. – М.: Юристъ, 2005. –С. 28.

²Луман Н. Общество как социальная система. Пер. с нем. А.Антоновский. М.: Логос, 2004. –С. 110.

дастури”нинг қабул қилингани мазкур масалани ҳал қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини белгилаб берди.

Фуқароларнинг уюшганлик даражаси, ўзаро алоқаларининг яқинлиги, ҳудудий жамоаларнинг турли кўламда ташкил этилишига қараб фарқланиши табиий ҳолдир. Айнан ушбу ҳолат турли кўламдаги ҳудудий жамоаларнинг фаоллигига салбий таъсир кўрсатади. Энг қуйи қишлоқ, шаҳарча, маҳалла жамоалари аъзолари алоқаларининг яқинлиги, уларнинг бошқарувдаги бевосита иштироки туфайли, ҳудудий ҳамжамиятларни шакллантиради. Айнан шундай ҳамжамиятлар манфаат гуруҳларини ташкил этиб, ҳудудий ўзини ўзи бошқарувчи субъект ҳисобланади. Бундан ҳар бир ҳудудий жамоа, унинг кўлаmidан қатъи назар, ривожланган коммуникациялар тизимига эга бўлиши лозим, деган хулоса келиб чиқади.

Ҳудудий жамоаларнинг фаоллиги улар томонидан шакллантирилган ижтимоий-сиёсий институтлар фаолиятига бевосита боғлиқ. Бундай институтлар, ҳоҳ ижтимоий, ҳоҳ сиёсий бўлсин, ижтимоий гуруҳларга сиёсат соҳасида ўз манфаатларини тартибли қондириш имконини беради. Улар муносабатларни барқарорлаштириб, индивидлар ва гуруҳлар юриш-туришини тартибга солиб, уларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштиради ва интеграциялашувини таъминлайди. Ижтимоий институтлар, аввало, муассасалар тизими бўлиб, уларда ижтимоий гуруҳ аъзолари томонидан тайинланган ёки сайланган муайян шахслар жамият ва индивидуал манфаатларни қондириш, шунингдек гуруҳнинг бошқа аъзолари юриш-туришини тартибга солиш мақсадида умумий бошқарув функцияларини бажариш ваколатини оладилар. Фуқаролар йиғинлари бундай институт вазифасини ўтайди.

2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра республика ҳудудида 9787 та фуқаролар йиғини фаолият кўрсатмоқда, жумладан, 189 та шаҳар фуқаролар йиғини, 1295 та қишлоқ, 157 та овул ва 8 146 та маҳалла фуқаролар йиғинларидир. Ўрта ҳисобда ҳар бир фуқаролар йиғини 3 мингга яқин кишини қамраб олади. Бугунги кунда фуқаролар йиғини раиси лавозимида 1255 нафар аёл фаолият юритиб, умумий раислар сонининг 12,8% ни ташкил этади. Аксарият фуқаролар йиғини раислари (54,6 %) олий маълумотга эга бўлиб, ҳудудлар миқёсида энг юқори кўрсаткич Қашқадарё вилоятида – 72,3%, Қорақалпоғистон Республикасида – 77,1%, Тошкент шаҳрида – 77% ни ташкил этади.

Ҳозирги кунда ҳар бир фуқаролар йиғинидаги штат лавозимида фуқаролар йиғини раиси, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, маъсул котиб ва “Маҳалла посбони” жамоат тузилмаси раҳбари – жами 40 мингга яқин киши фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида жамоатчилик асосида фуқаролар йиғинининг обрўли ва ҳурматга сазовор аъзолари ўртасидан сайланган маслаҳатчилар фаолият юритади, улар фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича сайланган комиссияларга раҳбарлик қилади. Уларнинг сони 100 минг кишига яқин.

Республика “Маҳалла” хайрия жамоат фонди 1992 йилда ташкил этилган бўлиб, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларини мустаҳкамлашда, уларнинг қонунчиликда белгиланган ҳуқуқ ва ваколатларини самарали татбиқ этишда, жамоатчилик назоратини амалга оширишда етакчи жамоат ташкилотидир. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари фаолияти мамлакат аҳолиси томонидан кенг миқёсда қўллаб-қувватланишга ва Ҳукуматнинг юксак эътирофига сазовор бўлмоқда. 2010-2013 йиллар давомида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг 150 нафарга яқин ходими турли давлат мукофотларига сазовор бўлди. 2014 йилда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари 27 нафар ходими давлат мукофотлари билан тақдирланди. 2014 йил 21 декабрда бўлиб ўтган сайловларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг 692 нафар ходимлари халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига, 29 нафари вилоят Кенгаши депутатлигига ва 3 нафари Олий Мажлис Сенати аъзолигига сайланди.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мустақиллиги уларнинг маҳаллий ҳокимият органлари билан тенг муносабатларида акс этади. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонунининг 13-моддасига мувофиқ¹, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий

¹Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2013 й., 17-сон, 219-модда.

урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда ҳал қилиш борасидаги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган мустақил фаолиятidir. Мазкур Қонун 8-моддасининг иккинчи қисмида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди ва қонун билан берилган ўз ваколатларини тегишли ҳудуд доирасида амалга ошириши мустаҳкамлаб қўйилган. 2017 йил июнь ойида Республика маҳаллалар кенгаши тузилди. Кенгаш маҳалланинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини кучайтиришга хизмат қилади.

Миллий ўзликни англаш ва миллатнинг ривожига **сиёсий партиялар**нинг тутган ўрнини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Сиёсий партия— фуқароларнинг энг фаол, муштарак мафкура асосида боғланган, давлат ҳокимиятини қўлга киритиш, уни сақлаб қолиш ва амалга оширишга интилувчи қисми, ихтиёрий иттифоқи. Сиёсий партиялар жамоат бирлашмаси шаклида ташкил этилувчи ва фаолият юритувчи фуқаролик жамиятининг ўзига хос институти бўлиб, у муҳим ижтимоий-сиёсий ва вакиллик вазифаларини амалга оширади. Сиёсий партиянинг мақсади – ўзининг электорати манфаатларини ифодаловчи дастурий мақсадларини илгари суриш имкониятига эга бўлиш учун давлат ҳокимияти вакиллик органларида кўпчилик ўринни эгаллаш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида сиёсий партияларнинг мақоми, уларнинг фуқаролик жамияти ҳаётидаги роли ва ўрнини белгилаб берувчи қуйидаги муҳим меъёрлари кўрсатилган:

– фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқи (32-модда);

– фуқароларнинг касба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқи (34-модда).

Ўзбекистонда ҳам сиёсий партиялар депутатликка номзодларни илгари сурувчи, сайлов якунлари бўйича парламентда ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларида ўз вакилларига эга бўлувчи ҳамда уларга партиянинг доимий электорати манфаатларини ифода этиш ва дастурий устуворликларини амалга ошириш учун амалий имкониятлар яратувчи асосий институтга айланган.

Шуни таъкидлаш керакки, “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатда фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш учун ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаб, сиёсий партиялар демократик тамойиллар асосида фаолият юритишлари учун кенг имкониятларни яратди. Унинг 2-моддасида сиёсий партиялар фракцияси сиёсий партиядан кўрсатилган депутатлар томонидан партия манфаатларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида ифодалаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмаси эканлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида кўпчилик ўринни эгаллаган сиёсий партия фракцияси парламентдаги кўпчиликни ташкил этиши, ўз дастурий мақсадли вазифаларининг яқинлигидан ёки мослигидан келиб чиққан ҳолда блок тузадиган бир нечта сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар ҳам парламентдаги кўпчиликни ташкил этиши мумкинлиги каби қоидалар ўз аксини топди.

Мамлакатда сиёсий партиялар фаолиятини эркинлаштиришга доир ислохотлар натижасида уларнинг жамиятдаги ўрни юксалиб бормоқда. Сиёсий партияларнинг демократик тамойиллар асосида фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида уларнинг қонунчилик асослари янада ривожлантирилди. Икки палатали парламентни шакллантириш ислохотларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда сиёсий партиялар Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва маҳаллий вакиллик органлари депутатлари номзодларини танлаш ва кўрсатиш, сайлов кампанияларини ўтказишда асосий сиёсий институт функциясини бажаришга ўтдилар.

Ҳозирга пайтда республикада беш сиёсий партия фаолият кўрсатмоқда. Булар Ўзбекистон халқ демократик партияси (ХДП), “Адолат” социал-демократик партияси (АСДП), “Миллий тикланиш” демократик партияси (МТДП), Ўзбекистон тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Либерал-демократик партияси (ЎзЛиДеП) ва Ўзбекистон экологик партияси (ЎзЭП)дир.

Узоқ йиллик кузатишлар давомида тўпланган тажриба ва таҳлиллар сиёсий партиялар фаолиятида қуйидаги муаммо ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатиб турибди:

Биринчидан, бугунги кунда сиёсий партиялар ўз электоратига берган ваъдаларини, сайловолди дастурларини тўла ва самарали бажармоқда, деб айтолмаймиз. Улар ҳанузгача мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида, фуқаролар онгида ўзининг мустаҳкам ўрнини эгаллай олмади. Сиёсий партиялар ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятида партия фракциялари томонидан устувор мақсад ва вазифаларни амалга оширишга қаратилган аниқ таклиф ва ташаббуслар сезилмаяпти. Мисол учун ижтимоий адолат, илм-фан, таълим-тарбия соҳалари, жумладан, Фанлар академияси фаолиятини такомиллаштириш, жамиятимизда қонун ва адолат устуворлигини ёки аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш ва уни доридармон воситалари билан таъминлашни яхшилаш бўйича аниқ ташаббусларни илгари суришмади. Ёки Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини такомиллаштириш юзасидан жойларда турли-туман фикрлар, таклифлар билдирилган бўлса-да, партиялар бу масалада ўз фикри ва муносабатини баён этмади. Ҳаракатлар стратегияси талаблари асосида 2017-2019 йилларда соғлиқни сақлаш, қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш, оилаларда, маҳаллаларда соғлом муҳитни мустаҳкамлаш бўйича муҳим тадбирлар ўтказилиб, бу борада ривожланган мамлакатларникига ўхшаган янги тизим барпо этилмоқда. Шунингдек, тадбиркорлик ва хусусий мулкчиликни янада қўллаб-қувватлаш, бу соҳага янги-янги имтиёз ва преференциялар яратиб бериш бўйича улкан ишлар амалга оширилмоқда. Янги эркин иқтисодий зоналар, қишлоқларда кичик саноат ҳудудлари ташкил этилмоқда. Қишлоқ хўжалиги соҳасида биз учун янги бўлган тармоқ ва йўналишларга асос солинмоқда...

Ижро ҳокимияти тизими камчилик ва нуқсонлари ҳақида депутатлар асосли маълумотлар бериши, вазирлик ва идоралар фаолиятини такомиллаштириш бўйича масалани кўндаланг қўйиши, керак бўлса, вазир ва ҳокимларни лавозимдан бўшатишгача бўлган таклифларни киритиши керак эди. Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлигига сайловлардан кейин тўрт йилдан кўпроқ вақт ўтди. Бироқ, сиёсий партиялар томонидан сайловлар жараёнида оммавий ахборот воситалари, хусусан, телевидение орқали берилган ваъдалар бажарилдими? Сиёсий партиялар фақат

сайловлар пайтида фаоллашиб, кейин сустлашиб қолмоқда. Улар ўртасида рақобат, фикрлар, позициялар хилма-хиллиги мутлақо сезилмаяпти. Ҳолбуки, ҳар бир партиянинг дастури ва низоми бири-биридан фарқ қилади. Улар ўз позициясини қонуний асосда билдирса, ҳимоя қилса бўларди-ку? Бу борада депутат ва сенаторлар барчага намуна бўлиши, чинакам баҳс-мунозара, принципиал тортишувлар парламент минбарида бўлиши керак. Шундагина ҳар бир сиёсий партия, парламентдаги ҳар бир партия фракциясининг ҳақиқий қиёфаси ва позицияси аниқ намоён бўлади.

Ҳозирги вақтда сиёсий партияларнинг бошқарув аппаратларида ишчанлик муҳити деярли кўзга ташланмаяпти. Давлат бюджетидан ойлик олиб ишлаётган минглаб ходимлар, масалан, ЎзЛиДеПдаги 740 дан ортиқ, “Миллий тикланиш”даги қарийб 600 та, ХДПдаги салкам 450 та, “Адолат”даги 340 га яқин ходимнинг фаолиятини самарали деб бўлмайди. Айниқса, сиёсий партияларнинг жойларда, туман бўлимларида ишлаётган ходимларининг фаолияти қониқарсиз аҳволда. Улар кўп ҳолларда электорат билан тизимли мулоқот ўтказиш у ёқда турсин, ўзининг асосий вазифаси нимадан иборат эканини ҳам билмайди. Бугунги кунда амалда фаолият кўрсатаётган бешта сиёсий партияга расман жами бўлиб 1 миллион 300 мингга яқин фуқаро аъзодир. Бугун замоннинг ўзи сиёсий партияларнинг иш услубини тубдан ўзгартириш, уларнинг аҳоли, электорат билан мулоқотини тизимли йўлга қўйишни талаб этмоқда. Энди “мудраб ётган” сиёсий партиялар уйғониши лозим.

Иккинчидан, сиёсий партияларнинг дастурларини доимий такомиллаштириб бориш ишлари талаб даражасида йўлга қўйилмаган. Маълумки, ҳозирги вақтда мамлакатимизни 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси изчил амалга оширилмоқда. Бу жараёнда 600 дан ортиқ фармон ва қарорлар қабул қилинди. Ушбу муҳим ҳужжатларда сиёсий партиялар дастурларига киритилган ва улар томонидан сайлов жараёнларида кўтарилган долзарб муаммоларнинг ечими бўйича ҳам чоралар белгиланган. Лекин уларнинг ижросини таъминлашда сиёсий партиялар фаоллик кўрсатмаяпти. Шунинг учун ҳам сиёсий партиялар ўз дастурий мақсад ва вазифаларини, мафкуравий соҳадаги ишларини қайта кўриб чиқиб, уларга зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритиши, бунда жаҳон тажрибасини ўрганиши, халқаро ҳамкорликни кучайтириши лозим.

Учинчидан, сиёсий партияларнинг аҳоли билан мулоқоти, тарғибот-ташвиқот ишлари, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини ҳам етарли, деб бўлмайди. Ҳеч кимга сир эмас, бу борадаги ишлар кўпинча юзаки бўлиб, ҳаётдан анча узилиб қолган. Аҳолини, партия электоратини ташвишга солаётган долзарб муаммоларнинг амалий ечимини топишга қаратилган ҳаракатлар жуда кам.

Тўртинчидан, сиёсий партияларнинг ёшлар ўртасида олиб бораётган ишлари, партиялар қошида ташкил этилган “Ёшлар қанотлари”нинг фаолиятини қониқарли, деб бўлмайди. Ваҳоланки, бугун мамлакатимизда яшаётган 10 миллиондан ортиқ ёшлар ҳаётида қанчадан-қанча ечилмаган ижтимоий муаммолар мавжуд. Партияларнинг бу борада аниқ чора-тадбирлар режаси, стратегияси йўқ. Ҳозирги ахборот асрида бирорта сиёсий партиянинг Интернет сайтида ёшлар билан интерактив алоқа тизими йўлга қўйилмаган. Партиянинг сайтига кирган ёшлар ўзига керакли саволларга жавоб топа олмайди. Ҳолбуки, сиёсий партиялар аввало истиқболли ёш раҳбарларни тайёрлаш мактаби бўлиши, ёшларимизнинг ғоявий, мафкуравий эҳтиёжларини қондириши лозим. Агар партиялар бунга эришолмаса, бу бўшлиқни ғараз ниятли кучлар тўлдиришга ҳаракат қилади. Яна бир муҳим масала – сиёсий партиялар уюшмаган, яъни ишламайдиган, ўқимайдиган, тайин бир машғулотга эга бўлмаган ёшларга умуман эътибор қаратмаяпти. Бу борада партиялар туман ҳокимларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари янги тузилган Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйиши бугунги кун талабига айланиши керак. Айниқса, талаба ва ўқувчи ёшларда сиёсий билимларни ошириш, ватанпарварлик ҳиссини кучайтиришда вакиллик органлари имкониятларини тўлиқ ишга солиш зарур.

Бешинчидан, кадрлар билан ишлаш борасидаги муаммолар ҳам сиёсий партиялар фаолиятига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Кадрлар захирасини шакллантириш ва уларнинг малакасини ошириш, партиянинг муносиб фаолларини давлат хизматида тавсия этиш ишлари талаб даражасида ташкил этилмаган. Сиёсий партияларга кадрлар қаердан келиши, уларнинг билими, савияси, тажрибаси, жамоатчилик ўртасидаги обрўсига баҳо берилмаяпти.

Айни пайтда, шундай тизим яратиш керакки, унга кўра яхши ишлаётган, фаол, жонкуяр туман кенгаши депутатлари кейинчалик вилоят депутати, вилоят депутатлари эса Олий Мажлис аъзоси

бўлишига эришиш зарур. Сиёсий партиялар биринчи навбатда ана шундай депутатларни кадрлар захирасига киритиши мақсадга мувофиқ.

Депутатларнинг иш услубини такомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида сиёсий партиялар орқали жойларда **“Марказ – вилоят – туман” тартибида ишлайдиган янги тизимни** жорий этиш айтиш муддао бўлар эди. Бу тизим орқали юқоридан пастга тушиб, ҳам депутатларни, ҳам турли аҳоли қатламларини Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар фаолияти, қонун ижодкорлиги, қабул қилинаётган янги қонун ҳужжатлари ҳақида хабардор қилиб бориш йўлга қўйилади. Шу тариқа Олий Мажлис иш услубини вилоят кенгашларига, вилоят кенгашлари иш услубини эса туман ва шаҳар кенгашларига ўргатиш имконияти пайдо бўлади. Ҳаётга, одамлар ичига кирмасдан, улар билан мулоқот қилмасдан, фақат юқоридан туриб топшириқ беришдек номақбул усуллар келгусида иш бермайди.

Олий Мажлиснинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан **парламент назоратини** амалга ошириш, қабул қилинаётган қонунлар, муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий аҳамиятга эга давлат дастурларининг ижросини сўзсиз таъминлашга қаратилган ишларини ҳам етарли, деб бўлмайди. Парламент эшитувлари, ҳукумат аъзолари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ҳисоботларини тизимли равишда эшитиб бориш, депутатларнинг сўровларига атрофлича жавоб қайтаришни таъминлаш борасида муаммолар мавжуд.

Бугун ҳаётнинг ўзи парламент назорати объектлари доирасини кенгайтиришни талаб этмоқда. Амалдаги қонунга кўра, парламент фақат давлат органлари фаолияти устидан назорат олиб бориши мумкин. Бироқ хўжалик бошқаруви органлари, хусусан, “Ўзбекнефтгаз”, “Ўзбекэнерго” каби йирик компания ва бирлашмалар бундан четда қолмоқда. Шу мақсадда “Парламент назорати тўғрисида”ги қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Шу билан бирга, Франция, Буюк Британия, Германия каби ривожланган давлатлар тажрибаси асосида Қонунчилик палатасида **“Ҳукумат соати” институтини жорий этиш** айтиш муддао бўлар эди. Шу тариқа йил бошида тасдиқланадиган режага кўра, ҳар ойда ҳукумат аъзоларининг ҳисоботи эшитилади ва шу бўйича тегишли қарорлар қабул қилинади. Олий Мажлис Сенатида эса барча

даражадаги ҳокимларнинг ҳудудларни ривожлантириш борасидаги фаолияти ҳақида ҳисоботларни эшитиш амалиётини йўлга қўйиш лозим. Шундай механизм жорий этиш керакки, парламент эшитувларининг натижаси фақат марказда эмас, балки жойларда, энг чекка ҳудудларда ҳам сезилсин.

Сиёсий модернизациялашни амалга оширишнинг муҳим шартларидан бири **жамоатчилик назорати** ҳисобланади. Жамоатчилик назорати етарли даражада кучга эга бўлмаган мамлакатда фуқаролик жамияти шаклланишини тасаввур қилиб бўлмайди. Конституцияга киритилган ўзгаришлар асосида 2014 йилда жамоатчилик назоратига конституциявий мақом берилди. Конституциямизнинг 32-моддаси қуйидаги таҳрирда баён қилинди: “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек **давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини** ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилади.”¹

Жамоатчилик назорати модернизациялаш жараёнларининг шаклланиши билан боғлиқ равишда ривожланиб бормоқда. Фуқаролик жамияти институтлари ривожланиб боргани сари жамоатчилик назорати учун кенгроқ имкониятлар ва истиқболлар пайдо бўлади. Бунинг сабаби шундаки, том маънодаги самарали, мустақил, ҳолис жамоатчилик назоратини фақат иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан эркин фуқаролар ва уларнинг бирлашмалари амалга ошириши мумкин.

Мамлакатни модернизациялаш шароитида **ёшлар сиёсати** ҳам устуворлик касб этади. Зеро, мамлакатимиз аҳолисининг 18 ёшдагилар сони 40 фоизни, 30 ёшгача бўлганлар эса 64 фоизни ташкил қилади. Дунё сиёсийлашувининг авж олиши шароитида ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантиришга эҳтиёж ортиб боради, албатта. Улар дунёда кетаётган сиёсий жараёнлар ҳақида бугун ҳар қачонгига қараганда кўпроқ маълумотларга эга бўлишмоқда.

¹Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 16-сон, 176-модда.

Жамият ҳаётининг демократлашуви, модернизациялаш жараёнлари аҳолининг энг катта ижтимоий қатламини ташкил этадиган ёшларнинг ижтимоийлашувига катта таъсир кўрсатади. **Ёшлар – жамиятнинг туб негизи, аҳолининг илғор қатлами, келажакнинг ишончли эгалари.** Шу нуқтаи-назардан қараганда, ҳар бир давр ёшларининг билим даражаси, дунёқараши, ўй-фикри, маънавий қиёфасига қараб ўша жамиятнинг эртанги кунини аниқ тасаввур этиш мумкин. Мустақилликка эришилгач, 1991 йилнинг 20 ноябрида “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши билан мамлакатимизда ёшларга эътибор масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Давлатнинг бу жараёндаги асосий вазифаси – ёшларнинг жамиятга турли хил салбий оқибатларсиз кириб келишини таъминлаш, уларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини тўла амалга оширишларини кафолатлашдан иборат.

Бу долзарб соҳадаги фаолиятни такомиллаштириш мақсадида 2017 йил 5 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Фармонга биноан, ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан ислоҳ этиш мақсадида Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати негизида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил топган кун – 30 июнь санаси мамлакатимизда “Ёшлар куни” сифатида нишонланади. Ёшлар иттифоқига 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасидаги ислоҳотларда ёшлар фаоллигини янада ошириш билан боғлиқ бир қатор янги вазифалар белгиланди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи республикамызда ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилишида давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорликни таъминловчи, “Ёшлар – келажак бунёдкори” шиори остида профессионал фаолиятни амалга оширувчи тузилмага айланди. Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи ваколатли идоралар фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини

ташкил этиш, натижаси бўйича таъсирчан чоралар кўриш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ҳукукий ва амалий ваколатлари кенгайтирилди, тегишли имконият ва имтиёзлар берилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида Ёшлар сиёсати масалалари хизмати ташкил этилиб, унга Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси – Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси раҳбарлик қилиши белгилаб қўйилди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси ўз лавозимига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган Сенат аъзоси ҳисобланади.

Сиёсатшуносларнинг қайд этишича, 11 ёшдан 13 ёшгача бўлган болаларда сиёсий тафаккур пайдо бўлиб, 16 ёшдан 18 ёшгача у мўътадиллашиш ҳолатига келади¹. Бунинг устига, бугун фан, техника ва технологиянинг юксак тараққиёти ҳамда оммавийлашуви ёшларнинг кучли сиёсий ахлоқий босим остида яшашларига сабаб бўлаётганлигини назардан қочирмаслик керак. Айниқса, интернет, мобил телефонларининг юксак даражада ривожланаётганлиги улар орқали ёшларнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ҳаракатларининг кучаяётганлиги айрим ёшларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан заифлашувига ўзининг таъсирини ўтказмоқда. Манбаларда келтирилишича, бугунги кунга келиб, интернет тармоғида маънавий-ахлоқий тубанликни тарғиб этувчи саҳифаларнинг сони бир неча юз миллионни ташкил этади. Биргина АҚШ давлати бир йилда 700 минг қўшиқ, 6 минг клипни суратга олиб тарқатмоқда. Суратга олинган қўшиқ ва клипларда, асосан, оммавий маданият ва ҳаёсиз кўринишдаги иллатлар тарғиб-ташвиқ қилинмоқда. Бу давлат 15 мингдан ортиқ фахш жиҳатларни намоён қилувчи интернет сайтларини яратиб қўйган. Ҳозирда глобал тизим таркибида бузғунчилик, қўпоровчилик мақсадини кўзлайдиган кучларнинг 7000 дан ортиқ веб-саҳифалари ишлаб турибди. Статистик маълумотларга кўра, дунё бўйича интернетдан энг кўп фойдаланувчилар айнан 21 дан 30 ёшгача бўлган ёшлар ҳисобланади². Шундай экан, ёшлар сиёсий маданиятни изчиллик

¹ Қаранг. Шестомоль Е.Б. Личность и политика. – М.: Политика, 1988. – С. 124.

² Қаранг. Ўзбекистон Республикасида ёшлар сиёсатини амалга оширишнинг долзарб масалалари // республика илмий-амалий анжумани материаллари. 2013 йил, 22-23 январь. –Т.: Маънавият, 2013. – Б. 221-222.

билан такомиллаштириб боришга жамиятда эҳтиёж ошиб боради. Хулоса шуки, ёшлар сиёсий жараёнлардан хабардор, мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар, ундан кўзланган мақсадлар ва уларнинг амалга ошиш жараёнлари ҳақида маълум қарашлар ва тасаввурларга эга бўлиши керак.

Жамиятдаги кўплаб муаммолар таҳлили миллий ўзликни англаш масаласини яна кун тартибига қўймоқда. Мустақиллик йилларида бу борада бирмунча силжишга эришилди. Урф-одатлар, қадрият, диний эътиқодимиз тикланди, муқаддас масканлар, масжид-у мадрасалар, тарихий обидалар қайта таъмирланиб, халқимизга қайтариб берилди. Фуқароларимиз маънавий-руҳий оламида янгилашиш, покланиш ва юрти учун ғурурланиш ҳисси пайдо бўлди. Таълим-тарбия даргоҳларида ёшларнинг онгига қадимий меросимизни билмасдан туриб, ўзликни англаш мумкин эмаслиги тушунтирилмоқда. Зеро, **миллий ўзликни англаш – ўтмиш билан келажакни боғловчи маънавий кўприк** эканлиги ёшлар онгига сингдирилмоқда.

Иқтисод фанлари доктори, профессор Қ. Абдурахмонов жамиятдаги ўзгаришларни таҳлил қилиб¹, энг кўп ва энг кам даромад оладиган аҳоли ўртасидаги фарқ 2000 йилдаги 53,3 баробардан бугунги кунда 7,8 баробарга тушгани, оилаларнинг 94 фоиздан ортиғи холодильниклар, 84 фоиздан зиёди турли ошхона электр жиҳозларига, 63 фоиздан зиёди кир ювиш машиналари, ярмидан кўпи компьютер, чангюткич, микротўлқинли печлар, учдан бир қисми кондиционерлардан фойдаланаётганини таъкидлайди. Ҳар бир оилага энг замонавий мобиль телефонларнинг бир неча янги авлоди, ноутбуклар, тюнерлар, DVD приставкалари, сунъий йўлдош орқали фаолият кўрсатадиган ва кабелли телевидение, духовкали электр печлар, музлаткич камералар, сув иситиш бойлерлари ва бошқа мутлақо янги, юқори технологиялар асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кириб келди. Энг муҳими, ушбу маҳсулотларнинг аксарияти мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилмоқда. Ҳозирги пайтда кўпгина давлатларда аҳолининг салмоқли қисми хусусий тураржойга эга эмас, оилаларнинг ярмидан кўпи ижарага олинган хонадон ва уйларда яшайди. Ўзбекистонда эса уй-жой фондининг

¹Қаранг.: Абдурахмонов Қ. “Ўзбек модели” ўзини оқлаган тараққиёт йўли. “Халқ сўзи” газетаси. 2015 йил 18 сентябрь.

деярли барчаси хусусий мулк сифатида аҳоли тасарруфидадир. Мамлакатимиз ҳудудларида уй-жойлар қуриш суръати ва кўлами шиддат билан кенгаймоқда. “Tashkent City” га ўхшаган замонавий шаҳарчалар ва бизнес марказлар юртимизнинг барча ҳудудлари марказларида қурилмоқда.

Иқтисодиётимиз чорак аср ичида 5,5 каррадан зиёд ўсди, аҳолининг реал даромадлари жон бошига 9 марта кўпайди. Бугун юртимиз эришаётган ютуқ ва марралар дунё миқёсида эътироф этилмоқда. Жаҳон иқтисодий форуми томонидан эълон қилинган рейтингда иқтисодиёти энг тез ривожланаётган давлатлар орасида мамлакатимиз 5-ўринни эгаллагани, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмагида АҚШнинг Колумбия университети томонидан ташкил этилган ижтимоий тадқиқотлар асосида эълон қилинган “Бутунжаҳон бахт индекси”да Ватанимиз 158 та мамлакат ўртасида 44-поғонани, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида 1-ўринни эгаллагани ватандошларимизда – ифтихор фахр туйғуларини уйғотди.

Аммо шу билан бирга, таҳлиллар **жамиятимиз қатламларида тоталитаризмдан мерос қолган иллатлар сақланиб қолаётганидан** дарак беради. Миллий онгимизда давр билан ҳамоҳанглик масаласида оқшаш масаласи кўзга ташланади. Сиёсий фанлар номзоди У. Муҳаммадиев менталитетимизга хос бўлган иккита жиҳатни таҳлил этаркан, халқимизда “биринчидан, бир пайтнинг ўзида, ҳокимиятга ҳурмат билан бирга, ўзига хос “қўрқув” ҳисси мавжуд; иккинчидан, сиёсий ҳаётга муносабатда қонунга таянишдан кўра, кўпроқ “анъаналар”га таяниш руҳияти устуворроқ¹”, деб ёзади. Ана шу психологик тўсиқнинг мавжудлиги модернизациялаш жараёнларига салбий таъсир ўтказмай қолмайди. Бугунги кунда жамиятнинг турли қатламларида эскича яшаш ва эскича фикрлаш, турғунликни сақлаш, содда қилиб айтганда, “ўзбекчилик” аломатлари учрайди. Профессор А. Қодиров масаланинг илдизига чуқурроқ кириб бориб, ўз фикрини шундай тушунтиради: “Унитар давлат тизими қолдиқларининг сақланиб қолиши, эскича раҳбарлик услублари; давлат аппаратида маъмурий-буйруқбозлик (бюрократизм), таниш-билишлик,

¹Муҳаммадиев У. Ўзбекистонда сиёсий маданият ва миллий маънавиятнинг ўзаро муносабати муаммоси. Сиё. фан. ном. дис. автореф. –Т.: 2002. – Б. 25.

қариндош-уруғчиликнинг кучайиши; юқори лавозимдаги раҳбарларнинг ўз лавозимини суиистеъмол қилиши; фуқаролар онги ва маданияти, умумий савиясининг пастлиги; ҳар бир ишни пора бериш ва олиш ёрдамида битиришга интилишнинг мавжудлиги; маъмурий шахсларнинг таъмагирлиги ва бошқалар коррупцияни юзага келтиради”¹. Жамият тараққиётига ҳалақит бераётган ушбу нохуш ҳодисалар, салбий иллатлар давлат сиёсатининг самарадорлиги ва обрўйига путур етказмоқда.

Юқорида таъкидланганидек, модернизациялаш ва миллий ўзликни англашда, мамлакатни ривожлантиришда жамият илллати бўлган коррупция салбий роль ўйнайди. Бу иллат ҳуқуқ-тартибот органларида, молия-иқтисод, банк тизимларида сақланган. Шуниси диққатга молики, 2016 йил декабрида Ўзбекистоннинг янги президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунга имзо чекилди. Кейинги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида муҳим ташкилий-ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилди. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга, жамиятда коррупцияга мурасиз муносабатни шакллантиришга йўналтирилган тизимли чоралар кўрилди. Ислоҳотларни амалга ошириш доирасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини, жамоат ва парламент назоратини таъминлаш механизмлари такомиллаштирилди, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари ислоҳ қилинди. Шу билан бирга, иқтисодиётни янада ўстириш, халқ фаровонлигини ошириш, мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилаш борасидаги стратегик вазифаларни ҳал этиш коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш ҳамда коррупция кўринишларининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш бўйича янги тизимли чоралар кўрилишини тақозо қиларди. Шу мақсадда 2019 йил 27 майда “Ўзбекистон республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони қабул қилинди.

¹Қодиров А. Сиёсат фалсафаси. –Т.: ТДЮИ, 2005. – Б. 115.

Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишида энг оғриқли нукта – коррупция. Transparency International Corruption Perceptions Index (CPI) эълон қилган маълумотда Ўзбекистон 2017 йилда 157 та ўринда эътироф этилди. Олий Мажлис юқори палатаси раиси Ниғматилла Йўлдошев 2019 йил 15 июнда Сенатда бўлиб ўтган мажлисда қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: “Ижтимоий фикр” республика жамоатчилиқ фикрини ўрганиш маркази томонидан 2019 йилда ўтказилган коррупция бўйича сўров натижалари хавотирлидир. Чунки сўровда қатнашганларнинг 66,5 фоизи Ўзбекистонда коррупция сингари салбий иллат тарқалган, деб ҳисобламоқда. Қарийб 17 фоиз иштирокчилар коррупция ҳамма жой ва соҳаларни қамраб олган, деган фикрда бўлса, сўралганларнинг 29 фоизи мансабдорларнинг ҳар иккинчиси коррупционер, деб ҳисоблайди”¹.


Энг ачинарли жиҳат шундаки, коррупцияга қарши курашнинг олдинги сафларида турувчи, бунга бевосита масъул бўлган идораларнинг ўзида ҳам коррупцияга тўлиқ барҳам беришга эришилмаяпти. Хулоса шуки, мамлакатда давлат ҳокимияти тизимини модернизациялаш, хусусан, маъмурий ислохотлар концепциясини қабул қилишни кечиктириб бўлмайди. **Коррупция – модернизациялаш кушандаси, бу масала ечилмас экан, жамият модернизацияси ҳам, миллий ривожланиш ҳам юз бермайди.**

Масаланинг ечимида хорижий тажрибасидан фойдаланиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Масалан, АҚШда репортёр журналист коррупцияга қарши курашда энг самарали жамоат назорати саналади. МДХда, жумладан Ўзбекистонда ҳам жамиятдаги жиноятчилик ва коррупция ҳолатлари чуқур таҳлили ҳақидаги журналист суриштируви саёз ҳолатда бўлиб, давр эҳтиёжидан анча орқада қолмоқда.

Бизнингча, аввало оилада, боғчада, мактабда ўғил-қизларимиз онгига, руҳиятига таъмагирлик, порахўрлик ёмон иллатгина эмас, балки жамиятимиз таназзулига олиб боровчи қудратли куч эканлиги ҳақида тарбиявий ва тарғибот ишларини олиб боришимиз даркор. Эндиликда сиёсий ҳаётимизга “парламент назорати”, “жамоатчилик назорати”, деган қоидалар, тартиботлар кириб

¹Қаранг.: Рўзиохунов А. Табиий савол: нега халқаро ташкилотлар Ўзбекистонни коррупция ботқоғида кўрмоқда. www.kun.uz

Мазкур муаммоларнинг таҳлили асосида тадқиқот якунида **“Глобаллашув шароитида Ўзбекистонда жамиятни модернизациялаш концепцияси”** ишлаб чиқилди. Концепцияда республика асосий салоҳиятини белгилаб берувчи 10 та омил, модернизациялашга халақит берувчи 6 та ички ва ташқи таҳдидлар очиб берилган (15-жадвалга қаранг).



Қуйида жамиятимизда миллий ўзликни англаш масаласида тўпланган айрим муаммоларни келтириб ўтмоқчимиз:

биринчидан: фуқароларимизни маънавий янгилаш ва ислохотлар жараёни фаол иштирокчисига айлантириш; амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг қўламли ислохотларнинг моҳиятини, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг аҳамиятини фуқароларимизга шарҳлаб бериш ва тушунтириш; ижодкор зиёлилар иштирокида жойларда самарали тарғибот тизимини амалга ошириш; маънавиятнинг куч қудратидан эзгу мақсадлар йўлида самарали фойдаланиш ва ривожлантириш;

иккинчидан: турли қараш ва фикрларга эга бўлган ижтимоий қатламлар, сиёсий куч ва ҳаракатларнинг ўзига хос орзу интилишларини уйғунлаштирувчи ғоялар – Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, миллий ривожланиш барча учун муқаддас мақсадга айланишини англаштириш;

учинчидан: таълим-тарбия тизимини муттасил такомиллаштириш, келажагимиз билимли, доно ва маънавий соғлом, баркамол авлодга боғлиқ эканлигини чуқур англашга эришиш;

тўртинчидан: муқаддас эътиқод рамзи бўлмиш ислом динининг бугунги ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини, ёшларимизни руҳан пок, иймони бутун, иродасини баққувват этиш, одамийлик фазилатларини уйғунлаштиришдаги ҳиссасини ва моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш борасидаги ташвиқот ишларини давом эттириш;

бешинчидан: кўп миллатли мамлакатимиз фуқаролари орасида уларнинг миллий ва диний мансублигидан қатъи назар, ўзаро ҳамжиҳатлик, бирдамлик, юртпарварлик туйғуларини, миллий ғурурни юксалтириш.

4.3. Ҳаракатлар стратегияси – миллий тараққиётнинг такомиллашган концептуал модели

Модернизациялаш анъанавий жамиятларни замонавийлаштириш, миллий ривожланишда бир қадам олға силжиш демакдир. Тадқиқотимиз якунида унинг бошқа таърифиди тақдим этилди: “**Модернизациялаш эски ижтимоий ҳодисаларни бузиш; ижтимоий-маданий ўзгаришларни ясаш; анъанавий**

жамиятдан индустрлаштирилган жамиятга ўтиш; ижтимоий-иқтисодий тузумни трансформациялаш; ривожланишнинг ижтимоий-иқтисодий парадигмасини алмаштириш ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини ўзгартириш демак”. Бу таърифда сиёсий жараённинг жаъмики вазифалари ва мақсадлари ўз мужассамини топган.

Дунё қабул қилган халқаро андозалар талабларига жавоб бериш мақсадида **Ўзбекистонда модернизациянинг жадаллашган моделига ўтилди.** 2017 йилдан бошлаб мамлакатимизда сиёсий ислохотларнинг тамоман янги босқичи бошланди. Жумладан, 2017 йилнинг 7 феввалида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси мазкур жараёнга методологик асос бўлиб хизмат қилмоқда¹. Бундай янгича ёндашув ва тамойилларни ишлаб чиқишга қуйидаги объектив омиллар сабаб бўлган:

биринчидан, мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили;

иккинчидан, жаҳон бозори конъюнктурасининг кескин ўзгараётгани;

учинчидан, глобаллашув шароитидаги тобора кучаяётган рақобат.

Ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқишда салоҳият ва имкониятимиз холис баҳоланиши билан бирга, хато ва камчиликларимиз ҳам илк марта очик танқидий таҳлил этилди.

Сиёсий ҳокимиятнинг асл мақсади — юртимизда халқ ҳокимиятини номига эмас, балки амалда жорий қилиш механизмларини мустаҳкамлашдир. Бундай кенг миқёсдаги ислохотлардан мақсад эса **халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилишига эришишдан** иборат. Стратегия ғояси қандай дунёга келди? Аввало, кенг аҳоли ва тадбиркорларни ўйлантираётган долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш асосида кенг жамоатчилик муҳокамаси натижаларига таяниб, бу борада кўплаб мамлакатлардан орқада қолаётганимиз, имкониятлардан етарли

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. www.Lex.uz

даражада фойдаланилмаётганлиги аён бўлиб қолди. Демак, миллатни юксалтириш, юқори турмуш даражасига эришиш учун янги ғояга эҳтиёж туғилган эди. Бироқ таъкидлаш жоизки, бу ажойиб ғоя кабинетларда эмас, балки кенг амалий ва чуқур таҳлилий тадқиқотларга таянган ҳолда яратилди. Буюк давлат арбоби Амир Темурнинг “халқ билан маслаҳатлашиш, кенгашиш” деган тузуклари амалда ўз ифодасини топди, десак тўғрироқ бўлади. “Қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизими” порталидаги жамоатчилик муҳокамаси натижасида 1310 та таклиф, мулоҳаза келиб тушиб, улар асосида Давлат дастурининг 41 та банди қайта кўриб чиқилди. 2017 йил 23-27-январь кунлари Тошкент шаҳрида медиа-ҳафталик ва халқаро давра суҳбати доирасида 1300 дан ортиқ мутахассис ва эксперт, жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар, Ўзбекистонда фаолият юритаётган йирик хорижий инвесторларнинг вакиллари иштирок этди.

Шундай қилиб, Ҳаракатлар стратегиясида муҳим устувор йўналишлар сифатида қуйидагилар белгилаб олинди:

1.Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислохотларни чуқурлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилишда парламентнинг ҳамда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш ва давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, «Электрон ҳукумат» тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш, жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш;

2.Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга йўналтирилган суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш, суд жараёнида тортишув тамойилини тўлақонли жорий этиш, юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш;

3.Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий

барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш.

4.Ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган иш ҳақи, пенсия ва нафақалар миқдорини босқичма-босқич ошириш, аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимояси ва соғлиғини сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, арзон уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва социал инфратузилма объектларини ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш.

5.Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритишга йўналтирилган давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш.

Хуллас, Ҳаракатлар стратегиясини самарали амалга ошириш барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг бирламчи вазифасига айланди. У беш босқичда, юртимизда йилларга бериладиган номлардан келиб чиқиб, ҳар бир йил бўйича давлат дастурлари қабул қилинишини назарда тутган ҳолда, амалга оширилмоқда. Яъни ҳар бир йилнинг устувор вазифалар кўлами Ҳаракатлар стратегиясидан келиб чиқади. Шу маънода биринчи босқичдаги “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид

Давлат дастури тасдиқланди. Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи босқичида **аҳоли билан очик мулоқотни йўлга қўйишнинг янги, самарали механизм ва усуллари**ни жорий этиш, мансабдор шахсларнинг аҳоли олдида ҳисобот бериши тизимини амалда татбиқ этиш, шу асосда халқнинг давлат ҳокимиятига бўлган ишончини мустаҳкамлашга; жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда бюрократик тўсиқ ва ғовлар яратилишига, аҳоли билан мулоқот жараёнини кампаниябозликка айланишига йўл қўймасликка; давлат дастури доирасида ўтказилаётган тадбирларнинг очиклиги, уларда фуқаролар, барча даражадаги давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нуронийлар, хотин-қизлар, ёшлар, ижодий ва илмий муассасалар вакиллари кенг иштирок этишига эришилди.

Ҳаракатлар стратегиясида давлат ва жамият қурилишини тубдан ислоҳ этиш устувор вазифа этиб белгиланган. Стратегияда илғор хорижий тажриба ва халқаро стандартлар ҳисобга олинган, мамлакат тараққиётининг барча соҳалари истиқболи кўрсатилган. 2017 йил январидан бошлаб барча ҳудудларда **Президентнинг Виртуал ва Халқ қабулхоналари ташкил этилишидан кўзланган мақсад** одамларнинг йиллар мобайнида тўпланган муаммоларини, дарди ва ташвишларини эшитиш, **раҳбарларни халқ ичига олиб кириш** ва имкон қадар кўмак беришдир. Халқ билан очик мулоқот давлатимизнинг обрў-эътиборини анча ошириб юборди. Шу сабабли, 2017 йил мобайнида 1,5 миллиондан ортиқ фуқароларимиз хусусий ва жамиятда йиғилиб қолган муаммолар юзасидан қабулхоналарга мурожаат этиб, долзарб ва кундалик муаммоларини ҳал қилишга эришдилар.

Кейинги таҳлилларга биноан, **давлат ҳокимияти тизимида ушбу ислохотлар навбат кутиб турганлигини** қайд этмоқчимиз: а) Олий Мажлиснинг нуфузини ошириш; б) сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириб бориш; в) давлат бошқарувини марказлаштиришдан чиқариш; г) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш; д) ”Электрон ҳукумат” тизимини такомиллаштириш ва бошқалар.

Ҳақиқатан ҳам, сўнгги йилларда давлат хизматлари кўрсатишнинг самараси ва сифати юксалди, бу хизматдан аҳоли

ҳамда тадбиркорлик субъектлари томонидан фойдаланиш имконияти анча ошди.

Ҳаракатлар стратегиясида макроиктисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларга хорижий, аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш, давлат мулки хусусийлаштирилган объектлари базасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналишида кўплаб вазифалар белгилаб берилган. Эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналари самарадорлигини ошириш, янгиларини ташкил этиш миллий иқтисодиётни ривожлантиради. Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 26 октябрдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармониға мувофиқ, янги зоналар учун қулай шарт-шароитлар яратилади. Бугунги кунда 14 та эркин иқтисодий зонада, жумладан, «Навоий», «Ангрен», «Жиззах», «Ургут», «Ғиждувон», «Кўқон» ва «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналарида умумий қиймати 486 миллион долларға тенг 62 лойиҳа амалға оширилди, 4,6 мингдан ортиқ иш ўрни яратилди. Демак, тўрт мингга яқин оила давлатдан ёрдам олишға улгурди.

Иқтисодий модернизациялаш масаласида энг катта қадам – валюта сиёсатида барқарорликка эришилгани, десак янглишмаймиз. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сон “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони натижасида таниш-билишчилик, нотенглик сиёсати барҳам топди, барча тадбиркорлик субъектларига ташқи савдо фаолиятини амалға оширишда тенг шароитлар яратилди. Чунки узоқ йиллар мобайнида валютани тартибға солишға ҳаддан зиёд маъмурий аралашув, ташқи савдо фаолиятини амалға оширишда иқтисодиётнинг айрим тармоқлари ва хўжалик юритувчи субъектлари учун алоҳида имтиёз ва преференциялар мавжудлиги оқибатида тадбиркорлик субъектлари ўртасида бизнесни юритишға доир тенг бўлмаган шарт-шароитлар пайдо бўлган ҳамда параллел чет эл валютаси бозори ва айирбошлаш курси вужудға келганди. Бундай номақбул сиёсат эса маҳаллий ишлаб чиқарувчилар товар ва хизматлари нархларининг ташқи ва ички бозордаги рақобатдошлиги пасайишиға сабаб бўлган.

2017 йилдан бошлаб, юридик ва жисмоний шахслар томонидан чет эл валютаси жорий халқаро валюта операцияларини амалга ошириш учун банкларда эркин сотиб олиниши ва сотилиши йўлга қўйилди. Хусусан, юридик шахслар ўз маблағларини банкларда жорий халқаро валюта операцияларини, шу жумладан, товар, иш ва хизматлар импорти, фойдани репатриация қилиш, кредитларни қайтариш, хизмат сафари харажатларини тўлаш ва бошқа савдо характериға эға бўлмаган операцияларни амалга ошириш учун чет эл валютасига чекловларсиз эркин конвертация қилишиға эришди. Иқтисодиётда қўйилган бундай инқилобий қадам мамлакатимиз миллий валютаси мавқеи кучайиши, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш даражасини оширилишиға хизмат қилмоқда.

Ижтимоий модернизация устувор соҳалари бўлган таълим ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш борасида ҳам бир қатор вазифалар белгилаб берилди. Уларда таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги биноларни қуриш, таъмирлаш ва капитал таъмирлаш баробарида уларни замонавий ўқув ва лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш назарда тутилди. 2017-2021 йилларда олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш дастурини ишлаб чиқиш, ўқув дастурларини янада такомиллаштириш, пуллик хизматлар кўрсатиш ва молиялаштиришнинг қўшимча манбаларини излашда олий ўқув юртларининг ваколатларини кенгайтириш йўли билан уларнинг мустақиллиги босқичма-босқич ривожлантирилиб бориш жараёни бошланди. Булар том маънода таълим тизимидаги ўзгаришлар ва янгиланишлар жараёнини тезлаштирди. Ўрта махсус таълим тизимига 2018 йилда биринчи марта 10-синфларға ўқувчиларни қабул қилиш академик лицей ва касб-хунар коллежларига қабул жараёни билан баробар олиб борилди. Бунда асосан ота-оналар, ўқувчиларнинг хоҳиш-истаклари ва даврнинг эҳтиёжи инобатға олинди. Мисол учун 2016/2017 ўқув йилида 466 мингдан ортиқ ўқувчилар умумтаълим мактабларини тамомлаган бўлиб, шундан 170 мингдан зиёди касб-хунар коллежларига ўқишға кирган. 288 минг, яъни олтмиш фоизидан ортиғи 10 синфларда ўқишларини давом эттирмоқда.

Кейинги йилларда ёшларнинг алломаларимиз меросини ўрганиши, уларға мос етук кадрлар бўлиб вояға етишиға алоҳида

эътибор қаратилмоқда. Улуғ аждодимиз Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб ташкил этилиши ҳам айнан ана шу вазифани амалга оширишдаги илк қадам бўлди. Мазкур мактабнинг ташкил этилиши кадрларни ёшлигиданоқ тайёрлаб бориш, соҳада етук ҳамда замон талабларига жавоб берадиган кадрлар тайёрлашга замин яратади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатини ва “Астрономия ва аэронавтика” боғини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарор билан Астрономия институти қошида математика, астрономия, физика ва информатика фанларини чуқур ўргатишга ихтисослаштирилган Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати ташкил этилади. 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб Тошкентда ва барча вилоятларда биттадан **Президент мактаблари** очиладиган бўлди. Мактаблар олдида қўйилаётган талаблардан бири – юқори малакали, соҳасининг билимдони бўлган ўқитувчи-педагоглар базасини шакллантириш билан биргаликда, мактабда чет тилини ҳам ўқитишдир. Бу каби ихтисослашган мактабларнинг ташкил этилаётгани ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Мамлакатимизда ҳудудлар имконияти ва салоҳиятини ўрганган ҳолда, 8-9 синф ўқувчиларини касбга йўналтириш масаласи қайтадан кўриб чиқилди. Яъни, умумтаълим мактаблари битирувчиларини элликка яқин касбга ўргатиш йўлга қўйилмоқда. Бунинг учун касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари негизида замонавий жиҳозланган ўқув ишлаб чиқариш марказлари, лабораториялари ташкил этилади.

Ўзбекистон иқтисодиёти, маҳаллий ҳокимият тизими бугунги ҳолати бўйича олиб борилган тизимли таҳлил давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятида жиддий **камчиликлар** борлигини кўрсатди. **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон “Маъмурий ислохотлар**

концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони¹ шарҳида бу борада қуйидагилар қайд этиб ўтилди:

1. Ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини ташкил этиш асослари ҳудудларни ривожлантириш суръатларини пасайтирувчи, жойларда тўпланиб қолган муаммоларнинг ўз вақтида ҳал этилишини таъминламаган;

2. Юклатилган вазифаларнинг декларатив характерга эгалиги, уларни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари етарли эмаслиги, вазифаларнинг такрорланиши ва давлат томонидан ортиқча тартибга солиш ҳолатларининг мавжудлиги амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда;

3. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятини баҳолаш механизмлари фақат ҳолатларни қайд этиш ва статистик маълумотларни жорий тўплашдан иборат бўлиб, бу аксарият ҳолларда жойлардаги ишларнинг ҳаққоний ҳолатини акс эттирмайди;

4. Раҳбарлар жавобгарлик соҳаларининг аниқ чегараси, айниқса, жойларда ижро этувчи ҳокимият органларининг ички идоравий ва идоралараро ўзаро ҳамкорлигининг таъсирчан механизмлари яратилмаган;

5. Ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг етарли даражада очик ва шаффоф эмаслиги, жамоатчилик назоратининг кучсиз механизмлари ҳаддан ташқари бюрократияга ва коррупциянинг турли кўринишларига олиб келмоқда;

6. Давлат хизматларини кўрсатиш даражаси аҳоли ва бизнеснинг истак ва талабларига жавоб бермайди.

Танқидий таҳлиллардан кўриниб турибдики, ўтган йиллар мобайнида таълим ва тарбия соҳасида ўз ечимини кутаётган муаммолар кўпайиб қолган. Юқоридаги сабабларга кўра, юртбошимиз Шавкат Мирзиёев томонидан давлат бошқарувининг концептуал янги модели таклиф этилиб, унда **6 та устувор вазифа аниқ кўрсатиб ўтилди:**

¹ Қаранг.: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 979-модда.

биринчидан, ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

иккинчидан, ижро этувчи ҳокимият органларининг вазифалари (функциялари, ваколатлари)ни, уларни амалга ошириш механизмлари ва жавобгарлик соҳасини аниқлаштириш, мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлик жараёнларини такомиллаштириш;

учинчидан, иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсир кўрсатишни янада қисқартириш ва бошқарувнинг бозор механизмларини кенгайтириш;

тўртинчидан, вертикал бошқарув тизими ва ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамкорлигининг механизмларини такомиллаштириш;

бешинчидан, давлат бошқаруви тизимига стратегик режалаштиришнинг замонавий шакллари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиш;

олтинчидан, профессионал давлат хизматининг самарали тизимини шакллантириш, ижро этувчи ҳокимият органлари тизимида коррупцияга қарши курашишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш.

Бизнингча, бундай кенг миқёсдаги маъмурий ислохотлардан кутилган натижа инновацион ривожланишнинг умумжаҳон тенденцияларига жавоб берадиган давлат бошқаруви тизимини яратишдир. Бунинг учун янгича фикрлаш тарзи ва янгича бошқарув усуллари юритиш зарурати туғилди. Жумладан:

–ўзига хос бўлмаган вазифа, функция ва ваколатларни бартараф этиш, такрорлаш ва параллелизмни тугатиш ҳисобига давлат бошқаруви тизимини оптималлаштириш ҳамда номарказлаштириш;

–давлат бошқарувини бюрократиядан холи қилиш ва унинг сарф-харажатларини пасайтириш, бошқарув қарорлари қабул қилиш тизимининг фаолият самарадорлигини ва шаффофлигини ошириш;

–стратегик режалаштириш, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар тизимини жорий этиш;

–иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсир кўрсатишни янада қисқартириш ҳамда бошқарувнинг соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлиги ва

аҳолининг ишчанлик фаоллигини оширишга қаратилган бозор механизмларини кенгайтириш.

Маъмурий ислохотлар концепцияси – мамлакатни модернизациялашда янги ёндашув. Зеро, маъмурий ислохотларни самарали амалга ошириш натижасида “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган ғоянинг амалдаги ижроси таъминланади.

Тан олиш керакки, ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бошқаруви органлари бугунги замон талабларига мутлақо жавоб бермайди. Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани модернизациялаш, ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини юксалтириш бўйича давлат сиёсатини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжуд. Уларни баратараф этиш ниятида қабул қилинган “Йўл харитаси”да¹ долзарб вазифаларнинг ижроси механизмлари кўрсатиб ўтилгани сабабли, биз уни тўлиқ келтирамиз:

1. Давлат бошқарув органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш йўналишида: барча даражадаги ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятига «Электрон ҳукумат» тизимини ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш; маъмурий тартиб-таомилларни оптималлаштириш; бошқарув жараёнларини автомат-лаштириш; барча давлат хизматларини тартибга солиш ва уларни ягона реестрга киритиш.

2. Иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсир кўрсатишни янада қисқартириш ва бошқарувнинг бозор механизмларини кенгайтириш йўналишида: давлат активлари ва мулкларини, давлат унитар корхоналари томонидан бошқаришнинг амалдаги механизмларини таҳлил қилиш; илғор ишончли бошқарувчилар ва давлатнинг ишончли вакилларининг замонавий иш шакллари ва услубларини жорий этиш; ижро этувчи ҳокимият органлари функциялари ва давлат хизматларини хусусий секторга ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги нуқтаи назаридан инвентаризация қилиш; лицензиялаш, сертификатлаштириш,

¹ Қаранг.: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 979-модда.

аккредитациядан ўтказиш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари орқали ўтказиладиган функцияларнинг лозим даражада бажарилиши устидан давлат назорати механизмларини жорий этиш орқали хусусий секторга ўтказиш; ҳокимларни сайлаш тартибини жорий этиш; ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг долзарб масалаларини ҳал этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ва фаолият самарадорлигини ошириш.

3. Вертикал бошқарув тизими ва ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамкорлигининг механизмларини такомиллаштириш йўналишида: республика давлат бошқарув органлари ваколатларини маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, вилоятдан туман (шаҳар) давлат ҳокимияти органларига ўтказишни назарда тутган ҳолда, давлат бошқарувини босқичма-босқич номарказлаштириш; давлат бошқарувининг турли даражадаги ўзаро функция ва ваколатларини, хусусан, умумдавлат миқёсидаги стратегик масалаларни республика ижро этувчи ҳокимият органларида қолдириш, шунингдек, улар томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларига берилган ваколатлардан лозим даражада фойдаланаётганлиги устидан назорат қилишни аниқ чегаралаш.

4. Давлат бошқаруви тизимига стратегик режалаштиришнинг замонавий шакллари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиш йўналишида: мамлакатнинг интеллектуал ва технологик салоҳиятини оширишнинг узоқ муддатли сценарийлари асосида устувор соҳа ва тармоқларни инновацион ривожлантиришнинг келажакдаги моделларини шакллантириш имконини берадиган стратегик режалаштириш тизимини яратиш, «қисқа муддатли», «ўрта муддатли» ва «узоқ муддатли» ривожлантириш дастури тушунчаларини қонун ҳужжатларида белгилаш; иқтисодиёт тармоқларини ва ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг истикболли узоқ муддатли давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш.

5. Профессional давлат хизматининг самарали тизимини шакллантириш, ижро этувчи ҳокимият органлари тизимида **коррупцияга қарши курашишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш** йўналишида: давлат хизматини ташкил этиш, шу жумладан: давлат хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми, классификацияси; хизматга қабул қилишнинг шаффоф

механизмлари (танлов асосида), кадрлар захирасини шакллантириш, хизматни ўташ, ахлоқ нормаларига риоя этилишини таъминлаш масалаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, «Давлат хизматчилари тўғрисида»ги қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш.

Ана шу бешта йўналишда бошланган чуқур ислохотлар Ўзбекистонни янги ривожланиш босқичига олиб чиқади. Бу стратегик ишларни амалга ошириш учун ўта замонавий, кучли кадрларга эҳтиёж кучайиб бораверади. Ҳатто Ўзбекистонда хориждан ватандошларимиз ва етук мутахассисларни жалб этиш тажрибаси ҳам кенг қўлланмоқда. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида ягона давлат кадрлар сиёсатини амалга ошириш учун масъул бўлган ихтисослаштирилган орган ташкил этилди. Шунингдек, республикада давлат бошқаруви соҳасида мутахассислар тайёрлаш ва давлат хизматчилари малакасини оширишнинг махсус таълим йўналишларини ишлаб чиқиш, шахсий ютуқ, билим ва касб маҳорати асосида уларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг замонавий услубларини жорий этиш; давлат хизматининг жозибадорлигини ошириш, коррупциянинг юзага келиш хавфи ва мансаб суиистеъмолчилигини камайтириш имконини берадиган давлат хизматчилари меҳнатига ҳақ тўлаш ва ижтимоий таъминотининг замонавий тизими яратилди.

Маҳаллий бошқарув тизимини модернизациялаш, демократик ислохотларни амалга оширишда **ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг шаффофлиги ва очиклигини таъминлаш** энг муҳим вазифадир. Биз бир махсус тадқиқотимизда ушбу масаланинг усул ва механизмларини алоҳида очиб берган эдик¹.

Ҳа, президентимиз Ш.М.Мирзиёев давлат ва жамият муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг янги, самарали механизм ва услубларини жорий этишга дадил киришган. Ривожланган давлатларда бўлганидек, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлашнинг таъсирчан механизмини яратиш,

¹Қаранг.: Омонов Б. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти очиклигини таъминлаш механизмлари. –Т.: Global Books, 2017. – Б. 41-61.

уларнинг фаровонлигини ва ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятидан қаноатланиш даражасини янада оширишга қаратилган чора-тадбирлар **республика тарихида биринчи марта амалга оширилмоқда.**

Хулоса шуки, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ислохотлар самарадорлигини тубдан ошириш, **давлат ва жамиятни ҳар томонлама уйғун ва жадал ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш, барча соҳаларни модернизация қилиш ва эркинлаштириш мақсадларига** хизмат қилади.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар, аввало, кўшни давлатлар билан олиб бораётган очик, конструктив, ўзаро манфаатли ташқи сиёсати Марказий Осиё минтақаси учун муҳим аҳамият касб этади. Давлатимиз раҳбари 2017-2019 йилларда Туркманистон, Қозоғистон, Россия, Хитой, Қирғизистон, Тожикистонга амалга оширган давлат ташрифлари мамлакатимиз ташқи сиёсатида яхши кўшничилик муносабатларига алоҳида эътибор қаратилаётганининг амалий исботидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида “Жамиятимизда сиёсий фаоллик ортиб бормоқда, барча соҳаларда чуқур ислохотлар амалга оширилмоқда. Улардан кўзланган мақсад – “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган оддий ва аниқ-равшан тамойилни амалга ошириш устувор аҳамиятга эга бўлган демократик давлат ва адолатли жамият барпо этишдан иборат”¹, деб қайд этди. Шунингдек, мамлакатнинг барча ҳудудларида Президентнинг Виртуал ва Халқ қабулхоналари ташкил этилгани, Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш бўйича таъсирчан чоралар кўрилгани, одамларнинг эркин ҳаракат қилишини чеклайдиган хорижга чиқиш визалари сингари умрини мутлақо ўтаб бўлган ўтмиш қолдиқлари бекор қилингани, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича миллий ва халқаро нодавлат ташкилотлар билан очик мулоқот фаоллашиб бораётгани, экстремизм ғоялари таъсирига тушиб қолган, тўғри йўлдан адашган

¹ Манба: ЎзА. 2017 йил 20 сентябрь.

фуқаролар ижтимоий реабилитация қилинаётгани, уларни соғлом ҳаётга қайтариш учун зарур шароитлар яратилаётгани, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти парламент ва фуқаролар томонидан доимий назорат қилиб борилаётгани, сиёсий партиялар, фуқаролик жамиятининг роли ортиб бораётгани, суд органларининг мустақиллиги таъминланиб, оммавий ахборот воситаларининг ўрни сезиларли даражада ошаётганлиги каби масалаларнинг **ечими** таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистон иқтисодидаги муҳим ютуқ шуки, 2017 йилнинг 1 сентябридан миллий валютани эркин конвертация қилиш тизимига тўлиқ ўтилди. Бу борада аҳоли учун юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатларни юмшатиш бўйича барча зарур чоралар кўрилмакда.

Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳияти Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадлари билан тўла ҳамоҳанг эканлиги ҳам кўрсатиб ўтилди. Юртбошимиз Ш. Мирзиёев Марказий Осиёда ўзаро мулоқот, амалий ҳамкорлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш; экологик муаммо – Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ оқибатларни бартараф этиш; Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш муаммолари юзасидан ташаббуслар билан чиқди. Мазкур глобал муаммолар ечимига чақириқ БМТ томонидан ҳам кенг қўллаб-қувватланди. Ўзбекистон раҳбари кўтарган долзарб масалалардан яна бири дунёда терроризм таҳдидлари кучайиб бораётган паллада ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифага айланиши керак, деган фикрни илгари сурди. “Экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилмокда. Бугунги дунё ёшлари – сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этмокда. Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси “вируси” тарқалишининг олдини олишдир. Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим. Шу муносабат билан Ўзбекистон глобаллашув ва ахборот-

коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат – БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш таклиф этилди.

Давлатимиз раҳбари Ш.М. Мирзиёевнинг яна бир ташаббуси Самарқанд шаҳрида Имом Бухорий номидаги Халқаро илмий-тадқиқот маркази, Тошкентда Ислом цивилизацияси маркази ташкил этилиши бараварида, сессия иштирокчиларига БМТ Бош Ассамблеясининг “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш таклифи билан мурожаат қилиши бўлди. Бу ҳужжатларнинг асосий мақсади – барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга кўмаклашишдан иборат. Ушбу резолюция бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликка кўмаклашишга қаратилган.

Ҳақиқатан ҳам, 2017-2019 йилларда мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, иқтисод, сиёсат борасида мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилди. Булар ҳаммаси жамиятда модернизациялаш, ислоҳ этиш жараёнида халқаро мезонларга дадил ўтиლაётгани далолати. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг асосий мақсади инсон, унинг эҳтиёж ва манфаатларини таъминлашдан иборатдир.

Бугунги кунда Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақасига устувор аҳамият қаратмоқда. Бу – ҳар томонлама чуқур ўйлаб танланган йўлдир. Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон ушбу минтақа барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши кўшничилик ҳудудига айланишидан бевосита манфаатдор. Тинч-осойишта, иқтисодий жихатдан тараққий этган Марказий Осиё – биз интиладиган энг муҳим мақсад ва асосий вазифадир. Ўзбекистон ўзаро мулоқот, амалий ҳамкорлик ва яхши кўшничиликни мустаҳкамлашнинг қатъий тарафдори ташаббуси билан чиқмоқда.

Ўзбекистон–Россия ўртасида стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш масаласида бир қатор ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон

Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2017 йил апрель ойида Россияга амалга оширилган самарали давлат ташрифи ва бўлиб ўтган олий даражадаги учрашувлар ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаб, уларни аниқ амалий мазмун билан бойитди.

Ўзаро қўшничилик алоқаларнинг сезиларли жадаллашгани кузатилмоқда: кейинги пайтларда Россия ҳукумати Раисининг биринчи ўринбосари, Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия ҳамраиси И.Шувалов, Хавфсизлик кенгаши котиби Н.Патрушев, қишлоқ хўжалиги вазири А.Ткачев, саноат ва савдо вазири Д.Мантуров, Татаристон раҳбари Р.Миннихонов ва бошқалар ташриф билан Ўзбекистонда бўлдилар. Ўзаро савдо ҳажми жадал ортиб бормоқда – йил бошидан буён товар айирбошлаш ҳажми 3 миллиард доллардан ошди. Россиянинг етакчи компания ва банклари иштирокида нефть-газ ва нефть-кимё соҳалари, металлургия, машинасозлик, электр техникаси саноати, фармацевтика, агросаноат, озиқ-овқат ва бошқа тармоқларда йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Икки давлат ҳудудлари ва ишбилармон доиралари ўртасидаги амалий ҳамкорлик фаоллашди. Маданий-гуманитар алмашинув кенгайиб бормоқда. Сентябрь ойида Москва ва Бутун рус Патриархи Кириллнинг Ўзбекистонга ташрифи ҳам халқларимиз ўртасида дўстлик ва ўзаро англашувни мустаҳкамлашга хизмат ҳисса бўлиб қўшилди.

Халқаро экспертларнинг фикрича, стратегик мақсадлар мамлакатнинг халқаро майдонда ўз олдида қўйган вазифаларини тўла амалга оширишида катта имкониятларни тақдим этади. Ишонч билан айтиш мумкинки, мамлакамиздаги ҳуқуқий ислохотлар давлат дастурлари ва қонунларни қабул қилиш билан чекланиб қолмасдан, уларни ҳаётга изчил татбиқ этишда катта саъй-ҳаракат олиб борилишини кўрсатмоқда. Ҳаракатлар стратегиясида жамият раънақига хизмат қиладиган соҳалар камраб олингани Ўзбекистоннинг келгусида улкан муваффақиятларга эришиши далолати. Масалан, 2017 йилдан бошлаб, Халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорлик муваффақиятли ривожланмоқда, Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) билан шериклик алоқалари янгитдан тикланди. ЕТТБ яна Ўзбекистонга қайтди. Улар шаффофликни ошириш ва маҳаллий статистикани мувофиқлаштириш борасида ҳукумат билан ишлашмоқда. Кейинги қадам суверен облигацияларни ишлаб чиқариш бўлади.

Қисқа қилиб айтганда, **Ҳаракатлар стратегиясининг бош мақсади демократик жамиятнинг жадал ривожланишини таъминловчи ички механизмларни тезроқ барпо этишдир.** Давлат бошқарувини такомиллаштириб, уни жадал ўзгариб бораётган ҳаёт талабларига мувофиқлаштириб бориш ҳар бир мамлакат олдида турган муҳим вазифа бўлса керак. Бизнингча, ушбу жараён муваффақиятининг ҳал қилувчи омили ислохотлар узоқ муддатли концептуал стратегияга асосланганлиги билан характерланади. Шу маънода олганда, юртбошимиз Шавкат Мирзиёев томонидан олға сурилган ташаббуслар, ғоялар катта илмий, амалий ва сиёсий аҳамиятга молик воқеага айланиб улгурди.

Юқоридагилардан хулоса шуки, барча сиёсий жараёнлар ва муносабатларнинг марказида **инсон** туради. Қолаверса, мамлакатимиздаги сиёсий модернизациялаш жараёнлари фуқароларнинг умумий маданияти савияси, онгининг тараққий этиш даражаси, дунёқараши, тафаккури ва сиёсий фаоллигига боғлиқ ҳолда ривожланиши имкони мавжуд. Бизнингча, модернизациялаш ва янгиланиш фуқароларнинг ижтимоийлашувини, замонавийлашган шахс ва миллатни шакллантиришга ёрдам беришга қодир.

Бугунги кунда Ўзбекистонда жамиятни модернизациялаш жараёнлари жадаллашган, дейишга тўла асослар бор. Мақсад юқори иқтисодий ўсишга тўла шароит яратиш, демократияни кучайтириш ва иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш орқали халқнинг фаровонлигини таъминлашдан иборат. Президентимиз таъкидлаганидек, “халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”.

Янгиланаётган Ўзбекистон учун инсон ҳуқуқларини таъминлаш, ҳаққоний демократик ислохотларни амалга ошириш энг муҳим масалалардан бири саналади. Шу билан бирга, давлат шаффофлигига эришиш ва коррупцияни таг-томири билан йўқ қилиш бизнинг асосий вазифаларимиз қаторига киради. Чунки инсон кадр-қиммати даҳлсиздир, уни ҳурмат қилиш ва ҳимоясини таъминлаш давлат ҳокимиятининг мажбуриятидир. Асли, Ўзбекистонда жадал ҳолда олиб борилаётган сиёсий модернизациянинг буюк вазифаси ва тарихий хизмати ҳам унинг ҳозирги натижалари билан белгиланади.

Жадал модернизациялаш суръатлари сабабли, Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёевнинг бугунги кунда халқаро миқёсда катта обрўга эга эканлиги, энг етакчи давлатлар раҳбарлари томонидан юқори ҳурмат билан тилга олинаётганлиги АҚШ, Россия, Хитой ўртасида стратегик шерикликни, биринчи навбатда, Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига тўлақонли мос келадиган йўналишларда давом эттириш, жамиятни модернизациялашни ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратмоқда.

Дунёда **янги Ўзбекистон** вужудга келгани тан олинмоқда. Янги давлат, авваламбор, янги имижга, янги халқаро обрўга ва янгича ҳурматга эга бўлган давлат деганидир.

Тўртинчи бобга хулоса

Биринчидан, буюк аجدодимиз Хожа Баҳоуддин Нақшбандийнинг меҳнат, яратувчанлик этикаси билан Европа иқтисодий ривожланишини белгилаб берган Макс Вебернинг протестант меҳнат этикаси, XX аср бошидаги жадиличлик маърифий-озодлик ҳаракати билан XVIII асрда Европада модернизацияни бошлаб берган “маърифатпарварлик абсолютизми” ҳаракатлари ўртасида изчиллик ва ўхшашлик жиҳатлари мавжуд.

Иккинчидан, жамиятни либераллаштиришда шарқона эҳтиёткорликни қўллаш лозим. Дэн Сяопин, Мохандас Ганди, Камол Отатурк, Ислом Каримов сиёсий фаолиятида капитализмга босқичма босқич ўтиш ва бунда кўпроқ кучли раҳбарлик салоҳияти зарурлигини вақт исботлади.

Учинчидан, постсовет республикаларида жамиятни модернизациялаш ва ўзаро интеграциялашувнинг яхлит модели ишлаб чиқилмаганлиги оқибатида улкан ҳудудда модернизациялаш жараёнлари секинлашди.

Тўртинчидан, Ҳаракатлар стратегияси Ўзбекистоннинг модернизациялашнинг янги концептуал модели сифатида тарихга кирди.

ХУЛОСА

Жамиятни модернизация қилиш барча давлат олдида турган долзарб вазифалардан бири бўлиб келган ва у инсоният тараққиётининг кейинги босқичларида ҳам ўзининг долзарблигини сақлаб қолади. Чунки, бу инсонларнинг эҳтиёжларининг чексизлиги ва уни қондиришга бўлган ҳаракатлар узлуксизлиги билан боғлиқ ҳодиса. Бу жараёни ўз вақтида англаб етмаслик эса мамлакатнинг тараққиётдан орқада қолишига ва, охир оқибатда, парокандаликка учрашига олиб келади. Бундай салбий жараёнларнинг олдини олиш учун эса ҳар бир давлат мавжуд имкониятлар ва хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, миллий ривожланиш концепциясини ишлаб чиқади ва уни амалга оширади.

Бугун юксак тараққиётга эришган барча мамлакатлар ана шу жараёни ўз бошидан кечирган. Мазкур давлатлар каторидан муносиб ўрин эгаллаш йўлидан бораётган мамлакатимиз ҳам ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин собиқ тоталитар жамиятни янгилаш ва демократик жамият қуришнинг илмий концепцияси ишлаб чиқилди ва уни амалиётга самарали тадбиқ этиш натижасида катта мувафақиятлар қўлга киритди. Сиёсий-назарий концепция биринчи Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, у Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишининг беш тамойили концепциясидир. Унинг амалиётга тадбиқ қилиниши мамлакатимизнинг барқарор ривожланишини таъминлади.

Албатта, тараққиёт тўхтамайди, у ҳар доим илгарилаб борувчи жараёндир. 2017 йилда юртбошимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилди. Бу тарихий ҳужжатда салоҳият ва имкониятимиз холис баҳоланиши билан бирга, хато ва камчиликларимиз ҳам атрофлича танқидий таҳлил этилди. **Стратегия – янгилаш жараёнининг ҳақиқий ҳаракатлар дастури ҳисобланади.**

Сиёсий ҳокимиятнинг асл мақсади – юртимизда халқ ҳокимиятини номига эмас, балки амалда жорий қилиш механизмларини мустаҳкамлаш эди. Бундай кенг миқёсдаги ислохотлардан мақсад эса халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилишига эришишдан иборат.

Аммо модернизациялаш, янгилаш, ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш осон кечадиган жараён эмас. Чунки фуқароларимизнинг фидокорона меҳнат қилиши, сиёсий фаол бўлиши ва жамиятимизда ижтимоий-сиёсий барқарорлиги амал қилиши зарур бўлади. **Жамиятни модернизация қилиш ўта мураккаб жараён бўлиб, у турли тармоқларни ўз ичига олувчи ягона организм.** Уларнинг бирортасига эътиборсизлик эса организмнинг тўлақонли ишламаслигига олиб келади ва у жамиятда парокандаликни келтириб чиқаради. Жаҳон мамлакатлари тажрибасида у ўзининг амалий исботини топган. Айни пайтда, бугун ҳам айрим мамлакатларда жамиятни модернизациялашга бир ёклама ёндашув ҳолатлари содир бўлиши оқибатида уларнинг айримларида беқарорлик вазиятлари юзага келмоқда.

Бу сиёсий жараёни ўтказишдан мақсад аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш бўлганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, уни рўёбга чиқариш учун модернизациялашни аввало иқтисодий соҳадан бошлаш зарур бўлади. Бунинг учун ҳуқуқий базани вужудга келтириш талаб этилади. Лекин, ҳуқуқий базани иқтисодий имкониятлар бўлмаган қуруқ жойда юзага келтириб бўлмайди. Худди мана шундай шароитда моҳирлик билан ҳар икки томон мувозанатини юзага келтириш зарурияти келиб чиқади. Уларнинг **мувозанатини топа олмаслик** бутун модернизация жараёнларини барбод бўлишига олиб келиши мумкин. Демак, бу – модернизациядаги энг катта муаммо. Айниқса, мамлакатларнинг бозор муносабатларига ўтиш ва демократик қадриятларни шакллантириш даврида у мураккаблигича қолмоқда.

Бугунги кунда жамиятни модернизация қилишнинг жаҳоннинг тараққий қилган тажрибалари ҳамда ушбу вазифани амалга оширишга эндигина киришаётган мамлакатлар ҳам мавжуд. Уларнинг кўпчилигида жараён мураккаб кечаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Албатта, бу ана шу мамлакатлардаги объектив шарт-шароитлар айни пайтда мавжуд субъектив омиллар билан боғлиқ ҳолда кечмоқда.

Хулоса шуки, ривожланган мамлакатларда жамиятни модернизациялаш борасида эришган тажрибаларини ва бу мураккаб жараёни ўз бошидан ўтказаётган давлатлардаги вазиятни чуқур таҳлил этиш ҳамда ўзаро қиёслаш асосида тегишли илмий хулосалар ишлаб чиқиш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга

эга. Сабаби, жамиятни модернизациялаш узлуксиз давом этадиган жараён. У жамият тараққиётининг турли босқичларида уларга мос равишда босқичма-босқич амалга оширилади. Булар ҳаммаси мазкур жараённи тизимли ўрганишни ҳамда унинг истиқболи ҳақида аниқ қарашлар тизимини шакллантиришни талаб қилади.

Жамиятни модернизациялашнинг назарий-методологик асослари таҳлил этилиб, қуйидаги хулосаларга келинди:

Биринчидан, модернизация бош мақсади ижтимоий институтлар базасида инсонни тўлақонли ижтимоийлаштириш, маданий ва жипслашган миллатни шакллантириш бўлиши керак.

Иккинчидан, жамиятни модернизациялашнинг барча мамлакатлар учун ягона модели бўлмайди. У халқнинг менталитети, узок вақт давомида шаклланган миллий қадриятлари, урф-одатлари, дунёқарашларининг ўзига хослиги, айти пайтда давлатнинг иқтисодий имкониятлари ва тараққиёт даражаларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади. Бундай шароитда белгиланган ишлар занжиридаги асосий халқани топа билиш талаб этилади, токи у боғловчилик функциясини бажара олсин.

Учинчидан, модернизация шаклланиши жамиятда сиёсий онгнинг даражасига, бозор иқтисоди ва демократиянинг асосий тамойилларини қабул қилиш ва амалга оширишга тайёргарлик даражасига боғлиқ. Бу масалани ечмасдан туриб, мамлакат тараққиётига эришишнинг имкони бўлмайди. Негаки, бу жараёнда нафақат сиёсий тизимни ўзгартириш ва иқтисодий ривожланиш, ҳаттоки жамият тараққиёти стратегиясининг ҳуқуқий базаларини вужудга келтириш қамраб олинади;

Тўртинчидан, Ғарбдан фарқли равишда, постсовет республикаларида модернизация самарасизлигининг асосий сабаби бизнес, тадбиркорликнинг қонунлаштирилган фаолият тури эканлиги халқлар маданиятида етарли даражада асосланмаганлиги, унга нисбатан олий қадриятларга тўғри келмайди, деган эҳтиёткорона муносабат шакллангани боис, Хитой, Японияникига ўхшаб модернизация жараёнини олға сурадиган бозорбоп универсал ғояни ишлаб чиқиш керак бўлади.

Сиёсий модернизациялашнинг жамият ҳаётида тутган ўрни таҳлил қилиниб, ушбу хулосаларга келинди:

Иқтисодий соҳада: билимларга асосланган технологияларни кўпроқ қўллаш, индустрлаштириш, банк, товарлар ва меҳнат бозорини ривожлантириш, инновацияни яратиш, амалиётга

жорий этиш ва рағбатлантириш механизмини яратиш натижасида модернизация жараёни тезлашади.

Ижтимоий соҳада: фуқаролар, жамият, давлат институтларини йўналишига қараб ихтисослаштириш ва ривожлантириш кучаяди. Ихтисослашувда ижтимоий келиб чиқиши, ёши, маълумотига эмас, балки шахснинг билимдонлиги, профессионал касбий маҳоратига кўпроқ эътибор берилади.

Сиёсий соҳада: миллий давлатчилик қайтадан ташкил этилади, ҳокимиятларнинг тенг тақсимланиши, жамиятда барқарорликни сақлаш мақсадида давлатнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий тармоқларида чуқур тузилмавий ўзгаришлар ўтказилиши, давлатнинг демократик тизим ўрнатилишига лаёқатлилиги ошиши, сиёсий институтлар, нодавлат, нотижорат ташкилотлари шаклланиши рўй беради.

Маънавий соҳада: илм-маърифатни ошириш, таълим сифатини такомиллаштириш, хорижий тиллар, муסיқага ихтисослашган мактаб ва махсус курсларни очиш, сўз, виждон ва фикрлар эркинлигини таъминлаш, индивидуализм қадриятларини тушуниш содир бўлади.

Ўтиш даврида модернизация зарурияти ва хусусиятлари таҳлил қилиниб, қуйидаги хулосаларга келинди:

Биринчидан, модернизациялашда халқнинг сиёсий фаолиятида ижтимоий, сиёсий чекловларни олиб ташлаш, фуқароларга давлат бошқарувидаги ўринларни тенглик асосида эркин эгаллаш имконияти пайдо бўлади.

Иккинчидан, фуқароларнинг фаолияти ва манфаатларига мос янги гуруҳлар вужудга келиши орқали ижтимоий муносабатларнинг мураккаблашиш жараёни кечади.

Учинчидан, тизимнинг билимга, инновацияларга қобилияти ошади. Сиёсий ҳокимият стратегик вазифаларни бажариш учун молиявий, инсоний ресурсларни сафарбар этишга куч-қудрат топади.

Тўртинчидан, модернизациянинг ривожланишига ёрдам берадиган ёки унга тўсқинлик қиладиган омиллар орасида маданий омил биринчи ўринга чиқади. Унга амал қилинмаганда, ҳатто ривожланган давлатларда маънавий қашшоқлашув ва унинг оқибатида жамиятнинг парчаланиши юзага келади.

Бешинчидан, дунё тарихида жамиятнинг бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиши бир марта эмас, камида икки мартаба

кузатилади. Ғарбий Европа, Европа, Америка ҳамда Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари аграр жамиятлари индустрлашган жамиятга, кейин эса “янги индустрлашган мамлакат”га айландилар. Демак, мақсадга эришишда иккита босқич босиб ўтилишини ҳисобга олишимиз керак бўлади.

Жамиятни модернизациялашнинг концепциялари ва моделлари таҳлил қилиниб, қуйидаги хулосаларга келинди:

Биринчидан, классик концепция XX аср иккинчи ярмида ривожланаётган давлатларга амалий ёрдам бериш дастури асосида туғилган. Сўнгги даврларда аграр жамиятни индустриал жамиятга трансформациялашда муаммолар кўпайганлиги сабабли, уни сиёсий-фалсафий жиҳатдан қайта комплекс тадқиқ қилиш масаласи турибди;

Иккинчидан, ҳозирги кунда Ғарб ва Шарқ анъаналарини уйғунлаштириб юксак тараққиётга эришаётган Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари (Жанубий Корея, Тайвань, Таиланд, Сингапур, Малайзия)нинг ноанъанавий концепциясига қизиқиш кучаймоқда;

Учинчидан, билим, инновация ва технологияларга асосланган замонавий концепция азалдан индивидуализм ва либерализм устуворлик қиладиган Европа давлатларида кўпроқ қўлланмоқда;

Тўртинчидан, сиёсий модернизация моделлари ичида илдамловчи Скандинавия модели идеал бўлиб, уларда аҳолининг турмуш даражаси жуда юқоридир. Аммо Жануби-шарқий Осиё давлатлари қўллаётган ноанъанавий моделда юқори самараларга эришилаётгани илмий назарияларни қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда;

Бешинчидан, узок йиллик илмий изланишларимиз асосида Ўзбекистон сиёсий модернизациялаш модели (пойдевори) ишлаб чиқилди ва унда асос бўлиб хизмат қиладиган салоҳиятли соҳалар, ташқи ва ички таъсирлар кўрсатиб ўтилди;

Ўзбекистонда жамиятни модернизациялашнинг бугунги ҳолати таҳлил қилиниб, қуйидаги ишлар амалга оширилди:

Биринчидан, республикамызда жамиятни сиёсий модернизациялаш илмий тадқиқотнинг мустақил объекти сифатида, фундаментал тарзда, дастлабки ишлардан бири сифатида тадқиқ қилинди;

Иккинчидан, олий ўқув юртлари учун мўлжалланган ўқув дарсликлари ва қўлланмаларида, илмий тадқиқотларда

модернизациянинг концептуал асослари, унинг объекти ва предмети ўргатиш зарурати таъкид этилди;

Учинчидан, Осиё, Яқин Шарқ давлатларида сиёсий модернизацияни қўллашнинг афзаллик жиҳатлари ва салбий оқибатлари таҳлил этилди;

Тўртинчидан, мамлакатимизда сиёсий институтлар, нодавлат ва ношаро ташкилотлари манфаатларини мувозанатга келтиришда сиёсий модернизация мавқеини юқорига кўтарадиган назариялар ва концепцияларга эҳтиёж мавжудлиги муаммоси олдинга сурилди;

Бешинчидан, ўрта синф ва янги сиёсий элита шаклланишининг модернизация ривожига ўрни, шунингдек, бюрократиянинг салбий жиҳатлари очиқ берилди, бу борада таъкидлар илгари сурилди.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда, ушбу асосий хулосани таъкид этамиз:

1. “Сиёсий модернизация”, “миллий ривожланиш”, “жамият сиёсий тизимини модернизациялаш” тушунчаларини сиёсатшунослик, фалсафа, социологиянинг махсус категорияси ҳамда тадқиқот объекти сифатида ўрганиш ижтимоий-фалсафий билимлар мазмунининг кенгайишига олиб келади.

2. Ривожланган хорижий мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий ривожланиш ҳолати, даражаси сиёсий-фалсафий таҳлили асосида Ўзбекистон Республикасида жамиятни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий жиҳатдан модернизациялаш концепцияси механизмнинг ишлаб чиқилиши мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларини мутаносиб равишда вужудга келтириш учун реал имкониятларни яратади.

3. Ўзбекистон Республикаси шароитида тарихий тараққиёт босқичлари, миллий қадриятларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, жамиятни модернизациялаш тамойилларининг белгиланиши, ижтимоий-сиёсий ривожлантириш омиллари, мезонлари ва талабларнинг шакллантирилиши амалга ошириладиган ислохотлар ва модернизациялаш жараёнлари самарадорлигини таъминлашга олиб келади.

4. Жамиятни ижтимоий-сиёсий модернизациялашда америка, швед, немис, француз, турк, хитой ва япон моделлари хусусиятларини таҳлилий ўрганиш натижасида мамлакатда ишлаб чиқилган модернизациялаш модели ва механизмлари давлат

бошқарув органлари билан аҳоли ўртасида очик мулоқотни, шаффофликни таъминлашга хизмат қилади.

5. Жамиятни сиёсий тизимини модернизациялашда халқ қабулхоналари, электрон ҳукумат тизими механизмларидан фойдаланиш маъмурий бошқарув сарф-харажати камайишига, ижро ҳокимияти самарадорлиги ошишига, жамият ва ҳукумат ўртасидаги ўзаро муносабатларни мувозанатлаштиришга, демократияни такомиллаштиришга имконият яратишга ҳамда халқ олдида сиёсий ҳокимият масъулиятининг кучайиб боришига хизмат қилади.

6. Жамиятни модернизациялашда бешта устувор йўналишдаги Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида кичик бизнес ва тадбиркорликни ҳудудий хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда оммавийлаштириш, хорижий инвестицияларни киритиш ҳамда жойларда янги иш ўринларини ташкил этиш механизмлари янги турдаги рақобатбардош маҳсулотларни етиштиришга, меҳнат самарадорлигини оширишга ва аҳолининг турмуш даражасини кўтаришга олиб келади.

7. Жамиятни ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий модернизациялашда республикамизнинг халқаро муносабатларда ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида олиб бораётган шаффоф ташқи сиёсати: чет эл инвестицияларини жалб қилиниши; инфратузилманинг яратилиши; экспорт салоҳияти оширилиши; маҳсулот ва хизматлар рақобатбардошлигини ошириш усуллари ва механизмларининг такомиллаштирилиши ҳамда Ўзбекистоннинг иқтисодий юксалиши унинг дунё мамлакатлари ўртасидаги имижини ва рейтинг кўрсаткичи юқорилигини таъминлайди;

8. Глобаллашув ва интернет ахборот ресурсларининг жаҳон бўйлаб чегарасиз тарқалиши даврида жамиятни сиёсий-ижтимоий, иқтисодий-маънавий жиҳатдан модернизациялаш жараёнида салбий таъсирлардан ҳимояланишда ёшлар онгига миллий қадриятларни асраш, дини ва миллати, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, тенглик, диний бағрикенглик, дўстона ҳамжиҳатлик ғояларини сингдириш, сиёсий маданиятни ошириш, ижтимоийлашиш кўникмасини шакллантириш жамиятнинг маданий ва иқтисодий ривожланишини таъминлайди;

9. Ўзбекистонда жамиятни трансформациялаш жараёнида мамлакатни модернизациялаш, ижтимоий-сиёсий ривожлантиришнинг механизми сифатида халқ қабулхоналари жорий

этилиши, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари расмий веб-сайт ва порталлари такомиллаштирилиши, суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситаларининг мустақил бўлиши маъмурий тўсиқларни олиб ташлаш, коррупцион ҳолатларнинг камайиши, фуқароларнинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига ишончи ортишига, жамиятда очиқлик ва шаффофликни таъминланиши натижасида давлат бошқарув органлари фаолияти самарадорлигини янада оширишга имкон беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Раҳбарий адабиётлар

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 24-28.

Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этайлик. –Т.: Ўзбекистон, 2016. – Б. 11.

Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. –Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 32.

Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –Б. 18.

Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –Б.289-296.

Каримов И. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари // Ватан саждагоҳ қаби муқаддасдир. 21 томлик. –3 том. –Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 14.

Каримов И.А. Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари // Янгича фикрлаш ва ишлаш –давр талаби. 21 томлик. –Т.: Ўзбекистон, 1997. –5 том – Б. 31, 35.

Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. 21 томлик. –Т.: Ўзбекистон, 1997. –6 том. – Б. 12-13, 181.

Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш –мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. 21 томлик. –Т.: Ўзбекистон, 2011. –19 том. – Б. 35-107.

Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2011. – Б. 172.

Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. –Т.: Ўзбекистон, 2011. – Б. 4.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. [www. Lex. uz](http://www.lex.uz)

Монография, дарслик, ўқув қўлланма ва рисолалар

Абдулаев Э.Н., Мендрин В.М. История сегуната в Японии. –Т.1. – М.: СПб. В 2 –х т. 1999. –С. 54-90.

Айтматов Ч., Шохонов М. Чўққида қолган овчининг оҳи-зори. Тарж.: Н.Бокий, Ё.Хўжамберди. – Т.: Шарқ, 1998. –Б. 169.

Ali Al-Amin Mazrui. Cultural Forces in World Politics. –London:James Currey, 1990. –р. 4–5

- Амонов Б. Сиёсий модернизациялаш моделлари ва Ўзбекистон тажрибаси. – Т.: Fan va texnologiya, 2012. –Б. 148-152, 172-178.
- Brzezinski Z. The Grand chessboard American primacy and its geostrategic imperatives, Basic Books, NY, 1997. – p. 31.
- Бурлацкий Ф.М. Русские государи. Эпоха реформации. – М.: 1996. –С. 115 -248.
- Буюк сиймолар, алломалар. К.1. –Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси, 1995. – Б. 91-92.
- Валлерстайн И. Анализ мировых систем и ситуация в современном мире. / Пер с англ. – СПб.: Университетская книга, 2001. – С.41.
- Великие реформы в России (1856-1874). Сб. статей. – М., 1992. –С. 189-212.
- Век XX: Политика. Люди. Судьбы. – Т.: Шарк, 2007.–С.29-31, 112.
- Гаджиев К. Введение в геополитику. – М.: 2003. – С. 308-309.
- Гаспринский И. Из наследия. Симферополь, Таврия, 1991. – Б. 42-43.
- Гафарли М.С., Касаев А.Ч. Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик – тараққиёт асоси. –Т.: Ўзбекистон, 2001.–Б. 206-207.
- Гегель Ф. Философия права. – М.: Мысль, 1990. – Б. 469.
- Дэн Сяопин. Строительство социализма с китайской спецификой. – М.: 1997. – С.36, 59, 112, 285.
- Жумаев Р. Давлат ва жамият: демократлаштириш йўлида. – Т.: Шарк, 1998. –Б.11.
- Жўраев Н. Юксалиш: портретга чизгилар. Сиёсий эссе. –Т.: Ўзбекистон. 1995. – Б.44-45.
- Кози Л. Ж., Арато Э. Гражданское общество и политическая теория. – М.: Весь Мир, 2003. – С. 134.
- Комилов Н. Тафаккур карвонлари. –Т.: Маънавият, 1999. – Б. 57.
- Левитин Л., Карлайл Д. Ислом Каримов – янги Ўзбекистон президенти. Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 90, 95.
- Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. – Т.: Ўзбекистон, 2001. –Б. 79, 136-140, 168, 182-183, 316, 364.
- Медведев Р. Владимир Путин: третьего срока не будет? – М.: 2007. – С.432.
- Медведев Р. Личность и эпоха: Политический портрет Л.И. Брежнева. В 2-х кн. – М.: 1991. –С. 78-107.
- Мисима Ю. Голоса духов героев.–М.:Летний сад,2002.–С. 202-205.
- Низомулмулк. Сиёсатнома ёки сияр ул-мулк.–Т.:Адолат,1997.–Б. 16.
- Одилқориев Ҳ., Ғойибназаров Ш. Сиёсий маданият. –Т.: ТДЮИ, 2004. – Б. 5.
- Отамуратов С. Миллий ривожланиш фалсафаси (сиёсий-фалсафий кирралари). – Т.: Akademiya, 2005. – Б.24, 97.
- Отамуратов С. Глобаллашув ва миллат. – Т.: Янги аср авлоди, 2008. – Б. 145.

- Отамуратов С. Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик. – Т.: Ўзбекистон, 2013. – Б. 98,111,189.
- Отамуратов С. Глобаллашув: миллатни асраш масъулияти.– Т.: Ўзбекистон, 2018. – Б. 73.
- Омон Б. Сиёсий етакчининг нотиклик маҳорати. –Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 70, 79.
- Омонов Б. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти очиклигини таъминлаш механизмлари. –Т.: Global Books, 2017. –Б. 41-49.
- Parsons T. The System of Modern Societies, Englewood Cliffs (N.J.). Development theory: Four critical studies. Ed. By Lehman D.L. 1979;
- Пахрутдинов Ш. Таҳдид–ҳалокатли куч.–Т.: Академия, 2001. –Б. 155.
- Петросян Ю. Османская империя. – М.: 1990. – С. 107-133.
- Поланьи К. Великая трансформация. –СПб.: Алетея, 2002. – С.314.
- Пугачев В., Соловьев А. Сиёсатшуносликка кириш. –Т.: Янги аср авлоди, 2004. – Б. 26-27.
- Согрин В.Б. Политическая история современной России: от Горбачева до Путина. – М.: Весь Мир, 2001. – С.177-198.
- Сафоев С. Марказий Осиёдаги геосиёсат. – Т.: ЖИДУ, 2005. – Б. 54, 129, 131.
- Травин. Д. Европейская модернизация: в 2 кн. Кн. 1/Д. Травин. О. Маргания. – М.: СПб., 2004. – С. 72.
- Турен А. Возвращение человека действующего. Очерк социологии / Пер. с франц.–М.: Научный Мир, 1998. – С. 205.
- Умарова Н. Сиёсий бошқарув асослари.–Т.: Akademiya, 2007. – Б.41.
- Шамир И. Хозяева дискурса: Американо-израильский терроризм. – М.: 2003. –С. 198.
- Ўзбекистон: давлат ва унинг йўлбошчиси. Арабчадан таржима. Дораш-Шуруқ, Қоҳира, 1999. –Т.: Ўзбекистон, 1999.– Б. 64-65.
- Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба. –Т.: Янги аср авлоди, 2006. – Б.204.
- Қодиров А. Сиёсат фалсафаси. –Т.: ТДЮИ, 2005.– Б. 115.
- Қодиров А. Анъанавий жамият ва уни модернизациялаштириш стратегияси. –Т.: 2006. – Б. 5, 21.
- Кучқоров В. Миллий ўзликни англаш ва барқарор тараққиёт. – Т.: Akademiya, 2013. – Б. 63-64.
- Қурунов М. Эзгу ғоялар рўёби. – Т.: Маънавият, 2011. – Б. 90-92.
- Қосимов Б. Миллий уйғониш.–Т.:Маънавият,2002.–Б.180-181,193-194.
- Ғафуров И. Мангу латофат. – Т.: Шарқ, 2008. – Б. 348-349.
- Фармонов Р., Жўраев Қ. Қиёсий сиёсий тизимлар ва кўппартиявийлик. –Т.: 2000. –Б. 9-10, 105.
- Фармонов Р., Жўраев Қ., Турдиев М. Замонавий сиёсатшунослик: назария ва амалиёт. –Т.: ЖИДУ, 2013. – Б. 206.
- Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шахри. – Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси, 1993. – Б. 186.

- Фомина А.С. История модернизации в России.—М.:2003.—С. 13-15, 26.
- Хантингтон С. Столкновение цивилизаций.—М.:АСТ,2003.— С. 514.
- Huntington S. Conservatism as and Ideology. In: American Political Science Review. 1957. Vol.51. — p. 454 — 473
- Huntington S. The Change to Change: Modernization, Development, and Politics in: Comparative Politics. 1971. NY. 3. —p. 283-322.
- Хейвуд Э. Политология – Politics.Учебник для вузов. – М. : ЮНИТИ, 2005. —С 245- 267.
- Хидзия-Киршнерайт И. Военная вина, послевоенная память: преодоление прошлого в Японии. – М.: Новое литературное обозрение, 2005.— С. 491.
- Цицерон. Диалоги о государстве, о законах. – М: 1966. – С. 39.
- Farganis J. Readings in Social Theory: The Classic Tradition to Post-Modernism. – New York: McGraw-Hill. 1996.
- Фалсафа: қомусий луғат. Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, Шарқ, 2004. – Б. 190.
- Фалсафа: қисқача изоҳли луғат. – Т.: Шарқ, 2004. – Б. 347, 401.
- Ҳақиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф. –Т.: Янги аср авлоди, 2002. – Б.36. 186-187.

Қўшимча адабиётлар

- Алмонд Г. Политическая наука: история дисциплины // Полис, №6, 1997. —С.174-183.
- Алпатов В.М. История и культура Японии / Сборник статей Института востоковедения РАН. – М.: 2002. – С. 211-263.
- Амонов Б. Осиё мамлакатларида модернизациялаш жараёнлари // Шарқшунослик. 2010, №2. –Б. 110-113.
- Амонов Б. Шарқий Осиё давлатларининг ўзига хос сиёсий ислохотлар тажрибаси // Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. 2010, №3-4. – Б. 116-119.
- Амонов Б. Россия жамиятини модернизациялаш жараёни // Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. 2011, №1. – Б.83-85.
- Amonov B. An Analysis of the Modernization Process in the Commonwealth of Independent States (CIS). Decision ethics.2011, VII.3.—New York, USA.— p.151-166.
- Амонов Б. Глобаллашув ва сиёсий янгиланиш// Тафаккур, 2012. —№3. – Б. 111-113.
- Амонов Б. Корни модернизации общества // –М.: Молодой ученый, 2012, №4. – С. 311-313.
- Амонов Б.А. Жамиятни модернизациялашда глобаллашувнинг ўрни // Тошкент, Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари.—2016. —№ 2. —Б.27 -29.
- Амонов Б.А. Концепция модернизация в политической науке // Волгоград, Наука и мир. —2016. —№2. —С. 86-88.

- Amonov B. Process of modernization in commonwealth of independent States (CIS) // USA, Theoretical & Applied Science, 2016. 08 (40). – P. 43-48.
- Amonov B. The peculiarities of passing to democratic society in Uzbekistan // USA, Theoretical & Applied Science, 2016. 09 (41). – P. 89-92.
- Арасту. Ахлоқи кабир. М.Маҳмудов тарж. // Тафаккур, 1997, 3-сон. – Б. 104.
- Беляков А. Акио Морита. Душа компании // Интеррос, № 1, 2001. – С. 53-58.
- Гаджиев К. Сравнительная политология // Вестник МГУ. Серия № 12. Политические науки. 1996, № 2. – С. 20-21.
- Зекриет Р. Есть ли у Казахстанского барса шанс стать драконом // МЭ и МО, 2001, № 4. – С. 113-116.
- Ежов В. Людвиг Эрхард и “немецкое чудо” // Обозреватель, № 3 (122), 2000.
- Кумехов К.Р. Французская модель // Российские вести. 16.02.1994.
- Ли Ин Сонг. Россия и модели развития Восточной Азии // МЭ и МО, 1997, №8. – С. 121-122.
- Ли Куан Ю. Интервью газете Spiegel // Spiegel, № 32. — 08.08.2005.
- Мехди И. Либерал-демократическая проблематика и опыт религиозной демократии // Двадцать пять лет исламской революции в Иране. – С. 17.
- Низом Ф. Манфаат ва холислик // Тафаккур, 2009, 3-сон. – Б. 19.
- Пантин В. И., Лапкин В.В. Волны политической модернизации в истории России. К обсуждению гипотезы // Полис, 1998. № 2. – С. 39-51.
- Погосян Г. Глобальные тенденции мирового развития и перспективы Кавказа // Общество и экономика. М.: 1999. № 10-11. – С. 226-230.
- Титаренко М.Л. Жизнестойкость и стабильность китайской цивилизации – условие развития Китая. Востоковедение и мировая культура. – М.: 1998. – С. 59.
- Тоффлер О. Келажак билан тўқнашув // Жаҳон адабиёти, 1998, 4-сон. – Б. 112.
- Тоффлер О. Учинчи тўлқин // Жаҳон адабиёти, 2001, 1-сон. – Б. 181.
- Фадин А. Модернизация через катастрофу // Кентавр, 2003, № 1. С. 36-41.
- Фукуяма Ф. Конец истории // Вопросы философии. – 1990. №3. – С. 134-135.
- Цапф В. Теория модернизации и различия путей общественного развития // Социологические исследования, 1998. №8. – С. 14-26.
- Послание Президента Федеральному Собранию Президента России // Сайт Президента России. 20 февраля 2019 г. www.kremlin.ru
- Послание Президента Республики Казахстан Н.Назарбаева народу Казахстана // Официальный сайт Президента Республики Казахстан. 10 января 2018. www.akorda.kz
- Послание белорусскому народу и Национальному собранию. 19 апреля 2019 г. www.president.gov.by

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
------------	---

Биринчи боб. Жамиятни модернизациялашнинг назарий-методологик асослари

1.1.Модернизация тушунчаси мазмун-моҳияти ва фуқаролик жамияти ривождаги аҳамияти.....	6
1.2.Жамият ҳаётини модернизациялаш концепцияларининг муҳим хусусиятлари.....	16
1.3.Модернизация жараёни зарурияти, инқирозлари ва ривожланиш тенденциялари.....	27

Иккинчи боб. Жамиятни модернизациялаш асосий тамойиллари ва мезонлари

2.1.Жамиятни модернизациялашнинг генезиси ва тадрижий такомиллашувини белгиловчи омиллари.....	40
2.2.Сиёсий модернизация таркибий тузилмалари, тамомойиллари ва мезонлари	50
2.3.Модернизация концепция ва моделларининг сиёсий-фалсафий таҳлили.....	66

Учинчи боб. Модернизация концептуал моделлари шаклланиши сиёсий-фалсафий жиҳатлари

3.1.Европа жамиятларида модернизациялашнинг иқтисодий самаралари ва муаммолари.....	78
3.2.Марказий ва Жануби-шарқий Осиё давлатларида модернизация шарқона моделининг намоён бўлиши.....	92
3.3.Постсовет республикаларида демократик қадриятлар шаклланишининг ўзига хос йўли.....	113

Тўртинчи боб. Ўзбекистонда жамиятни модернизациялаш: барқарорлик ва ижтимоий ривожланишнинг бош омили

4.1.Ўзбекистонда сиёсий модернизация жараёнининг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари.....	137
4.2.Модернизациялаш ва миллий ўзликни англашда фуқаролик жамияти институтларининг тутган ўрни.....	152
4.3.Ҳаракатлар стратегияси – миллий тараққиётнинг такомиллашган концептуал модели	174

Хулоса.....	193
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	201

Ўқув-маърифий нашр

Бахтиёр Ахтамович Омонов

**ЖАМИЯТНИ
МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИНГ
КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ**

Монография

Тошкент – “Aloqachi” – 2019

Нашриёт лицензияси № 176. 11.06. 2010 й.

Муҳаррир: Қ. Матқурбонов
Тех. муҳаррир: А. Тоғаев
Мусаввир: Б. Эсанов
Мусахҳих: А. Санакулов
Компьютерда
саҳифаловчи: Ш. Тўхтамуродов

Босишга рухсат этилди 12.06.2019.

Бичими 60x84 ¹/₁₆. «Times Uz» гарнитураси.

Шартли босма табағи 13,5. Нашр босма табағи 13,0.

Адади 60. Буюртма № .

“Nihol print” ОК да чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Мухтор Ашрафий кўчаси, 99/101.